Муҳаммад Юсуф

сайланма

"SHARQ" НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2016

Сайланма

Шеърлар
Достонлар

"SHARQ" НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2016

УЎК 811.512.133-1
КБК 84(5Ў)6
М – 96

Масъул муҳаррир
Носиржон ЖЎРАЕВ

М – 96 **Юсуф, Муҳаммад.**
Сайланма: шеърлар, достонлар / М.Юсуф.– Т.: “Sharq”, 2016. – 384 б.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номини билмаган, лоақал у ёзган шеърларнинг бир сатрини хиргойи қилмаган юртдошимиз бўлмаса керак. “Сайланма”нинг шоир таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб тайёрланган ушбу қайта нашрига китобхонлар томонидан самимий кутиб олинган энг сара шеърлари, “Кўҳна қудуқ” ва “Қора қуёш” достонлари киритилган.

ISBN 978-9943-26-449-6

УЎК 811.512.133-1
КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-26-449-6

© Муҳаммад Юсуф 2016.
© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007, 2012, 2014, 2015, 2016.

Шоирнинг сўзи тинмайди

Адабиёт, бадиий адабиёт халқнинг руҳий оламини, ички дунёсини сўз воситасида очиб берадиган, кишиларни руҳлантира олишга, қанотлантиришга қодир буюк бир санъат. У инсоннинг касбидан қатъи назар, каттадан-кичик барчага баробар бирдай азиз ҳисобланадиган неъматдир. Зеро, у – кўнгил фани. Кўнгиллар равшанлиги ўшандандир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг шу йўлда адабиётимиз, умуман, маънавиятимиз ривожига катта аҳамият бериб келаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. 1991 йил Ўзбекистонда "Алишер Навоий йили" деб аталди. Тошкент шаҳри марказида – Ўзбекистон Миллий боғида буюк шоир ва мутафаккирга муҳташам ҳайкал очилиши фараҳбахш байрамга айланиб кетди. Адабиётимизнинг забардаст вакиллари таваллуд кунлари юксак мақомларда нишонланганги кўнгилларга ғурур бағишлади. Истиқлол учун курашган бир гуруҳ марҳум адибларимизга Мустақиллик ордени берилди. Булар айрим мисоллар, холос.

2009 йилда муҳтарам Президентимизнинг бадиий ижод ривожланишида кескин бурилиш ясаган "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" номли пурмазмун рисоласи эълон қилинди. Рисолада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг олиб бориши лозим бўлган фаолияти аниқ белгилаб берилди ва бу рисола бугунги кунда ижод аҳли,

Ёзувчилар уюшмаси учун ёркин дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 февралда эълон қилинган “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қалам аҳли учун оламшумул аҳамиятга эга бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Унда Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди олдига ҳақиқий ёзувчиларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш, юксак савияли бадиий асарлар ёзиш учун мақбул шароит ва имкониятлар яратиб бериш, кекса ижодкорларга ёрдам кўрсатиш, ёш ижодкорларнинг илк китобларини давлат ҳисобидан нашр этиш каби ва бошқа кўп қутлуғ вазифалар қўйилди. Бугунги кунда Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникаси, “Дўрмон” ижод уйи тўла таъмирланган ҳолда ёзувчиларимизга хизмат этмоқда. Биз, ижод аҳли, жами кексаю ёш ижодкорлар яратилган бундай қулай шароитлар, самимий ғамхўрлик ва катта эътибор учун муҳтарам Президентимизга ўз миннатдорликларимизни изҳор этишдан асло чарчамаймиз.

2013 йил 27 декабрь куни “Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Қарор матбуотда эълон қилинди. Маданий ҳаётимизда катта аҳамиятга молик, кенг ўқувчилар оммасини, бутун жамоатчиликни, ижод аҳлини бағоят мамнуну масрур этган ушбу қарор Юртбошимиз томонидан адабиётимиз, маънавиятимизга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ажойиб намунаси, олиб борилаётган изчил сиёсатнинг ёрқин намойиши бўлди, десак тўла ҳақлимиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, адабиёт аҳлига бўлаётган бундай муносабат ҳар мамлакатда ҳам учрайвермайди. Буни билишимиз ва қадрлашимиз керак. Давлат раҳбарининг минг

битта кечиктириб бўлмайдиган юмушлар турганда, вақт ажратиб халқнинг севимли бир шоири таваллуди кунини ўтказиш тўғрисида давлат ҳужжатига имзо чекиши чиндан ҳам нодир воқеа! Бу умуман юртимизда ижодга ҳурмат, қалам аҳлига эътиборни, айни пайтда Ёзувчилар уюшмасига, барча адибларимиз зиммасига юклатилган улкан масъулиятни билдириб турибди. Ўзим кўп бор АҚШда бўлганман, лекин бирон марта ҳам мамлакат президентининг қайсидир адиб ёки шоир ҳақида қайғуриб, унинг таваллуд кунини нишонлаш борасида фармон чиқарганини кўрган эмасман. Муҳтарам Юртбошимизнинг эса учрашувлардан бирида ҳатто бир ёзувчимиздан, янги китоб қачон чиқади, деб қизиқиб сўраганлари ҳамон ёдимда.

Оташин ва ёлқинли шоир Муҳаммад Юсуф, дарҳақиқат, ҳар қанча иззат-икром кўрсатилса арзийдиган сўз санъаткоридир.

Қарорга асосан белгиланган тадбирлар жуда ранг-баранг. Унга кўра шоирнинг “Сайланма” асарлари, “Муҳаммад Юсуф замондошлар хотирасида”, ўзбек шоирларининг шоир хотирасига бағишланган шеърларидан иборат “Сен халқимнинг юрагида яшайсан” каби китоблар нашр қилинади, шоирнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм тайёрланади, Тошкентда шоир яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилади, уй атрофи ободонлаштирилади, шоир таҳсил олган Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетида шоирнинг ижоди ва фаолиятини акс эттирадиган махсус хона-музей ташкил этилади, шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлардан иборат “Назм ва наво” кечаси бўлиб ўтади.

Шоир ижодининг аҳамиятини, унинг она Ватанга бўлган чексиз муҳаббатини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларга

ўрнак ва ибрат сифатида етказиш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда мамлакатнинг барча вилоятларида январь – апрель ойларида “Адабиёт кунлари”ни ўтказади.

Апрель ойида Андижон вилояти театрида ҳамда Тошкентдаги Ўзбек Миллий академик театри биносида ўтадиган шоир таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий анжуманларда мамлакатнинг таниқли ижодкорлари ва санъаткорлари, давлат ва жамоат арбоблари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этадилар.

Ўзбекнинг замини бебаҳо ва дунёда ўхшаши топилмас ўлка. Унинг замини пок, ҳавоси тоза, осмони мусаффо, одамлари оқ кўнгил, танти. Бу заминда туғилган одамнинг шеър ёзмай иложи йўқ. Шу сабабдан ҳам, ўзбек халқининг юз бўлмаса ҳам, нақ тўқсон беш фоизи шеър ёзади, қалам тебратади. Бу аксиома. Бу халқнинг Лутфий ва Навоий, Бобур ва Машраб, Нодира ва Огаҳий, Чўлпон ва Ойбек, Ғафур Ғулом ва Зулфия, Миртемир ва Усмон Носир, Абдулла Ориф ва Эркин Воҳид сингари ҳар бири дунёга татирли шоирлари бор. Бундай заминда шоир бўлиш осон иш эмас.

Лекин бир ҳикмат ҳам бор: Ўзбекистон замини сеҳрли, фазилатларга бой. У ўз фарзандларига куч-қувват бераверади, шижоатлар ато этаверади, кўнгилларга илҳомлар солаверади, шоирлар туғилаверади, ўтли шоирлар етишаверади. Ўтли шоирлар!

Муҳаммад Юсуф ана шундай она Заминини суйган ўтли шоирлардан бири эди. У шу тупроқда туғилди, шу тупроқни севди, шу тупроққа жонини фидо қилди. Андижоннинг танти ва жўмард ўғлонларидан бири Муҳаммад Юсуф ўз шеърларини куйлаб ёзар эди, унинг шеърлари мусиқадай

қуйилиб келар, ҳали сиёҳи қуримай қўшиқ бўлиб кетарди. Қўшиқлари шунчалар самимий ва табиий эдики, ўз-ўзингдан хиргойи қилиб юборганингни билмай қолардинг кишн. У чинакам халқ шоири, мустақиллик учун курашган ижодкорлардан биридир. Ўзбек, миллат, Ватан, озодлик, ўзбеклик ғурури, улуғ боболарга ворислик туйғуси унинг шеърларида гупуриб туради. Шеърлар номига эътибор беринг: "Ўзбекистон", "Ўзбек", "Ўзбекнинг аёллари", "Ўзбекмомо", "Ўзбек қизлари", "Ватан", "Ватан мадҳи", "Ватан ягонасан", "Ватанни севинг", "Менинг Ватаним"...

Зиё оққан мен юрган йўл-йўлакка
Шому Ироқ зор термулган ўзбекман.
Дунёларни ўргатирган ипакка,
Тилла қўнғироқли карвон ўзбекман! –

деб ёзади шоир ғурур билан "Ўзбекман" номли шеърида.

Шоир кам гапирарди, кўпроқ эшитарди, ўз-ўзини бўрттириб кўрсатиш касалидан мутлақ йироқ, самимий инсон эди, шу сабабдан ҳам ҳамиша шеърият мухлислари унинг атрофида парвона бўлардилар.

Эсимда бор, ўтган асрнинг етмишинчи йиллар охирлари эди чамаси, Ёзувчилар уюшмасида катта мушоира бўлди. Қорачадан келган бир йигитча минбарга чиқиб, таниқли шоирлар қаторида шеър ўқиди, ўқиди-ю улоқни олиб кетгани билинди! Бу ёш шоир Муҳаммад Юсуф эди, унинг шеъри дўппига бағишланганди. "Бош қолмади дўппига лойиқ" сатрини келтирганда, зал олқишларга тўлди. Назокат билан айтилган, чуқур рамзий маънога эга бу шеър ўзбекликни, ўзбекни улуғловчи, ғуруримизни юксакка кўтарувчи тимсол сифатида жаранглаганди. Ҳа, шоир дўппига лойиқ одамлар бўлишини, шуларнинг сафида шахдам юриш-

ни орзу қилди. Уз шеъридан қиёс келтириб айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуф халқимизнинг «дўппига лойиқ бош»ларидан — инсонларидан бири бўлиб камолга етди.

Муҳаммад Юсуф шеъриятининг энг олий фазилати, фикримча, бу унинг соф ва пок самимиятида мужассамдир. Самимият, халқона руҳ унинг шеърларини жилолантириб, безаб, уларга бетакрор кўрку тароват бағишлайди. Энг яхши фазилатларидан яна бири – лоқайдликдан йироқлик, ҳаётга бефарқ эмаслик. Куйиканак кўнгил, аммо йиғлоқилик, қўл қовуштириб тақдирга тан бериб ўлтириш унга ёт. У кўрган, завқланган ёки нафратланган нарсасини дарҳол ифодалашга интилади, қўлига қалам олади. Ижодининг тематикаси ҳам кенг. Шоир Бобораҳим Машраб (“Шоҳ Машрабни қучгим келур”, – дейди “Менга беринг” шеърида), Сергей Есенин каби ва бошқа мумтоз улуғ шоирларнинг асарларини севиб ўқирди, ўрганарди.

Шоир ижодида бўй чўзиб турган муҳташам образ – бу, албатта, Ватан образи, Ўзбекистон тимсоли. Унинг Ватанга муҳаббати жуда ғаройиб... “Ватанни ғаройиб ишқ-ла севаман”, – деб ёзган эди рус шоири Михаил Лермонтов. Муҳаммад Юсуф “юрагининг Олампаноҳи бўлган” Ватан ҳақида ҳамиша жўшиб ёзади. У том маънода Ватан куйчиси. Шоир назарида, Ватанга муҳаббат – Ватан учун фидо бўлмоққа тайёр туриш, ўзига ҳеч нарса тиламаслик, буюк садоқат, ихлосдан иборат.

Дўстлар, оғиз тўлдириб Ватан
Дея олмоқ ўзи бахт экан! –

дея ҳайқиради “Ҳур ўлкам” шеърида. Бу ёруғ оламнинг жаннатлари борлигини, кўплигини айтиб, аммо Ватандан бўлаги бари миннат эканини таъкидлайди. Бунда теран фал-

сафа мужассам. Ватан, бу – “Той қоқилиб, от бўлгувчи яйловдир”, – дейди. “Юртнинг этагини ўпишга (ҳатто! – ***М.А***.) осмон энгашган...”ганини кўриб ғурурланади шоир. Бу Ватанда “кулгичида офтоб чиқиб, офтоб ботган” гўзаллар яшайди, дея шавқу сururга тўлади шоир қалби. “Зоҳиринг сувдай тиниқ, ботининг зарбулмасал...” дея васф этади “Ҳайрат” шеърида. “Алла айтсанг айвонингда ухлар қуёш...”, дея мақтанади.

“Изҳори дил” шеърида шундай сатрлар бор:

Кўҳна тол бешикдан
Бошланар олам,
Сенга иддаолар
Қилмай севаман.
Бир куни синглим, деб,
Бир куни онам,
Ватан,
Кимлигингни
Билмай севаман.

Шоирнинг Ватанга муҳаббати ғаройиблиги худди ана шунда, яъни: “...иддаолар қилмай севаман!” – дейишида! Бу, айниқса, ёшлар учун катта ибрат намунасидир.

Муҳаммад Юсуф шеъриятининг хусусиятларидан бири унинг мавзуни ўйлаб чиқармаслигида, балки бевосита ҳаётнинг ўзидан олишида кўринади. Шоир учун мавзунинг катта-кичиги йўқ, ҳар қандай мавзуда маҳорат кўргизиб зарур хулоса чиқара олади. Бир кун уйига қайтаётиб, шоир бир чирқиллаб ётган қарғанинг дарахтда оёғи айри навдага илиниб осилиб қолганини кўради. Атрофга одамлар йиғилади. Лекин дарахтга чиқиб қушни қутқариб олишга бир ёш бола керак, аммо у топилмайди. Хуллас, қуш ҳолдан тояди,

ҳамма уй-уйига кириб кетади... Шоир эрталаб туриб қараса, қарға жойида йўк, қузғунлар қушни қутқариб олиб кетишибди!

Бошга кулфат тушган кунда шеригин
Ташлаб кетмас экан қузғунлар ҳатто! –

деган ҳаётий хулоса ясайди шоир, унинг тагида беоқибат инсонларга шама борлиги шундоккина кўриниб турибди.

"Кўкламойим" деб табиатни эркалайди, ўзини табиатга жуда якин олади, кейин "Кўкингдан бер бир чимдим...", дея эркаланиб қўяди ҳам. "Ўзим кўчкор шоирман", дейди "Оқ кўчқор" шеърида тантилик, чапанилик қилиб. Умуман, шоирнинг "Қарға,", "Мунчоқ", "Қалдирғоч", "Оқ кўчқор", "Чўлоқ турна", "Жайрон", "Эрка кийик" номли бир қатор шеърлари тил-забонсиз жониворларга меҳр, табиатга муҳаббат туйғулари билан суғорилганини кўрамиз.

Муҳаммад Юсуф шеърларининг яна бир фазилати унинг соддалигидадир. У ўз шеърлари учун ҳар хил шакллар ҳам қидириб юрмайди, халқ қўшиклари йўлида, гоҳида мурабба шаклида қалам тебратишни хуш кўради. Шунда шеърлар қоғозга равон ва содда тушади, маъносини тушуниш ҳам осон кечади. Чунончи, "Ўзбек" шеърида шундай сатрлар бор:

Ёмон шеър ёзсанг ҳам, бетингдан ўпиб,
Кам бўлма, болам, деб яшайди ўзбек...

Бунда ўзбекнинг кенгфеъл, кечиримли, танти ва жўмардлиги жуда чиройли акс эттирилган. Ёки "Андижон" номли шеърида шоир ёзади:

Бобурга илинсанг, менга қовун сўй,
Чўлпонни соғинсанг, мени кучоқла...

Мана шу содда сатрларда оддий сўзлар билан шоир бутун тарихни ифодалаб беришга эришади. Хаёлимиз ўз-ўзидан Андижоннинг фарзандлари тақдирига кетади, олис тарих йилларига бориб уланади... Бу шоирнинг улкан маҳоратидан хабар беради. Шоир ижодида бундай мисолларни кўплаб топиш мумкин.

Умуман, шоир шеъриятида халқимизга хос ҳаётсеварлик, деҳқонча руҳ, тантилик, чапанилик, шарқона донишмандлик, соддалик, майин лиризм, шўхлик каби хислатлар бир-бирига омухта бўлиб ранго-ранг манзаралар ҳосил қилади.

Мустақиллигимизни баланд пардаларда куйлаган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шарафли умр кечирди. Бугун шоирнинг “Лолақизғалдоқ”, “Иқрор”, “Муҳаммадқодир”, “Мен дардимни кимга айтаман”, “Меҳр қолур, муҳаббат қолур”, “Биз бахтли бўламиз”, “Ўзбекман”, “Дунё” сингари ва яна кўп илиги тўқ, мукаммал, оҳанрабоси кучли гўзал шеърлари шеъриятимиз саройини безаб турибди. Мамлакатимизда шоир таваллуди 60 йиллигининг кенг нишонланаётгани унинг шарафли умр кечирганини яққол намоён этмоқда.

Шоир Шавкат Раҳмон хотирасига бағишланган “Лолақизғалдоқ” шеърида:

Мендан нима қолар:
Икки мисра шеър,
Икки сандиқ китоб,
Бир уюм тупроқ... –

деган сатрларни келтиради.

Йўқ, шоирдан бир уюм тупроқ эмас, катта маънавий

хазина, гўзал шеърият, Ватанга садоқат, она халқига ихлос, ҳаётга мангулик муҳаббат қолди...

Кечагина ёнимизда яшаб юриб, бугун тирик тарихга айланган оташин шоир ҳамиша биз билан, халқ билан, юрти, Ватани билан бирга, ҳамиша давлатимиз раҳбари назарида, эътиборида, эл ардоғида, ўқувчилар қалбида.

Ўтли шоирнинг сози созланган, у ҳеч қачон тинмайди, ўлмас бўлиб ҳамиша жаранг бериб тураверади.

Муҳаммад Али,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси

Эсласак арзирли хуш дамимиз бор

Муҳаммад Юсуф покиза инсон эди. У одамларнинг эсини оғдирган, ўйлатган, кулдирган, йиғлатган, топган-тутганини одамлар устидан сочган сахийлик тимсоли эди.

Муҳаммад ҳаммани ўзига дўст деб биларди. Ҳеч кимни бегона қилмасди. Қўлида борини дўстларига [illegible] чўнтаги бўшаб қолмагунча кўнгли тўлмасди.

Муҳаммад Юсуф тез оғизга тушди. Бирорта шоир унингдек тез ном чиқармаган, номдор бўлмаган. Очиғини айтсам, Муҳаммадга кўз тегди. Аслини олганда асл шоирлар узоқ яшамайдилар. Аммо ортидан абадий яшайдиган мерос қолдириб кетадилар. У мана шундай ўлмас мерос қолдирди.

Муҳаммад шеър мухлисларининг юрагини ўртаб кетди. Энди шоирнинг ўзи йўқ. Аммо Муҳаммад Юсуф деб аталмиш Шеърият бор. Бу шеърият асло завол билмайди.

САИДАҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ ёзувчиси

Халқ бўл, элим

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,
Қумлар босиб қуримасин дарёларим.
Алпомишга алла айтган момоларим
Руҳини шод этай десанг — халқ бўл, элим!..

Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна,
Довруғи ҳам дарди сендек ким бор яна.
Халқ бўлишга ҳадди сендек ким бор яна,
Мозийни ёд этай десанг — халқ бўл, элим.

Сен тебратган бешигини Соҳибқирон,
Сенинг боланг юлдузларга қўйган нарвон.
Бир майизни қирққа бўлган бир тану жон —
Кунларингга қайтай десанг — халқ бўл элим.

Дарё бўлиб жўшгин энди завқи улуғ,
Байрамингда севинч кўз ёшингга қуллуқ,
Юртим деган жасур Юртбошингга қуллуқ,
Унга қанот бўлай десанг — халқ бўл, элим.

Бўлар элнинг болалари бир-бирин дер,
Бўлмас элнинг болалари бир-бирин ер.
Бир бўл энди, қадри баланд қаддингни кер,
Халқ бўл, элим, халқ бўл, элим, халқ бўл, элим!

1994

Namangan davlat universiteti
Inv. № 231041

Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим хоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Ёлғизим,
Ягонам дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним...

Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга,
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга.
Синглим дейми,
Онам дейми,
Ҳамдарду ҳамхонам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри —
Илиғимсан, Ватаним.

Сен Машрабсан,
Халқда тумор,
Балхда дорга осилган,
Навоийсан, шоҳ ёнида
Фақирни дуо қилган.
Яссавийсан, меники деб,
Кўринган даъво қилган,
Минг бир ёғи очилмаган
Қўриғимсан, Ватаним.

Сен Хўжандсан,
Чингизларга
Дарбозасин очмаган,
Темур Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган,
Муқаннасан қорачиғи
Оловларга сачраган,
Широқларни кўрган чўпон
Чўлиғимсан, Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолиддин — Курдистонда,
Бобуринг — Ҳиндистонда,
Бу қандай юз қаролиғ деб,
Ётарлар зимистонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уруғимсан, Ватаним...

Ўғлим, десанг осмонларга
Ғирот бўлиб учгайман,
Чамбил юртда Алпомишга
Навкар бўлиб тушгайман,
Падаркушдан пана қилиб
Улуғбегинг қучгайман,
Ғичир-ғичир тишимдаги
Сўлиғимсан, Ватаним...

Ўтган кунинг — ўтган кундир,
Ўз бошингга етган кун,
Қодирийни берган замин,
Қодирийни сотган кун.
Қўлин боғлаб,

Дилин доғлаб,
Етаклашиб кетган кун,
Воҳ болам! – деб айтолмаган
Дудуғимсан, Ватаним.

Ёнингда қон йиғлаган бир
Шоирингга қараб қўй,
Гар Қўқонга йўлинг тушса,
Детдомларни сўраб қўй.
Хеч бўлмаса Усмон хокин
Келтирмоққа яраб қўй,
Олисларда қуриб қолган
Қудуғимсан, Ватаним...

Сен — шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган чинорим,
Қўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним!

1989

[illegible]

Кўнгил маъюс тортди йилнинг сўнгида,
Билмам, ниманг билан сеҳрладинг, қор.
Бугун куппа-кундуз кўзим ўнгида,
Яна бир ёшимни ўғирладинг, қор.
Қирқинчи қасримга ўтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?..

Баҳорим етгудек қўлим узатсам,
Етолмай дилимни не деб юпатсам.
Лайлакқор, азизим, ғалат байрам бу –
Кулиб кузатсамми, йиғлаб кузатсам...
Дардим жим ичимга ютайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?

Сўрсанг, севинчимдан ўкинчим кўпроқ,
Сендан-да кумушроқ сочимдаги оқ.
Йилим келмай туриб, йилим кетмоқда,
Кўзда табассум-у киприкда титроқ.
Мен ҳам сал шошдим-да, қайтайми энди,
Кечаги ёшлигим эртакми энди?

Янги йил,
Келавер қандай келсанг ҳам,
Кимлар етди сенга, кимлар етмади.
Сен янги йўлдошсан, сен янги ҳамдам,
Йўқлаб келганингни ўзи бир байрам.
Қулоғингга бир гап айтайми, энди,
Кечаги ёшлигим эртакми, энди...

2000

Ўзбекистон, бўйи-бастинг кўрсат энди,
Паҳлавоним, етди сенга навбат энди,
Олам узра ҳилпирасин абад энди —
Соҳибқирон Темур туғи — яшил байроқ,
Иншааллоҳ!

Эрк дегани ўзи келиб эшик қоқмас,
Жон чекмасанг осмонлардан омад ёғмас.
Қаторингда ботирларинг бўлсин оғмас,
Гуркирасин Алпомишлар ўтган тупроқ,
Иншааллоҳ!

Қадим Олтин бешик авлоди масканисан,
Алишерлар, Улуғбеклар ватанисан.
Яшнагани — ўз аслига қайтганисан,
Турон юртда ёнсин қайта сўнган чироқ,
Иншааллоҳ!

Алла айтсанг айвонингда ухлар қуёш,
Сенга мудом иймон йўлдош, ислом йўлдош.
Бор бўлсин шу қирқ ўрим соч, ўсмали қош,
Оқ яктагу беқасам тўн, шоҳи белбоғ,
Иншааллоҳ!

Тотув юртда янтоқ ўзин тоғ айлагай,
Бир-бирини қўллаган эл кам бўлмагай.
Болалари Туркистонни боғ айлагай,
Абад яшар, хазон билмас энди бу боғ,
Иншааллоҳ!

1992

Қон йиғлатди қайси бағритош,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?
Оёғингта қуйиб ётай бош,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Юрак қонинг тўкилган сўқмоқ
Бағри алвон лолақизғалдоқ,
Сенга тошлар отди қай гумроҳ,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Зор йиғладинг бунча ҳам ҳайҳот,
Менда ҳам бор сендаги сайёд...
Эй беозор, эй мўмин жонзот,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Бу дунёнинг нокаслари бор,
Эзгуликни кўролмайдилар.
Мени ҳам қон қилдилар улар,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Лабим билан яранг силайман,
Сенга дарди шифо тилайман,
Кел, туғишган оғанг бўлай ман,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

1989

Меҳр қолур

Ўтар қанча йиллар тўзони,
Юлдузлар — кўзёши самони.
Ўтар инсон яхши-ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Қорачиғда порлаган ўша,
Иқболига чорлаган ўша.
Дунёни тор айлаган ўша —
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Анор сенинг юзларинг, сулув,
Хумор сенинг кўзларинг, сулув,
Ёдда қолмас сўзларинг сулув,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Оқиб кетди сувларда Тоҳир,
Зуҳро йиғлаб қолди қон бағир.
Келганда ҳам қиёмат охир,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Нима дейсан, эй, ғаюр инсон?
Ғийбатларинг қилди мени қон.
Сен ҳам бир кун ўтурсан, инон,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

1989

* * *

Шеърият бу қадим буюк
Сўқмоқ экан,
Кийик сўқмоқ экан, кийик
Сўқмоқ экан.

Ширин азоб экан, жонни
Ёқмоқ экан,
Бир қўлда гул, бир қўлингда
Чақмоқ экан...

Юрагим-ей, бошлаб келдинг
Мени қайга?
Бағрим ўхшар пора-пора
Бўлган найга.

Кўнглим сезар бу сўқмоқдан
Ўтолмайман,
Қайтиб кетай десам қайтиб
Кетолмайман —

Чақиртошлар товонимдан
Тишлаб олган,
Қўлларимдан кийикчалар
Ушлаб олган.

1989

Муҳаббат

Муҳаббат, эй гўзал изтироб,
Эй кўҳна дард, эй кўҳна туйғу.
Кўкрагимга қўлингии тираб,
Юрагимни тўкиб қўйдинг-ку.

Қанча кўзлар менга зор эди,
На ғам, на андуҳим бор эди.
Қушдай енгил руҳим бор эди,
Чок-чокидан сўкиб қўйдинг-ку.

Не қилардинг менга тегиб сен,
Енгилмаган эдим — енгиб сен,
Бошларимни ерга эгиб сен,
Қоматимни букиб қўйдинг-ку.

Сен мен учун бир хаёл эдинг,
Яхши бор ё яхши қол эдинг.
Жон керакми — мана ол энди,
Қийнар бўлсанг қийнаб тўйдинг-ку.

Билмам, нима эди мақсадинг:
Менга бир жуфт гулинг асрадинг,
Бирин отин Кумуш атадинг,
Бирин исмин Зайнаб қўйдинг-ку.

Муҳаббат, эй гўзал изтироб,
Кўчанг кездим сарсон, довдираб,
Юзларимга юзларинг тираб,
Кўзларимни бойлаб қўйдинг-ку!..

2000

[illegible]

Сени ҳеч ким севолмайди менингдек:
Васлингга зор бу ошиқлар, эҳтимол,
Пойингга тиз чўкиб йиғлар, эҳтимол,
Лекин содиқ бўлолмайди менингдек!..

Алданма ёр, алдамчилар макрига,
Малак бўлма бевафо ишқ шаҳрига,
Улар сени бир босса бас бағрига,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

Йўлинг кесиб ўтсам — ўзим хижолат,
Узоқдан бир сени кўрсам кифоят,
Бир нигоҳинг ўзи менга иноят,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

Жонингга жон бўлмайман-у, севаман,
Ёнингга бир келмайман-у, севаман,
Исмингни ҳам билмайман-у, севаман,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

Сен кўкдаги ҳарир кўйлак, ҳур пари,
Кўк кўлдаги тиниб қолган сувпари.
Муҳаммаднинг кўнглидаги дилбари,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

1978

Шўх келин

Юзга упа сурмасдан,
Тўлин бўлди Зебижон.
Ўн саккизга кирмасдан,
Келин бўлди Зебижон.

Мен не дердим, нима дей?
Олов эдик, шўх эдик.
Зеби билан эринмай
Ўн йил бирга ўқидик.

Эски мактаб, алвидо,
Хоналари тор эди.
Ўртамизда бир Худо,
Бир сиёҳдон бор эди.

Мен лапашанг, албатта,
Сўрамадим кўнглини.
Ўн йил ўқиб бир марта
Ушлолмадим қўлини...

Ўлтирибман энди жим,
Кекса онам олдида.
Тўйга мен ҳам борардим,
Ёмғир ёғиб қолди-да!

2000

Кундошли уй

Муштипару мунглиғ сенсан,
Кўзингда ёшлар шашқатор.
На бева, на каллиқ сенсан,
Ойлар чиқиб, ойлар ботар.

Хоҳ Кумуш бўл, хоҳ бўл Зайнаб,
Бахтлиман деб айтолмайсан.
Кундошли уйда сен яйраб
Яшолмайсан, яшолмайсан.

Бек бўлмаса чўпон — боринг,
Бағри дилинг тўлсин экан.
Ғариб бўлса ҳамки ёринг,
Ўзингники бўлсин экан.

Кундошли уй вайронадир,
Ош ўрнига — айрон татир.
Кошонанг бўлса ҳам қаср,
Ғамхонадир, ғамхонадир.

Хох Кумуш бўл, хоҳ Зайнаб,
Бахтлиман, деб айтолмайсан.
Кундошли уйда сен яйраб
Яшолмайсан, яшолмайсан.

2000

Мудда

Кузда гўзал бизнинг Фарғона,
Қиёси йўқ жаннат масқандир.
Уйимизни соғиндим, она,
Боғимизда беҳи пишгандир...

Елар елдек, қирда беарқон
Туёқлари чақноқ қулунлар.
Сойда танга сочардир ҳамон
Ўғил сўраб сулув келинлар.

Сиз-чи, юрибсизми ғимирлаб,
Кўнглингизда ғаройиб ҳислар.
Олдингиздан ўтса қиқирлаб
Сочига қўл тегмаган қизлар.

Мен ҳам ўша-ўшаман, нодон,
Гоҳ панд бериб, гоҳида панд еб.
Машҳур қил, деб сўраб Худодан,
Тиламабман бахтли бўлай деб...

Кузда гўзал бизнинг Фарғона,
Қиёси йўқ жаннат Ватандир.
Хатим тамом. Айтгандек, она,
Зеби эрга тегиб кетгандир?!

1994

Сузилма ой осмонда,
Сендан тўлин юзлар бор.
Сурхон деган томонда
Ойдан ойдин қизлар бор.

Зеби дейман, Зебона,
Ишқингда мен девона,
Болаликда дўст қизлар,
Бўйга етгач — бегона!..

Чоғим етмас чоғласам,
Офтоб эрир тафтидан.
Кечагина хоҳласам,
Сув ичардим кафтидан.

Зеби дердим, Зебона,
Ишқингда мен девона.
Болаликда дўст қизлар,
Бўйга етгач – бегона!..

На у менга эланди,
На мен унга қайрилдим.
Дўстим унга уйланди,
Дўстимдан ҳам айрилдим.

Зеби дедим, Зебона,
Севганим сен ягона.
Болаликда соғ қизлар
Бўйга етгач — девона!..

1996

Ўзинг бор-а, ўзинг бор,
Бир қуралай кўзинг бор.
Ердан юмшоқ юзинг бор,
Ўполмасам нетарман...

Ғамдек ширин севинчсан,
Қирқ йигитга илинжсан.
Қиндан чиқмас қиличсан,
Чополмасам нетарман?..

Кўк далада ётгандим,
Хаёлларга ботгандим.
Оғзимдаги оқ қандим –
Ютолмасам нетарман...

Чангимагин, тупроқ йўл,
Бўлгин менга ўртоқ, йўл.
Ёлғизбошман, ёлғизқўл,
Чополмасам нетарман.

Яқинлашгач уйимга,
Ўй қўшилар ўйимга.
Қайтай десам изимга –
Қайтолмасам нетарман...

Хотин очар эшикни,
Тутқазади бешикни.
Бола зўрми ё ишқми?..
Айтолмасам нетарман.

1998

Озодани севаман мен, Озодани,
Сулувларнинг сарвари — хонзодани.
Йўлатмасман ёнига шаббодани,
Озодани севаман мен, Озодани.

Кўрганману кўрганим эртасидан,
Юрагим қоқ бўлинган ўртасидан.
Ҳар куни бир ўтаман кўчасидан,
Озодани севаман мен, Озодани.

Ўтаман-да. Ўтмасам бўлмайди ҳеч,
Ўтмай десам, кўнгил ўлгур тўлмайди ҳеч.
Кўзим тойиб кетаверар—қўймайди ҳеч,
Озодани севаман мен, Озодани.

Бир эсласам зирқиллайди банди-бандим,
Кечагина бир кизчани ўйнатгандим!
Кучугига оқканд бериб ўргатгандим,
Озодани севаман мен, Озодани.

Тушунмаслар кулади: эсиз-эсиз,
Кимдир эрмак қилади: эсиз-эсиз,
Хотиним ҳам билади, нима дейсиз?
Озодани севаман мен, Озодани.

Йигит қиркда қирчиллаб ғарқ пишади,
Эрта-индин сочимга оқ тушади,
Чин ошиқлар қирқ йилда топишади!
Озодани севаман мен, Озодани.

Севган эдим, ҳамон у суюкли ёр,
Билагида бармоғимнинг изи бор.
Озоданинг бир ўғил, бир қизи бор...
Мен барибир севаман Озодани. *1998*

Н. га

Майли-да, кимгадир
Ёқса,
Ёқмаса,
Уларга қўшилиб
Йиғлашармидик.
Биз бахтли бўламиз
Худо хоҳласа,
Худо хоҳламаса
Учрашармидик...

Райҳон ҳидларингни
Йўлларимга сеп,
Кут мени,
Ҳар оқшом,
Кўкка ой чиққан.
Фақат,
Йиғламагин,
Гуноҳим не деб,
Айбинг —
Онанг сени
Чиройли туққан!..

Менга
Бир табассум
Ҳадя эт, эй ёр,

Нур томсин
Лабларинг
Соҳилларидан.
Ўзинг айт,
Сендай қиз
Яна қайда бор,
Киприклари узун —
Кокилларидан?..

Ийманиб яшама
Хаёл пинжида,
Ёйил,
Яйра жоним,
Ўртанма ғамда.
Ғийбатларга чида,
Туҳматга чида,
Сен биттасан, ахир,
Ёруғ оламда.

Мен эса
Ошиғинг сенинг —
Энг ғариб.
Тундан сўз
Қарз олиб,
Тонгга тутгувчи.
Сенинг ёнингда ҳам
Сени ахтариб,
Сенинг ёнингда ҳам
Сени кутгувчи.

Иста,
Тиз чўкаман
Ҳозир олдингда,
Севдим,
Севганимдан
Уялмоқ нечун.

Барча фариштлар
Сенинг қалбингда
Ижарада турган
Қизлар мен учун!..

Биз бахтли бўламиз
Худо хоҳласа,
Худо хоҳламаса,
Учрашармидик?!

2000

Мен биттадурман

Санам, сочингдан ҳам шайдоларинг кўп,
Ҳуснинг ошиқлари — адоларинг кўп.
Пиманг кун, кўйингда гадоларинг кўп,
Аммо мен биттаман, мен биттадурман.

Неча йигит бир сенинг пойингда хорман,
Гарчи дийдорингга муштоқу зорман,
Мен беун севарман, мен жим севарман,
Қисматичи шул сукутдадурман.

Дейдилар: муҳаббат билмас масофа,
Айрилиқни писанд қилмас масофа.
Кечурган ўзинг деб бир кун инсофа —
Гоҳи Тошкент, гоҳи Ургутдадурман.

Тилини билмасам ҳам тушунгандайман,
Сен билан гоҳи дўст тутингандайман.
Гоҳи бу дўстликдан ўкингандайман,
Минг бир хаёл ичра минг биттадурман.

Суймоқ бу — гулханда куймоқ азали,
Мен шаҳар эркаси, сен тоғ гўзали.
Эслаб юр ёдингга тушган маҳали —
Шайдоларинг кўп-у, мен биттадурман!..

2000

Нима қилай

Муҳаммад Зоирга

Озодажон, ўзинг айтгин, озодмисан,
Дунё обод бўлмади, сен ободмисан?
Кўксимдаги севинчмисан, фарёдмисан,
Сенга Ойша бибиларнинг бахтин тилай,
Муҳаммадман — пайғамбармас, нима қилай?

Ой юзингдан тўкилади номсиз оҳлар,
Бўйнингдаги садафми ё кўзмунчоқлар?
Қўйнинг тўла бўлсин дейман қўзичоқлар,
Ўтсам дейман бир тўп болангга бахт тилай,
Ўзим биров боласиман, нима қилай?

Ширин-ширин қарашларинг менга жаннат,
Менинг учун сени яратганга раҳмат.
Юрагингни менга қаратганга раҳмат,
Балки менинг бахтим сенсан, қайдан билай,
Сен арзанда, мен арзанда, нима қилай?

Онам айтар; бу дунёда бола азиз,
Болам-ку, бол, менга дарду нола азиз.
Сочларингдан тўкилган бир тола азиз,
Умрим ўтсин сочларингни силай-силай,
Бир Машраби девонангман, нима қилай?

Капалакдай айлан ўзинг бошларимдан,
Узилмасин бармокларинг қошларимдан,
Бино бўлдинг кўзимдаги ёшларимдан,
Ёрижоним, қандай йиғлаб, қандай кулай,
Жонни икки бўлиб бўлмас, нима қилай?

2000

Ёлғончилар

Сулувлардан сулув бир қиз сочим силар,
Менинг эса кўзларимдан ёш томчилар.
Севаман деб алдар мени ёлғончилар,
Юрагимни йўлбарсларга едираман.

Бағри-дилим куйдиради ёлғонлари,
Ёнларига чорлар моҳи тобонлари.
Бўлсам агар мен битта қурбонлари,
Юрагимни йўлбарсларга едираман.

Кўхна дунё, бу қизларинг бунча гўзал,
Қараб турсам, кўкларда ой-кунча гўзал.
Қанча гўзал бўлса, алдар шунча гўзал!..
Юрагимни йўлбарсларга едираман.

Ҳозир кўзим юмаману ерга ётиб,
Юрагимни суғураман қон йиғлатиб.
Йўлбарсчалар есин уни касирлатиб —
Юрагимни йўлбарсларга едираман.

Кимни суйсам суйганимдан куйган дилим,
Кўз ўнгимда булақолсин тилим-тилим.
Ҳаром бўлсин муҳаббатсиз кўрган куним,
Юрагимни йўлбарсларга едираман!..

Тушларимга кир

Капалакдай келиб,
Қошингга қўниб,
Кўзингга термулиб умрим ўтсайди...
Нима ҳам кўрибман мен йигит бўлиб?
Сочингни силашга қўлим етмайди.
Пешонам шу экан, пешонанг шудир,
Тушимга кир энди, тушларимга кир.

Товонинг ўпади ариқдаги сув,
Кўйлагииг этагин ўпади майса.
Мен-чи, бир гиёҳча бўлолмадим-ку,
Эй кўзлари жайрон, киприги найза!
Пешонам шу экан, пешонанг шудир,
Тушимга кир жоним, тушларимга кир.

Кўчиб бораётир бу умр — карвон,
Кунларнинг бўйнида юрак қўнғироқ.
Мен сенга армону сен менга армон,
Кўнглимнинг тўрида тутар шамчироқ.
Пешонам шу экан, пешонанг шудир,
Тушимга кир жоним, тушларимга кир...

Капалакдай келиб, қошингга қўниб,
Кўзингга термулиб умрим ўтсайди.
Қолдингу бағримда жонимдек бўлиб,
Сочингни силашга қўлим етмайди.
Пешонам шу экан, пешонанг шудир,
Тушимга кир жоним, тушларимга кир...

1989

Гулим, меҳр кўзда дегани ёлғон,
Менинг дилимда ҳеч ўчмас ёлқинсиз,
Қанча кўришмасак шунча қадрдон,
Қанча олис бўлсак шунча яқинсиз.

Девона ошиқман, мен бир девона,
Айтинг, сиздан бўлак кимим бор яна?..
Сиз йўқ чоғимдаги дунём бегона,
Сиз йўқ боғимдаги гуллар ёқимсиз.

Сиз аччиқ қисматим, сиз изтиробим,
Сиз ширин дардимсиз, ширин азобим,
Сиз менинг кўклардан топган офтобим,
Ерларда йўқотган кўзмунчоғимсиз.

Ёдимда кечаги шўхликларингиз,
Кўксимни куйдирган киприкларингиз,
Сиз ўша — орзуси ойдан ойдин қиз,
Сиз ўша — кулгуси қўнғироғмисиз.

Сиз ўша кўзимнинг кифтида юрган,
Сиз ўша кўнглимга кўнгли ин қурган,
Тўкилай деб тилим учида турган
Шеъримсиз, бир умр битмас охимсиз...

1994

* * *

Севги бамисоли лолақизғалдоқ,
Тегинмай бўлмайди,
Тегсанг тўкилар.
Алвон бир гумбазнинг ўртаси оппоқ...
Буни бир мену бир капалак билар.

Мен ўша гумбазга бошимни сукдим —
Қизил кўйлакли бир қизгина кулар:
Бундай боқма менга, укдингми?
Укдим…
Буни бир мену бир капалак билар.

Сўнг у оққанотим учдию кетди,
Унинг умри бир кун — чошгоҳда ўлар.
Момо ер айланиб манзилга етди,
Буни бир мену бир чархпалак билар…

Севги бамисоли ғарқ пишган шотут,
Тегинмай бўлмайди,
Тегсанг тўкилар.
Севдингми, юз йил кут,
Севмасанг унут!..
Бунисин бир мену бир малак билар.

У мени кутади юз йилдан сўнг ҳам.
Кўр бўлиб қолгунча йўлга термулар…
Севги — менинг барча дардимга малхам,
Буни бир ўзиму бир юрак билар.

1989

Мактуб

Севгилим,
Севгилим,
Оғрийди дилим.
Жоним оғрийверар сизни ўйласам.
Гулдай юзингизни силар энди ким,
Мени эслармисиз — йўқми ўшал дам…

Булутлар кўк кезар кунда пиёда
Уфққа офтоб ботар қизил гулхандай.
Армоним экансиз ёруғ дунёда,
Сизни ўйламасдан яшарман қандай?

Кўнглим айвонида куз ҳуштак чалар,
Кўзимдан ёш бўлиб ёғади япроқ.
Дўстларим — такаббур шоирвачалар
Ўзларин севишар ёридан кўпроқ.

Кунларнинг кафтида севги ханжари,
Бағримда бегуноҳ бир гул сўлади.
Тойчоққа айланиб гоҳ кечалари.
Тупроққа ағанаб ётгим келади!..

Севгилим,
Севгилим,
Оғрийди дилим.
Жоним ёмон оғрир сизни ўйласам.
Сунбул сочингизни силар энди ким,
Мени эслайсизми-йўқми ўшал дам.
Билмайман.
Билишни истамайман ҳам.
Билганим — менга бахт насиб этмади.
Йиллар ўтаверди, кўзим ўнгидан,
Сизнинг ойдек рухсорингиз кетмади...

Дунё омон бўлсин,
Сиз бўлинг омон,
Омадли бўлинг сиз.
Бахтли бўлинг сиз.
Лекин
Билиб қўйинг,
билиб қўйинг, ҳамон
Сизни унутолмас Муҳаммадингиз!

1978

Шамолдек беқарор шоир севгиси,
Унинг бор давлати — савлати.
Соғинчдан ёқар-у райҳонлар иси,
Мени танлаганинг ғалати...

На бир ширин калом минг заҳматингга,
На бир саломингга алик олади.
Муҳаббатинг нима Муҳаммадингга?..
Қаламни қучоқлаб ухлаб қолади.

Қасри шуҳрат аро қон йиғлар юрак,
Кўксингда нимадир ғижжак чалади.
Унга шеър керакдир,
Сенга эр керак.
Кошки тушунса у валади...

У сўз кутар, уни сен кутиб ойлаб,
Бир умр йўл қараб кўзинг толади.
Севгилим, фариштам... тентагим, ё раб,
Бахтингни ярмини шеърим талади!..

Гуноҳинг не эди, эй мунглиғ дилбар,
Сени танлаганим ғалати...
Асл шоир асли уйланмай ўтар,
Уйланса ҳам кўрмай хотин олади.

1991

* * *

Тузалмайди дардим менинг,
Ўлсам керак.
Тупроқ билан оға-ини
Бўлсам керак.

Ўлим нима? Бу ҳам битта
Сайр, Она.
Ўғлинг қаро ерга кетди,
Хайр, Она...

Тузалмас бу дардим менинг,
Умидим йўқ.
Хира шамдек кўзларимда
Сўнмоқда чўғ.

Чўғ нимадир? Чўғ ҳам тутаб,
Кул бўлади.
Инсон бир кун ўз майлига
Қул бўлади...

Юрагимни тамом қилдим,
Йиғлайвериб.
Ҳузуримда ажал турар,
Қошин кериб.

Мен ҳаётда ўлимга тик
Боқиб ўсдим...
Қани менга аталган жой,
Кетдик, дўстим!

1991

* * *

Азизимсан,
Бахтиёримсан.
Ишонганим — вафодоримсан.
Ёлғизимсан... Умринг ўлчовли,
Қарға эса мингга киради.

Билиб юрар,
Кўриб туради.
Қузғун — ажал топар бехато.
Жондан ортиқ кўраман, лекин
Сени боғлаб қўйган йўқ, ота...
Қарға эса мингга киради.

Юрак токай уриб туради?
Юрак тингай тўлса паймона.
Маъюс чеҳранг кўксимни ёқиб
Сен ҳам бир кун ўтарсан, она,
Қарға эса мингга киради.

Йиллар бизни ўриб туради.
Уйда, йўлда, шошиб-шошмасдан,
Хайрлашиб-хайрлашмасдан
Эриб, оқиб ўтаверамиз,
Қарға эса мингга киради...

Сочгум гулдай дунёга меҳрим,
Токи юрак уриб туради.
Сен абадий яшайсан, шеърим —
Қарға фақат мингга киради.

1989

* * *

Муҳаббат, сен чиройли,
Муҳаббат, сен гўзалсан.
Тағин бир зум турайлик,
Гапирмайман, уялсанг...

Сўнг кетармиз. Сездимки
Мен орзуга етмадим.
Сени шундай севдимки
Қўлингдан ҳам тутмадим.

Қўлинг... сенинг қўлларинг,
Мулойимдир эҳтимол.
Айри тушди йўлларим,
Севар ёрим, яхши қол.

Муҳаббат, унут мени,
Ва мен ҳам... унутмайман.
Тушларингда кут мени,
Тушларингга киргайман...

Муҳаббат, сен чиройли,
Муҳаббат, сен гўзалсан.
Кел, кўришиб турайлик,
Саломлашмай, уялсанг.

1991

Хаёл қандай яхши,
Акангга ўхшар.
Уйнатар елкага кўтариб олиб.
Бу парвоз сўнгида йиғлашинг мумкин,
Соғинган онангнинг олдида қолиб.

Хаёл қандай яхши,
Хаёл қандай соз.
Қўшиқлар сочади босган изингга.
Бир кечада бориб айтишинг мумкин
Изҳори дилингни суйган қизингга.

Беғубор болалик юлдуздай олис,
Аммо хаёл учун у ҳам бир қадам.
Тарсиллаб қовунлар ёрилган полиз,
Сен ёлғиз ётибсан остида бодом.

Гуллари тўкилар ўша бодомнинг,
Капалакдай келиб юзингга қўнар.
Хаёл ҳам туғишган укаси одамнинг —
Қаёққа юборсанг ғинг демай жўнар.

Кўксида хаёлинг турса йиғилиб,
Қуёшни уйғотиб келса бўлади.
Шоирларнинг бари ерда туғилиб,
Осмону фалакда ўлади.

1989

[illegible]

Нурхон хотирасига

Қаро ерга қўйиб бош,
Бир қизгина ухлайди.
Кўзларига тўлиб ёш,
Ҳур қизгина ухлайди.

Ётар қуриб дармони,
Мангу ухлар гул ёноқ.
Кўнгли тўла армони,
Қўйни тўла қизғалдоқ...

Бу дунёда ҳеч сендек
Қиз йўқ эди, тур, синглим,
Ўзинг орзу қилгандек
Тўй қиламиз, юр синглим.

Ой юзингга бир нафас,
Ҳарир рўмол ўрарсан.
Гул-гул ёниб муқаддас,
Чимилдиққа кирарсан...

Қаро ерга қўйиб бош,
Бир қизгина ухлайди.
Нурхон отли қаламқош,
Ҳур қизгина ухлайди.

1989

Бир қиз йиғлар булоқ бошида,
Маъюс мажнунтоллар қошида,
Кўнгил оҳи кўзин ёшида:
Бевафо кўп экан дунёда...

Нигоҳида офтоблари бор,
Нолишларин жавоблари бор,
Сўнган севги азоблари бор,
Бевафо кўп экан дунёда...

Товонига тушган кокиллар,
Қизгинага қўшилиб йиғлар,
Бир сўз дилга санчади тиғлар —
Бевафо кўп экан дунёда...

Дилдан кўчиб кетса хаёллар,
Ёмонга йўқ экан жазолар,
Ёлғон дунё экан дунёлар,
Бевафо кўп экан дунёда...

Эрмак экан энди Лайлолар,
Мажнун ғариб кезган саҳролар,
Эртак экан Тоҳир-Зуҳролар,
Бевафо кўп экан дунёда.

Бир қиз йиғлар булоқ бошида,
Маъюс мажнунтоллар қошида.
Кўнгил зори кўзин ёшида:
Бевафо кўп экан дунёда.

Қуй йиғлама, менинг жон синглим,
Мен ҳам сендек бағри қон, синглим.
Менга ҳам йуқ меҳрибон, синглим,
Бевафо кўп экан дунёда,
Муҳаббат йуқ экан дунёда!

1991

* * *

Шеърият,
Эй бевафо санам!
Қулларингдан маҳкам тутарман,
Сендан ҳар нарсани кутарман,
Сен бир малҳам,
Сен бир ширин ғам...

Сен борсанки заҳматларим бор;
Бу дунёда орттирган зарим —
Ухламай қон ютган кунларим
Учун сенга раҳматларим бор!

Остонангда итинг — хаёлим:
Йулинг пойлаб ўтгайман сенинг,
Кунглинг кимда билмайман сенинг,
Сен кукда кул етмас хилолим.

Руҳим кукда,
Тупрокда танам,
Бағримни тилкалар бир оғриқ,
Энди бахтим узингга боғлиқ —
Шеърият, эй бағритош санам!..

1991

Қўрқаман, эртага мен ўлиб кетсам,
Ётар бўлсам қумга ботиб кўзларим,
Кўнглимни кўчкидай босади бир ғам —
Йиғлашни ҳам билмас менинг қизларим...

Энг яқин дўстларим ғийбатим қилар,
Энг заиф душманим устимдан кулар.
Улар-ку не қилса ўзлари билар,
Йиғлашни ҳам билмас менинг қизларим.

Шоир ўлса ким ҳам куйинар дейсиз,
Мадҳиябоз ҳозир суваракдан кўп.
Улар мисли қишда тарновдаги муз,
Бармоқ тегса ерга тўкилар тўп-тўп...

Тилдан қолсам кўзда қотиб ёшларим,
Кўнглимдан бошқа бор ахир, не зарим?
Ерларга эгилган куни бошларим,
Йиғлашни ҳам билмас менинг қизларим.

Улар ёш. Ўлимдан қўрқаман ёмон,
Чунки, дардига ҳеч қулоқ солмадим.
Қабримнинг устида йиғласин дебон,
Қизларим кўзёшин асрай олмадим!

1992

Қани Боғишамол кезган элларинг,
Қирларда кеккайган қирғовулларинг,
Эслаб эзилмасму энди дилларинг,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?..

Минг йиллик чинорлар бўлди-ку ўтин,
Қошу қабоғингга тўлди-ку тутун,
Сойингда қолдими сувинг бир ютум,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Ризқу рўзин сочиб айланар фалак,
Сен эса далангдан тополмай ҳалак —
Болангга бергали битта ҳандалак,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Наҳорингда пахта, шомингда пахта,
Айвонингда пахта, томингда пахта.
Оқар оғу бўлиб қонингда пахта,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Қирқ йил чорла, гўрдан чиқмайди Бобур,
Чиқса ҳам бағрингга сиғмайди Бобур.
Ҳинду қучоғида ухлайди Бобур,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Қайинзор қаъридан узилди бир ўқ,
Юракда доғ қолди, юракда бир чўғ,
Чўлпонинг бор эди, Чўлпон энди йўқ.
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?..

Булбулзабонларинг хазон ёпдими,
Дунё уларнинг ҳеч тенгин топдими,
Муҳаммад Юсуфинг шоир бўптими?..
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

1989

Ҳижрон

Райҳон, айланай райҳонингдан сенинг,
Ойқабоқ гўзалим, жонингдан сенинг.
Кулиб кўкларингдан тушмайсан, қара,
Ой ўтса уялар ёнингдан сенинг.

Етти иқлим аро етсаки изинг,
Тунроққа тўкилгай тутдай ҳуш исинг.
Гулга тегса гулхан пайдо қиладур,
Сувга тегса сувни ёндирар юзинг.

Ҳурлардан ҳур ўзинг, хуршиди тобон,
Ўзинг Райҳонсану вужудинг райҳон.
Бу ёруғ дунёда сендан сулув йўқ,
Мендан бечора йўқ, мендан нотавон.

Сен Арши аълода жаннатий чашма,
Мен ерда ёнаман томчингга ташна.
Кўкларга қўлини тутган қулингман,
Зилолим, уволим тутгай, адашма...

Райҳон, айланай райҳонингдан сенинг,
Ой ўтса уялар ёнингдан сенинг.
Кулиб кўкларингдан тушмайсан сен-да,
Менга-да жой йўқ осмонингдан сенинг.

1991

* * *

Ўлсаму унутсанг мендай йигитни,
Ёғар йўлларингга афсус-андуҳим.
Оқ тулпордай миниб оппоқ булутни,
Уйингнинг устидан ўтади Руҳим...

Унга нима дейсан, бевафо ёрим?

Ўлсаму унутсанг мендай йигитни,
Қаро тупроқ силаб ётса курагим,
Сен ўчоқ олдида чаққан гугуртни
Учида ловиллаб турса юрагим...

Шунга нима дейсан, бевафо ёрим?

Сен Худо эмассан ахир, ўйланма,
Жонимнинг риштаси қўлида унинг,
Аммо Муҳаммадсиз ўтмайди кунинг,
Кел, майли мен ўлмай, сен ҳам қийналма —
Шунга нима дейсан, бевафо ёрим?..

1991

Муҳаббатим

Муҳаббатим, қайдасан қалб ардоғим,
Жайронкўзим, қирларда қолган оҳум.
Қўлим тегмай тўкилган қизғалдоғим,
Энди сени излаб қайдан топарман...

Келар бўлсанг йўлингга гул тўшардим,
Сен Лайлига, мен Мажнунга ўхшардим,
Бу дунёда ҳижрон йўқ деб яшардим,
Энди сени излаб қайдан топарман...

Тушларимда йиғларсан гоҳ бағри қон,
Оҳларингдан дуд чиқиб осмон-осмон,
Менга сену сенга мен бўлдик армон,
Энди сени излаб қайдан топарман...

Муҳаббатим, қайдасан, қалб ардоғим,
Жайронкўзим, қирларда қолган оҳум,
Қўлим тегмай тўкилган қизғалдоғим,
Энди сени излаб қайдан топарман...

1989

Онамга

Оҳ, менинг ортимдан оввора онам,
Бир парча юраги минг пора онам.
Ҳар болони кўриб ёруғ дунёда,
Тошканни кўрмаган бечора онам,
Боланг бўлиб бир бор бошлаб келдимми,
Энди мен ҳам сенга ўғил бўлдимми!..

Гарчи бисотингда «байрам» сўзи йўқ,
Биламан, кутасан сандал тўла чўғ,
Менда юрак деганларин ўзи йўқ:
Мен совға бермаган қиз йўқ бу оқшом,
Сенга на гул бердим, на ширин калом,
Энди мен ҳам сенга ўғилми, онам?..

Дейсан: олисларда омон юрсанг бас,
Ёдингга тушсам гоҳ йўқлаб турсанг бас,
Болам, сенга ҳамма қилади ҳавас...
Ахир, менинг дардим Шеър эмас фақат,
Мен машҳур шоирмас — машҳур бешафқат,
Энди мен ҳам сенга ўғилманми, айт?..

Шаънингга шеър битдим. У сени топсин,
Пойингга тиз чўкиб, қўлингни ўпсин.
Ундан ҳам улуғим борлигин кўрсин,
Мен учун ҳам азиз ҳолингни сўрсин,
Сенсиз ғариб кўнглим кўнгилми, онам,
Энди мен ҳам сенга ўғилми, онам!..

1992

Лаганбардорлар

Каззоб Сталиндан зорланманг ҳадеб,
У ҳам фарзандидир битта инсоннинг.
Билмоқчи бўлсангиз, қабри қайда деб,
Лаганбардорлардан сўранг Чўлпонни...

Отабек Кумушин кўзларин ёпиб,
Ўзи ҳам ортидан қилгач сафарлар,
Қодирий бобонинг қўлларин ўпиб,
Чоҳга итарган ҳам — лаганбардорлар.

Улар Иблис билан тили бир ўрток,
Улар Азроилга содик чопарлар.
Аввал Усмонларни сотиб, кейинрок
Фарёд кўтарган ҳам — лаганбардорлар.

Ёв надир? Зўр келса ўлдиради ёв,
Булар қон сўргувчи искабтопарлар.
Қаҳҳорни қандкасал,
Ойбекни соқов
Қилиб қўйганлар ҳам — лаганбардорлар.

Улар устозига қулдайин кимса,
Меҳрибон ҳомийси шогирдларининг.
Ўзи ўлдириб, сўнг мозоригача
Кўтариб боришар тобутларини...

Каззоб Сталиндан зорланманг ҳадеб,
У ҳам боласи-да битта инсоннинг.
Билмоқчи бўлсангиз, қабри қайда деб,
Лаганбардорлардан сўранг Чўлпонни!

1988

Дунё

Менга боқиб мийиғида кулган дунё,
Мени тупроқ, ўзни осмон билган дунё,
Сени момом чўмилтирган ювиб-тараб,
Сени бобом тетапоя қилган, дунё!..

Эй, ўтмишдан ўтган кунин сўрамаган,
Ўзбек борса ким қўлига қарамаган?
Ботирлари қул бўлишга ярамаган,
Сулувлари бўйнига осилган дунё!

Мозий маним боримни ёд этиб сийлар,
Дилин обод, руҳларин шод этиб сийлар.
Шоҳ Ғаззолий, шоҳ Табризий, шоҳ Румийлар..
Чориғини елкасига илган дунё.

Сен сиғинган — ўша жондин ортиқ сенга
Тожмаҳал ҳам бир бобомдан тортиқ сенга.
Кулма менга, иддаолар қилма менга —
Тўққиз кунда Темур босиб олган дунё!

Юзларингни ёритган шу шарқ зиёси,
Дардларингни аритган шу шарқ зиёси.
Синонинг этагин ўпиб Оврупоси,
Америкоси Берунийдан қолган дунё.

Менинг кўшким кўкда — унга етмайди қўл,
Менинг кўрким кўнгил, унга элтгай бир йўл,
Тирикман мен, кел истасанг муридим бўл —
Сен Исломдан иймон дарсин ўрган, дунё!..

1991

Бир кеча

Бир кеча бехосдан уйғониб кетсам,
Йиғлаб ўтирибди юрагим юм-юм.
Чўчиб турдим: сенга нима бўлди, эркам,
Нимага йиғлайсан,
Мен нима қилдим?

Ундай десам бўлмас,
Бундай десам кўнмас,
Чекдим. Чиқиб секин ҳовлини кездим.
Ҳамма юлдуз сўнди. Бир юлдуз сўнмас —
Кўзимга мўлтираб турар илк севгим.

Юлдуздан ҳам олис о, сен буюк ғам,
Бугун ўзинг йўқсан факат ёнимда.
Ҳижрон куйин чалиб қон ўрнида ҳам
Армон айланади жони танимда.

Ўйлайман, ўйлайман, ўйларим узун,
Қўлим қисқа, севгим, бўйларим узун,
Энди сен менинг учун энг узун эртак,
Энди мени ёмон қийнар бу юрак!..

Чекаман. Тутунга тўлади хона,
Илк севгим мўралар тўрт бурчагидан.
Мен далли, юрагим мендан девона —
Ётмайман, деб йиғлар пар тўшагингда.

1987

* * *

Мана шу — мен туғилган гўша,
Уйга етдим — ариқ ҳатладим.
Шу ерлик бир қизга ёқай деб,
Узун-узун шеърлар ёдладим...

Ёдладиму айтолмай унга,
Бағри дилим тўлди доғ билан.
Осмонларга термулиб ётдим,
Томда синглим қизғалдоқ билан.

Осмон деганлари кенг экан,
Бўйи бўйим билан тенг экан.
Бу дунёда дардингиз бўлса,
Юлдузга бахтлиман денг экан...

Ҳамма юлдуз менга мўлтирар,
Ўлсам мени савол ўлдирар.
Айвондаги қалдирғочлардек
Улар тизилишиб ўлтирар.

Қаранг, қандай бахтли боламан!
Ўйларимда гуллар ухлайди.
Кўзларимда жаранглаб кулгу
Юрагимда... йўлбарс... йиғлайди.

1991

* * *

Ситамларинг кўпдир менга,
Ситамларинг, эй гулгун.
Кел, юзингдан ўптир менга,
Ўнг юзингдан ўптиргин...

Борсам кел, деб сен турма,
Заҳринг сочиб ўлтиргин.
Гапирма,
Гапиртирма,
Сўнг юзингдан ўптиргин.

Суймасанг суйкалиб нетай,
Бу дунёдан нолиб кетай?
Майли ўтай,
Майли кетай,
Кел... кўзингдан ўптиргин!

1989

Севмоқ, бу
Кечирмоқ дегани асли,
Токи бу дунёда қуёш бор, гул бор.
Ялпизлар гуллаган шу баҳор фасли,
Содиқ ҳамдам бўлгин сен менга, дилбар.

Ғийбатлар тингладим, айланди бошим,
Ҳўл тупроқ куйдирди товонларимни.
Ва мана мен унга кўнглимдан юлқиб
Кўмдим беор дўстдек гумонларимни.

Ўйлар сураверлим кечалар танҳо,
Гоҳо жиққа ёшга тўлганда кўзим.
Ва сени севмоқдан олдин бир куни
Дилдан севиб қолдим ўзимни ўзим...

Севмоқ бу ўзингни англамоқ асли,
Токи замин аро қуёш бор, гул бор.
Райҳонга кўмилган шу баҳор фасли,
Садоқатли ёр бўл сен менга, дилбар.

Севгилим, мен сени севаман, тамом,
Ғамгин кўзинг, ҳадик тўла кўзингни.
Севмоқ, бу кунда бир кўрмоқ бахтидир
Озғин қўлларингни, сепкил юзингни...

Самарқандга борсам мен агар,
Улуғбекни кўриб қайтаман.
У қон йиғлаб турар ҳар сафар:
Мен дардимни кимга айтаман?..

Бағримда бўй етган бўз болам,
Мерган болам, лочин кўз болам,
Бўғзимга тиғ урган ўз болам...
Мен дардимни кимга айтаман?..

Сезмай қолдим. Ўшанда чоғим,
Юлдузларда экан нигоҳим.
Билмадим не эди гуноҳим...
Мен дардимни кимга айтаман?..

Қанча ғамга ботмаган эдим
Қанча оғу ютмаган эдим...
Ўз боламдан кутмаган эдим...
Мен дардимни кимга айтаман?..

Таним музлаб, гоҳ тош қотаман,
Мен шоҳ эмас, ахир, отаман.
Гўримда ҳам ўйлаб ётаман:
Мен дардимни кимга айтаман?..

Самарқандга борсам мен агар,
Улуғбекни кўрмай келмайман.
У менга қон йиғлар ҳар сафар,
Мен дардимни кимга айтаман!

Қачон хат ёзгандим сенга, билмайман,
Қофия билан банд бугун тош кўнглим.
Ёлғиз аканг бўлиб,
Ёнингда юрмайман...
Кечир мени, синглим,
Кечир мени, синглим.

У ёқда шотутлар
Тўкилар сувга,
Қовунлар ёрилар,
Сен йўл қарайсан.
Тупроқ кўчаларда,
Муштоқ кечаларда,
Ёз — мени соғиниб сарғайган майса.

Умримни юлқилаб,
Йилларим ўтар,
Юрак йиғлайди-ю,
Айтмас дардини.
Мен шеърим қўлтиғлаб,
Кун бўйи излайман,
Адабий ходимнинг битта мардини.

Бирига қандайдир туроқлар дастак,
Бирин ўйлантирар ҳали ёшлигим:
Нега бу шеърингиз отлар ҳақида,
Уларни ёқтирмас, менинг бошлиғим!..

Гоҳ тўлиб кетаман,
Қандай гап ахир.
Қуйгил мени дейман, эй ширин азоб.

Қуёшга термулай,
Ерга босай бағир,
Қўшиқлар куйлашга бошқа одам топ...

Яна қайсар руҳим
Жонимни чўкир,
Ёз дейди,
Сингилжон, қўрқай нимадан?..
Энг гўзал шеър — Сенинг ёрилган қўлинг,
Ҳамма бошлиқларнинг
Бошлиғи — Ватан!..

У ёқда шотут тўкилар тағин,
Беҳилар ҳидига тўлади хонам.
Айвонда, хирмонда, Андижон томонда
Куз — мени соғиниб сарғайган онам —
Йиғлайди, бу йил ҳам келмади болам...

Қачон хат ёзгандим сенга,
Билмадим,
Қофия билан банд менинг тош кўнглим.
Ёлғиз аканг бўлиб,
Ёнингда юрмадим...
Кечир, мени синглим,
Кечир, мени синглим. *1987*

Қизғалдоқ

Қизғалдоғим, қирдан бўлак кошонанг йўқ,
Кокил ёйсанг, ердан бўлак тошойнанг йўқ,
Ўксиб-ўксиб турганингда ўзим бориб,
Пешонангдан ўпай десам, пешонанг йўқ...

Солланасан келинчакдай бошинг эгиб,
Жайрон ўтган сўқмоқларга ёшинг тўкиб,
Қизил юзинг қон дилимга турар тегиб,
Менингдек сен ғарибнинг ҳам парвонанг йўқ...

Қадринг билган, дардинг билган, айт, киминг бор?..
Келиб-кетар баҳор сенга бевафо ёр,
Гўзалсанки, сенга бари гуллар ағёр,
«Оҳ» урсанг, бир оҳинг тинглар остонанг йўқ...

Олдингга мен боролмасам, ўт гуноҳим,
Бир йўқлаб қўй, мен дунёдан ўтган чоғим,
Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалдоғим,
Муҳаммаддан бўлак дўсти девонанг йўқ.

1991

С. га

Баланд шохда қизил олма
Пишган экан.
Узиб олиб қарасам, қурт
Тушган экан.

Мен олмани ирғитворсам,
У дод солди:
Ташлаб кетар экан мени
Нега олди?!

Қизил олма, қизил олма,
Мен енгилдим.
Дунёи дун деганларин
Энди билдим...

Юрагим-ей, сени не ўй
Ўртамоқда?
Севгига йўл бўлсин бизга
Бу чорбоғда.

Баланд шохда қизил олма
Пишган экан...
Бизнинг бошга шундай савдо
Тушган экан.

1989

[illegible]

Фарғонамнинг паривашлари,
Эй жонимнинг қариндошлари,
Бўйнингизга марварид бўлсин,
Маржон-маржон кўзим ёшлари!..

Мухаббатдан айтишиб ўлан,
Қувалашиб ўсдик сиз билан.
Кетдим кейин булутдай кўчиб,
Қайтай энди кайси юз билан?..

Ёдимда соф туйғуларингиз,
Жаранглаган кулгуларингиз.
Ҳаётимда бўлмасангиз ҳам,
Хаёлимда юрдиларингиз.

Сиз мен учун ўша-ўша шўх,
Ўша-ўша эрка бўлдингиз.
Қўрғонимга келмасангиз ҳам,
Армонимга бека бўлдингиз.

Ўйин дедик бу ёруғ олам,
Ўйин қилдик муҳаббатни ҳам.
Қизлар, ўлан айтиб гоҳида,
Эслаб қўйинг Муҳаммадни ҳам.

1992

Қалбга зардоб бўлиб тўлганинг алам,
Гоҳи очилмасдан сўлганинг алам.
Муҳаббат, муҳаббат, ҳаммасидан ҳам
Сочга оқ тушганда келганинг алам!..

Келсанг, кетгил дебон ҳайдолмаганинг,
Ортга қайтай десанг, қайтолмаганинг,
Армонинг ҳеч кимга айтолмаганинг —
Буни битта ўзинг билганинг алам.

Гоҳ хотир, гоҳида хаёлни ёллаб,
Гоҳ юлдуз, гоҳида ой каби порлаб,
Ширин жилмайиш-ла ёнига чорлаб,
Олисдан ғамзалар қилганинг алам.

Кўнглингга етти ёт уйда ейиб сеп,
Кечагина ўзинг мени унут деб,
Энди бахтлимисан, шоир йигит деб,
Кунда бир устимдан кулганинг алам...

Қалбга зардоб бўлиб тўлганинг алам,
Гоҳи очилмасдан сўлганинг алам.
Муҳаббат, муҳаббат, ҳаммасидан ҳам
Сочга оқ тушганда келганинг алам.

1982

Туғилгандан мен шўрликнинг бағрим қон,
Бир жисмимда талашади икки жон
Жон талашсам, тепада чарх урган ул,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

Оққушларим, оқ ёмғирда учарлар,
Сахарлардан шудринг-шароб ичарлар,
Танламайин қабрларни қучарлар,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

Гулга қўнса, қанотлари ботмайди,
Ожизларим бировга тош отмайди,
Бир кун яшар, бир-бирларин сотмайди,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

Бир қарасанг, на кулбаси, уйи йўқ,
На товуши, на қўшиғи, куйи йўқ,
Капалакнинг камбағали, бийи йўқ,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

Капалакнинг Каъбасидир ҳур дала,
Даласида меҳр тўла, нур тўла,
Бахтсиз бўлса, бари бахтсиз бир йўла,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

Ойдин оқшом ёдга тушдинг, о малак,
Сени ўйлаб бўлди яна қон юрак,
Севаман деб алдамайди капалак!..
Капалаклар одамлардан меҳрибон!..

1994

Муҳаммадга ишонган эй мўминлар,
Ўлсам сўзим эслаб, ўйга чўминглар,
Капалакнинг қанотига кўминглар,
Капалаклар одамлардан меҳрибон...

1994

Уни танийсиз

Сиз уни танийсиз,
Танимай кўринг,
Тўхтатади ўзи ёқадан ушлаб,
Шеърлар ўқиб ташлар узундан-узун.
Мен шоирман дейди
Кўксига муштлаб...
Танимай кўринг-чи.

Курсига ўлтирар чойхонада ҳам,
Латифалар айтиб ҳиринглар,
Ошни бузибсан-у, акаси, майли,
Мен шоирман, дейди,
Қошиқ беринглар...

Сиқилиб кетади ҳар йил баҳорда,
Сайрга боради Шоҳимардонга.
Сигарет ҳидини таратиб бадбўй,
Ҳамзанинг кўзига босиб бемалол,
Мен шоирман дейди,
Келдим, кўриб қўй!..

Менинг қоним бунча қайноқ бўлмаса?
Иззатни билмадим алп давраларда.
Хафа қилиб қўйдим шундай «шоир»ни
Бир куни руҳимни сийлаб серзарда.

Тамом!
Энди шеърим чиқмайди, она,
Кўз-кўз қилолмайсан елиб-югуриб.
Суюнчи сўрмайсан чўлоқ отамдан
Юпқа жилд китобим кўзингга суриб.

Аммо — осмон бунча чиройли бу тун!
Қарайман, қарайман, кўзим тўймайди.
Жимир-жимир қилган юлдузнинг бари —
Ҳаммаси синглимга ўхшайди!

1987

Қушлар ҳам йиғлар

Терлар оқди сув бўлиб биздан
Ва гурсиллаб йиқилди терак...
Ака, бизнинг қилмишимиздан
Тунда қушлар йиғласа керак.

Она чумчуқ айланиб кетмас,
Кўнглига қил сиғмаса керак.
Эски индан ташиб бориб хас,
Янги инда йиғласа керак.

Баланд бўлар уйимиз тоғдек,
Айвонида устун ул терак.
Биз яшармиз, кўнглимиз чоғдек,
Шунда қушлар йиғласа керак...

1989

Келинчагим, кулиб-кулиб кетдингизми,
Юрагимни тилиб-тилиб, кетдингизми?
Ёлғизликда нелар бўлсам бўлдим-ку мен,
Сиз муродга етдингизми, етдингизми...

Қачон мендан тонган киздан тонар дилим,
Йўллар қараб қонар дилим, қонар дилим,
Пойингизга интиқ бўлиб ёнар дилим,
Ёт кўчадан ўтдингизми, ўтдингизми?

Кўнглингизни олдими шум янголари,
Алдаб йўлга солдими ё ҳийлолари,
Кўзингизни олдими ё тиллолари —
Севгимизни зарларига сотдингизми?

Мулкингизга не парилар ҳавас этмас,
Ёрим айтинг, сизга яна нима етмас,
Нечун ойдек юзингиздан қайғу кетмас,
Ҳажр азобин сиз ҳам энди тотдингизми?

Кун ботмайин эшигингиз ёпилади,
Кўк зулфига пўлат занжир осилади.
Йиғи билан хуморингиз босилади,
Излаб-излаб шу зиндонни топдингизми...

Ҳилолим-а, ёт гўшага ботдингизми?

1996

Гўзалларим, гўзал алдайсиз,
Гўзал ҳатто — ёлғонингиз ҳам...
Гўзал — кўнгил қолдирмоғингиз,
Гўзал — кўнгил олганингиз ҳам.

Оламда йўқ Сиздек оввора,
Бечоралар ичра бечора.
Гўзал, йўлдан уриб минг бора,
Гўзал, йўлга солганингиз ҳам.

Гўзал, бошда суйиб-сийпалаб,
Кўнгилнинг бор мулкини талаб,
Аввал жонни қийма-қиймалаб,
Гўзал, сўнг уёлганингиз ҳам.

Бир боқсам хуш — мажнунтолдайсиз,
Заифу бечораҳолдайсиз.
Жоду билан пайт пойлайсиз —
Гўзалларим, гўзал алдайсиз!.. *1998*

Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон,
Ёлғон йиғлаб, куйганларинг тугар қачон,
Қачон менга бир илтифот айлагайсан,
Қачон тугар ситамларинг карвон-карвон,
Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон?..

Мажнун бўлдим саҳроларда бир соя йўқ,
Менга офтоб — қароқчидан ҳимоя йўқ.
Ўнгимда чўғ, сўлимда чўғ, кўнглимда чўғ.

Жоним сайёд қўлидаги жайрон-жайрон,
Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон?..

Узун тунлар бекорга мен тўлғонмасман,
Паризодим, сени севдим, ҳеч тонмасман,
Минг бир кеча эртагинг айт — ишонмасман,
Ишонмай ҳам кўзимда ёш маржон-маржон,
Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон?

Жаннат ишвасига учиб ким чопмаган,
Тақдир менинг пешонамга қил ёпмаган,
Ношуд қулман чаман кезиб гул топмаган,
Ўз ҳолимга энди ўзим ҳайрон-ҳайрон,
Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон?..

Тушунмадим муҳаббатнинг шевасига,
Кўнгил бердим сендай қизнинг нимасига,
Нега миндим омонат ишқ кемасига,
Ўз умримни ўзим қилдим вайрон-вайрон,
Ёлғончи ёр, ёлғонларинг тугар қачон!..

1991

Ширинчик

Ҳатто кеч кузда ҳам тугади кўсак,
Серҳосил Ўзбекистон далалари.
Далага чиқишар кўтариб этак,
Биринчи синф болалари...

Зўр келса гўдак ҳам бирлашур,
Катталар билан тенг беллашур,
Бўйи ғўзадан паст, чиллашир
Биринчи синф болалари.

Совуқ дейсизми?
Ҳа, қаҳратон!
Қўлчалар қўйинда қотган нон,
Аммо нима қилсин, пахта шон,
Биринчи синф болалари.

Бари жимжималар — қоғозда,
«Зангори кема»лар — қоғозда,
Пахта теришади аёзда,
Биринчи синф болалари.

Пахта терар йиғлаб бахти кулганлар,
Омади кулганлар, аҳди кулганлар,
Пуфак боболарин Қаҳрамон қилганлар —
Биринчи синф болалари.

Фақат бир илтимос, муаллимлари,
Бурнин артиб турса бўлгани.
Иштонин кўтариб қўйишса бас, шу —
Пахтани плани тўлгани!

1991

Руҳ тутиси

Бош бир кун тош ёстиққа етар,
Руҳ тутиси танни тарк этар.
Дейдилар ёш танламас ажал,
Худо билар, ким олдин кетар...

Офтоб елиб толса кўк узра,
Унга осмон сандиғи ҳужра.
Ҳақдан ҳукм, бандадан ижро,
Худо билар, ким олдин кетар?!

Пок дилингни кемирди ҳасад,
Қадамингда топдинг азият,
Дўстим, менга қилма васият,
Худо билар, ким олдин кетар.

Асо тутмиш қанча қадди дол,
Мен бир кучга тўлган навниҳол,
Отам мени кўмар эҳтимол...
Худо билар, ким олдин кетар.

Кўзим кўкда, сизда хаёлим,
Жужуқларим — менинг камолим!..
Ғаниматмиз, жуфти ҳалолим,
Худо билар, ким олдин кетар!..

1991

* * *

Кузда кетган турна қайтгандек баҳор
Бир кун ҳузурингга қайтишларим бор,
Узримни ўзингга айтишларим бор,
Эй менинг юрагим йўқлаган диёр!..

Қайтарман, аммо қай аҳволда билмам,
Балки унда мени буккан бўлар ғам.
Балки қайтмоқ насиб этмас менга ҳам,
Чўлпони ёдидан чиқмаган диёр.

Гарчи бўлмасам ҳам ёнингда йўлдош,
Дардингга дилдошман, жонингга жондош,
Ҳаттоки қаландар Машраби талош,
Бобури бағрига сиғмаган диёр.

Оллох-ку Анжонда кормиш лойини,
Нодиранг на қилсин хон саройини?..
Қуқонга узатиб Мохларойини,
Боғишамол булиб йиғлаган диёр.

Жаннатлардан гузал кухлигим менинг,
Бағринг қон қилдими шухлигим менинг,
Балки билинмас ҳам йуқлигим менинг,
Балки мени ҳам гоҳ йуқлаган диёр...

Кузда кетган турна қайтгандек баҳор
Бир кун ҳузурингга қайтмоқларим бор,
Узримни узингга айтмоқларим бор,
Эй ёмон кузлардан асраган диёр. *1988*

* * *

Эсламасанг ҳам мени
Қандай килиб тонаман.
Йиллар утару сени
Унутолмай ёнаман.
Майли, мен-ку, қон дилим,
Бахтлимисан, севгилим?..

Баҳор келса боғларга,
Севишганлар сиғмайди.
Менинг куйган куксимда,
Қизғалдоқлар йиғлайди.
Майли, мен-ку, қон дилим,
Бахтлимисан, севгилим?..

Мендан кечиб кетганинг,
Майли, жонинг соғ булсин.
Менинг кунглим чукса ҳам,
Сенинг кунглинг чоғ булсин.

Майли, мен-ку, қон дилим,
Бахтлимисан, севгилим?

Қайда бўлма, омон бўл,
Омон бўлу билиб ол —
Сенинг умринг узун йўл,
Менинг умрим бир савол:
Майли, мен-ку, қон дилим,
Бахтлимисан, севгилим?!

1989

Ёр-ёр

Осмон олис, осмон жим,
Марҳаматда қор ёғар.
Сени қандай севардим,
Кўролмади қарғалар.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар, ёр-ёр.
Қайда бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр...

Осмон олис, осмон жим,
Осмон қулоқ солади:
Юрагимни соғинчим
Ғижжак қилиб чалади.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар ёр-ёр.
Қайда бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр...

Осмон олис, осмон жим,
Осмон юлдуз тўшайди.

Билагингда бармоғим
Изи борга ўхшайди.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Жоним қақшар, ёр-ёр.
Қайда бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр...

1989

* * *

Бекатларда мен қоларман-да,
Айтар сўзим қолиб кетади.
Трамвайлар сени ҳар куни
Бодомзорга олиб кетади.

Термуламан, изларидан жим,
Боқиб кўзим толиб кетади.
Бодомзорга сени ҳар куни
Трамвайлар олиб кетади.

Темир йўлга бошларин уриб
Ғилдираклар нолиб кетади.
Бодомзорга сени ҳар куни
Трамвайлар олиб кетади.

Юр, деб ўзим кетар йўлларга,
Буролмайман трамвайларни.
Сўколмайман трамвайларни,
Уролмайман трамвайларни.

Кўролмайман трамвайларни!..

1982

Хуршид Давронга

Эй дўстларим, дунёда
Ортда қолган из яхши,
Булбули йўқ баҳордан
Қумри тўла куз яхши.
Миннат тўла ҳалводан
Айвондаги муз яхши,
Ўпич кўрган паридан
Сепкил тошган юз яхши,
Ичмасанг ҳам қимиз зўр,
Қучмасанг ҳам қиз яхши.

Эй дўстларим, дунёда
Ортда қолган ёд яхши,
Тўқлигингда йўқлаган
Қариндошдан ёт яхши,
Ўнта номард дўстингдан
Битта чўлоқ от яхши.

Олисдаги олтиндан
Қучоқдаги гард яхши,
Вафоси йўқ хотиндан
Давоси йўқ дард яхши,
Ғаламис берган ғазнадан
Бурда арпа нон яхши,
Қирқта чала мулладан
Битта мусулмон яхши.

1989

Гарчи ипак деворинг,
Ҳеч ким сени қурган йўқ.
Аммо икки дунёда
Сендан баланд қўрғон йўқ.

Қўш юраклар ёғдуси
Ўзинг бешак чимилдиқ.
Бўй қизларнинг орзуси
Шоҳи тўшак чимилдиқ.

Куёв кутган орзиқиб
Ҳаёт сендан бошланар.
Келаётган аллаю
Баёт сендан бошланар.

Тилагим шу бойлансин
Жон риштаси жонингга.
Йўламасин ҳеч бир қиз
Рози бўлмай ёнингга. *1998*

Отам ўгитларин унутмоқдаман,
Унутяпман секин, ўзимни оқлаб.
Сен кимнинг ўғлисан? Кимнинг ўғлисан?
Ортимда имоним юрар сўроқлаб...

Мен кимни алдадим. Илк ёлғонларим,
Сохта табассумим кимга аталди?
Менга шухрат тутган хушомадларим
Отамнинг қабрига тиғдай қадалди.

Отам ўгитларин унутмоқдаман,
Унутяпман озғин юз, қўлларини.
Тер хиди анқиган беқасам чопон,
Кетмони, яктаги ямоқларини.

Толеидан мамнун жуфти ҳалолим,
Тилла тишларини кўрсатиб кулар.
Менинг кўнглим билан иши йўқ сира,
Суратимни излаб китоб титкилар.

Мен эса отамни унутмоқдаман... *1985*

* * *

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим:
Яшаш керак, севиш шарт эмас.

Садоқатми?
Кимга керак у?..
Беҳудадир кўзёшинг сели.
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас:
У бегона. У энди келин...

Тўй — бу асли баджаҳл ота,
Бахтли бўлсин қизим дегани.
Уни сенга бермасман, бўтам,
Тирик экан кўзим, дегани.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Қонимда бир ғашлик ўрмалар.
Мен оловга отарман энди,
Юрагимни қийма-киймалаб...

Ёқа ушлаб қолсин кўрганлар,
Оловларга отгум уни, бас.
Ёниб кетсин чирсиллаб қалбим,
Севиш керак... яшаш шарт эмас!

1988

Кетар ошиқ

Ёр, эшигинг очилмади мен учун,
Тилингдан бол сочилмади мен учун.
Уйингдан жой топилмади мен учун –
Кетар бўлдим юзингни бир кўролмай...

Келдим десам, жойинг йўлак дедилар,
Севдим десам, тенгинг бўлак дедилар.
Сенинг севгинг кимга керак дедилар...
Кетар бўлдим юзингни бир кўролмай...

Куйма, ёрим, куйдирмагин, куйма, ёр,
Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор.
Икки яхши яшнаган жой қайда бор?..
Кетар бўлдим юзингни бир кўролмай...

Дерлар: жон соғ бўлса жаҳон топилгай,
Бир парча ер, парча осмон топилгай,
Лекин қайда сендек жонон топилгай,
Кетар бўлдим ўзингдан бир сўролмай...

Ёр, эшигинг очилмади мен учун,
Тилингдан бол сочилмади мен учун,
Уйингдан жой топилмади мен учун,
Ўтар бўлдим юзингни бир кўролмай.

1995

Тошканда... тоғларни соғиндим,
Яшил ўтлоқларни соғиндим.
Сув бўйига чордана қурган
Момақаймоқларни соғиндим.

Кечагина ёмғирда ивиб,
Юрар эдим капалак қувиб,
Шудрингларга юзимни ювиб...
Болалик чоғларни соғиндим.

Тошканда тонг шундай бошланар:
Қулоқ йиртар баланд пошналар,
Ўзим ташна, менга ташналар —
Ялангоёқларни соғиндим.

Яшириб не қилдим сизлардан,
Лола ёноқ, ҳилол юзлардан,
Тўйдим тиллобармоқ қизлардан,
Қўли қадоқларни соғиндим.

Билганимни билганча билдим,
Йўқдан борин бинолар қилдим,
Шаҳар кенг деб, зинолар қилдим,
Узоқ-узоқларни соғиндим.

Алдовларга қолдим ўрганиб,
Қўрқиб қолдим кўнгил бергани,
Келганим йўқ Сени кўргани —
Зилол булоқларни соғиндим!..

1998

Афғонистонда ҳалок бўлган
ўзбек ўғлонлари хотирасига

Ҳиндиқушдан таралади бир нола,
Юракларни титратиб зир-зир нола.
Қаранг, қонга ботиб ётар бир дала,
Мангу армон бўлиб кетган ўғлонлар...

Алпомишдай келбатидан гапирмай,
Ўн саккиз ёшга ҳам кириб ё кирмай.
Ўн гулидан бир гули ҳам очилмай,
Умри хазон бўлиб кетган ўғлонлар.

Меҳнатдан бош кўтармаган деҳқон эл,
Урушдан ҳеч кўкармаган деҳқон эл.
Йўқлар Сизни кўздан ёшин тўкиб сел,
Ўққа қалқон бўлиб кетган ўғлонлар.

Бир дарёга уланмаган ирмоқлар,
Бир қиз сочин силамаган бармоқлар,
Бир тупроққа тўкилган қизғалдоқлар,
Бевақт қурбон бўлиб кетган ўғлонлар.

Аслида-ку, барингиз бир ўзбексиз,
Бир юрт ўғли, бир узукка кўздексиз.
Бўғзимда тош қотиб қолган сўздексиз,
Марди майдон бўлиб кетган ўғлонлар.

Бу дунёда балки, бир онанинг сиз —
Тилаб олган ёлғиз ўғли эдингиз,
Қайтмас бўлиб қаро ерга кетдингиз,
Мулки афғон бўлиб кетган ўғлонлар.

1989

Ботирмиди, Қодирмиди отингиз,
Қолди дилда муҳрланиб ёдингиз.
Жалолиддин, ахир, Сизнинг зотингиз,
Ўзбекистон бўлиб кетган ўғлонлар. *1989*

* * *

Ёлғон ёмон дерлар,
Хушомад ёмон.
Ёмонликнинг бари ёмондир, бироқ
Менимча дунёда энг катта гуноҳ —
Соғинмай яшамоқ...

Тилга келганини айтаверамиз,
Суриштирмай ростдир-ёлғондир, бироқ
Менимча дунёда энг катта гуноҳ —
Қари қиз ҳақида ғийбат тўқимоқ.

Ким бу шеърим ўқиб ошкора кулса,
Бечоралар ичра бечора билса...
Менимча дунёда энг оғир гуноҳ —
Ҳиринглаб шеър ўқимоқ! 1989

Ҳақиқат

Юрагинг сиқилиб бориб шаҳардан,
Секин гапга солсанг мўмин деҳқонни,
Қодирийни эслар ёзувчилардан,
Артистлардан эса — Шукур Бурҳонни...

Сенинг тилла гардиш кўзойнагинг бор,
Лекин беркитолмас у ҳам гинангни.
Нафис жилд китоблар йиғмассан бекор,
Бекор олмагансан пианинангни.

Мана кўриб қўйинг — Одалиска бу,
Рангларга эътибор беринг, рангларга.
Беҳзод чизгилари эмас сизга бу.
Санъатда етмоқ йўл бўлсин бизга бу
Нозикфаҳм рум — фарангларга.

Мана бу — Отелло. Ўша хабаш шоҳ.
Саҳна — Овруподир (яна ўша ёқ).
Дунёда ҳеч кимда йўқ бундай овоз,
Дунёда ҳеч кимда йўқдир бу нигоҳ!..

Дейсан: *бу китобим ичи тўла дур,*
Дейсан: *бу китобим битта нусхадир,*
Тасвир ўзи ҳаёт, жумла қисқадир,
Лекин барибир...

Лекин барибир,
Юрагинг сиқилиб бориб шаҳардан,
Секин гапга солсанг отанг — деҳқонни,
Қаҳҳорни эслайди ёзувчилардан,
Артистлардан эса Ҳалимахонни. *1989*

Кўкламойим

Озод Шарафуддиновга

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим:
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Қор қўйнида сени қўмсаб ўкиндим,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,
Кокилига толпопукдан соч илсин,

Бойчечакка борар йўллар очилсин —
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Фасл боши, ҳам охири ўзингсан,
Мажнунларнинг йўлдоши ҳам ўзингсан.
Лайлиларнинг сирдоши ҳам ўзингсан,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кел-да энди соғинтирмай одамни,
Сен йўғингда бир ғам босди елкамни,
Қорлар кураб кўмиб келдим отамни...
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўкинг билан кийинтирай даламни,
Оёқланг суюнтирай боламни,
Ўзинг олгин кўксимдаги аламни,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Гинам йўқдир кузда кетган оққушдан,
Ийманмасин қайта эшик қоқишдан.
Қумри билан бирга чиқдик биз қишдан,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Жон устида асраб юрай кўкни мен,
Туйиб-туйиб кўзга сурай кўкни мен.
Яна сенга етаманми-йўқми мен,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Дил яйрасин дала-даштинг ясаниб,
Ялпизларинг сув бўйига ястаниб.
Икки мисра байт битай бир мақтаниб,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим!..

1994

Мен сизни ўйлайман шому саҳарда,
Она, соғинсам ҳам бора олмайман,
Тунлари чароғон шундай шаҳарда,
Ҳеч кимга кўнглимни ёра олмайман.

Мен сиз айтгандайин ҳаммани севдим,
Ҳаммага ишондим, мана оқибат:
Ўз дўстим уйига кўмилди севгим,
Кун бўлиб кўксимни куйдирди нафрат.

Бошимдан ўтгани кўкка ҳам аён,
Юлдузлар қиқирлаб кулар оқбадан:
Мен — зангор яйловда олис, бепоён,
Уюридан ажраб қолган қулунман...

Мана, кетаяпман тощ йўлда кўзим,
Қадамим мошинлар йўрғасига мос.
Йиғласам юпатиб ўзимни ўзим,
Пишқириб қўяман тойчоқларга хос.

Ва сизни ўйлайман шому саҳарда,
Она, соғинсам ҳам бора олмасман.
Тунлари чароғон шундай шаҳарда
Ҳеч кимга кўнглимни ёра олмасман...

Ҳа, севги ҳақида. У дилга не зеб,
Куйинманг, не илож қилмаса насиб.
Бахтимга ҳамиша Сиз соғ бўлинг деб,
Соғинган ўғлингиз — Муҳаммад Юсуф.

1980

Анор

Ўзинг Анормидинг ёрим, юзинг анор,
Ҳамон сени унутолмай бағрим ёнар.
Ўттизда ҳам ўзгармадинг, оловдайсан,
Ўнг бетингдан ўпганимга ким ишонар...

Эй, кўнглимга кўрк бўлмайин кетган кунча,
Жон узилса бўлмасмиди сен кетгунча.
Қиз боланинг ваъдалари бўй етгунча –
Бўйга етгач бари қиз сўздан тонар.

Сен келмасанг бу тўйга мен келмас эдим,
Кўрмас эдим, кўриб қон ҳам бўлмас эдим.
Мен-ку, сени ҳеч кимсага бермас эдим,
Мен ғарибга қизин бериб ким қувонар.

Ўйлар суриб хўрсинганинг ўхтин-ўхтин,
Ёрингга айт, тинсиз толиққанга йўйсин.
Сочларингга оқ мунчоқлар тақиб қўйсин,
Гулшанингга бўйламасин бегоналар.

Ёринг билан биз ёшликдан жўра эдик,
Қирқ йигитга сардор эдик, тўра эдик.
Икки дўстнинг аҳволидан сўра энди –
Бу дунёда йўқдир биздек девоналар...

Ўзинг Анормидинг ёрим, юзинг анор,
Ҳамон сени унутолмай бағрим ёнар.
Ўттизда ҳам ўзгармадинг, оловдайсан
Ўнг бетингдан ўпганимга ким ишонар...

1979

Ўзим

Менинг ҳақимдаги ғийбатлар ёлғон,
Ихтиёр ўзимда бўлса қанийди.
Шароб ичиш менга Хайёмдан қолган,
Ичмасам ул зотнинг кўнгли ранжийди.

Ўзим бошладимми, ўзим қилгум бас,
Дўстларим беҳуда заволим излар.
Агар қирққа кирмай ўлсам, май эмас,
Мени хароб этгай бевафо қизлар!.. *1994*

Ота уйи

Уч қутбга уч гулни
Кузатишди бир кунда.
Учта опа-сингилни
Узатишди бир кунда.

Уч маҳлиқо, уч тобон,
Юришарди яркираб.
Учаласи уч томон
Учиб кетди чирқираб.

Сурнай йиғлар, кўнгиллар
Найдек нимта-нимтадир.
Энди опа-сингиллар
Кўришади йилда бир.

Бири Шошда,
Бири Ўш,
Бири энди Бойсунда.

Ҳол сўрайди қизлардан
Она бўлиб ой тунда.

Хуш қол энди, болалик,
Кўҳна чорбоғ, хуш қолгин.
Уч қизингни ўрнига
Бозордан уч қуш олгин...

Хуш қол энди, Ота уй,
Ҳушларингдан айрилма.
Қизларингдан айрилдинг,
Қушларингдан айрилма.

Кенг қасрга келин бўл,
Ўз ошёнинг бўлакча.
Ота уйин олдида
Бу дунё бир кўлмакча...

Уч қутбга уч гулни
Кузатишди бир кунда.
Учта опа-сингилни
Узатишди бир кунда.

Қиз болага қисмат шу —
Буни бошқа аташ йўқ.
Бир ҳовлида туғилиб,
Бир ҳовлида яшаш йўқ...

1994

Бу шундай бевафо дунё, бу ҳаёт,
Тунда туғишганинг тонгда етти ёт.
Балки тақдир шудир, балки шу қисмат,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Борингизда бизга бўлдингиз Ота,
Йўғингизда йўқдан қидирдик хато.
Беайб Парвардигор, дейдилар ҳатто,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Ҳали тупроғингиз совимай туриб
Руҳингиз қақшатдик қабрингиз суриб.
Чиғатой томонга кетдингиз юриб,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Қабр учун дилдан жой топганлар бошқа,
Қул бўлиб шоҳ қўлин ўпганлар бошқа,
Ўлганнинг устидан тепганлар бошқа,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Сизни алқаганлар бир халқ, бир денгиз,
Сизни қарғаганлар жўраларингиз.
Сизни адо қилди тўраларингиз,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Сизни золим десак, ранжир адолат,
Фаришта десак ҳам кўнгил хижолат.
Инсонсиз — омадли, гоҳи беомад,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Ким бўлманг сиздан шу юрт бизга мерос,
Йўқчилик, тўқчилик, не бўлса рўй-рост.
Энди тупроқ сизни айласин эъзоз,
Биздан рози бўлинг руҳи нотинч зот...

Шоҳларга ҳамиша хушомад зомин,
Кўзин ёғин ялаб, сотарлар номин.
Шеърим ҳам тугади, ўзбекча омин,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот!

1991

Эрка кийик

Эрка кийик, майлими бир эркаласам,
Мажнун бўлиб, саҳроларга еталасам,
Бу дунёда бирдай ғариб мен ҳам, сен ҳам,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Сенинг кўзинг қора, менинг кўзим қора,
Сенинг бағринг яра, менинг бағрим яра,
Бу дунёда сен бечора, мен бечора!..
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Шамол эмас, изинг кувиб юрди камон,
Сайёд менинг кулбамни ҳам қилди вайрон,
Сенинг жонинг, менинг жоним — омонат жон,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Кел, йиғлаймиз биргалашиб янтоқларга,
Саҳроларда қуримаган булоқларга,
Иккаламиз яралибмиз қийноқларга,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Умримизнинг барча йўли, сўқмоғи чўғ,
Чўғдан қўрқма, беюз қуйган қопқондан қўрқ,
Бу дунёда сенга дўст йўқ, менга дўст йўқ,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Соч оқарди, дилдош кутиб кўзим толди,
Юрагимдан тўкилмай не сўзим қолди,
Йўл сўнгида, ҳеч бўлмаса ўлимолди
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?.. *1991*

Қуяверинг...

Шамол сабаб, эҳтимол,
Тунда эшик ғичирлар.
Бошланади, қишлоқда
Шунда пичир-пичирлар.

Сизга нима?
Сиз ухланг,
Ҳеч ишингиз бўлмасин.
Кимда кимнинг кўнгли бор,
Қуяверинг, ўйнасин...

Ошиқларим — ошиқдек
Майли, кўнгил хушлашсин,
Икки ошиқ истаса,
Шамол билан муштлашсин.

Ўксимасин қиз қалби,
Йигит раъйи ўлмасин,
Кимда кимнинг кўнгли бор,
Қуяверинг, ўйнасин...

Ғийбат қилманг йигитни,
Уялтирманг қизни ҳам.
Шундай ўтли муҳаббат
Сийлар бўлсин сизни ҳам.

Бир совуқ сўз туфайли,
Севги боғи сўлмасин.
Кимда кимнинг кўнгли бор,
Қўяверинг, ўйнасин...

Илк севгидан ийманиб,
Сўнг пушаймон ёнса ҳам,
Сепли қизга суйканиб,
Эпли қиздан тонса ҳам.

Насиб этмай ёр васли,
Энди ҳажри қийнасин!..
Кимда кимнинг кўнгли бор,
Қўяверинг, ўйнасин...

Икки ёрти бош узра
Порласин ишқ қуёши.
Қизга ҳаё, йигитнинг
Ғурур бўлсин йўлдоши.

Дийдорига бир-бирин
Термулишиб тўймасин.
Кимда кимнинг кўнгли бор,
Қўяверинг, ўйнасин.

1994

* * *

Қизғалдоқлар қўйнида
Ухлаб ётар бир сулув.
Қайданам кўриб қолдим,
Кўнглимга тушди ғулув.

Ухлаб ётар гулдайин,
Ҳеч кимса йўқ олдида.
Мен-ку, тегмай ўтардим,
Отим тўхтаб қолди-да... *1980*

* * *

Ҳали билмай сонсиз гуноҳларимни
Кечирмаган-кечирганингни,
Кўриб қолдим бир оқшом тағин
Деразадан ечинганингни.

Ғаним экан менга саёқ нигоҳим,
Юрагимни қитиқлар, қилмас писанд.
Кўрганларим туш деб ўзни чалғитсам,
Кўзларимга ботиб қолди сийнабанд.

Дилдор, кечир кўриб қолганим учун,
Кўрмаганим учун кечир гоҳида.
Мен шу ерда, ёнингдаман бу кеч ҳам,
Ўлтирибман... қантак ўрик шохида... *1980*

* * *

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиғлатган достонларинг бор,
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Бағрим ўртар бир уй баҳор айёмлар,
Ой борган ёқларга термулиб шомлар.
Айбин билмай кеттан Акмал Икромлар,
Файзуллодек марди майдонларинг бор...

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Юлдузни йиғлатган достонларинг бор.
Осмонларингдан ҳам дийдорингга зор,
Жайрондек термулган Чўлпонларинг бор.

Қўлинг қадоғига босай юзимни,
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни,
Қайинбарглар ёпиб қаро кўзини
Олисларда қолган Усмонларинг бор.

Алхазар, алхазар, минг бор алҳазар,
Ана, юришибди кийганлари зар,
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар —
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор...

Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,
Сенинг фарёдларинг, менинг фиғоним,
Ўтмишингни ўйлаб ўртанар жоним,
Айтсам адо бўлмас достонларинг бор.

1989

Оқибат

Меҳр юракларда қотса ичикиб,
Оқибат ҳам бўлгай анқо уруғи.
Элнинг кичигини ғажир кичиги,
Улуғини эса улуғи...

Полвони полвонин чалмоққа маҳтал,
Дорбози дорбозин кўролмай яшар.
Ҳофизлари кўшиқ айтишдан аввал,
Бир-бирларин қарғаб овоз созлашар.

Зиёлиларига керакмас майдон:
Тинчитар бир-бирин сал ғойибона,
Олими олимин олимлик билан,
Шоири шоирин ҳам шоирона!...

Меҳр юракларда қотса ичикиб,
Оқибат ҳам бўлғай анқо уруғи,
Элнинг кичигини ғажир кичиги,
Улуғини эса чайнар улуғи.

Андиша деган бир боғ бўлар вайрон,
Гўё бу чамандан ялмоғиз ўтган.
Оналар қизларин танимай ҳайрон,
Қизлар оналарин исмин унутган.

Бир умр елкада кўтариб ўзи,
Ўзи боласининг раҳмига муштоқ.
Ўғиллар муштидан кўкариб юзи,
Оталар йиғлагай сочлари оппоқ...

Бўлди. Шеърим тамом. Ахир сиз чидаб
Юрибсиз-ку, нима қипти мен юрсам.
Томоғимда жоним турибди йиғлаб,
Жондан айриламан энди гапирсам!..

1991

Билардим деб айтди у,
Билар экан қизлар ҳам.
Кулардим деб айтди у,
Кулар экан қизлар ҳам.

Синардим деб айтди у,
Синар экан қизлар ҳам.
Сезардим деб айтди у,
Сезар экан қизлар ҳам.

Кутардим деб айтди у,
Кутар экан қизлар ҳам.
Куяр экан, тунлар қон
Ютар экан қизлар ҳам.

Мен эса... мен билмасдим,
Билганимда кулмасдим,
Сира парво қилмасдим:
Севар экан қизлар ҳам!..

1989

* * *

Тунда шеър айтишдик капалак билан,
Ялпизни алқадим,
Гулни алқадим.
Ёнимга судралиб келиб бир илон
Кўзойнак остидан бокди.
Пайқадим.

Қувди ёлғиз ўшал ҳамхонамни у,
Кувди париларни қувган каби дев.

Ҳуркитиб юбориб парвонамни у
Бўйнимга ўралиб олди:
Мени сев!..

Чимзор.
Чимилдиқда совуқ ёр қучдим.
Пўстин гилам қилиб меҳробга қоқди.
Кўзимни чирт юмиб
Кечалари жим,
Мен уни ўпганда –
У мени чақди.

Чақди.
Чақаверди заҳри сўнгунча.
Чақди гоҳ билагим,
Гоҳ юрагимни.
У қанча чақса, мен тирилдим шунча,
Шунча эслайвердим капалагимни!..

1991

Нозимага

Шуҳратга ўч бўлсам керак мен гумроҳ,
Ёлғон бўлса керак дилда нолам ҳам.
Тўпори байтларим битар пайтим гоҳ
Кўзимга кўринмай қолар болам ҳам.

Оламни эркалаб эрка сўз излаб,
Боламни эркалаб бир сўз айтмайман.
Мушукдай суйкалиб келса ҳам музлаб,
Бетидан бир ўпмай уйдан ҳайдайман.

Қалам ушладимми, демак — ўйин бас,
Яйраб очолмайди гул дудоғини.
Бундоқ юрак ютиб сўраша олмас,
Хонамда қолдирган қўғирчоғини.

Бурчак-бурчакда жим тортишар бурун,
Билмам қандай ўю хаёл ичида.
Тузсиз шеърларим деб ширилдан-ширин
Болаларим юрар оёқ учида...

Улар шеър ёзмасин ҳеч менга ўхшаб
Мендан нафи кўпроқ тегар элимга.
Шоҳ асар бўлса ҳам тупурдим ўша —
Боламни йиғлатиб ёзган шеъримга! *1988*

Ота

Юсуф отага

Армоним бор, бу дунёда армоним бор,
Қоқ далада ўтлар босган ўрмоним бор.
Қизғалдоқдай бошим эгик бу маконда,
Ёшин яшаб ўтмаган отажоним бор.

Ота десам, бағри-дилим ёнаверар,
Куним ёнар, ою йилим ёнаверар,
Мозорига қўйган гулим ёнаверар,
Тутунларга тўлиб кетган осмоним бор.

Эсаверсин жаннатлардан келган насим,
Момо ерим, ўзингсан энг муқаддасим,
Бағрингда жим тинглаб бу тун жон нафасим,
Руҳимни аллалаб ётган жаҳоним бор.

Одам бўлиб бир одамни тушунмаслар,
Кўзингда ёш кўриб ҳам гоҳ ўкинмаслар,
Босган изим пойлаб юрган эй нокаслар,
Қабрдан қўл чўзиб турган қалқоним бор...

Мен отамдан қолган эркин садо-сасман,
Қонимга ёт наволарга қайрилмасман,
Ўлгунимча энди ундан айрилмасман —
Ўз отамдек бўлиб қолган имоним бор.

Армоним бор, бу дунёда армоним бор,
Кенг далада гуллар босган ўрмоним бор,
Қизғалдоқлар бош эгиб қон йиғлаб турган
Бу маконда менинг ҳам нуржаҳоним бор. *1989*

* * *

Байрамдир ҳар кунинг, нобакор,
Давлатинг бор — сенга зулм йўқ.
Бу дунёда сендай бахтиёр,
Ва мендайин бағри тилим йўқ.

Менга азиз жаннатлардан ҳам —
Киндик қоним тўкилган далам,
Лойсувоқ том ва қари онам...
Бўлак борар бир манзилим йўқ...

Ер сеники, сеники само,
Сенинг учун йўқ ҳеч муаммо.
Нима қилсанг қиларсан, аммо
Сенга жазо, сенга ўлим йўқ.

Фариштамас ўзим ҳам албат,
Мен ҳам бир уммати Муҳаммад.
Гуноҳим кўп, биларман, фақат
Ҳажга борай десам — пулим йўқ!.. *1990*

Қиқирлашиб қирларда
Қизлар ўйнаб юрарди.
Рўмолларин йўқотиб
Мендан сўраб турарди.

Мен билсам ҳам барини —
Рўмоли ўз қўйнида,
Индамасдим, бу ҳам бўй
Қизларнинг бир ўйни-да...

* * *

Ғирот минган Гўрўғли
Бобом қани, айтинглар,
Қўнғиротлик Алпомиш
Оғам қани, айтинглар?..

Тустовуқдай товланган
Олам қани, айтинглар,
Кўлда кийик овланган
Далам қани, айтинглар?..

Кокиллари ер ўпган
Санам қани, айтинглар.
Куйиб кетган жонимга,
Малҳам қани, айтинглар?..

Дардим айтсам тушунган
Одам қани, айтинглар?..

Кўнглим гулдай эзилиб,
Кўзимга ёш тўляпти.
Эҳ, қуёшга осилиб,
Ботиб кетгим келяпти! *1985*

Хитобларга кўмилиб, ҳотам,
Буюк шоир, дейиш-ку осон.
Ҳеч кими йўқ Навоийни ҳам,
У ҳам мендек бир ғариб инсон...

Минорадек мармар ҳайкали
Кўринса ҳам ҳатто Ҳиротга,
Қавмин уйи турса чайқалиб,
Тўйи татирмикан у зотга?..

Кечиргайми ҳазрат ўз қавмин,
Бир-бирига бўлмаса ианоҳ:
Подшосининг билмаса қадрин,
Гадосини сийламаса гоҳ?..

Юрагини чаққандек ари
Пир енгидан кириб яширин,
Азобмасми, набиралари
Кўзин ўйиб юрса бир-бирин?..

Юм-юм йиғлаб ётмасми устоз,
Қабрида ҳам юрак-бағри қон —
Шоирлари сўйламаса рост,
Олимлари талашса унвон?..

Мангу назм гулшани сўлмас,
Навоий-ку яшар тоабад.
Оқибатсиз элда эрк бўлмас,
Мурувватсиз юртда саодат...

Буюк шоир дейиш-ку осон,
Хитобларга қўшилиб. Лекин
Навоийнинг тўйи,
Биз қачон —
Арвоҳини шод этолган кун! *1991*

* * *

Онажон,
Онажон,
Юрагим оғрир.
Билмадим нимага қийнайди мани.
Мен деҳқон боласи эдим-ку ахир,
Наҳот шунча нозик бўлса бу жоним?..

Энди-ку ухламай ўйлар сурмайман,
Соғинсам, дунёда соғинганим сиз.
Оғрир,
Оғрийверар юрак, билмайман,
Нега оғришини айтмас ҳам иблис.

Ё севиб қолдимми,
Бу мумкин эмас.
У мендан безор,
Мен ундан безорман.
Муҳаббат деганин қилмасман ҳавас,
Шундай ҳам бу узун йўл тўла армон...

Онажон,
Онажон,
Юрагим оғрир,
Гўё кимдир уни тиғ билан тилар.
Кечалар елкамга темирдек оғир
Қўлларин қўяр, кўзимга тикилар.

Ким у?
Мен танимайман.
Отамнинг арвоҳи ўша зот балки:

Уйимнинг чироғин ёқмай болам, сен
Қаерда,
Қаерда юрарсан санқиб?!.

Қишлоққа кетаман,
Тонг отса бўлди.
Қуёш, уйғотиб қўй мени эрталаб...
Юрагим,
Юрагим оғримай қўйди,
Эй, қалбни бир ўпиб бўлмас эркалаб? *1989*

* * *

Қуёшга қараб оққан сув,
Дардимни айтган эдим-ку,
Додимга етмайсан нега,
Қуёшга қараб оққан сув?..

Қандай юзсиз дўстимсан,
Оҳлар тўла кўксимдан
Оҳ уриб кетмайсан нега,
Қуёшга қараб оққан сув?

Сувингга қўшиб ёшимни,
Қиблага қаратиб бошимни
Ётқизиб кетмайсан нега,
Қуёшга қараб оққан сув?..

Мен кимман? Бир ёлғизман,
Сув бўйида бир ялпизман.

Оқизиб кетмайсан нега,
Қуёшга қараб оққан сув?

Қуёшга қараб оққан сув,
Онамдек мени боққан сув... *1994*

[illegible]

Айланаман, Шарқни кезиб айланаман,
Иболи бир ёр тополмай ўйланаман.
Ўз юртимнинг сулувлари тил уқмаса,
Узун кўйлак туркман қизга уйланаман...

Кўзим тушса юзлари лов-лов ёнади,
Елкасида қиркта чаман товланади,
Кесилмаган кокиллари тўлғонади,
Узун кўйлак туркман қизга уйланаман.

У элининг урфларини қилмайди хор,
Бешиги ҳеч алласига бўлмайди зор,
Қошида момоси қуйган ўсмаси бор,
Узун кўйлак туркман қизга уйланаман.

У ажралиб турар турфа гул ичида,
Офтоб чиқиб, офтоб ботар кулгичида,
Ўз тилида гапирмайди тил учида,
Узун кўйлак туркман қизга уйланаман...

Бир хил либос киймиш, кўрдим, нечалари,
Ойбалдоғи ёниб турар кечалари.
Яшнаб кетар юрса Тошкент кўчалари,
Узун кўйлак туркман қизга уйланаман.

Гўшангага кирганимда ёрга етиб,
Менга ўлан сўйлаб берар ёдлар этиб.
Боболарим руҳларини шодлар этиб,
Узун кўйлак туркман қизга уйланаман... *1991*

Ўзбек қизларига

Содда Муҳаммадман,
Содда Муҳаммад —
Туркман қизни мақтаб балога қолдим,
Кўйлагига ҳавас қилгандим фақат,
Тоабад туганмас ғавғога қолдим...

Недан ранжидингиз жон сингилларим,
Қабоқлар уюлди, чимрилди қошлар.
Туркман тушунмай тош отса, чидадим,
Аммо ёмон ботди сиз отган тошлар.

Ёруғ дунёда-ку бари қиз гўзал,
Миллат танламас-ку ҳусн дегани,
Нигоҳим Жайҳундан сакраб ўтса сал,
Қайдан билай сизга малол келганин.

Юртим сулувлари, сизга йўқ тараф,
Қошингизда ўсма юрса сирғалиб,
Узун сочингизни ўрсангиз тараб,
Боқса деган эдим ой ҳам суқланиб.

Асли туркман қиз бир баҳона холос,
Излаганим эди сизлар кабилар,
Қўмсаганим — ҳаё, момоларга хос,
Соғинганим эди Кумушбибилар...

Ёнсам ҳажрингизда менинг ёнишим,
Куйсам сиз туфайли кўнглимдаги чўғ,
Туркман қизлардан йўқ менинг танишим,
Қалинга туям ҳам тушиб қолган йўқ! *1991*

* * *

Мендай ғарибни ҳам кўролмаслар бор,
Нураб борарману ўзим шундай ҳам,
Тугаб борарману ўзим шундай ҳам,
Кўксимга тош отмай юролмаслар бор...

Товушим чиқмас бир капалакча ҳам,
Садосиз кузатгим келар дунёни.
Кўтаролмас ҳатто темир токча ҳам
Улар қанотимга ортган риёни.

Дўстлар, дегим келар,
Бўлманг хавотир,
Узоқ яшамайман шундай ҳам ўзим,
Умрим бир боғ кезиб ўтгай наводир,
Сўнар у бир очиб юмгунча кўзим.

Қўйишмас,
Қўлимдан тортади бири,
Бири оёғимдан,
Бири сочимдан.
Бири қўйним, бири кўнглимга кириб,
Ҳаётдан бездирар ўттиз ёшимдан.

Ўтмас пичоқ билан мени сўйишиб,
Томоша айларлар туриб сал нари.
Худонинг қўлидан нон еб тўйишиб,
Шайтоннинг хизматин қилишар бари!..
Мендай ғарибни ҳам кўролмаслар бор. *1991*

* * *

Бу бешафқат,
Бу беозор дунёда,
Бу шундай кенг,
Бу шундай тор дунёда,
Кимлар келиб,
Кимлар кетар дунёда,
Қўнғизнинг ҳам Ватани бор дунёда,
Нега йиғлар қримтатар дунёда?..

Ҳар йил баҳор уч кун яшар бойчечак,
Ариқларнинг бўйидаги мойчечак,
Ялпизнинг ҳам Ватани бор дунёда,
Нега йиғлар қримтатар дунёда?..

Толкосадай макони бор айронни,
Янтоқ асрар сайёдлардан жайронни,
Қамишзорда яйраб юрган қобонни —
Тўнғизни ҳам Ватани бор дунёда,
Нега йиғлар қримтатар дунёда?..

Тулкидайин тутқич бермас туллакни,
Тулки қувиб тутолмаган ўрдакни,
Ўрдак қўнган саҳродаги кўлмакни —
Ҳовузни ҳам Ватани бор дунёда,
Нега йиғлар қримтатар дунёда?..

Ким ёлғиздир?
Маскани йўқ эл ёлғиз.
Ўзга юртда ўсгани йўқ эл ёлғиз.
Эртакдаги ўттиз бошли Ялмоғиз
Ёвузни ҳам ватани бор дунёда,
Нега йиғлар қримтатар дунёда?..

Бу шундай кенг,
Бу шундай тор дунёда,
Бу бешафқат,
Бу беозор дунёда,
Дарвозаси йўқ бир бозор дунёда,
Кимлар келиб, кимлар кетар дунёда,
Нега йиғлар қримтатар дунёда?! *1991*

Осмон бўлмас, кўшкимда
Сен яйрасанг, Қалдирғоч,
Яйрармидим ўзим ҳам...

Уммон бўлмас, тўшимда
Сузиб юрсанг ёйиб соч,
Пойлармидим ўзим ҳам...

Қара қандай ҳотамман —
Сени ўзим беармон
Кузатдим бахт йўлига.

Ахир, нетай, одамман,
Одамзодни ҳеч қачон
Қуш қўнмайди қўлига!.. *1998*

Осмон ерга энгашиб,
Булут соғди кун бўйи,
Ёлғончи ёр тўйида
Ёмғир ёғди кун бўйи.

Ёмғир эмас, бу халқоб
Келинчак кўз ёшидир.
Йиғлама ёр, қиз бола
Палахмоннинг тошидир.

Қайғурмагил қуй, чорбоқ
Айланамиз, юр, дўстим,
Пешонанг шу экан, бу —
Тақдир, деди бир дўстим...

Тақдир эмас, айирган,
Ёрнинг қалам қошидир.
Қолаверса, қиз бола
Палахмоннинг тошидир.

Эгилмаган ерларга
Эгиб йигит бошимни,
Палахмон-ей қайларга
Отдинг ёқут тошимни! *1994*

* * *

Рўмолим бор — бўяма,
Бўямани ювдирма...

Қўшиқдан

Рўмолингни бўяма,
Билмайгина ювдирдим,
Отанг сени бермай, мен
Оламан деб куйдирдим...

Мени суйсанг бўлгани,
Сен сўзингда тур, жоним.
Отангни ўзим йўлга
Соламан, деб куйдирдим.

Маломатлар ёғилсин,
Тошлар ёғсин бошимга,
Мен аҳдимга вафодор
Қоламан, деб куйдирдим.

Отанг сени бермади,
Тақдир дедим. Кўникдим.
Мен бечора... бир шоир
Боламан, деб куйдирдим... *1985*

* * *

Бир йил бўлди,
Сендан келган хат —
Қалин китоб ичида диққат.
Мен эса банд,
Мен овораман,
Марҳаматга қачон бораман?..

Бугун дўстим туғилган куни,
Табриклайман гул билан уни.
Торт кесаман,
Тарвуз ёраман...
Марҳаматга қачон бораман?

Диёримнинг байрамлари шўх,
Байрамларда эса билет йўқ.
Бир кассирга минг ёлвораман,
Марҳаматга қачон бораман?

Чимилдиққа кирмоқда бир қиз,
Эсиз, увол кетди севгимиз.
Ноиложман,

Йўк, бечораман,
Марҳаматга қачон бораман...

Менга минг жуфт нигоҳ қадалар,
Бошланади мушоҳадалар.
Ўзи ёмон,
Юзи қораман,
Марҳаматга қачон бораман...

Мен эса банд,
Мен овораман.
Торт кесаман,
Тарвуз ёраман.
Бир кассирга минг ёлвораман,
Марҳаматга қачон бораман!.. *1975*

Билет топилмайди «Ўткан кунлар»га,
Қизлар қайтиб келар кўзёш қилишиб.
Хайр, уйқу, дейману менда йўқ ором,
Муқовасиз китобимга мук тушиб.

Ногоҳ мусиқалар тинган ётоқда
Китоб кирмаган хона қолмаган.
Ҳеч ким уни мендек ўқимаган, лекин
Ҳеч ким уни мендек ўқий олмаган.

Кўзимни юмаман, кулгичлари яйраб,
Кумуш боласига рўмолча тўқир.
Кейин ичкаридан — минг йил наридан
Зайнабнинг нигоҳи жонимни чўқир.

Шундай оқшом ботар, шундай тонг отар,
Китобим ўқийман — сатри муқаддас.
Менга ёқмас экрандаги Отабек,
У бошқа. У бошқа, мен билган эмас!..

Билет топилмайди «Ўткан кунлар»га,
Мен эса кирмайман бекорга ҳам ҳатто.
Майли, қарсак чалай истеъдод учун
Лекин санъат—санъат, ҳаёт—ҳаёт-да.

Кўзимни юмаман, кулгичлари яйраб,
Кумуш боласига рўмолча тўқир.
Кейин ичкаридан — минг йил наридан
Зайнабнинг нигоҳи жонимни чўқир.

1987

[illegible]

Шоирлик мен учун асло орзумас,
Шу ҳам иш бўлдими йигит бошимга.
Ҳамма шоир зотин йиғса — арзимас
Онамни соғиниб тўккан ёшимга.

Ана, улар қилар булбулларга дўқ:
«Эй қуш, бу боғларнинг мен булбулиман!»...
Шоирлар билан ҳеч ошнолигим йўқ,
Мен ёруғ дунёда кўнглим қулиман.

Аммо юрагимни қийнар бир азоб,
Қуй десам қуймайди, тутқазар қалам,
Мен кетмон сўрасам — тутади рубоб,
Куйлайман жонимдан ўтганда алам.

Осмонга қарасам кўринар тупроқ,
Майсага термулиб ойни кўраман.
Бу қандай кўргилик, билмайман, ўртоқ,
Мен қачон далада буғдой ўраман!..

Шоирлик мен учун асло орзумас,
Шу ҳам иш бўлдими эркак бошимга.
Ҳамма шоир зотин йиғса — арзимас
Уйимни соғиниб тўккан ёшимга.

Ана улар салқин хиёбонларда
Энтикиб ёзишар келажакка хат.
Оқибат ҳақида ҳайқиришар ва
Абдулла Орифни қилишар ғийбат...

Бўлди.
Шеър ёзмайман.
Мен энди одам,
Оддий одам бўлиб яшай бошлайман.
Кўнглимга ачиниб агар ёзсам ҳам,
Тунда ёзиб, тонгда ўтга ташлайман! *1991*

Баҳор сўраб келса жамолингизни,
Шудринг йўқлаб райҳон шохида сизни,
Бир ўй қийнамасми гоҳида сизни —
Наврўзфурушлар?

Тўп отиб бойчечак бечораларга,
У кун қаҳрингизга дучораларга,
Пешонангиз тегиб сайёраларга,
Қани юришлар?..

Бизга мотам бўлса, сизга нима ғам,
Жабрлар қилдингиз жабр устида ҳам.
Дуога чўзилса қабр устида ҳам –
Қўллар чопдингиз.

Гувалагимиздан гоҳо уёлиб,
Ҳар ис чиққан жойдан хабарлар олиб,
Сумалагимизга заҳарлар солиб,
Нима топдингиз?..

Ёритди-ку ислом нури уйимни,
Инъом айлаб қайта тилим, куйимни.
Енг шимариб, юрак ютиб сиз кимни
Талайсиз энди?...

Эй сиз, сохта шуҳрат-шон адолари,
Эй сиз, эл хатоси, юрт хатолари,
Мансаб гадолари, пул гадолари,
Қалайсиз энди?..

Биз билан сумалак ялайсиз энди! *1998*

* * *

Атиргулдан юмалади капалак,
Бир силкиниб қўймади ҳам гул шохи.
Жон талашиб, қум ялади капалак,
Кўчди менинг кўксимга-да титроғи.

Дунё кезиб, топгани шу гул эди,
Япроқлари беланчаги зангори.
Тонгда унинг ифорига қул эди,
Шомда эртак бўлиб қолди дийдори...

Атиргулдан юмалади капалак,
Кўнгилни бир бузди. Бўлди хаёлни.
Уволингни ким олади, капалак,
Қай қўл билан тутай қотил шамолни?

Оқшом боғда унга боқиб қолдим лол,
Тушимда ҳам кўрмагандим, бу не ҳол —
Бир қаноти ётар эди ерда лой,
Бир қаноти кўкда эди — ярим ой...

Атиргулдан юмалади капалак,
Оқ упаси Сомон йўли бутоқда.
Сен ҳам кетсанг ким қолади, капалак,
Мен ёлғизман, тўти тўла бу боғда. *1994*

Зебижон

Ялангоёқ ёшлигимни эсласам жим,
Кўзларимга сургим келар бурда нонни.
Қорним нонга тўймаса ҳам пошшо кўнглим:
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Капалак ҳам сийлар гулнинг суйганини,
Шабнамларнинг кўрдим тонгга ийганини,
Ким биларди камбағалнинг куйганини,
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Суйганимни бир бойвачча тортиб олди.
Тилло берди, тиллога от сотиб олдим,
Тулпоримнинг туёғига ётиб олдим,
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Отим билан гаплашардим одамдайин,
Мен бир қашшоқ ўғилман, у — отамдайин,
Йиғлар эдим ёлларини силаб майин,
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Кимга айтиб яна кимга йиғлай бориб,
Умрим ўтди ёлғиз унга кўнглим ёриб,
Отим мендан ғарибу — мен ундан ғариб.
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Ой юзли ёр ойдек ўғил туққан оқшом
Мадаминбек тортиб олди отимни ҳам,
Дардимга дард қўшилди воҳ, ғамимга ғам —
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Камбағалнинг куни қурсин экан, кўрдик,
Мискин эдик, яна икков мискин бўлдик,
Отим бекка, ўзим эркка тутқин бўлдик,
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Тунда бориб олиб қочдим, келиб орим,
Елдек учиб кетаверди жониворим.
Мадаминбек бия минсин, чу, тулпорим,
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни!.. *1991*

* * *

Гулдай умринг кулдай тўзиб кетмоқда,
Кимни кутиб ёшинг қирқдан ўтмоқда,
Ёлғизмисан энди сен бу чорбоқда,
Энди йўқлаб келмасму у алдаган?..

Ўт ҳам ўсар бир-бирига суйкалиб,
Сен на ёрсан, сен на тулсан, эй ғариб,
Ҳеч бўлмаса кўнгил учун ахтариб,
Бир бор келса бўлмасму у алдаган?..

Очил гулим, айт ўзимга дардингни,
Гулфурушлар қайдан билсин қадрингни.
Ёмғирман деб юзинг силаб, баргингни
Тўкиб кетган дўлмасму у алдаган?..

Не мунчоқ, у тенги йўқдир, тизимсиз,
Не олчоқ, у, руҳи жонсиз — жисмсиз,
Йиллар билан ич-ичингга исмсиз
Чўкиб кетган кўлмасму у алдаган...

Гулдай умринг кулдай тўзиб кетмоқда,
Кимни кутиб ёшинг қиркдан ўтмоқда.
Елкангдаги етти қатор сиртмоқда
Осилибгина ўлмасму у алдаган...

Юзларингни кўргандайман қайдадир,
Қўл ушлашиб юргандайман қайдадир,
Неки қилсанг, ахир бир кун қайтадир,
Айт, мабодо менмасму у алдаган?!.

1974

* * *

Жонимда жон қолмас югуриб-елиб,
Кўнгил айтганимга кўнади бир кун.
Туғишган синглимдек соғиниб келиб
Капалак кафтимга қўнади бир кун...

Майсалар кун билан кўришгандек юз,
Турармиз жилмайиб бесўз, беармон.
Мен унинг қанотин силарман маъюс,
У менинг кафтимни силар меҳрибон.

Капалак қўлимга қўнади бир кун... *1991*

* * *

Ўксимагин о, юрак,
Бўлма хомуш, бўлма лол:
Менинг отам октерак,
Менинг онам — мажнунтол.

Осмонда ой ёлғиздир,
Ёлғизман мен ҳам, ахир.
Менинг опам ялпиздир,
Синглим лола қон бағир.

Тўшагим шу шўр тупроқ,
Кўрпам кўкда булутдир.
Менинг акам Улуғ тоғ,
Менинг укам — бургутдир.

Табассумим чақмоқлар,
Ёмғирлар — кўз ёшимдир.
Арслон мени ардоқлар...
Қоплон қариндошимдир...

Ёв ҳисобин қилмайман,
Мард бўлса жон фидодир.
Дўстларим ким билмайман,
Менинг ёрим — Худодир!

1998

Қайинлар юртида булбулни кўрдим,
У гул бутоғида қиларди хониш.
Қовоғимни солиб ҳол-аҳвол сўрдим,
Озроқ гина билан, озрок қизғаниш...

Яхшиям кўрганим, кўрмасам албат,
Тентакнинг туши, деб ўйлар эканман.
Туғишгандек кўриб, мен уни факат
Ўзбекнинг қуши деб, ўйлар эканман.

Ўша тинчимас жон, ўша бедаво,
Ўша дарди ёлғон, ўша ҳуркак қиз.
Қалин барглар аро қиларди наво,
Ўша нағмасини қолдирмай бир сўз.

Мени мафтун қилди-қўйди баччағар,
Ўтмас пичоқ билан сўйди, баччағар.
Негадир уйимни соғиниб кетдим,
Булбулга эргашиб юриб жарма-жар.

Қушим ушлатмади опкетай десам,
Қўйнимга авайлаб сопкетай десам.
У ёқда кутарлар юраклари қон,
Ўрмонда у билан қопкетай десам...

Мени-ку зарурат судради бу ён —
Масковда нима бор сенга, булбулжон?!

1998

Икки буюк шоир, икки мусофир —
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур.
Сизни ўйлатмасми бу жумбоқ, бу сир,
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур...

Буни тасодифми атайин, айтинг,
Қитмир қисмат ўйни дейинми ё бир?
Кўриб қўй, Туркистон, икки шоҳ байтинг —
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур.

Жафо этганга ҳам жабр этмадик,
Гадони сийладик гоҳо, Худо бир.
Даҳоларимиз қадрига етмадик —
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур.

Ер ёнар жаҳаннам афғонда ял-ял,
Кулранг кўрпа янглиғ булут ёнодур.
Ёнар не тиклаган бўлса бир маҳал —
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур.

Икки буюк ҳикмат, икки хуш забон,
Икки буюк дилдан йўқдир садо бир.
Биз ғанимга бежанг топширган қўрғон —
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур.

Учрашишмаганди улар ҳаётда,
Ётурлар ёнма-ён икки лаҳатда.
Нима дейсиз энди, ҳаёт—ҳаёт-да —
Навоий Ҳиротда, Кобулда Бобур!

1998

Ота, ғўзангизни сув босиб кетди,
Чумчуқ вайрон қилди жўхорингизни.
Менинг китобларим бир жамбилбаргча
Ёзолмади лекин хуморингизни...

Телевизорлардан жилмаймоқ нима,
Мен шеърлар ўқидим, кўнглингиз тўлмади.
Оқшом оқ даладан бир боғлам сомон
Келтирган болача нафим бўлмади.

Қирқ йиллик осколка қийнади бир кун,
Сиз ётиб қолдингиз, бўлди керагим.
Учиб боролмадим самолёт бўлиб
Ота, деб осмонга тегиб курагим.

Кейин сиз кетдингиз. Бу ёруғ дунё —
Тўполон дарёни менга қолдириб.
Сўнгги ўтинчингиз айладим бажо
Кўзларимни тўсган сочимни олдириб!..

Меҳримни бошимгаураймиэнди,
Шеъримни бошимга урайми.
Менинг соғинчимни ютиб оғринмай,
Ёрилмай яшаган юрак — юракми?..

Ота, юзларимни сув босиб кетди,
Кўзёш пайҳон қилди кўнглим гулзорин.
Менинг китобларим,
Менинг шеърларим —
Қадрингиз билмаган йилларим зори...

1987

* * *

Сочим оқарса ҳам чақалоқдайман.
Энди туғилдиму
Наздимда гўё —
Ҳозиргина биров қўлига томди
Киндигимдан оққан қизил сув...

Доя кампир қани?
Қайда қолди у?!.
Уни қўмсаб келиб,
Бу кун бир тобут
Кўрдим... Э воҳ, борар йўлига томди
Кипригимдан оққан қизил сув.

Қизил сув, қизил сув, қип-қизил сув.
Улғайиб қолдим-ку,
Опа, қачон тўй?..
Ўғил кўрмоқчиман. Баҳодиримга
Менинг сумагимни асраб қўй.

1982

* * *

Карнай йиғлар,
Сурнай йиғлар.
Қиз йиғлар,
Тўлиб кетар қишлоқ қий-чувга,
Тўй бошланар...
Сойга тушиб кетаман
Мен тушимни айтгани сувга.
Онам чиқар йўлимдан:
— Бир девор қўшнимиз-а, болам?
Васиятин унутдингми отангнинг?
Синглим тутар қўлимдан:

— Ака, сизда гапи бор экан
Ҳамида опамнинг,
Ҳе, ўша опангни...

Девордан бир сакраб,
Сойга тушиб кетаман,
Ҳеч ким билмас,
Ҳеч ким кўрмас
Жойга тушиб кетаман.

Ё-о-о-таман...
Карнай йиғлар,
Сурнай йиғлар.
Қиз йиғлар.
Мен чекаман,
Юрагим... унсиз... йиғлар. *1985*

[illegible]

Елкадан сирғалиб кундузги ташвиш,
Елкадан сирғалиб кўрпалари-да,
Супачада ухлар эркак ва аёл
Ёғоч бешик ўрталарида.

Хўрозлар баётин авжи — тонготар,
Суюмли нигоҳи эркаларида,
Нонушта қилади эркак ва аёл,
Ёғоч бешик ўрталарида.

Қайдадир трактор гувиллар. Энди
Топган-тутганлари ўрталарида.
Далага жўнайди эркак ва аёл,
Ёғоч бешик ўрталарида... *1978*

Қиз йўқ уйда сарин сабо эсмайди,
Қиз йўқ уйда жамбил-райҳон ўсмайди.
Ўғилларнинг ота билан иши йўқ,
Қиз отасин ҳар қадамда эслайди.
Кўзларига сургай юрган изингиз,
Қай ўғилдан камдир, айтинг қизингиз...

Қиз йўқ уйда тонглар эрта отмайди,
Томда офтоб, айвонда ой ётмайди.
Ўғил қандай дўст бўлади, билмадим,
Қиз дўст бўлса — сирингизни сотмайди.
Оғир кунда жавдиратмас кўзингиз,
Қай ўғилдан камдир, айтинг қизингиз...

Умр дарё, толега ким кафилдир,
Қизнинг борар жойи бўлак соҳилдир.
Қиз дардига етмаганлар ғофилдир,
Қиз бор уйда ёруғ бўлар юзингиз,
Қай ўғилдан камдир, айтинг, қизингиз...

Дунё кўрки — шу кўзлари шаҳлолар,
Қизлар билан чаманзордир саҳролар.
Бир қайрилиб Қайсни Мажнун айлаган,
Тоҳирларни Тоҳир қилган — Зуҳролар.
Қиз туфайли бутдир ризқу рўзингиз,
Қай ўғилдан камдир, айтинг қизингиз...

Айтинг кимнинг паймонаси тўлмаган,
Қиз бор — ота ёт бағирда ўлмаган.
Ўғлим йўқ деб ўкинганлар — жоҳиллар,
Ҳатто, Пайғамбарнинг ўғли бўлмаган!..

Билиб айтинг айтганда ҳар сўзингиз,
Қай ўғилдан камдир, айтинг, қизингиз?!.

1999

[illegible]

Қовушмаган иккита тақдир
(Балки у ҳам ўзича ҳақдир),
Орасига икки эгатни
Атай ташлаб ўтди бригадир...

Қовушмаган иккита нигоҳ
(Балки савоб бу, балки гуноҳ),
Орасига икки эгатни
Атай ташлаб ўтди бригадир...

Ҳамма қизнинг кўзи уларда,
Ҳаммаси бир бўлиб ўйларди —
Орасига икки эгатни
Атай ташлаб кетди бригадир.

Икки эгат ораларида,
Кўкка ўрлаб кетгунча хирмон.
Икки эгат ораларида
Беш миллионга етгунча хирмон.

Зорланади ялинчоқ нигоҳ
— Кел ёнимга, бирга терамиз.
Унамайди тортинчоқ нигоҳ:
— Одамларга кулги бўламиз...

1985

Олмослардан кескир эди шамширингиз,
Тутун бўлиб тўзиб кетди тақдирингиз,
Минг йигитга арзирдингиз ҳар бирингиз.
От ўйнатиб юрмадингиз, «босмачилар!..»

Тупроқ тўшак бўлди, болиш эгар бошда,
Жалолиддин каби мудом жаҳонгашта,
Умрингизнинг ярми ўтди тоғу тошда,
Не кунларни кўрмадингиз, «босмачилар».

Қўрғошинга қалқон бўлди ўт кўкраклар,
Кафан бўлди қонга ботган оқ яктаклар,
Сўнгги макон бўлди баъзан чакалаклар,
Одамдай ҳам ўлмадингиз, «босмачилар...»

Тушунмайин ким қарғади, кимлар сотди,
Кўнглингизда алам, кўзда ёшлар қотди,
Ортингиздан гоҳ болангиз тошлар отди,
Ёш деб, гина қилмадингиз, «босмачилар».

Уйингизда сизни кутди, кел, деб тўрам,
Келинчаклар кокиллари тарам-тарам,
Кўнгилга ёр сиғармиди юртда қарам?..
Жангоҳлардан жилмадингиз, «босмачилар».

Кенгашсангиз тор дунёлар кенг бўларди,
Эргаш ёқа бўлса, Шермат енг бўларди,
Бирлашсангиз ким ҳам сизга тенг бўларди,
Нечун аҳил бўлмадингиз, «босмачилар?..»

Босмачимиш... Бундай демиш қай бемаъни,
Тутмайдими бир кун уни беклар қони...
Ҳамма сиздек ўз юртини суйса қани!
Беҳуда қон тўкмадингиз, «босмачилар!»

Сиз йўқ, бунда кўтарилди дарпардалар:
Отдан тушди сариқ мўйлов саркардалар,
Бухорони тўпга тутган шармандалар...
Афсус, афсус, кўрмадингиз, «босмачилар».

Эркли элда сизни эслаш нақадар ҳуш,
Сизга ҳайкал қўйса арзир майдонлар бўш,
Оқ яктакда, арғумоқлар миниб оқтўш
Мундоқ кўкрак кермадингиз, «босмачилар!»

Субҳидамда шеърим битди, кўзим тиниб,
Пойингизга бордим кўнглим бир ўксиниб,
Туринг энди бобо десам, сиз хўрсиниб
Жилмайдингиз, турмадингиз, «босмачилар».

Қайга тарқаб кетган бўлманг, қай замонда,
Сизнинг асов қонингиз бор бизнинг қонда.
Унутмаган сизни ҳеч ким Туркистонда,
Хонларга тенг ҳурматингиз, «босмачилар!..»

Олмослардан кескир эди шамширингиз,
Тутун каби тўзиб кетди тақдирингиз.
Минг йигитга арзирдингиз ҳар бирингиз,
От ўйнатиб юрмадингиз, «босмачилар».

1992

Кўкрак тўла орзую ташвиш
Пайкалда ҳам ҳосилимиз мўл.
Яшаяпмиз бизлар ёзу қиш
Юмушлардан бўшамайди қўл.

Ношукрман нолисам, бироқ
Ҳеч кимсадан камим йўқ ахир,
Фақат сени соғиниб гоҳ-гоҳ
Йиғлаб мени қон қилар камиир.

Тушунолмай қолдим қандайдир
Тошмеҳррок чиқдинг ўзинг ҳам.
Бизни эслаб ҳар замонда бир
Хат ёзиб ҳам қўймайсан, бўтам...

Шаҳар ёқдан ким келса, бари
Тўтидек бир сўзни қайтарар:
Кўришмадик, ўғлингиз балки
Келиб қолар, дейди занғарлар.

Яхши бўлди келганинг, аммо
Зап вақтида келдинг бу сафар,
Маҳаллада ялла авжида,
Айни тўйлар бошланган маҳал.

Мана кеча, оти нимайди
Салтанатнинг кенжа қизини.
Эсим қурсин, ёдда турмайди,
Бор эдию сочи узуни —
Биз куёвга узатдик шуни...

Тўйи тўкин ўтдию, лекин
Куёвига қизгина тушкур
Кўнгилсизроқ эканми, қайдам,
Кўп йиғлади, деб келди кампир.

Ким билади, балки шундайдир,
Янглишгандир балки кампирим,
Бари келин йиғлайди, ахир,
Йиғламасдан эрга теккан ким?

Бу гапларни қўя турай, кел,
Бўталоғим, ўзингдан гапир.
Зилзилалар унут бўлиб, эл,
Шаҳар энди тинчиб қолгандир?

...Меҳр тўла нигоҳи билан,
Бобом мендан жим кутар жавоб.
Билса экан, тушунса экан,
Невараси не кўйда шу тоб!

Билмайди, эҳ бобом билмайди,
Мен, мен, ахир севардим уни!
Салтанатнинг оти нимайди,
Ўша сочи узун қизини...

1989

Кетдим уйдан, кўнмай қийнов-қистовга,
Дедим: — Она, айтиб қўйинг ановга.
Момосини кўрсатаман агар у
Мен йўғимда тегиб кетса бировга...

Нима қилсам шеър ишкида қилдим мен,
Шеъримни деб йиғладим мен, кулдим мен.
Орзуларим осмон қадар бўлса ҳам,
Мендан шоир чиқмас экан, билдим мен.

Билдим, илҳом излаб шому саҳардан,
Шеър азоби ёмон экан заҳардан.
Юрагингда бўлмаса гар шоирлик,
Наф йўқ экан ҳар қанақа шаҳардан.

Аммо уйга қайтай десам, биз қолиб
Гулдай қизин қучоғига муз солиб,
Тишларини қайраб бугун қишлокда —
Қўшни турар қўштиғига туз солиб...
Момосини кўрсатаман келса деб.

1973

* * *

Баҳорда кўп оғир,
Қиқирлаб турса
Тиззангга суйкалиб лолақизғалдоқ,
Беғубор ёшлигинг ўтган жойларда
Қултиқтаёқ билан ҳаккалаб юрмоқ.

Яланғоч новдалар пичирлаб турса
Кузда, сукунатга чўкканда чорбоқ.
Кўп оғир, индамай кетиб борётган
Мўмин турналарга боқиб ўй сурмоқ.

Кўп оғир беғубор қорлар ёққанда
Қишда, дала-даштга қўнганда туман,
Сотқинга тегмаган ўқни сийпалаб
Урушни эсламоқ сандалдан чиқмай
Хунук ва вафодор хотининг билан... *1985*

* * *

Ҳайрон бўлмам турна кишнаса,
Қаҳратонда олма гулласа,
Аммо сенинг севиб қолишинг...
Алдаб нима қиласан?

Осмонни сув босса, ҳайратим ёлғон,
Қуёшни ўт босса, юлдузлар тулласа,
Аммо сенинг севиб қолишинг...
Алдаб нима қиласан?..

Тошлар тилга кирса, ишонгум,
Трамвайлар юм-юм йиғласа,
Аммо сенинг севиб қолишинг...
Алдаб нима қиласан?

Сенга қараб кўзим пишмоқда,
Сени ўйлаб кўнгил увишмоқда.
Келин орзу қилиб, бағримни тилиб
Тўшак қавир қари онам қишлоқда...
Алдаб нима қиласан?

1989

* * *

Сен хат ёзма.
Уйга ҳам ёзма.
Ва ҳовлиқиб ёнингга шунда
Ўзи келар деҳқон отангнинг.

Керишиб ёт тўшакдан турмай,
Аёзли тун уйқунгни бузса,
Овози меҳрибон отангнинг.

Ўргансин. Кут. Пешонасида
Тугмача бор (кўзми бу — нима?)
Боссин — қўнғироқча жиринглар.

Эшикни оч эриниб шунда,
Музлаб қолган отанг қошига
Чиқ сўнг соғлом, омон... ҳиринглаб!

1989

Шифохонада

Шундай беморлар борки,
Тўшакда михланиб ётар бенажот,
Уялиб кетасан тузалганингдан.
Шундай шифокорлар борки,
Туғишган акангдай қарайди сенга,
Тузалиб кетасан уялганингдан...

1985

[illegible]

Шотут соясида бешик бозори,
Саҳарлардан райҳон ҳиди анқийди.
Бешиклар тебратиб боғчахотин йиғлар:
Биттагина ўғлим бўлса, майлийди.

Сарин сабо эса қўшиқлар айтар,
Майсага ёнбошлаб тинглар шудринглар.
Оқ шийпон ортидан мўралар офтоб,
Ҳей қизлар, туринглар!

Чумоли ёпишар ялпиз баргига,
Ирмоқ унга сувлар сочиб ҳиринглар.
Бригадир планни ўйлайди хуноб:
Ҳей қизлар, туринглар!

Эй, менинг хаёлим, сулув, моҳитоб,
Ўзимга саволим, ўзимга жавоб.
Босган қадамлари кўзимга тавоб:
Ҳей қизлар, туринглар!

Ҳей қизлар, турингглар,
Тўлдириб юрингглар Ўзбекистонни.
Истайманки, доим порохлар эмас,
Сизларнинг аллангиз тутсин жаҳонни!

1985

[illegible]

Аёллар, пайкалдан кўтарманг бошни,
Фақат меҳнат қилинг, йиллар кутмайди.
Шийпонларда кутиб — кузатинг қуёшни,
Келажак авлодлар бизни унутмайди!..

Биз шундай бутифослар топамиз ҳали,
Пахтамизни йиллаб терсак битмайди.
Хирмонлар осмонга тегар юксалиб,
Келажак авлодлар бизни унутмайди.

Эркаклар, китоблар ўқинг, ов қилинг,
Сўқмоқларда сўнгги жайронлар титрайди.
Сўнгги йўлбарсларнинг терисини шилинг,
Келажак авлодлар бизни унутмайди.

Оғулар топамиз — чувалчанглар илиб,
Ҳеч ким қармоқларда балиқ тутмайди.
Дельфинлар соҳилда ётади чўзилиб,
Келажак авлодлар бизни унутмайди...

Шоирлар дунёга танитиб элин,
Мукофотлар билан бир-бирин қутлайди.
Навоий бобосин тушунмай тилин,
Келажак авлодлар бизни унутмайди!..

Буни тараққиёт дерлар. Биз ўсдик,
Ўсавердик, ҳеч ким инкор этмайди.
Тоғларни қўпориб, дарёларни тўсдик,
Келажак авлодлар бизни унутмайди.

Шеърим — қароғимдан оққан ёшларим,
Англармисиз уни, ҳеч кўзим етмайди...
Баракалла сизга, замондошларим,
Келажак авлодлар бизни унутмайди!

1987

Ният

Айланар чархпалак кунларим гали,
Умрим тоғдан тушган сойдек елади.
Эртакка айланиб қолмасдан ҳали,
Бир қари дояни кўргим келади...

Кўргим келар тошни саҳрода куйган,
Ва букри туяни — янтоққа тўйган,
Жайроннинг олдига қаландар қўйган —
Бир боғлам пояни кўргим келади...

Карвонларни кўргим келади саф-саф,
Ва карвонбошилар қиличин — садаф,
Мажнунлар капаси олдида бир кафт
Жаннатий сояни кўргим келади...

Кўнглим яхшиликни йўқлаб толмади,
Жонни тутдим на дўст, на ёт қолмади,
Унга чанг солмаган бир зот қолмади,
Энди ҳимояни кўргим келади...

Орзум бир узунки, етмайди нафас,
Бир ғариб кўнглимда минг олий ҳавас.
Ойнаи жаҳонда гул қизларнимас —
Лутфихон аяни кўргим келади!

1991

[illegible]

Қизилгул, қўйнимда ухлаб ётган гул,
Қўллари бўйнимда, ухлаб ётган гул.
Киприги кўксимга тиғдек ботган гул,
Сенга нима керак яна, эй кўнгил...

Ёнимда солланар қирк тилло кокил,
Тўлғонар, товланар қирқ тилло кокил.
Жонимдан айланар қирқ тилло кокил,
Сенга нима керак яна, эй кўнгил...

Бешикни титратиб чинқирар оҳим,
Юзлари оппоғим, кўзи мунчоғим.
Бу ёруғ дунёда ўчмас чироғим,
Сенга нима керак яна, эй кўнгил...

Жонимни чўқийди бир қуш келиб жим,
Мен сени билмайман, эй қушча, сен ким?..
Сен менга ҳеч киммас, мен сенга ҳеч ким,
Сенга нима керак яна, эй кўнгил...

Қизил гул, қўйнимда ухлаб ётган гул,
Қўллари бўйнимда, ухлаб ётган гул...
О, менинг кўксимда йиғлаб ётган гул,
Кўнгил, сенга яна не керак, кўнгил?..

1989

* * *

Умримда жуда кўп ёлғон гапирдим,
Ваъдалар айладим чўкка тушиб тиз.
Йўлимга интизор бўлди қанча қиз,
Мен эса севмасдан ўттизга кирдим...

Ортга боқишга ҳам қўрқаман энди,
Қайрилсам, ширин жон қийналаверар.
Туйғулар туғилди, туйғулар сўнди,
Мен кезган боғлардан бир видо келар.

Ёдимда қолгани бир хира юлдуз,
Тунлари кўзимга термулади жим.
Кўнглим чаманига баргин тўкар куз,
Мен сени излайман исмсиз севгим...

Илк севги — энг баланд шохдаги олма,
Мен унга интилдим, етмади қўлим.
Сенга бахт тилайман, майли, ким бўлма,
Кунларинг хайрли бўлсин, севгилим. *1978*

Ман[illegible]

Бедапоя тўридаги жуфтин қидириб,
Сайрай-сайрай жимиб қолди бедана дилгир.
Сувсумбулни ваъдасига кўмиб, кўндириб,
Ўйнатгани олиб кетди ирмоқ қайгадир.

Қир томондан пода қайтиб келаркан қатор
Кумуш соҳил бўйларига чанглар ястаниб,
Қишлоқнинг энг чеккасидан баҳайбат чинор
Уфқ тарафга қараб қўйди хавотирланиб.

Қуёш осмон этагига осилиб мана,
Бир хўрсиниб, кўздан ғойиб бўлдию кейин —
Қўшни кизнинг ҳавасини келтириб яна
Толкўчага сув сепишни бошлади келин...

1978

«Ўзбекфильм»

Архивларда қолди Тоҳиру Зухро,
Бўлак ниманг ҳам бор десам: кўрларинг.
Соқол бўяш билан бандми энди ё
Ўрғоқ «Ўзбекфильм», режиссёрларинг?..

Боғларга бурканди янтоқзор ерлар,
Тошлар-да, гуллади, сен ўртанмадинг.
Юртимнинг юзидан ёғилган терлар
Денгизга айланди, сен ўзгармадинг.

Темирлар йиғлади, симлар йиғлади,
Кесаклар куйлади — бир ўйланмадинг.
Тугади сабрнинг барча муҳлати,
Бардошлар тугади — сен ўзгармадинг.

Унвонлар жаранглаб унвонга тегди,
Димоқлар юксалиб осмонга тегди.
«Ўзбекфильм», чўпчагинг жонга тегди,
«Ўзбекфильм», чўпчагинг жонга тегди...

Ўзбек диёри бу — бепоён дала,
Дала тўла шийпон. Шийпон тўла бола.
Кўнглига боқмадинг унинг бир бора-а,
Энди бор, бор ўзинг кўзига қара.

Кўрдингми?
Уялиб бошини эгди.
Кетмонга суяниб, бошини эгди.
«Ўзбекфильм», чўпчагинг жонга тегди,
«Ўзбекфильм», чўпчагинг жонга тегди...

Йиллар кутмайди.
Йиллар — учган ўқ.
Наби Раҳим кетди,
Шукур Бурҳон йўқ...
Қуйининг тўла ҳикмат, қуйинингга қўл чўз,
Ўртоқ «Ўзбекфильм», халқинг кутар сўз!

1989

Шоир айтган

Танимайман дейсиз.
Билмайман дейсиз.
Ёрижон, нозми бу,
Шўхликларингиз?..
Мени танир, ҳатто
Киприкларингиз,
Сиз эса шоирни
Севмайман дейсиз.

Кўриб-кўрмасликка
Олмоқлар осон.
Сиз-ку кўрсангиз ҳам
Олмайсизу тан,
Мени таниб, ҳатто
Ҳар кун кўчамдан,
Сочингиз қўл силкиб
Ўтар, ёрижон.

Биламан тахминан
Шундай ўйлайсиз:
Шоирлар — девона,
Тузалмайдилар.
Шоирнинг севгиси
Ўткинчи дейсиз,
Шоирлар одамдек
Севолмайдилар.

Ёна-ёна бир кун
Кўйингизда мен,
Адо бўладирғон
Қулга ўхшайман.
Энг гўзал шеъримни
Тўйингизда мен,
Пойингизга гулхан
Қилиб тўшайман.

Қўрқманг. Янграр қўшиқ.
Тугамас ўйин.
Кўрганлар сиздан кўз
Узолмайдилар.
Шоирлар бузолмас
Бировнинг тўйин,
Бировнинг уйини
Бузолмайдилар.

1980

[illegible]

У хўп дейди, демас: «Менга ҳам керак»,
Ишонмасанг, бориб ўзидан сўра.
Жонингни прокатга бер десанг, Тилак
Иккиқўллаб тутар: Мархамат, жўра.

Мен уни туғилмай туриб билардим,
Мурғак чоғ жаннатда юзин кўрганман.
Тегирмончиликни орзу қилардим,
Унга ҳавас қилиб шоир бўлганман. *1994*

[illegible]

Икки жаҳонгашта,
Иккита қўшни,
Ётибсизми бериб зах ерга тўшни?
Эртага мен борсам койимасмисиз,
Эртага мен борсам орангиз бўшми?

Ҳамон қуритамиз зўрнинг шўрини,
Бўлиниб оқ пушта, кўк пушталарга.
Аммо кўнгил сезар: шеърнинг зўрини
Шавкат Раҳмон ўқир фаришталарга.

Бу ёқда уволу у ёқда ҳалол —
Чинордай юракни букар қилдай ғам.
Яхши одамларни кўриб, эҳтимол,
Сайраб юборгандир Асқад Мухтор ҳам.

Майли-да. Дардини айтсин-да одам,
Айтолмай йиғлаганларни кўрганмиз.

Асли биз сизгамас, сиз бизга мотам
Тутсангиз арзийди — бизлар ўлганмиз.

Йўқса етмасмидик Сўзнинг қадрига,
Пойига минг садқа этмасмидик жон.
Ватаннинг қадрига, дўстнинг қадрига,
Кунларнинг қадрига энг дориломон.

Икки жаҳонгашта,
Иккита қўшни,
Ётибсизми бериб заҳ ерга тўшни?
Эртага мен борсам қоймасмисиз,
Эртага мен борсам орангиз бўшми?

1999

Бир йигитлар туғилсинки...

Муҳаммад Юсуфни мен таниқли ёзувчи Назир Сафаров орқали таниган эдим. Муҳаммаджон Назир ака хонадонида турар, ёшгина ўсмир йигитчанинг пойтахтдаги илк қадамлари мана шу остонадан бошланган, бу уйдаги адабий муҳит бўлажак шоирга катта мактаб бўлган эди.

Бу озғингина, истараси иссиқ, қорачагина йигитча бир кўришдаёқ мени ўзига тортган эди. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиманки, инсон умрининг охиригача илм ўрганади, ҳаёт дарсини ўрганади. Аммо шеър ёзиш илми шундай илмки, уни ўрганиб бўлмайди. У туғма бўлиши керак. Муҳаммаджон туғма истеъдод соҳиби эди. У бу истеъдодни ривожлантирди, ўзига талабчан бўлди.

У пайтларда унинг шеъриятдаги тахаллуси йўқ, Муҳаммаджон Юсупов номи билан ижод қиларди. Мен «Ёшлик» журналининг Бош муҳаррири эдим. У вақтлар ёш шоирларнинг битта, таниқли шоирларнинг уч-тўрт шеърига жой ажратардик. Муҳаммаджоннинг шеърлари бу қобиқни ёриб чиққан, унга бир саҳифа жой ажратгандик.

У жуда тез оғизга тушди. «Тошкент оқшоми», «Ўзбекистон овози» газеталаридаги фаолияти ва уни яна бошқа оламга олиб кирди. Унинг танқидий йўналишдаги «луқма»лари, кичик-кичик қатралари, бир қатор мақолалари Мақсад Яхшиев номи билан газеталар саҳифаларида тез-тез кўзга ташланадиган бўлди. Сал кейинроқ у Муҳаммад Юсуф номи билан элга танилди.

Муҳаммад Юсуф омадли йигит эди. Ғайбуллоҳ ас-Саломдай забардаст олим, улуғ бир инсон хонадонига куёв бўлишида мен катта бир хислат кўраман. Улар руҳан бир-бирларига жуда яқин инсонлар эди. Парвона нурга интилади. Муҳаммаджон Ғайбулла акага куёв эмас, ўғил бўлди. Улар бир-бирларининг камини тўлдириб, бир-бирларидан куч олиб яшадилар.

Муҳаммаджон бугун орамизда йўқ. Аммо устозлари, яқинлари, фарзандлари хотирасида яхши ишлари, хокисорлиги, меҳрлилиги билан муҳрланиб қолган бўлса, шахсан таниган-танимаган мухлислари тасаввурида йиғлатадиган, ўйлатадиган, эзгуликка етаклайдиган шеъру қўшиқлари билан яшаб қолади.

ЭРКИН ВОҲИДОВ,

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

Осмоннинг охири қаерда, дедим бир донишга. У миқ этмади.
Менга жуда ёқди бу жавоб.
Осмоннинг охири йўқ, ахир!
Ирмоқнинг охири дарё. Дарёнинг охири денгиз.
Осмоннинг эса охири йўқ.
Йўл четида юмалаб ётган тошни тепдим.
Тошдан садо чиқмади.
Худога солдим, дегани бу.
Олма шохига осилиб деворга чиқдим. Тўкилган мева
қумурсқаларга эрмак бўлди. Тўкилган девор тупроғи эса
гуноҳимга гуноҳ бўлиб қўшилди. Тунда пахсакаш чол
тушимга кирди. Менинг ширин уйқум бузилди.
Худди эски девор бузилганидай...
Уйқунинг охири — ўлим. Ўлимнинг охири эса йўқ. Бўлса
ҳам, ҳеч ким унга етган эмас.
Ахир, ўлим бу ҳамма нарсанинг охири-да.
Одамнинг умри гоҳо ерда ётган қоғозча ҳам эмас.
Эрталаб ишга кетаётиб кўрган қоғозингни кечда қайтишда
ҳам кўришинг мумкин. Эрталаб кўрган
одамни эса ҳамиша кечқурун кўравермайсан.
Чумоли чумолини ўлигини ташийди.
Бия қулунидан кўз узмай ўтлайди.
Оқибат фақат одамларда етишмайди.
Ер одамни боқади. Кийинтиради.
Одам эса бир кун уни саҳрога айлантиради.
Сув одамнинг мардикори: ҳосил беради,
тегирмон юргизади.
Одам уни ўйламайди.
Дунёдаги ҳамма нарса одамга яқинлашиши *билан ўзлигини*
йўқотади.

Одам одамга яқинлашганда ҳам топганидан йўқотгани кўпроқдир...
Офтоб қаерга ботади, дейман бобомга. Осмоннинг охирига, дейди у. Офтоб осмоннинг охирига бориб ботмайди, балки йиғлайди.
Дунёдаги барча йўлларнинг охири — йиғи.
Дунёнинг охири — қиёмат ҳам йиғи.
Одам йиғи ималигини англаб етгунича яқинлари оламдан ўтган бўлади.

* * *

Кўрпангга қараб оёқ узат, дедим ўзимга ўзим бир куни. Кейин ўйланиб қолдим. Ким айтган экан бу гапни биринчи марта.
Эҳтимол, Одам Ато Момо Ҳавога айтгандир. Йўқ, бу яқин кишилар бир-бирига айтадиган гап эмас. Бу гап кўрпаси бир одамларнинг гапи эмас.
Бинобарин, Одам Ато билан Момо Ҳавода кўрпа нима қилсин?..
Ибтидоий одамлар тери ёпиниб ётишган.
Қулларнинг кўрнаси тупроқ бўлган.
Феодаллар кўрпа талашишмаган.
Демак, бу ҳам капитализм иллати!

Чақалоқ учун ҳамма нарсанинг боши-охири Она кўкраги. Офтобни чақалоққа ўхшатиш мумкин бўлса, унинг боши осмоннинг кўксида. Хўш, Осмоннинг боши кимнинг кўксида? Тоғларнинг боши Ернинг кўксида.
Ернинг боши-чи?.. Билмайман. Билмаганимдан хижолат ҳам эмасман. Бу ёруғ дунё аслида «билмайман» деган сўздан иборат. Мен қачон туғилганимни айтиб беришган. Мен қачон юришни ўрганганимни ёлғиз онам билади. Қачон тилим чиққанини ҳам.

Мен биринчи шеъримни қачон ёзганимни ўзим билмайман.
Хўш, кани ким айтади, охиргисини қачон ёзаман?..

Билиб туриб бировга озор беришдан ёмони йўқ. Ўзинг ҳам билмасдан бировга яхшилик қилишдан ортиқ яхшилик йўқ. Шеър ёзиш ҳам ўзинг билмай бировга яхшилик қилишдай гап.

Ҳақиқий шеърият ҳамиша оёқ остида. Мисралар қулунлар каби тупроққа ағанаб ётишибди. Тур, тойчоқ, чоиамиз, десанг бас. Биз ҳар замон бир оёқ остига боқиб шеър топамиз. Кейин унинг чангини қоқамиз ва қанча кўп қоқсак — шунча кўп шеър йўқотамиз...

Барча буюк зотларнинг буюклиги ҳам хокисорлигидир!

* * *

Мен ҳозир Ерни ушлаб тўхтатаман. Нега тинмай айланаверади у.
Наҳот зерикмаган бўлса?
Ернинг охири қайда? Тасаввурни-чи?..
Аниқ рақамларни жиним суймайди. Учбурчаклар — тасаввур қафасларидир.
Хаёл чўқмоғи қисқа зотларнинг умри ҳам қисқадир.
Машаққатнинг охири роҳат. Роҳатнинг охири яна машаққат.
Куннинг охири тун. Туннинг эса охири йўқ. Бир оғиз совуқ сўз билан дилинг яна зимистон.
Лоақал, бир кунгина кечгача бахтли бўлиб юрган одамни топиб беринг менга!
Сиз минг машаққат билан чиққан чўққида капалак ҳам бор. Қумурсқа ҳам яшайди. Сизнинг бу ютуғингиз улар учун оддий бир турмуш ташвиши. Улар кунда шунда.
Мен ҳидлаб тўймаган бедани бия қарсиллатиб чайнайди.
Ялпизни сув оқизиб кетади. Мен кўзимга суртган сувда қурбақа чўмилади.

Момақалдироқ дунёни бошига кўтариб ҳайқиради. Юлдузлар қўрқиб қочиб қолишади. Булутлар йиғлашга тушади. Ер юзида қўзиқоринлар туғилади. Ҳар қандай ҳайқириқ сўнггида нимадир дунёга келади.
Нимадир дунёдан кетади.
Кулиб гул очилади — йиғлаб шабнам тўкилади.
Дарё тошади — тоғ нурайди. Келин хўрсинади — янга эрмак қилади...

* * *

Одам дунёга бир марта келади. Шу бир калима сўз билан қанча савоб ишлар қилиш мумкин. Шу бир калима сўз пинжида қанча гуноҳга ботиш мумкин.
Бу гапни агар қариқиз айтса, йиғлагинг келади.
Сатанглар айтса, энсаси қотади одамнинг.
Қўй ўша севги-певгингни, ажрашинглар, дейди бойвучча она қизига. Одам дунёга бир марта келади!
Сени бир ҳафтада онаси ўпмаганига уйлантириб қўяман-е, дейди такаббур ота ўғлига: Ажраш.
Одам дунёга бир марта келади!

...Олисга қатновчи автобус ҳайдовчиси йўл бўйи хаёл суриб келаётганимни кўриб, мени гапга солади.
Ҳа, йигит. Бунча ўйчансиз, севиб қолдингизми?
Мен индамайман.
Севги йўқ, дейди у жаҳлим чиққанидан ҳузур қилиб. Севги сувга чўкиб кетган. Тоҳирнинг сандиғида...
«Қалай, бопладимми?» Бу — унинг қовоқ юзидаги ним табассум.
Мен ундан қутулиш учун жилмайган бўламан. У буни ўзича тушунади.
Энди насиҳатта ўтади: хафа бўлмагин-у, бўшанг йигит экансан, оғайни.

Шунака хаёл суриб юраверсанг, хотинсиз қоласан. Севги ҳаракатнинг асири, дейди.

— Ўзингиз севиб уйланганмисиз? Саволим унга ёқмайди. Шубҳаланиб бир қараб олади. Ва иддао билан: Бўлмасамчи! Севган қизимга уйланганман, дейди.

— Ахир, севги сувга чўкиб кетган-ку, дейман. Тоҳирнинг сандиғида.

У энди эшитмаганга олади. Мен ҳозир чамбаракни шеригимга бердим, дам олмоқчиман, дейди. Кейин яна қулоғимга шивирлайди: хафа бўлма, устидент, ҳазиллашдим.

Осмоннинг охири қаерда, дейман унга жиддий. У, ҳеч нарсани тушунмадим, дегандек елка қисади.

Мана, у шундай юрагимнинг ёнбошида хуррак отмоқда. Мен унинг уйғониб қолишидан қўрқаман!

Мудроқ босган дилим,
Айтаман бир сир,
Тангри уйқуни-да
Паллада тортар.
Уйқу — ҳам
Насияга берилган умр,
Уйқунг ортган сайин
Қарзинг ҳам ортар...

* * *

Менинг истеъдодли шоир дўстим ниҳоят бир қизни севиб қолди. Биз бугун бирга кинога борамиз. Мен бўлажак келиннинг дугонасини зериктирмаслигим керак.

Саломлашамиз. Яъни, мана бундай: улар менинг ҳали қуриб улгурмаган ялтироқ бўйинбоғимга қараб жилмайиб қўйишади. Бу — қалайсиз, дегани.

Мен уларнинг белидан юқориси нафис кўйлакларига қарай олмай хўрсинаман. Қизлар шоир оғайнимнинг

озғин бўйнига имо қилишиб кикирлашади.
Уларни бир амаллаб Эскижўвага топшириб, тангаларимизни жаранглатиб метрога чопамиз. Дўстим менинг ёқамга ёпишади: қалай бизнинг қалликча?

Бўлмайди, дейман. У сени истаган куни ташлаб кетиши мумкин!

Қишлоғингга кет, дейман.

У кетади. Уйига эмас — Узоқ Шарққа. Кейин у ёқдан менга хатлар кела бошлайди. Аё дўстим, осмоннинг охирини топдим. Осмоннинг охири Узоқ Шарқда — денгизнинг ёқасида экан!..

Шоир ярим йилдан сўнг, ярим кечада устимга бостириб келади. Кайфи тароқ — эгнида чарм куртка. Чўнтак тўла пул. Уйни балиқ ҳиди тутиб кетади.

— Биласанми, Нилу (Нилуфар) эрга тегаётганмиш. Тўйига таклифнома юборибди...

Тўйига бормасликка кўндираман. У туни билан ухламай ёзган шеърини конвертга жойлаб бевафо қалликчасига жўнатамиз. Шоир Узоқ Шарқдан фақат балиқ ҳиди эмас, янги мақол ҳам *олиб келган эди.* У деярли ҳар куни мендан сўрайди: Нега мен сени ўзимга дўст тутдим, биласанми? Ким учундир жонимни беришим мумкин бўлиши учун!..

Одам дунёга бир марта келади, дўстим.

* * *

Кенг бир ўтлоқ бўлса. Атрофинг кўм-кўк майса. Осмон тип-тиниқ. Майсага ястаниб ётсанг-у... ўлиб қолсанг!

Бедазорда ана шундай хаёл суриб ётсам, қанотлари оппоқ бир капалак келиб, елкамга чордана қуриб ўтириб олди. Салом, оғайни. Нега кайфиятинг ёмон?

Чарчадим, дедим унга. Яшашдан чарчадим.

Капалак бир хўрсиниб жўнаворди.

Қизиқ, унда ҳам бола-чақа бормикин?
Капалакнинг капаси қаерда?
Нега шундай ожиз ва нафис жонзот ҳам одамдан юқорида учиб юради.
Бақувват ва вазмин нарсалар ҳамиша оёқ остида бўлишадими? Демак, одам оғир-босиқлиги учун хорми?
Енгилтак ва хушомадгўй кимсаларни шунинг учун ошиғи олчи экан-да...
«Фикрларингизни жиловлаб олинг, улар ҳамма нарсанинг бошланишидир».
Ҳалиги капалакнинг қанотидаги ёзув бу.
Танишганимдан хурсанд эдим. Тонгда мен уни боғда кўрдим. Атиргулнинг шохида. Кечаги тушкун ҳолатим учун уялдим. Узр сўрамоқчи бўлдим.

Аммо кечикдим.
Атиргулдан юмалади капалак,
Бир силкиниб қўймади ҳам гул шохи.
Жон талашиб, қум ялади капалак,
Кўчди менинг кўксимга ҳам титроғи.

Мен ундан Осмоннинг охири қаерда деб сўрамоқчийдим. Ахир, буни фақат ўша қаноти ожиз қуш билиши мумкин эди-да...

* * *

Осмон ҳеч кимга қарамайди.
Булутларнинг ҳам эгаси йўқ.
Ҳеч ким қуёшни ҳам меники, деб айтолмайди. Агар шундай даъвогар топилса, уни девонага чиқаришади.
Хўш, нега одамлар ерга эгалик қилишади. Атрофини ўраб олишади-да, бу ер меники, дейишади. Ер талашиб бир-бирини ўлдиришади.
Менга айтинг-чи, баҳорнинг эгаси ким?..

Бойчечакнинг бошлиғи, бинафшанинг хўжайини-чи?..
Экканингни ўрасан. Экмаганингни эса, кўрасан, холос.
Мен болалигим ўтган жойларни ўзгариб кетишини истамайман. Мен кимдир ўтинга мўлжаллаб қўйган қадрдон шотутни отамни соғингандек соғинаман. Толлар билан қучоқлашиб сўрашгим келади. Худди, қизларни қучоқлаган сингари.
Агар шу гапларни беда қоровули эшитса, хиринглаб кулади. Кел, дейди, ана дала тўла қоратол, хоҳлаганингни қучоқла, истаганингча ўп:
горько!
Осмоннинг охири эса, ялпизнинг елкасида. Бир елкасида. Унинг бошқа елкаси тўла соғинч, мурувват, мухаббат.
Агар шу гапларни беда қоровули эшитса...

* * *

Осмоннинг охири қаерда, дедим мен суйган қизимга. У менинг пешонамни ушлаб кўрди: иссиғинг йўқми, ишқилиб...
Саволимни такрорладим.
«Осмоннинг охири қайдалигини билмадим-у, лекин дўконга сариёғ келганмиш. Агар мумкин бўлса, бир ғайрат қилсалар...»
Ҳеч иложи йўқ, дедим. Улуғ ишлар билан бандман.
Ҳали уйланмасимдан иш буюради. Аёл зоти, агар унга ишқинг тушганини сезиб қолса, бурнингни ерга ишқайди.
Қайси доно бобокалоним айтган эди бу гапни?
Аммо кимнидир севмасдан ҳам яшаб бўлмайди.
Осмоннинг охири эса йўқ. Бўлса ҳам менга нима?
«Нега аллақандай тақа туркманларни мақтайсан?
Менинг қаерим кам улардан?..»
Кўйлаклари билан кўчаларни супириб юришлари учун яхши кўраман, билдингми?

[...]смонининг охири туркман қизларнинг узун енгларида. Улар
қўлларини кўтарган жойда кўк тугайди.
Қўллари қуёшни тўсиб қўяди...
Қизиқ, ўзи умримда биронта туркман қиз билан
кўришмаганман. Тилига ҳам тушунмайман.
Лекин яхши кўраман.
Ахир, Худони ҳам юзини бир кўрмай туриб яхши кўради-ку,
бандалари.
Муҳаммад ҳам унинг бандаси.
Унинг ва муҳаббатнинг бандаси.

* * *

Бозор қаердан бошланади?..
Вокзал — чиптахонадан.
Тайёрагоҳ — паспортни излашдан.
Хўш, бозор-чи, бозор қаердан бошланади?
Ҳазилкашроқ киши чўнтакни ковлашдан,
дейиши мумкин.
Жиддийроғи хомчўтдан, дейди.
Ҳаммаси тўғри. Чунки, бозорга ҳамма ҳар хил
хаёлда боради-да.
Кимдир шунчаки зерикиб.
Кимдир дам олиш учун.
Биров тўй тараддуди ила.
Хуллас, бозорга ҳамманинг ўз сўқмоғи бор.
Менимча, бозор дарвозадан бошланади.
Ўз дарвозангдан чиқиб, харид қилишни кўзлаганинг бозор
дарвозасидан ҳатлашинг ҳамон ўзгаради-қолади.
Бозорда, айниқса, шарқ бозорида, ўзингга қўшилиб яна бир
жуфт қўл чўнтагингга кириб чиқаётгандек гўё.
Бир зумда нон ушоқларига қўлинг тегиб қолади.
Корейс кампирининг хушбўй карамларидан тотиб кўриш
ҳисси пайдо бўлади.

Араб қизларининг юзларидек лўппи хурмолар ёнидан кўз
юмиб ўтолмайди одам.
Тарвузлар ўзлари юмалаб оёғинг остида уйинга тушади.
Навбатда туриб ғирт суяк гўшт оласан. Ичингда эса: «Мени
таниди, суяк қўшмади», – деган ёлғон тасалли.
– Инқиллаб автобус бекатига келасан. Шундагина уйдан
олиб чиққан маошинг ёдга тушади. Ёпирай, наҳотки барини
ишлатдим?..
Хурмони нега олдим?
Тарвуз уйда бор эди-ку!
Ана шунақа гаплар.
Хўш, бозор қаердан бошланар экан? Билмадим, билмадим.
Билганим — бозор нима билан тугаши.
Хотин ила жанжал билан тугайди.
...Олтиариқлик турпфуруш чолдан сўрадим.
Отахон, билмайсизми, осмоннинг охири қаерда?
Чол мени имлаб ёнига чақириб олиб, қулоғимга шивирлади:
Торозихонада, болам!..

1991

Кўҳна қудуқ

(Достон)

Мени тонгда ширин уйқудан уйғотишди.
Қарасам — уйқудан ҳам ширин одамлар.
Боролмайман, дедим ғудраниб.
Ўзларинг кетаверинглар энди...
Мени уйғотган одам буюк ҳофиз эди.
Менинг борар жойим эса Буюк Бухоро эди.
Бухоро мендан хафа эди...
Ҳофиз шундай шаҳарга бир марта бормаган киши
одам эмас, деб айтганди.
Одам бўлса бордир, аммо шоир эмас, деганди...

Тушимда йиғлаган эди Бухоро.
Улуғ шаҳарни фақат улуғ зотлар овутиши мумкин.
Менинг борганимдан эса фойда йўқ.
Аммо қани ўша улуғлар энди?..
Биз ҳаммамиз уйқу билан овора,
Бухоро бўлса чўкиб, нураб, тугаб борарди.
Кун сайин камайиб борарди унинг дунёга машҳур обидалари...

* * *

Қандай гўзал эдинг, Бухоро,
Осмонўпар гумбазлар аро.
Мен зиёрат қилиб оввора,
Тополмадим бир соғ минора.

Сен чўкибсан, ким ўсди, азиз,
Томирингни ким кесди, азиз?..
Қайдан топай қабрингиз энди,
Буюк боболарим, қайдасиз?

Сиз қайдасиз, улуғ меъморлар,
Бухорои шариф беморлар.
Бугун унинг куйган кўксига
Қулар мингга кирган деворлар.

Қулар не-не муқаддас жойлар,
Жаннатларда топилмас жойлар...
Қулар, бир пайт кирса гадойлар
Кучоқ очган карвонсаройлар...

Бухоро лол, Бухоро ҳайрон,
Арки вайрон, меҳроби вайрон,
Лаби Ҳовуз қирғоғи вайрон,
Ибн Сино арвоҳи сарсон.

Бу қандай қайғудир, ё раб,
Қайга боқма — турибди нураб.
Шаҳар ўлса дунёдек қадим,
Кўмгайлар не кафанга ўраб?..

Азал азиз, эй шаҳри Шариф,
Дарвозанг ким кетди ўмариб?
Тилла тожинг айтмайин, аммо
Минорасиз экансан ғариб!

Бухорода қанча ҳужра бор? Буни ҳеч ким билмайди. Сабаби бу ҳужраларда илм даъво қилган барча муллаваччалар энди мулла бўлишиб ўз юртларига тарқаб кетишган. Мулла бўлолмаганлари эса ҳужралардан хафа. Гўё гап фақат ҳужрададек.

Бухорода қанча ҳужра бор? Буни ҳеч ким билмайди. Билганларнинг бари ўтиб кетган. Яна бир сабаби шулки, бу ҳужралар ҳеч қайси... ЖЭКка қарамайди...

Бухорода қанча ҳужра бор? Ер юзида қанча ўқимишли одам бўлса, шунча.

Демак, барча ўқимишли одамларда оқибат йўқ экан. Улар ҳужраларини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Зах босиб ётибди бу қадимий ҳужралар.

Балки худди шу сабаб ҳам нураб ётгандир Бухоро? Қадрига йиғлаб тўкилиб, чўкиб бораётгандир?..

* * *

Бухоро, сен шамга ўхшайсан,
Менинг кўнгил ҳужрамга кирган.
Тутаб, ўчиб қолай деб турган,
Сўнар сўнгги шамга ўхшайсан.

Ўзин дарди ўзига аён,
Бир мен десам, сен ҳам нотавон
Тома-тома тўлган Зарафшон,
Сен ҳам кўзи намга ўхшайсан.

Ўзингдан ол, ўзингга узат,
Сен ҳам ўзинг-ўзингни юпат.
Оқибат кўрсатиб, оқибат
Кўрмаган одамга ўхшайсан...

Минорларинг бўйлари узун,
Ўзидан-да ўйлари узун,
Эртакдайин сўйлари узун,
Сен ҳам узун ғамга ўхшайсан.

Тоқатга ўхшайсан, сабрга,
Қадри бор-у, лек беқадрга,
Ёмғирлар ёғмаган адирга,
Оролсиз кўкламга ўхшайсан.

Аслида-ку, сендан-да ҳур кам,
Сендан азиз, сендайин пир кам,
Бу дунёи у дунё бир кам,
Сен ҳам бири камга ўхшайсан...

Бухоро, Ҳотамга ўхшайсан,
Ёв келса ҳам тўшак тўшайсан,
Қўлинг очиқ, кўзларинг юмуқ –
Сен менинг Отамга ўхшайсан.

* * *

Поезд тунда келди Когонга,
Тиллоларни ортдик вагонга.
Янгради паровоз наъраси:
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи!..

Поезд елиб борар Шимолга,
Етмоққа йўл бўлсин шамолга,
Атроф бийдек туркнинг даласи,
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи.

Осмон тўлиб борар тутунга,
Ортда бағри тўлиб кукунга.
Бухоронинг ўчди қораси,
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи.

Поезд кириб келди Тошкентга,
Ҳоли қуриб келди Тошкентга.
Тамбур тўла соқчи сараси,
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи.

Қозоқнинг дашти ҳам кенг экан,
Бепоён бир юртга тенг экан.
Уч кунлик йўл экан ораси,
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи.

Соқчибоши энди хотиржам,
Қўйлар қолди ортда, отлар ҳам.
Аммо ҳамон ўша лласи:
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи...

Инқилоб деб, чекдингиз заҳмат,
Файзулло, отангизга раҳмат.
Ҳали мукофот ҳам оласиз...
Йўлдан қоч-а, сартнинг боласи!

* * *

Асли инсон хоки қўйилган ҳамма жой азиз ва муқаддасдир. Бас, шундай экан, одамлар истаган қабр тупроғини кўзларига суртсин. Бундан кимга жабр бўлибди. Эътиқоди ўлик кишиларгина ҳеч кимга ва ҳеч нимага сиғинмайдилар. Кимнинг кимга сиғиниши эса ўз майлида.

Мен барча қабристонга сиғинаман, деди ҳофиз. Барча мусулмону куфр қабрига. Зеро, куфр ер юзида эмас, кўнгилда. Мен барча тоза дилга сиғинаман. Илло, тоза дилда куфрга жой йўқ...

Одамлар бир-бирларининг дилига сиғинсин, деганлар мавлоно Румий.

Чунки инсон кўнглидан муқаддасроқ Каъба ҳам йўқ!

* * *

Отдим вақт юкини елкадан оша,
Йўлдан сурдим темир панжарасини,
Кўзимга ёш олиб қилдим томоша,
Ҳазрат Баҳовиддин мақбарасини.

Бухорои шариф, муқаддас бешик,
Не-не алломалар дунёга келган.
Бунга шоҳлар кирган кавушин ечиб,
Бу жойга амирлар пиёда келган.

Мен бир ғариб шоир, мен шоҳ эмасман,
Айбим ҳам эмасдир бўлолмаганим.
Фақир бўлиб ҳам бегуноҳ эмасман,
Гуноҳим — ўттиз йил келолмаганим!..

* * *

Асли дунё надир — Саҳрои кабир,
Агар азиз эрса одам-да, азиз.
Дунёга келдингми, дардингдан гапир,
Умринг ўлчаб қўймиш саробни хасис.

Мен бобом руҳини зиёрат айлаб
Карвонидан ажраб келган бўтаман.
Карвон Вақт турибди йўлимни пойлаб,
Изимни совутмай изимга қайтаман.

Лекин руҳим қолар шу харобада,
Руҳимнинг руҳларга йўл — йўлаги бор.
Аждодим кўмилган ҳар сардобада,
Менинг жонимнинг ҳам бир бўлаги бор...

Отдим Вақт тош юкин бошимдан оша,
Йўлдан сурдим темир панжарасини,
Кўзимга ёш тўлиб қилдим томоша,
Ҳазрат Баҳовиддин мақбарасини.

* * *

Ҳофизларнинг билмагани йўқ. Айниқса, мен билган ҳофизнинг. Чунки у жаҳонгашта. У айтдики, Бухорода бир мақбара бор. Кимки қандай ният қилиб, ихлос билан атрофидан етти бор айланса тилаги бажо бўлгай!..

Мақбарада тумонат одам. Бироқ, ҳатто бухороликлар ҳам бу ҳикматни билишмас экан. Ҳофизга қараб ғалати жилмайдим. У астойдил ҳафа бўлди. Шу асно бир автобус ажнабийлар келиб қолди. Фаранглар экан.

Ҳайратимни ошириб улар мақбарани етти мартадан айлана бошлашди-ку.

Ёш-яланглари хиёл кулимсираб, ҳазил аралаш, аммо ёши улуғлари жиддий ва ихлос ила айланишди.

Фаранглар кетишди. Ҳофиз ҳикмати яна ҳикматга айланди. Мақбара эса нураб бораётир.

Бухоро, сен буюк ҳикматсан. Ўз боланг ҳам қадрига етмаган ҳикмат.

Сени тўкилаётганинг шундан эмасми?

* * *

Биз сув ичган қудуқ ёдингиздами,
Баланд меҳробдаги муқаддас калом?
Лабимда минг йиллик ҳарорат таъми,
Мен бошқа одамман,
Мен бошқа одам.

Қаърига қарадим — кўзларим тинди.
Йўқ, кўзим очилди — қуйдиму қадам.
Ҳайратим қудуққа тўкилди, энди
Мен бошқа одамман,
Мен бошқа одам.

Мен сени ахтариб йиғлаб юрувдим,
Имоним, сен менинг топилган болам.
Чашмаи зилолда юзимни ювдим,
Мен бошқа одамман,
Мен бошқа одам...

Олисда солланар қуш босган боғлар,
Бунда ҳўрсинар бир қуриган бодом.
Беэга масканлар бағримни доғлар,
Мен бошқа одамман,
Мен бошқа одам.

Қанча қуш кўрмадим кириб шу ёшга,
Ҳаммаси сайроқи, ҳаммаси ҳотам.
Улар ҳам булбулу қудуғи бошқа,
Сиз бошқа оламсиз,
Сиз бошқа одам...

Ҳеч ким ёполмас бу кўҳна қудуқни,
Бу қудуқ ёнидан ўтгай бор олам.
Юракка жойладик илоҳий ишқни,
Биз бошқа одаммиз,
Биз бошқа одам.

* * *

Куйган жойдан куй чиқади, дейдилар. Бухоронинг эса куймаган жойи йуқ. Бунда нимаики қуламасин куй билан йиқилди. Девор қуласа — куй, мақбара нураса — куй, ҳовуз қуриса — куй. Бухоро йиғлаб қушиқ айтаётган улуғ Ҳофиз. Унинг қушиғини барча тинглайди, унинг товуши етмаган ер йуқ, аммо одамлар бу қушиққа маҳлиё булиб, тилдан қолишган. Ҳеч ким унга ёрдам берай демайди.
Бухоронинг куйи — ажралиш куйи.
Видолашиш куйи!..

* * *

Ҳофиз мени уйқудан уйғотди. Ҳофизнинг уйқудан ҳам ширин овози мени уйқудан уйғотиб, туйғу водийсига бошлади. Бу водийнинг номи Бухоро эди... Салом, боболаримнинг бобокалони, дедим мен. Менга ҳам туйгуларингиздан беринг, дедим унга. У ҳоргин жилмайди. Тупроғим тула туйғу, деди у жилмайиб. Лекин сен англармикансан, болам?
Боболаримнинг бобокалони хаста. Уни меъморлар парвариш қилмоқда. Йуқ, улар фақат атрофида нарвона. Нима қилиш кераклигини эса унинг узи айтиб турибди. Унга обидаларнинг, бетакрор қасрларнинг буюк меъмори — Синоси етишмай турибди. Улугбек Мирзонинг назари етишмай турибди. Балки шунинг учун ҳам чукиб бораётгандир у. Наҳот, наққош меъморлар авлоди карвони узилиб қолган булса. Наҳот энди Бухородан, уша буюк ва қадимий Бухородан нишона қолмаса?..
Бухорони вақт шамоли вайрон этдими?
Балки уни туйғусиз дилларимиз пайҳон этаётгандир?..

* * *

Маъюс куним кўзим тушса,
Куяр осмон, тушунмайсан.
Мени само тушунгайдир,
Сен эй инсон, тушунмайсан...

Куйиб кўксим ўтар бўлсам,
Оқар бўлсам, кетар бўлсам,
Мени дарё тушунгайдир,
Сен эй уммон, тушунмайсан.

Мен ҳам шайдо, мен ҳам мафтун,
Мен ҳам ҳеч кими йўқ Мажнун,
Мени Лайло тушунгайдир,
Сен эй жонон, тушунмайсан.

Менинг йўлим узун армон,
Ўзим довон, ўзим карвон,
Мени саҳро тушунгайдир,
Сен эй сарбон, тушунмайсан.

Менинг борим эрур кўнглим,
Менинг ёрим эрур кўнглим,
Маъюс танҳо тушунгайдир,
Сен эй хандон, тушунмайсан....

Маъюс куним кўзим тушса,
Куяр осмон, тушунмайсан.
Мени Оллоҳ тушунгайдир,
Сен эй хоқон, тушунмайсан.

Кўнглим гул, кўзларим гулдир,
Юзим гул, қулларим гулдир.
Мени сабо тушунгайдир,
Сен эй гўзон, тушунмайсан...

Ғуборимдир бўйи райҳон,
Миноримдир тилим бийрон.
Мени дунё тушунгайдир,
Сен эй нодон, тушунмайсан.

* * *

Бухорода бир пайт оҳулар бўлган — Хонгули деган. Холдор оҳулар... Улар мени тушларимда йўқлайди. Шундоқ тепамга келиб, жилмайиб, юзларимни искайди. Отингдан айланай, Муҳаммад, бунча кўп ухлайсан, дейишади.

Мен ҳар тонг қайдасиз, оҳуларим, деб уйғонаман. Ҳали кўзимни очмай дунёга савол бераман. Қадим Бухоронинг оҳулари қайга кетиб қолди, дейман.

Дарёлар курийди. Тоғлар чўкади. Китоблар ёнади. Дунёда фақат бир нарса — саволларгина абадий. Саволлар кийик сўқмоққа элтувчи йўлакдир. Кўксингда саволинг бўлмаса дунёга нега келдинг, отингдан айланай, Инсон!

* * *

Тош шаҳрида уйим —
Болохона эди,
Бир бурчаги ўрин,
Бири китоб бари...
Менга тинчлик
Бермай қийнар
Мана энди,
Тушларимда,
Бухоронинг оҳулари.

Айтматовга
Хатлар ёздим,
Жавоби йўқ.
Шеърлар ёздим,
Босилмади,
Ҳисоби йўқ.
Муҳаррирлар
Борсам қоши
Уюлади,
Кўрамиз дер,
Кўрмас,
Ташлаб қўйилади,
Менга —
Ҳасад
Қилингандек туюлади...
«Ўғлим шоир!..»
Онам еру кўкка
Сиғмас,
Тонгда ишга,
Оқшом чопар
Фолбин сари.
Биров билар,
Биров кулар,
Биров уқмас —
Тушларимда
Бухоронинг оҳулари.

Бир кун ахир,
Рост сўзини
Айтди биров,
Бир бўғиндан
Оз сўзини,
Айтди биров.

Айтмай қилган
Ноз сўзини
Айтди биров...
Тупроқ йўлдан
Чўғлар босиб
Қайтди биров.

Бу дунёнинг
Ширин дарди
Шеърлар экан,
Менга забон
Берган манов —
Ерлар экан.
Қоним унинг
Ҳаяжони,
Туйғулари,
Кулгилари,
Қайғулари,
Йиғилари,
Тушларимда
Бухоронинг оҳулари...

Айтматовга
Хатлар ёздим,
Жавоб келди.
Шеърлар ёздим
Ҳисоби йўқ —
Китоб бўлди.
Муҳаррирлар
Борсам қучоқ
Очишади,
Ўқиймиз дер,
Ўқимасдан
Босишади.

Менга —
Ҳавас
Қилишгандек боқишади.

Фолбин кампир
Айтганлари
Ёлғон бўлди.
Ёмон бўлди,
Бир қишлоққа
Достон бўлди.
Ҳузурига
Ўша оқшом
Онам шошиб,
Қўли қуруқ
Борган экан,
Армон бўлди...

Армоним кўп
Бу дунёда
Ўзимнинг ҳам,
Давоми кўп,
Сизга айтар,
Сўзимнинг ҳам.
Дилни ёқиб,
Тилга чиқмай,
Қолганларин,
Қўшиғимга
Бу кун сиғмай
Қолганларин,
Айтсам барин,
Айтсам барин,
Айтсам барин —
Тушингизда
Бухоронинг оҳулари!..

* * *

— Қара, райхон, — деди у бир мақбара олдида менга, — мдир экиб кетибди. Ташландиқ ҳужра ҳовлисига бу жаннат гулини эккан одамни топдим. У ҳамон ҳарбий хизматдан қайтган кийимида юрган, бир оз ақли заифроқ йигитча экан. Ҳофиз йигитчага яп-янги костюмини ечиб берди. Йўқ, олдин костюмнинг чўнтагига билдирмай пул солиб, кейин ечиб берди. Нима қиламан буни, дейди у бизга! Шу жойга қараб юрар экан, зиёратчилар онда-сонда бериб кетадиган нон, қанд-қурсни кўрсатиб мақтанди. Биз у билан бирга чой ичдик. «Шу бир меров болангча сенга парвона бўлолмаймиз, Бухоро». Бу — ҳофизнинг гапи.

Кетар пайтимиз у бирдан шундай деб сўраб қолди:

— Ҳофиз ака, Шукур Бурҳон ўлдими?..

Ўшанда ҳофиз менга шеър ёзасан, деган эди. Райҳон ва Шукур Бурҳон ҳақида. У ҳам Бухородайин қадр топмади, деган эди.

Райҳонни Шукур Бурҳон қабрига қўйдим. Шукур ота ҳақида эса ёздим шеър.

Бу шеъримни ўша ғариб укам учун ёздим.

* * *

Шукур Бурҳонни ҳам кузатиб қўйдик,
Кетди қон юраги устида қўли.
Ортидан эргашиб бориб биз қўйдек,
Ерга бериб келдик ўпкамиз тўлиб.

Бордик дўстлари ҳам, душманлари ҳам,
Қабрин устида ҳам сўйладик ёлғон:
Санъат фидолари,
Мен сизга айтсам,
Ундай Шукур Бурҳон,
Бундай Шукур Бурҳон!..

Тиригида ҳеч ким айтмаган гаплар,
Ҳали совумаган тупроғига ёғди.
Йиғлади умрида йиғламаган арбоблар,
Кўзидан ёшларн сел бўлиб оқди...

Ялангтўш бобо жим кулиб ётарди,
Шунча дўсти бор экан, у билмаганди.
Ёпирай, тасаввур ҳам қилмаганди,
Чунки уч кун олдин почтадан олғон
Меҳнат дафтарчасин қучоқлаб ҳайрон
Хотини олдида шундай йиғлаганди...

Ўкраб йиғлаганди,
Ҳўнграб йиғлаганди.
Кўзига тор бўлиб ёруғ жаҳони.
Эркак боши бундай эгилмаганди,
Балки... узилгандир ўшанда жони!
У балки мендан ҳам яшарди кўпроқ,
У балки сендан ҳам яшарди кўпроқ.
Эй, қўнғир тупроқ,
Эй, муқаддас тупроқ,
Сен Шукур бобога болиш бўл, юмшоқ...

* * *

Мен ҳам Оролман. Бухоро ҳам — Орол.
Мен Орол ҳақида янги қўшиқ қилдим. Уни Бухорога бағишлайман, деди ҳофиз.
Агар Оролни қўшиқ билан тирилтириб бўлсайди.
Агар Бухорони қўшиқ билан асраб қолиш мумкин бўлсайди.
Ҳофиз жони чиққунча қўшиқ айтган бўларди!
Бухоронинг кўҳна қудуғидан сув ичган ҳофиз...
Биз баримиз Орол ва оролчалармиз. Токи бир-биримизни асрашни билмас эканмиз, битта-битта қурийверамиз.

Оролнинг жони оролчалар қўлида.
Оролчалар эса одамларнинг кўксида.
Одамларнинг кўкси эса бир-биридан сув ичади...

* * *

Орол денгиз, Орол бечора денгиз,
Зилол денгиз увол-оввора денгиз,
Бахти қора, манглайи қора денгиз,
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон...

Қани қадим қирғоғида боғлари,
Тупроғи юзида ажал доғлари,
Сомондай сарғайиб қизғалдоқлари,
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон.

Жовдир-жовдир жайронларин кўзлари,
Қирғоғида қотиб қолган бўзлари.
Қовжираган ерга босиб юзларин,
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон.

Қирғоғидан қирғоғимга қум кўчди,
Момо юртга сиғмай тағин ким кўчди?
Тағин қайси уйим чироғи ўчди,
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон...

Мен ўйладим — бу дунё жанг майдони,
Орол уммон эмас — тўлиб паймони,
Алпомишдай юртимнинг бир ўғлони
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон.

Руҳи жонинг чўкмасин, эй қадрдон,
Куйлаги қон, кўкраги қон паҳлавон.
Сенсиз менга тор кулбадек бор жаҳон,
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон...

Осмонларга қўли етган давроним,
Топ бир чора, бўлмагил безабоним.
Пешонамга битган ёлғиз уммоним
Кўз ўнгимда, кўз ўнгимда берар жон!

[illegible]

...Тонгда ширин уйқумдан уйғотишганди. Уйқудан ҳам ширин одамлар. Мен бормайман, дегандим. Мени кечир, Бухоро. Бормайман деган тилларим кесилсин яна айтсам. Ушбу ғариб мисралар учун ҳам кечиргил мени. Мен дилимдагини ёздим. Дилимда эса сен эдинг. Қандай бўлсанг — шундайлигича. Сенинг хаста жонинг ором топишига ишонаман. Аммо бардам бўл, отингдан айланай, ота маконим.

Шеърларимни эса ҳув ўша, ҳужраларингни супуриб-сидириб юрган ақли ожизроқ ўғлингдек, унинг райҳонларидек пойингга сочаман. Жонингга малҳам бўлсин бу нақли ожиз мисраларим...

1987

[illegible]

Қариқиз,
Қариқиз, сенга бир савол,
Елкангни тўлдириб сочинг йиғларми?
Ўттиздан кейинги тонглари малол,
Кунлар кўкрагингга ботган ханжарми?..

Қариқиз,
Қариқиз, сенга бир савол,
Неларни ўйлайсан кечаларда сен?

Нималар ҳақида сурасан хаёл,
Келинчаклар ўтган кўчаларда сен?..

Сен саратонда ҳам яшнаган баҳор,
Сен зимистонда ҳам чақнаган наҳор.
Юзларинг ғазалу кўзларинг ғазал,
Сенинг куйган кўнглинг гулдан-да гўзал!

Шундай гўзалсанки, ёруғ дунёда
Сени бир кўриб севмаган қолмаган.
Аммо биронтаси ботиниб келиб,
Юрак изҳорини айта олмаган...

Гўзал қиз,
Асал қиз,
Сенга йўқ савол,
Сен — тенги топилмай ўтаётган ҳилол!

1991

* * *

Қайлардасан ўзинг, қанисан элим,
Сен кимнинг бир парча жонисан элим?
Боболаринг кимдир, момоларинг ким,
Сен қачон ўзингни танийсан, элим?..

Осмон тўла юлдуз армонларингми,
Сенинг бор бисотинг достонларингми?
Алпомиш аталмиш ботиринг қани,
Улуғбегинг қани, Бобуринг қани?

Қани буюк Аҳмад Яссавийларинг,
Румийлардан қолган маснавийларинг?
Улар кечиргайми гуноҳларингни,
Унутмагил улуғ Синоларингни...

Кулиб кун чиқадур, йиғлаб кун ботар,
Навоий Ҳиротда бсэга ётар.
Юзларин ёритар тунда ой балқиб,
Машраб Балх дорида турибди қалқиб.

Ким эдингу энди ким бўлдинг бу дам,
Сени таниёлмай аждодинг мулзам,
Сен на йиғлагайсан, сен на кулгайсан,
Фарзандларинг қабри қайда билмайсан.

Қайлардасан ўзинг, қанисан элим,
Сен қачон ўзингни танийсан, элим?..
Чўғ остида қолган кулдайгинасан,
Отинг бору ўзинг йўқдайгинасан!

1988

Жийда тагида

Сой бўйи. Тун. Куз.
Бир йигит, бир қиз.
Шивир-шивирлар
Жийда тагида.

Таҳораткаш чол,
Уйга қайтди лол.
Дилда санчиқлар —
Жийда тагида...

— Қайдасан, кампир?
Адо бўлдинг, тур!..
Номусинг йиғлар
Жийда тагида.

Кўр, ўзинг ҳам юр,
Ўпишаётир,
Уйинг куйгурлар
Жийда тагида...

Кейин не бўлди?
Кейин уй бўлди.
Кейин тўй бўлди,
Қолмади сирлар
Жийда тагида. *1985*

Кўк дарвоза

Кўк дарвоза, ортингда бир қиз кўрдим,
Ғазнангдаги гавҳарингни хуш кўрдим,
Остонангда олти мингта из кўрдим,
Ойбекангни авайлагин, ҳушёр бўл.

Кўк дарвоза, сўрамагин отимни,
Сен кўзимга боқиб билгин зотимни,
Бу дунёда меҳр софми — олтинми?..
Ойбекангни авайлагин, ҳушёр бўл.

Кўк дарвоза, кўк харсангдек қулфинг бор,
Маликангнинг кун кўрмаган зулфи бор,
Саройингда Муҳаммаднинг мулки бор,
Ойбекангни авайлагин, ҳушёр бўл.

Кўк дарвоза, яна не деб мақтайин?
Меҳр изҳор этмоқ учун нетайин,
Беканг учун айт, боримни сотайин,
Ойбекангни авайлагин, ҳушёр бўл.

Кўк дарвоза, пойингга тиз чўкарман,
Қиз ўпгандек бўсағангни ўпарман,
Остонангга топганимни тўкарман,
Ойбекангни авайлагин, ҳушёр бўл.

... Кўк дарвоза, ортингда қиз кўргандим,
Ғазнангдаги дурингни хуш кўргандим,
Сен совуқдан бир кун муҳлат сўргандим,
Бор, деворга қўшил, сен ҳам девор бўл! *1994*

Нидо

Шу чоқдаги юрагимни тинглангиз, ҳой ҳу.

Усмон Носир

Тонг тортиғи саҳифа ва саҳифа номлар,
Бир кунгина қўшиқ туғмай ботмайди шомлар.
Ҳақ деганнинг йўлларига сочай илҳомлар,
Шу чоқдаги юрагимни тинглангиз, ҳой ҳу...
Ким қиз суйиб қон йиғласа, адоси ўзим,
Ким юрт суйиб улуғласа, фидоси ўзим.
Тошга тегиб қайтиб борган садоси ўзим,
Шу чоқдаги юрагимни тинглангиз, ҳой ҳу.

Жигарларим, йўлингизга гуллар тўшай ман,
Чўғдек ёниб, ботмай турган кунга ўхшайман,
Хаёлингиз уфқида мен шундай яшайман,
Шу чоқдаги юрагимни тинглангиз, ҳой ҳу.

Аммо айтинг, ановларга, жонга тегмасин,
Шеър ёздим, деб минг йиллик достонга тегмасин.
Усмон тутга илиб кетган нонга тегмасин...
Шу чоқдаги юрагимни тинглангиз, ҳой ҳу.

Дилда байрам, олдиндадир кунлар гавҳари,
Ўзбек юртда туғилажак бир сўз сарвари.
Тошкентдан то Лондонгача, Лондондан нари,
Шу чоқдаги юрагимни тинглангиз, ҳой ҳу.

«Шу чоқдаги юрагимни тинглангиз, ҳой ҳу...»
Акс садоси гумбирлайди гўё замбарак.
Сезгиларнинг беозори менимча — туйғу,
Менга шодлик ва гулларнинг лаблари керак. *1987*

[illegible]

Фарҳодлар видеога мўлтираб ўсар,
Ширинлар бир-бирин сочини кесар.
Шудгорни ким кечар,
Дарёни ким тўсар...
Йигирманчи аср, бу қандай гап ахир?

Фасллар айланар, битта фасл йўқ,
Қаҳратон кечиккан кузга урар дўқ.
Аъзои баданинг снаряду ўқ,
Йигирманчи аср, бу қандай гап ахир?

Нима дейсан яна газеталарга,
Қанотли, қанотсиз ракеталарга,
Кўзингга термулган планеталарга...
Йигирманчи аср, бу қандай гап ахир?

Йўлдошни қучоқлаб йиғлайди осмон,
Кемалар пойида титрайди уммон.
Эрта ер юзида ким қолгай омон,
Йигирманчи аср, бу қандай гап ахир?..

Юлдузлар ёнидан ҳайда зоғларни,
Кундузлар ёнидан ҳайда доғларни,
Ер ютса бўлмасми урушқоқларни,
Йигирманчи аср, бу қандай гап ахир?

ТИНЧЛИК — шудир менинг энг тансиқ сўзим,
Овутиб яшайман ўзимни-ку, ўзим,
Кўзимга жавдирар бир яшар қизим...
Йигирманчи аср, бу қандай гап ахир?! *1987*

Сурат

Менинг кимлигимни,
Билмайди ҳеч ким.
Мен бир ғалатиман,
Мен алоҳида.
Кўзимнинг ёшини
Келади ичгим,
Тилимни чайнагим,
Келар гоҳида.

Ой менинг елкамга
Ўтириб олган,
Офтоб ғавғо солар
Юрган йўлимга.
Хаёл тушовидан
Чиқолмай қолган
Умримни топшириб
Қуйдим кўнглимга.

Энди тошни тепсам,
Ўпар изимни,

Ерға аҳанасам —
Ер ҳам девона.
Бармоғин ўпгандим
Суйган қизимни,
Қўли ёниб кетди
Гуриллаб, мана.
Ёнди,
Ёнаверди
Кокиллари, сўнг,
Чарсиллаб юраги
Ёнди беармон.
Ярми ёниб бўлган
Кўйлаги бир енг
Ишқнинг байроғига
Айланди алвон!..

Ва ўпдим байроқни
Мен ўша алвон,
Олов тан,
Олов жон,
Олов ҳис-ҳавас.
Қизил чўғ тўшалган
Чимилдиқ томон
Отдим мен ўзимни
Мисли ўтпараст.

Уйғонсам — кўрпам кул,
Йиғлар севгилим.
Мен сени йиғла деб
Қучган эдимми?
Айиқ босган гулдай
Эзилди кўнглим,
Ёввойи ўрдакка
Бердим севгимни!..

Ўрдак учди-кетди,
Мунғайиб қолдим.
Ҳайратим обкетди
Қанотида у.
Ким мени алдаса —
Худога солдим,
Майли, алданмасин,
Ҳаётида у.

Қолдим кулкўрпамда
Тўшагим — тупроқ.
Юмалаб ётаман
Илонлар билан.
Уларга ишондим
Бир ёрдан кўпроқ,
Илон чақар,
Аммо
Ганирмас ёлғон!..

Менинг кимлигимни
Билмайди ҳеч ким.
Мен бир ғалатиман,
Мен — алоҳида.
Кийиклар қонини
Келади ичгим,
Чаённи чайнагим
келар гоҳида.

1991

Бураматол боғда сизни кўрдим қайданам,
Бир боқдиму билмам недир узилди жондан,
Бургут эдим бир кечада тушдим осмондан,
Бураматол боғда сизни кўрдим қайданам.

Қиқирлашиб қизлар ўтар, сиздан дарак йўқ,
Қирқ қиз ичра биз соғинган қиздан дарак йўқ.
Қайлардасиз, бир кўрмоқдан ўзга тилак йўқ,
Бураматол боғда сизни кўрдим қайданам.

Аҳволимни йўйинг ана, нега йўйсангиз,
Айб мендами, бир қайрилиб кўнглим олсангиз,
Асакангиз кетмас-ку, бир кулиб қўйсангиз...
Бураматол боғда сизни кўрдим қайданам.

Бу қандай боғ, толлари ҳам ўсар буралиб,
Бутоқ-бутоқ кокилларга қолдим ўралиб,
Бағрим ёниб яшар бўлдим, бағрим тўғралиб,
Бураматол боғда сизни кўрдим қайданам.

Куя-куя кетар бўлдим, сизни тополмай,
Кулбамда бир елкангизга рўмол ёполмай,
Кумушдайин холингиздан битта ўполмай,
Бураматол боғда сизни кўрдим қайданам.

Энди фақат эслаш бору индаш йўқ сизга,
Энди мен ҳам ўхшаб қолдим бир акангизга,
Эрка келин бўлинг энди Асакангизга,
Бураматол боғда сизни кўрдим қайданам.

1994

Санам

Бир қараб қўйсанг надир
Бизга ҳам гоҳо санам.
Менга сенсиз беқадр
Дунё, санам, дунё, санам.

Сен ўзинг шамсу ҳилол,
Куйдирги ёр, соҳибжамол.
Сенсиз ул осмонда йўқ
Маъно, санам, маъно, санам.

Кўзлари жайрон ўзинг,
Ўз ҳуснига ҳайрон ўзинг.
Тенги йўқ, тимсоли йўқ
Зебо санам, зебо санам.

Боқ, ажаб ғавғодамиз,
Севги деган саҳродамиз.
Қайс ўзиму сен экан
Лайло санам, Лайло санам...

Бир қараб қўйсанг надир
Бизга ҳам гоҳо санам.
Менга сенсиз беқадр
Дунё, санам, дунё, санам.

1991

Шукр дейсан сен қачон?

Тамагирни тортқилаб,
Нафси қўймас дейдилар.
Нокас ўзи тўйса ҳам,
Кўзи тўймас дейдилар.

Боқ бир ёруғ оламга –
Кимлар зўрға кун кўрар.
Одамлар бор, боғдаги
Булбулдан ҳам пул сўрар.

Ёлғон дунё — бу дунё,
Арзон дунё — бу дунё.
Не-не ҳоким, беклардан
Қолган дунё — бу дунё.

Киприкдан ҳам қисқадир
Молу дунё йўллари.
Ибрат бўлсин, Искандар
Очиқ кетган қўллари!..

Узат дейсан, бер дейсан,
Ҳеч қўймадинг, одамзод.
Туя тўйди, фил тўйди,
Сен тўймадинг, одамзод.

Шукр қилар ҳаттоки
Қумурсқа-паррандалар.
Шукр дейсан сен қачон,
Хом сут эмган бандалар?..

Бу уч кунлик дунёда
Савлатингга керилма.
Қаср қурма, боғ қолдир,
Давлатингга керилма.

Ўз элингни қақшатсанг,
Хор бўласан ўзинг ҳам.
Бир кун шу эл меҳрига
Зор бўласан ўзинг ҳам!..

1988

Мустазод

Бир йигитлар туғилсинки,
Бир йигитлар.
Елкалари Асқартоғдай,
Ақли расо,
Ориятли,
Ҳамиятли,
Насли расо—
Бир йигитлар туғилсинки,
Бир йигитлар...

Бир йигитлар туғилсинки,
Бир йигитлар,
Элим деган,
Юртим деган,
Эр йигитлар,
Йўлбарсюрак,
Сиртлонпанжа,
Шер йигитлар,
Бир йигитлар туғилсинки,
Бир йигитлар.

Бир йигитлар туғилсинки,
Бир йигитлар.
Токи армон бўлсин гўзал
Барча қизга,
Мўраласа тўлсин эшик —
Дарча қизга,
Бир йигитлар туғилсинки,
Бир йигитлар.

Бир йигитлар туғилсинки,
Бир йигитлар.
Кўзи тўла,
Юзи тўла,
Нур йигитлар.
Эрки улуғ,
Пойи қутлуғ,
Бахти бутун,
Олмос йигит,
Олтин йигит,
Дур йигитлар!..

Бунинг учун бир нарсага
Чек қўйинг Сиз,
Хотинингиз уйда туғсин —
Тек қўйинг сиз.

1989

* * *

Таниш терак. Ариқ ёқаси.
Бўтана сув, ширин лойқа сув.
Тол кўчада отлар тақаси...
Қанча бўлди кўрмаганимга...

Ялпиз ҳиди тутган далалар,
Гапга чечан боқчахолалар,
Беланчакда ётган болалар...
Қанча бўлди кўрмаганимга.

Тоғ ортидан мўралаган кун,
Шийпонлардан ўрлаган тутун,
Тут шохига осилган тугун...
Қанча бўлди кўрмаганимга.

Ўқариқдан ёлғизоёқ йўл,
Менга илҳақ, менга муштоқ йўл,
О, қадрдон бир жуфт қадоққўл...
Қанча бўлди кўрмаганимга.

Ёғоч эшик очилар секин...
Тошмеҳрман мен жуда, лекин
Ҳозир йиғлаворишим мумкин —
Қанча бўлди кўрмаганимга...

1987

* * *

Зўрлаб қиз узатмоқ-ку, аслида
Мансаб илинжида ё орзу-ҳавас.
Ялпизни юлқилаб ариқ бўйидан
Тошлоқ ерга ўтқазмоқдан
бўлак нарсамас...

Аммо қайси ота тан олгай буни,
Тан олганда ҳам нима бу гуноҳ?..
Ўзбекларда айб саналар фақат
Келин йиғламаса тўй куни.

Қадаҳлар жаранглар, қаҳқаҳа янграр,
(Тилни тиёлмаслик бундай пайт ёмон).
Парво қилмай ичаверасан шароб,
Кўксинг инграб турса ҳамки
ёлғон деб, ёлғон!..

Кеча раисининг эса жағи тинмайди,
Ҳамду сано айтиб тўймайди.
Севги, вафо дейди... Садоқат дейди,
Чиранади. Микрофонни
қўлдан қўймайди...

Зўрлаб қиз узатмоқ бу аслида
Мансаб илинжида иззатталаб.
Ариқ бўйидаги ялпизни юлиб,
Телеминорага ўтқазмоқдай гап... *1998*

Олисдаги қадрдон

Ўрмонлар лоласисан,
Қайинларнинг қирмизи.
Урушнинг боласисан —
Отамнинг ўрис қизи...
Биз эҳтимол бир умр
Кўришмасмиз, олис — нур.
Отам билан кетган сир —
Отамнинг ўрис қизи.

Отасизлик енгилми?
Сен ҳам ярим кўнгилми?
Оиамидинг, сингилми...
Отамнинг ўрис қизи.

Жон чиқар чоғ музлаб у,
Кимларнидир излаб у,
«Қиз-и-м», деди йиғлаб у...
Отамнинг ўрис қизи.

Сўз отилган ўқ экан,
Бағир ёқар чўғ экан.
Суратинг ҳам йўқ экан...
Отамнинг ўрис қизи.

Онам сирин сотмайди,
Билади-ю, айтмайди.
Отам энди қайтмайди,
Отамнинг ўрис қизи.

Томирингда бизнинг қон,
Қайда юрсанг бўл омон.
Олисдаги қадрдон —
Отамнинг ўрис қизи!..

1998

* * *

Ўтиб туринг кўчамдан гоҳ-гоҳ,
Кўнгил яйрар кўрганим сари.
Эй гулбадан, эй кийикнигоҳ,
Ўзбекойим набиралари —
Ойдин қизлар, ойжамол қизлар,
Ойдан тушган оқ рўмол қизлар!..

Ерданми ё кўкдан сўрайми,
Пойингизда жоним берайми?
Сизни шундай кўриб қувончдан
Ёрилмаган юрак — юракми?..

Ойдин қизлар, ойжамол қизлар,
Ойдан тушган оқ рўмол қизлар.

Қонимда-ку абад-азалсиз,
Аммо ёддан чиққан ғазал — сиз.
Дарёларнинг ортида қолган
Афсонавий Тожимаҳалсиз.
Ойдин қизлар, ойжамол қизлар,
Ойдан тушган оқ рўмол қизлар.

Юрса йўлга ёғдулар изи,
Париларга орзулар изи.
Сиз — онамнинг ёришган юзи,
Сиз — отамнинг йўқотган қизи...
Ойдин қизлар, ойжамол қизлар,
Ойдан тушган оқ рўмол қизлар.

Ўсма ўпган қошми бу зулук,
Бунча поксиз, бунчалар суюк?
Сиз борсизки, муҳаббат ҳам бор,
Сиз борсизки, Муҳаммад буюк.
Ойдин қизлар, ойжамол қизлар,
Ойдан тушган оқ рўмол қизлар.

1998

[illegible]

Кристина!
Жонажон қўшним.
Баланд пошна,
Малласоч,
Кўркам.
Ён қўшниму, аммо мендан ҳам
Мушугига меҳрибон қўшним...

Кристина!
Қўшним бир девор.
Кўзи мовий,
Бурни сурнайча.
Битта бола,
Иккита лайча —
Ташлаб кетган эридан ёдгор.

Бу қисмат,
Бу тақдири азал —
Бева борки, ҳаммаси гўзал.
Кристина!
Боғбонсиз боғча,
Чангда қолган момақаймоқча.
Эри билан эдим қалин дўст,
Эри минар эди паровоз.
Қўллари мой ишдан қайтарди,
Ичса бизникида ётарди...

Кристина!
Малласоч дилдор.
Виқор билан боқишлар, ҳай-ҳай...
Менинг уйим тўла болакай,
Унинг уйи тўла жонивор.

Бизнинг кулба — бешинчи қават,
Меҳмонга-ку, очиқ, марҳамат:
Одам сал хижолат бўлади —
Лифтдан кучук ҳиди келади...

1998

Халқона

Қиз деганнинг кўкси тўла ўй бўлади,
Йигит бир кун етилиб бўй бўлади.
Бир тандир нон ўртада, бир коса сув,
Ўнта ўзбек йиғилса — тўй бўлади...

Рўёбларга чиқади ширин тушлар,
Келинчакнинг энгидан куёв ушлар...
Бешикларни бўшатиб бир-бирига,
Туғилади Тўмарис, Алпомишлар.

Суюнгандан оналар кўзида ёш,
Оталар юзида порлар қуёш.
Набиралар тўлади ҳовлиларга,
Бари бир хил — қорасочу қорақош.

Бола гапин ёқтирмас қайтганини,
Бизда бола қилдирар айтганини.
Майли, содиқ ўсса бас, юртига у
Бошларига кўтариб Ватанини...

Дабдабасиз даврада нур бўлади,
Куёв — тўра, келинчак — ҳур бўлади.
Қайда ялла янграса келаверинг,
Ўзбегимнинг тўйлари зўр бўлади.

1994

Сирожга

Бунда бир қиз бор эди,
Бағоят дилдор эди.
Мен исмини билмасдим,
Мен исмини билмасдим...

Унинг тўйи бўляпти.

Ўзи менга ёқмасди,
Бир қайрилиб боқмасди.
Мен ҳам парво килмасдим,
Сира парво қилмасдим...

Унинг тўйи бўляпти.

Кетдик жўра. Нима бор
Бировларнинг тўйида?
Бугун сайил бўлади,
Ширмонбулоқ бўйида.

Шундай кунда ноз қилиб,
Қарамаса бизларга.
Атиргулга мурч сепиб
Улашамиз кизларга...

1994

Ҳамма гапинг тўғри, Афлотун,
Ерни чопиш керак, бўяш керак ромни.
Токни кўмиш керак кечикмай, лекин
Нима қилсак экан атомни?..

Китоб ёзиш керак. Тўй қилиш керак.
Суваш керак келин тушадиган томни.
Муолажа истаб санчиб қўяр юрак,
Нима қилсак экан атомни?

Деҳқон болалари — ўйнар хирмонда,
Симга боғлаб олиб бир тешик жомни.
Учувчи кулади кўриб осмонда,
Нима қилсак экан атомни?..

Кулол минг асрлик гумбазни тиклар,
Жарроҳ тирилтирар ўлган одамни.
Ўртоқ математиклар,
Ўртоқ физиклар,
Нима қилсак экан атомни?

Ҳатто энг севимли аёл қучоғида,
Унутолмайман мен гуноҳ—хатомни.
Бир савол — хол бўлиб ёнар унинг дудоғида:
Нима қилсак экан атомни?..

Бешикларни қучиб айланади Ер,
Оқар юзларидан маржон-маржон тер.
Нима қилсак экан атомни,
Нима қилсак экан атомни?..

1987

Амир Темур

Қирқ биринчи йил, саратоннинг ўн саккизида Буюк Жаҳонгирни қабридан қўзғатишган. Хуш, оқибати не бўлди...

Жаҳонгирнинг қабрин очган каззоблар,
Бири олим, яна бири арбоблар,
Хондек яшаб ўтдилару оламдан,
Амир Темур руҳи мени азоблар.

Ўшал кун сен қайда эдинг, болам, дер,
Қулоғингга егмадиму нолам, дер.
Мени қўзғаб нима топди олам, дер?..
Амир Темур руҳи мени азоблар.

Тирик эрсам тинмасди-ку яроғим,
Ўлик жондин на истарлар, қароғим.
Қўлим қайда дер, қайда бош чаноғим,
Амир Темур руҳи мени азоблар.

Бу қандайин кўргулик, ё раббаноҳ,
Ёвуз ёгдан ер остида йўқ паноҳ,
Бобур қайда дер, қайда дер Мироншоҳ,
Амир Темур руҳи мени азоблар.

Дунё топдим дейди, дунё йиғмадим,
Мен эл учун от устида ухладим,
Наҳот энди ўз гўримга сиғмадим,
Амир Темур руҳи мени азоблар...

Мен не қилай,
Мен бир ожиз бандаман.
Руҳлар билан бир жону бир тандаман,
Узр сўраб ҳар кун Самарқанддаман,
Амир Темур руҳи мени азоблар... *1989*

Бундай қарамагин, чақалоқ.
Мен ҳалол одамман ҳар ҳолда.
Чайқаларди ҳар йил кузда менинг ҳам
Беланчагим шу букри толда.

Ёрилган қўлларга термулиб юриб,
Шу ялпиз далада мен ҳам бўй етдим.
Кейин шеър йўқлади тушимга кириб,
Кейин ўзим йўқлаб Тошкентга кетдим.

На Ойбек бор эди,
На Ғафур Ғулом.
Миртемир йўқ эди,
Усмон Носир ҳам...

Навоий сатрига термулиб юриб,
Туйдим жамолини бу кўҳна элим,
Кейин сен изладинг тушимга кириб,
Кейин ўзим излаб ёнингга келдим...

Бундай қарамагин. Бундай қарамагин.
Сен худди ўзимсан, хирмондаги бола.
Менинг майли шодон, менинг майли ғамгин
Энг гўзал сўзимсан, хирмондаги бола!

Мен келдим шул шаффоф сўзимни топиб.
Мен билдим, юракдан Ватанни севмоқ —
Беланчак осилган толларини ўпиб,
Чақалоқ кўзига ҳалол термулмоқ...

1987

* * *

«Оламда нима гап» бўляпти.
Хира ёғду сочар телевизор.
Айвонда шолчада бир бола
Ўлтирар чўнқайиб... кўйлаклари кир.

Ҳовлида ҳар кунги юмушлар.
Ҳовлида ёмғир ер муштлар.
Момоси дарғазаб, беарқон
Бузоқчани тутолмай бу он.

Бузоқни қарғайди ҳарсиллаб,
Қозиқни ўқталар: «Бўйнинг узилгур!»
Айвончада эса бир бола
Ўлтирар чўнқайиб, иштони ҳам кир.
Оламда нима гап бўляпти?.. *1989*

Илёс

Илёс исмли икки яшар жияним сариқ касал туфайли вафот этди. Шифохонада керакли дори керак пайтида топилмаган эмиш...

Малҳам кутиб менга жавдираб қолган
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.
Шифокор опанинг сўзлари ёлғон,
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг!..

Улар ичинда ҳам бордир тулкилар,
Улар шамолни ҳам тутиб пул қилар,
Ҳатто ўз боласини ўйламас улар.
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.

Устингдан оғулар сепишди қанча,
Мурғак юрагингга нишларин санча.
Эндигина тили чиққан одамча —
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.

Нажоткор эмишлар! Кўрдим барисин,
Имони йўқ булар ёшу қарисин.
Бошимга урайми энди дорисин?
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.

Сувларнинг юзида турмасдир хаслар,
Сени ҳалок этди бир тўп нокаслар.
Тушимда қўлларинг бўйним пайпаслар,
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг!

Яхшиям дунёда қуёш бор, гул бор,
Қайдадир мени ҳам тушунган дил бор,
Одамлар бор ҳали мўмин, беозор,
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг!

Йиғлаб-йиғлаб юмилдими қароғинг,
Кафтимни куйдирар қолган мунчоғинг,
Кўксингда кетдими ёлғиз сўроғинг,
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг!..

1988

Оқ тулпор

Оқ тулпорим бор эди,
Беклар унга зор эди.
Оғайнилар, от менга
Ҳам дўсту ҳам ёр эди.

Ёлин ўпсам тиз чўкиб,
Кафтимдан сув ичарди.
Чуҳ, десам ер чангитиб,
Осмонларга учарди.

Уйимизга бир оқшом,
Қариндошлар тўлишди.
Тўй баҳона отимдан
Айирмоқчи бўлишди.

Отам, йигитсан, ўғлим,
Уйланмасанг, ор, деди.
Қиз ярашар қучоққа,
Отга нима бор, деди...

От олдидан бошланди
Чимилдиққа йўлакча.
Кечир, ёрим, на қилай,
Отга меҳрим бўлакча...

Қолдим икки ўт аро,
Гўшангада — дилдорим.
Келин келган кечадан
Аразлади тулпорим.

Борми биздек ошиқлар,
Баҳоримда куз йиғлар.
Қизни ўпсам, от йиғлар,
Отни ўпсам, қиз йиғлар.

Бир бор ўпсам хотинни,
Уч бор ўпдим отимни...
Жонни қийнаб яшадим,
Кимга айтай додимни.

Ёрдан кечдим отни деб,
Элга бўлдим эрмаклар.
Қайдан билсин от қадрин,
От минмаган эркаклар!? *1992*

Ўп мени...

Менинг ғанимларим булутдан ҳам кўп,
Ортимдан соядек юришар тўп-тўп.
Саломат эканим ҳам бир ғанимат,
Ўп мени, севгилим, ўп, сўнгги бор ўп.

Кўнгил йиғлар, қара, кўзлар тонмоқда,
Кўкрагимга кўксинг қуйгин — ёнмоқда,
Чайқалиб турибди руҳим томоқда,
Ўп мени, севгилим, ўп, севгилим ўп.

Эй менинг жаллодим, эй меҳрибоним,
Кўким тупроқ менинг, тупроқ — осмоним,
Тилимнинг учида турибди жоним,
Ўп мени, севгилим, ўп, сўнгги бор ўп.

Тун деганлари бу — тилсиз бир тилсим,
Тушн тўлиқ чўғми, ўқми, ким билсин?
Тонгда турарманми-йўқми, ким билсин?..
Ўп мени, севгилим, ўп, сўнгги бор ўп.

Жон шундай узилса, бу—осон ўлмоқ,
Севсанг, ситамингдан ўлдир мени, мох.
Қошларинг дор бўлсин, сочларинг — сиртмоқ,
Ўп мени, севгилим, ўп, сўнгги бор ўп.

Бизлар — ожиз банда, ажалдир — ҳакам,
Ошиқма, деб мени бўғмагин, эркам.
Бўсангдан бўғилиб ўлай ўлсам ҳам –
Ўп мени, севгилим, ўп, сўнгги бор ўп!..

1998

«Бола»

Муҳиддинга

Кўнглим ийиб кетиб, билмадим нечун,
«Бола» деб қўйибман кучугим отин.
Бобом боплаб сўкди,
Ғудраиди хотин,
Менга бошқача от ёқмасди лекин...

Кўзи мунчоқ эди кучукваччамнинг,
Ўзи эса сиртлонпанжа,
Кенг кўкрак.
Сал ширин гапирсам, ғажиб пойчамни,
Суйкалаверарди худди боламдек.

Жуда чайир эди,
Жуда шўх эди.

Суярдим ўзим ҳам шертирноғимни.
Хотин бор эди-ю,
Болам йўқ эди,
Тўлдириб юрарди у кучоғимни.

Кейин калхўз бўлди,
Вакиллар келди.
Орик отимни ҳам кетишди ёзиб.
Тут пишиб,
Бир ёшга тўлганда энди
«Болам»ни ўлдирди трактор босиб...

Уғлимни кўмгандек кўмдим «Бола»ни,
Мунчоқ кўзларига тупроқлар тўкдим.
Бобом билан хотин қилди нолани,
Мен эса бўралаб калхўзни сўкдим...

Ҳар баҳор бораман у ётган жарга,
Ўзи тилсим эди,
Ўлими тилсим.
Кучук кўнгли ийиб, ғилдиракларга
Суйкалгиси келганмиди, ким билсин.

1994

Посбонлар

Сизда ором қайда,
Сизда тин қайда,
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда.
Эл-юрт оромини асраган зотлар,
Эл меҳри асрасин Сизни ҳар жойда!..

Сизни учратаман тоғда, далада,
Хизматда ҳамиша – қорда, жалада.

Сизга сабот берсин, Сизга куч берсин,
Буюк зотлар руҳи шундай паллада...

Ҳар кун офтоб билан соғ кўришиб юз,
Уйдан омон чиқиб, омон қайтингиз.
Ризқи улуғ бўлсин, кўкси улуғ бўлсин,
Хонадонингизу мамлакатингиз.

Йўллар равон бўлсин, йўллар оқ бўлсин,
Баҳор майсалари кўкчироқ бўлсин.
Бурчга садоқатли эй фидойилар,
Поклигингиз Сизга кўзмунчоқ бўлсин!..

Сизда ором қайда, сизда тин қайда,
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда.
Эл-юрт оромини асраган зотлар,
Эл меҳри асрасин Сизни ҳар жойда. *1994*

Ўзбекмомо

Фаришталар файзи ёғар юзларингдан
Аримасин қувонч энди, Ўзбекмомо.
Юрсанг офтоб эргашади изларингдан,
Офтоб бўлиб нур соч энди, Ўзбекмомо.

Келди қайтиб ёт юртлардан карвонларинг,
Қўнғироғи кўксингдаги армонларинг.
Ўзингники — ўзинг ёпган ширмонларинг —
Сенга тегмас қирмоч энди, Ўзбекмомо.

Саробларга сажда қилдик етмиш йил биз,
Йўқ Ватанни Ватан билдик етмиш йил биз.
Чин Ватаннинг пойларига чўкайлик тиз,
Сен йўл бошла, йўл оч энди, Ўзбекмомо.

Эй сен ҳикмат диёри, эй сирли бағир,
Не даҳога йўл кўрсатдинг ўзинг, ахир,
Темурга ҳам алла айтган ўзинг, ахир,
Қайтар қалбга ишонч энди, Ўзбекмомо.

Озод юртда, обод юртда бор келажак,
Ҳур ўлкага мудом йўлдош, ёр келажак.
Ҳали не-не Алпомишлар туғилажак,
Бахтинг бошга гултож энди, Ўзбекмомо.

Тўкилмасин сочингдаги битта толанг,
Омон бўл сен, омон бўлсин дашту даланг.
Чўпон боланг, деҳқон боланг, султон боланг —
Кел, дуога қўл оч энди, Ўзбекмомо!..

1994

Ҳаёт бу

Бир кун хурсанд яшаш
Қанчалар қийин,
Бир кунгина —
Тонгдан шомгача.
Ҳаёт ҳар лаҳзаси,
Ҳар они ўйин,
Бошқача,
Бошқача,
Бошқача...

Қара,
Тонгда ўпган эдим юзингдан,
Энди қўл силтадим,
Бегона мисол.
Ёруғ дунёда-ку,
Кўрким ўзингсан,

Бир кунда энг бахтли,
Энг бахтсиз Аёл!..

Асли
Менга сенинг кулгунг азиздир.
Жилмайсанг —
Жаҳоним жилмайгани шу.
Тонгинг баҳор эди,
Оқшоминг куздир,
Сени севаману
Аммо ҳаёт — бу.

Эй менинг севгилим,
Осмонингдан туш,
Севги — ёмғир босган
Китобдаги байт.
Сен — менинг
Қўйнимда тўлғонган оққуш,
Мен — сенинг дардингта
Етмаган сайёд!..
1994

Зайнаб қўшиғи

Тенгим бошқа, деди ёр,
Топдим десам тенгимни.
Марғилонлик бир дилдор
Тортиб олди бегимни.

Кулгу кетмай кўзимдан
Ёғар бўлди кўзёшим.
Кўз-кўз қилиб бахтини
Ёқар бўлди кундошим.

Нима бўлди, бек йигит,
Бекангизга қараш йўқ?
Кумушдан минг ўргилиб,
Зайнабдан ҳол сўраш йўқ.

Тақдир дердим, шум тақдир,
Кўнглим кўнса – куймасдим.
Бегим, Сизни мен ахир,
Кумушдан кам суймасдим...

Қолсам – дардим бир дунё,
Кетсам – бир уй кўчим бор.
Кумушойни келтирган
Аравада ўчим бор!

1994

Қишлоқда

Хайрон менинг собиқ синфдошларим,
Сенга не етишмас, дейди, кулишар.
Ўзларича тушунгандай бўлишар,
Уйларига таклиф қилишар.

Уйларига таклиф қилишар,
Меҳмони бўламан бир-бир барини.
Чекамиз. Мақташга тушишар кейин
Кўрмай олган хотинларини...

1994

Маъруф Жалил

Хокисорлигим ҳам кўролмаслар бор,
Гоҳо раҳмим келар душманларимга.
Узун умрим узун ғам бўлди, яна
Не азоб бор мендек кўнгли яримга?..

Гоҳо ўз-ўзимни қойийман: Маъруф,
Танин айбларингдан айт бирон нарса...
Ўзим рақибимнинг уйига бориб
Кечирим сўрагим келар, қийналса!

1991

Қалдирғоч

Ғуссанг менинг ғуссамдир,
Айвонимда яшайсан.
Қараб турсам, сен ҳам бир
Дардли кунга ўхшайсан.
Кўнглингда не саволинг,
Нега айтмай йиғлайсан?..

Сўра, сўра, қалдирғоч,
Кўзи қора қалдирғоч.

Сўйла қушим полапонинг,
Уйингда дон-дун йўқми?
Уйинг тўла болангни
Ризқин териб тин йўқми?
Ё сенда ҳам тил йўқми,
Ё сенга ҳам кун йўқми?..

Сўра, сўра, қалдирғоч,
Кўзи қора қалдирғоч.

Бу дунёда бир одам
Тушунмасму дил оҳинг?
Мўминлигинг сенинг ҳам
Бўлдими ё гуноҳинг?
Ожиз қушим, сенинг ҳам
Очилсин бир дудоғинг...

Сўра, сўра, қалдирғоч,
Кўзи қора қалдирғоч.

1991

* * *

Не қилардим, ойдеккина синглим бўлса,
Шарқираган сойдеккина синглим бўлса.
Тўққиз ўғил туғса, кўриб кўнглим тўлса,
Жияним-ов...

Не қилардим, Алпомишдек акам бўлса,
Яхши-ёмон кунларимда ҳамдам бўлса,
Жонимга жон, юрагимга малҳам бўлса,
Жигарим-ов...

Не қилардим онам бўлса, отам бўлса,
Суяб турса, уйимда тўй-мотам бўлса,
Дардим айтсам, тушунган бир одам бўлса,
Дардларим-ов!..

1991

Уруш йилларининг жонон қизлари

Қахрамон йигитлар урушга кетди,
Чўғ бўлиб ёндириб қолди излари.
Оловлар ичида бўйингиз етди,
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Муҳаббат, муҳаббат, илоҳий маъво,
Сизга ёр васлини кўрмади раво.
Хатларга термулиб умрингиз ўтди,
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Қадоққўл юртимнинг Зулайҳолари,
Дилбарлари, Дилдор, Дилраболари.
Йиғидан қизарган шаҳло кўзлари
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Қорлар кечиб юриб кўсаклар терган,
Сенини тўн қилиб фронтга берган.
Йигит кўрган ҳамма балони кўрган,
Уруш йилларининг жонон қизлари...

Замин минг айланса, айланса Замон,
Яхшини яхши деган, ёмонни ёмон.
Муҳаммад Юсуф энг тансиқ сўзлари
Уруш йилларининг жонон қизлари.

1989

* * *

Яна қуёш чиқди,
Яна қуёш ботди.
Умримнинг бир кунин
Пойига отдим.
Яна ачинмадим,
Тирикчилик дедим,
Тинмадим...

Энди қандай ухладим?

Фонтанлар кулади,
Мен қувнилмадим.
Ёвшанлар йиғлади,
Мен ўкинмадим.
Дўстим аччиғлади,
Мен тушунмадим...

Энди қандай ухладим?

Тепамда мўлтирар
Ой соҳибжамол,
Юлдузлар бошимга
Ёғилган савол.
Олис қишлоқ. Почта.
Қари онам лол...
Юзта қўшиқ ёздим,
Бир хат ёзолмадим.

Энди қандай ухладим?

Қўлтиқтаёғига
Суяниб бир чол,
Келаверди шошмай,
Юзида малол.

Йўлим кесиб ўтди,
Кўнглим эзиб ўтди,
Меҳрим қўзиб кетди
Бир сўз демадим.

Энди қандай ухладим?

Даврим кулган даврон
Шул саодатим.
Ўнгалди ниятим,
Кулди омадим.
Лекин одатим —
Эртанги кунимдан
Йўқ хижолатим...

Энди қандай ухладим? *1989*

Эгасиз уй

Бу эшик жимгина очилавермас,
Бармоғинг узатсанг йиғлар бу эшик.
Занг илгак сурилса чўғдек бир савол
Юракка санчилар кўкракни тешиб:
Қаерда юрибсан, Эгамнинг ўғли?..

Отангнинг томида лолақизғалдоқ,
Отангнинг уйида кўринмас бир жон.
Ана, кўмилмаган анор шохлари
Синар ва хўрсинар: умр — ўқилон,
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?..

Ким у, вох, энгашиб лойқа сув ичди
Ва увватга чўкди кўксини ушлаб,

Кетмони чиқирар кесакни муштлаб:
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?

Ким у, вох, қўлида тешиккулчалар:
«Набираларимга, уйим Ватандир.
Ҳовлимни тўлдириб юришгай улар...»
Йўқлайди, беҳуда йўқлайди сени
Онанзорингдан ёдгор бир тандир —
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?..

Бу ховли жимгина нурайверади,
Ҳар енгги кўчганда йиғлар бу ховли.
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли,
Қаерда юрибсан, эгамнинг ўғли?.. *1989*

Сўнгги сатрлари

Синглим менинг,
Рангпаргина синглим менинг,
Сени кутар тор уйингда тўққиз бола,
Кенг уйингда поёни йўқ пахту дала,
Сен кўникдинг,
Кўникмас ҳеч кўнглим менинг...

О, ёнимда бир нозанин шод кулади,
Унга ҳамма ёзганларим ёд, кулади.
Парвонадек жонимдан минг ўргулади,
Сени ўйлаб бағрим тилим-тилим менинг.

Шодон шаҳар саҳаргача ялла айтар...
Овулларда кирда тўзон — пода қайтар.
Елинлари сутга тўлган бизнинг жайдар
Сигиримиз чиқмас кесиб йўлим менинг.

Бу ерларда билишмайди бия нима,
Адир нима, анғиз нима, қия нима.
Акам шоир бўлиб мендан кечди дема,
Қўшиқ айтсам бир елкангда қўлим менинг.

Қуёш чиқар, қуёш ботар, соғинаман,
Кўкрагимда бир тош ётар, соғинаман.
Токай чидай бу жудолик доғина ман,
Қани ўша қозиқдаги тўним менинг!..

Синглим менинг,
Хушруйгина синглим менинг.
Сени кутар тор уйингда гўққиз бола,
Кенг уйингда поёни йўқ дашту дала,
Сен кўникдинг,
Кўникмади кўнглим менинг.

1989

* * *

Гоҳо мен ҳам уйга толсам,
Варақлаб суратларимни.
Болалигим қумсаб, сени,
Қумсаб бола найтларимни...

Эслаб бир-бир хеч ким билмас,
Гуноҳларим, айбларимни.
Теракларни танасида
Қолиб кетган байтларимни.

Айтолмасдан бир кимсага,
Юракдаги дардларимни.
Ялинганим сенга. дўстим,
Жон дўстим, сен айт...ларимни...

Жим қоламан эгиб бошим,
Эгиб мағрур қадларимни.
Кейин бир қиз ўқимасдан
Йиртиб ташлар хатларимни... *1991*

Бригадир

А. Аҳмедов ҳаётидан лавҳа

Уни танишади қишлоқда,
Ҳатто тилга олмай туриб отини.
Лўндагина қилиб айтсам агар мен:
Кунда кир ювади хотини...

Кўҳликкина хотини,
Шўрликкина хотини.
Кунда кир ювар-да, тушунолмас,
Эри бригадирми,
тракторчими?..

Лекин гап бундамас.
Гап шундаки,
Кимки астойдил
Ерга меҳр қўйса,
Қайтади бир кун.
Қора терни сидириб туриб,
Чўлпиллатиб ўпиб пешонасидан,
Эли унга раҳмат айтади бир кун.

Мана, қуллуқ қилар
Бу кун эл,
Марҳаматдан тортиб Асака.
Оёққа қалқийди каттаю кичик,

Уни кўриб: — Бригадир ака!..
Эхе, бу кунларга етгунча
Озмунча машаққат чекмади.
Юрагини анов нижиқ ерларга,
Тилагини анов нижиқ ерларга
Неча қайта экмади.
Гап шунда ҳам эмас,
Гап шундаки,
Кимки астойдил
Ерга меҳр қўйса,
Қайтади бир кун.
Қора терни сидириб туриб,
Чўлпиллатиб ўпиб пешонасидан,
Эли унга раҳмат айтади бир кун.

Аммо
Қаердасиз, ўртоқ мухбирлар,
Нималарни кўзлаб юрибсиз?
Яна қаерларда,
Яна қайси бир
Пуфак қаҳрамонни
Излаб юрибсиз?!.
Истардимки, бу кун
Бор ишни ташлаб
Бир кишини йўқлаб келсаларингиз.
Десаларингиз:
Абдихошим Аҳмедов,
Мунча озғинсиз,
Мунча бўлиқ ғўзаларингиз...

1987

* * *

Бир куни
Ешигга келаман,
Деяман: мен сен кутган боламан.
Тинглайсан очилиб сен чаман,
Мен сени севаман, севаман!..

Кел, дейсан. Кун совуқ, ўтиргил.
Кафтимда лайлакқор — атиргул.
Хонангда югуриб-еламан,
Мен сени севаман, севаман.

Ким у жим кулади, кулади,
Билдирмай эрмаклар қилади?
Майли мен ғалати, телбаман,
Мен сени севаман, севаман.

Кел, дейсан. О, мунча кечикдинг,
Йўқ энди у ғунча, кечикдинг.
Боқ йигит, атрофинг қаҳратон...
Мен сени севаман, севаман.

Сен турган жой энди бий дала,
Қўлингда қоракўз бир бола.
Мен энди кўнникмас — ноламан,
Мен сени севаман, севаман.

Айт, мендан не истар бу одам,
Тикилар, синарми иродам?..
Тикилар бир ёмон, бир ёмон,
Мен сени севаман, севаман!..

Мени ёв этмиш бор мардум-ла,
Лабимдан учмаган бир жумла.
Энди кеч, энди не қиламан,
Мен сени севаман, севаман!..

1989

Бир қиз бор

Бу баҳайбат ҳовлида
Нозиккина қиз яшар.
Бир кун кўзим тушган, у
Бизлар тенги, биз яшар.

Ойдек десам — тўлин ой,
Гулдек десам — гулдек бор,
Лекин жуда эркатой,
Лекин жуда димоғдор.

Бу эркатой қизгина,
Мени писанд қилмайди.
Бу дунёда биргина
Мен гапирсам кулмайди...

Ҳашаматли бу уйга,
Қайдан тушди нигоҳим?
Ўша менинг азобим,
Ўша менинг гуноҳим.

Ўша-ўша мен юрган
Йўлимга уй тушайман.
Қари онам кўзига
Қаролмасдан яшайман...

1978

Менга беринг

Олам яралгандан бери,
Одам яралгандан бери,
Аждодларим имдодини
Менга беринг, менга беринг.

Уғлим, деб ишонган элим,
Киндик коним томган элим,
Туйғуларим озодини
Менга беринг, менга беринг.

Не бахт, беш юз йилдан бери,
Боқийдир бир бобом шеъри.
Беҳзод чизган сувратини
Менга беринг, менга беринг.

Қаранг, Абу Райҳон келур,
Хаста кунгли вайрон келур,
Синонинг тиббиётини
Менга беринг, менга беринг.

Темурнимас, Чингизнимас,
Осмон тўла юлдузнимас,
Улуғбекнинг ниятини
Менга беринг, менга беринг.

Ҳиндуга мусофир ўша,
Ҳиротдаги Бобур ўша,
Ғурбатдаги Фурқатини
Менга беринг, менга беринг.

Лайлиларин вафосини,
Мажнунларин нидосини,
Алпомишнинг келбатини
Менга беринг, менга беринг.

Осмонларга учгим келур,
Шох Машрабни қучгим келур.
Гўрўғлининг Ғиротини
Менга беринг, менга беринг.

Ўтган куним, кетган куним,
Ўз бошимга етган куним.
Қодирийнинг пок ёдини
Менга беринг, менга беринг.

Қайда бу кун Усмон Носир,
Бағри куюк Усмон Носир.
Шоирларнинг шерзодини
Менга беринг, менга беринг.

Ерни ушлаб тўхтатаман,
Яссавийи ким, кўрсатаман.
Ватан адабиётини
Менга беринг, менга беринг...

Яшайлик бир ўзбек бўлиб,
Бир узукка кўздек бўлиб
Деган дилнинг муродини
Менга беринг, менга беринг.

Замин ерни зўрин олинг,
Жаннатнинг тўрин олинг.
Ўзбекистон ободини
Менга беринг, менга беринг.

Ў ҳам мени кўргай ҳали,
Кўзи ёшиб сургай ҳали:
Шу ўғлимнинг баётини
Менга беринг, менга беринг. *1991*

* * *

— Она, мени нега туғдинг?
— Юртинг учун.

— Она, мени нега туғдинг?
— Бахтинг учун...

— Она, мени нега туғдинг?
— Зориққандан.

— Она, мени нега туғдинг?
— Зериккандан... *1987*

Изгори дил

Кўҳна толбешикдан
Бошланган олам.
Сенга иддаолар
Қилмай севаман.
Бир куни синглим, деб,
Бир куни онам —
Ватан,
Кимлигингни
Билмай севаман!..

Тузғийди тунингдан
Тортган тўралар.

Кеча тузингни еб
Сотган тўралар.
Энди пушаймонда,
Туйник мўралар —
Мен сенинг
Ёнингдан
Жилмай севаман.

Менга еринг суюк,
Осмонинг суюк.
Боқсам, тенг
Тўрттала
Томонинг суюк.
Товонимга кирган
Тиконинг суюк —
Кафтдан
Зирапчанг ҳам
Юлмай севаман.

Чўксанг,
Тур, синглим деб,
Сочинг силайман.
Сўксанг,
Онам дейман,
Умринг тилайман.
Сендан ранжимайман,
Гина қилмайман —
Хоҳ хўмрай,
Хоҳ жилмай,
Бирдай севаман.
Ватан —
Юрагимнинг
Олампаноҳи,

Бу дунё
Букри бир
Жийдангнинг шохи!..
Кузим ёши билан
Суғориб гоҳи
Кўксимда ўстирган
Гулдай севаман.

Бу ёруғ жаҳонда
Йўғу боримсан,
Тилимнинг остида
Новвот-заримсан.
Сен менинг ягона
Пайғамбаримсан,
Мен Билол,
Мен Ҳабаш —
Қулдай севаман!..

1998

* * *

Манга таниш юзинг, таниш кўзинг, кимсан,
Бағри жонимни ўртайди сўзинг, кимсан?
Қайдин бунча меҳрибонлиғ, қараб турсам,
Туркинг одамга ўхшайди, ўзинг кимсан?..

1991

Қарға

Баланд шохга осилиб қолди,
Бир оёғи кириб айри новдага.
Кун бўйи силтаниб тойди ҳолидан,
Кийин, кийин бўлди ушоқ гавдага...

Бизлар томошабин,
Қарға азобда,
Тўлғанар тўкилиб кўзларидан чўғ.
Ундай қил, бундай қил, деб ўргатамиз,
Дарахтга чиққани бир ёш бола йўқ.

Менинг ёнимда бир таниқли олим,
Шеригим раҳбарим, фақат урар дўқ.
Мен шоир. Ўзимча шеър ёзсам деяман...
Дарахтга чиққани бир ёш бола йўқ.

Бир бобой ғайрати қўзиб кетдими,
Ё ўзи ёшликдан бўлганмикан шўх,
Чинорни силкитди, сезди... Фойдасиз...
Дарахтга чиққани бир ёш бола йўқ.

Қарға эса баланд бутоқда энди
Тақдирга тан бериб ётарди беун.
Тепада айланиб фарёд соларди
Бир дунё қузғун.

Кун қолди оёғи осмондан булиб,
Биз ҳам битта-битта тарқалиб кетдик.
Оламни унутдик эринибгина,
Парқу болишларда уйқу элитди...

Тонгда чопиб чиқдим.
Дарахт жойида.
Шох бор,
Шохда қарға йўқ эди аммо.
Бошга кулфат тушган кунда шеригин
Ташлаб кетмас экан қузғунлар ҳатто!

1991

Ғурур

Ҳозир менга кулиб қарайсан,
Бегамгина бош ирғайсан жим.
Ва йўлингга кетаверасан,
Худди сенга йўқдек керағим.

Малол уйнар, йўқ, савол уйнар
Дугонангни кўзларида: ким?
Бир силкиниб қўяди кафтинг,
Худди сенга йўқдек керагим.

Қарамайман ортингдан мен ҳам,
Тезроқ бундан кетмоқ тилагим.
Ва шўнғийман троллейбусга,
Худди менга йўқдек керагинг...

Сени гоҳи йиғлагинг келар,
Мени эса гоҳида ичгим.
Шундай, шундай катта шаҳарда
Бизга ёрдам беролмас ҳеч ким.

1982

Қора қумғон

Момом сенга олов ёққан,
Қора қумғон, қора қумғон.
Бобомни ҳам ўзинг боққан,
Қора қумғон, қора қумғон.

Онам қошида тиз чўккан,
Қора қумғон, қора қумғон.
Отамнинг қўллари теккан,
Қора қумғон, қора қумғон.

Куним сенсиз ўтар, аммо
Қўлим кўкка етар, аммо
Қора қумғон, чойингдан бер,
Қора қумғон, қора қумғон...

Улар паймонаси тўлгач,
Удумлари унут бўлгач,
Уйимда мунғайиб қолган,
Қора қумғон, қора қумғон.

Келар даврон, кетар даврон,
Ўзингдан ўзга йўқ армон.
Ўзингдан ўзгаси ёлғон,
Қора қумғон, қора қумғон.

Куним сенсиз ўтар, аммо
Қўлим кўкка етар, аммо
Қора қумғон, чойингдан бер,
Қора қумғон, қора қумғон...

1991

Ёқуб мерган

Ёқуб чолга «Запорожец» беришмади,
Аризалар ёзиб борса кўришмади.
Кўргач эса кўрмагандек елка қисиб,
Кўнишмади...

Ёқуб чолнинг кўкси тўла орден эди,
Қайга борса ўрни тайин тўрдан эди.
Нима дейсиз — икки уруш кўрган эди,
Берлинда суратга тушган мерган эди.

Биттагина оёғи ҳам толдан эди,
Биттасини дўхтир кесиб олган эди.
Урушдан сўнг шундай бўлиб қолган эди,
Гурс-гурс қилиб юришлари ёлғон эди!

Бошлиқ чолга «Запорожец» бермади,
Аризалар ёзиб борса кўрмади.
Кўргач эса кўрмагандек елка қисиб,
Кўнмади...

Ёқуб чолнинг райсабесдан кўнгли қолди,
Ёқуб чолнинг бошлиқ-бездан кўнгли қолди.
Мендан, сиздан — ҳаммамиздан кўнгли қолди,
Машинасин бошқа олғир кимса олди.

Энди ул зот ялло қилиб юраверар,
Инвалиднинг машинасин сураверар.
Уни кўрсам чол эсимга келаверар,
Ғилдираги юрагимни эзаверар...

Ёқуб чолга беришмаган «Запорож»нинг!

1989

Анжелика

Эвакуация қилинган бир оила бизникида яшаган. Она, бола. Белоруссиядан. Онасининг оти ҳозир ёдимда йўқ. Қизнинг исми Анжелика эди...

Поезддаги суҳбатдан

Қирғин жанглар борар эди Мағрибда,
Қачон тугашини билмаймиз.
Синфимизга бир қиз келиб қўшилди
Сочи сунбул, кўзлари ялпиз.

Анжелика!
Отасини отишган.
Анжелика!
Уйига бомба тушган.
Шундай озғин,
Шундай озғинки,
Баргизубга ўхшатиш мумкин...

Менга қизлар ялинади ҳар оқшом,
Юр, фашистни кўрганмикин, сўрайлик.
Кетдик, дейман. Аммо билиб қўйинглар,
Анжелика ҳаммангиздан чиройлик!

Қаламқирни ҳам мева деб ўйлайди,
Узиб бер, деб кунда мени қўймайди.
Кунботарга қараб юм-юм йиғлайди,
Анжелика ҳаммангиздан чиройлик!

Кунботарда ўқлар чақнар юлдуздек,
Жасадлар дор узра бўғотда муздек.
У ёқда укаси қолган тўрт ойлик,
Анжелика ҳаммангиздан чиройлик!

Турнакларга тўлиб кетар қўйинлар,
Қизлар тўхтаб қолар: ўйлаб кўрайлик...
Ўйлайверинг, аммо билиб қўйинглар
Анжелика ҳаммангиздан чиройлик!..

Тунлар кўчиб, зафар тонг отар бўлди,
Чеҳрасига турмуламиз — тушмаймиз.
Синфимиздан бир сулув кетар бўлди,
Сочи сунбул, кўзлари ялпиз.

Кунботарга елиб борар паровоз,
Бир қиз йиғлар: хат ёзишиб турайлик.
Бир қишлоқ қиз йиғлар ундан узмай кўз:
Анжелика... ҳаммангиздан чиройлик!

198[illegible]

Турналар

Иссиқ-иссиқ юртлар излаб,
Ўтаётир турналар,
Ҳамдаму ҳамюртлар излаб,
Кетаётир турналар...

Ҳолидан бўлмай огоҳ,
Қилдик гуноҳ, қилдик гуноҳ.
Қалбини қаноти музлаб,
Кетаётир турналар.

Хушлашиб қуёш билан,
Қароғи гула ёш билан,
Йиғлатиб, ўзлари йиғлаб,
Кетаётир турналар.

Меҳр-оқибат сўраб,
Ширин калом, суҳбат сўраб,
Кўзга кўринмай олислаб,
Кетаётир турналар.

Руҳи кўкларни қучиб,
Қўнмоққа жой танлаб учиб,
Битта-битта ер бағирлаб,
Кетаётир турналар.

Қуш эмас, хуллас калом,
Бири бобом, бири момом.
Жонлари жаннатни кўзлаб,
Кетаётир турналар!..

Иссиқ-иссиқ юртлар излаб,
Кетаётир турналар.

1989

Талабалар мадҳияси

Али ўғлонлар ўлкаси бу кўҳна Турон
Қалқонлари, қанотлари, илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг!

Тахтдан тушганда ҳам отдан тушмай юрган,
Аждодингиз уй қурмаган — Давлат қурган.
Юрти учун елкасида тоғлар сурган,
Рустамлари, Фарҳодлари, илм истанг.

Кўз очгандан кезиб етти бахри уммон,
Етти тилда сўйлашган биз тили бийрон.
Ватанида Тожмаҳаллар тиклар султон —
Бобурлари, Беҳзодлари, илм истанг.

Ҳақ йўлида сиз илмнинг умматлари,
Халқ йўлида ҳидояти, ҳимматлари.
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари,
Бобо Машраб баётлари, илм истанг.

Илм истанг, изингиздан ибрат ёғсин,
Ихлосингиз, шаҳдингиздан шиддат ёғсин.
Ортингиздан мағрур-мағрур миллат ёғсин —
Мулки Турон нажотлари, илм истанг!..

Алп ўғлонлар ўлкасидир Ўзбекистон,
Эркли элнинг қанотлари, илм истанг.
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг.

1987

Қирувчи самолётлар

Ариқда бўтана сув,
Бўйида қўйлар ўтлар.
Кўкдаги қалхатлар у —
Қирувчи самолётлар.

Олмалар тўкилар дув,
Олмалар — ҳиссиётлар.
Бегуйғу ниятлар у —
Қирувчи самолётлар.

Босма, бу майса — кулгу.
Майсалар — қувноқ ўтлар.
Кўзёшу кулфатлар-у
Кирувчи самолётлар...

Сарғайган расми қўлда,
Бир момо ўғлин ёдлар.
Янги қорахатлар-у
Кирувчи самолётлар.

Отангдан мерос шу уй,
Онангдан қолган тандир.
Кутмоқда сендан нажот.
Муҳаммад Юсуф, гапир!..

Олимларга не бўлган,
Битмоқда энди сабр.
Физика, сен тондингми,
Сен тондингми, Ал-Жабр?.. *1975*

Қайда бор

Ёмғир ёғар шитирлаб,
Нурми, ипак толалар.
Баҳор келса қиқирлаб,
Қирга чиқар лолалар.
Лолалар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?..

Кўкни булут ўрайди,
Ерни ёмғир аллалар.
Райҳон ҳидин тарайди,

Донга интиқ далалар.
Далалар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?..

Саман йўрга ер чизиб,
Тонгда омоч сиргалар.
Оқар ойни оқизиб,
Жилдир-жилдир жилғалар.
Жилғалар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?..

Қалбга таскин изласанг
Турғун чолни сўрагин.
«Тановар»ни тингласанг
Сел бўлади юрагинг.
Наволар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?..

Кўрингани дуолар,
Қилар бизда момолар.
Ғанимга ҳам омонлик,
Тилар бизда момолар.
Момолар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?..

Бизнинг бўстон қайда бор,
Шоҳимардон қайда бор,
Сўлим Сурхон қайда бор?
Самарқандпон қайда бор-а,
Ўзбекистон қайда бор?!.

1998

Туғруқхонада

Мана қандай экан оталик бахти,
Турибман гулларим билан панада.
Бир маҳалла бўлғуси файласуфлар,
Олимлар чинқирар туғруқхонада...

Апрель, айланайин ялпизларингдан,
Айланайин осмон кўзлари зангор.
Дунё бугун менга туюлди бирдан,
Чақалоқлардан ҳам мўмин, беозор.

Ҳамшира имлайди: келинг яқинроқ,
Ана у, ўғилми-қизми билмайман...
Ойнадан термулиб сочингни силайман,
Юзингдан ўпаман докадек оппоқ.

Кейин жим кетаман исмлар излаб,
Тақдирингни ўйлаб йўқдир оромим.
Майли ўғилмисан-қизми бари бир,
Юлдузинг ёруғми менинг давомим?..

Тонгим кулгу эди,
Шомим хавотир.
Дунёда нима гап дея бўйлайман.
Атомлар асрида кун бўйи шод юрмоқ —
Жуда катта бир бахтлигин ўйлайман...

Яна сен ёдимнинг ойинасида,
Қўлингда боламиз — Мўмин Чақалоқ.
Олам тинч. Хўрсиниб сочингни силайман,
Юзингдан ўпаман пахтадек оппоқ.

1984

Қиёмат

Қиёматда қораяр қуёш,
Осмон қора дудга тўлади.
Мунофиқлар мушукдай ювош,
Фоҳишалар отин бўлади.

Қиёматда қурбақа булбул,
Қамишзорлар айланар тоққа.
Қўнғизчалар бўлади дулдул,
Ўғрилар қоровул чорбоққа...
Қиёматда қуллар қорни тўқ,
Хожалари бўлар нонга зор.
Шоир билан шоҳнинг иши йўқ,
Зиндонбонлар қўшиқлар ёзар.

Қиёматда бўлмайди ҳийла,
Ёмғир – шароб, газаги – илон.
Хеч ким қусмас дўстлари ила
Бир қадаҳ май ичиб, бир жом қон.

Тўрт фаслнинг бўлмайди қиши,
Қиёматда афсона бўлмас:
Юсуфини қудуққа нишиб,
Акалари тортиб олади...

Қиёматда ҳамма чўк тушиб,
Муҳаммадни эслаб қолади!

1988

Нима дедим

Севгим менинг,
Кечикиб келган севгим,
Мана энди бир умр ўртанамиз.
Саҳаргача ухламай ўйланамиз,
Қийналамиз...
Мен сенга нима дедим?

Дўсту ғаним бир эрмак тополмайди,
Бир кун бизни ғанирмай яшолмайди.
Кечикиб келган севгим,
Мен сенга нима дедим,
Олти қитъа энди бизни пойлайди...

Севгимсану, ёнингга боролмайман,
Кўзларингга соғиниб қаролмайман.
Кечикиб келган севгим,
Кечикиб келган севгим,
Хеч кимга бу кўнглимни ёролмайман.

Сени унсиз эркалайди нигоҳим,
Сочинг силаб чарчамайди нигоҳим,
Кечикиб келган севгим,
Кечикиб келган севгим,
Бу дунёда менинг бор-йўқ гуноҳим!..

Юрак йиғлар, айтишга ийманамиз,
Биз энди бир умр қийналамиз,
Кечалари ухламай ўйланамиз.
Кечикиб келган севгим,
Бу дунёда менинг бор-йўқ гуноҳим!..

Юрак йиғлар, айтишга иймаламиз,
Биз энди бир умр қийналамиз,
Кечалари ухламай ўйланамиз.
Кечикиб келган севгим,
Мен сенга нима девдим?.. *1982*

Орзу

Туғилмасдан олдин мен
Чиқиб арши аълога.
Ойни ўпиб, қолдим мен
Юлдузлардан балога.

Туғилгандан то шу дам,
Қўмсаб кеча-кундузлар.
Ой қани, деб йиғласам,
Ғийбат қилар юлдузлар...

Ҳиқиллама, ҳей юрак,
Дунё билан ишим йўқ.
Бўлса менга Ой керак,
Юлдузларга хушим йўқ!
1991

Математикани ёмон кўраман

Баҳор адирларда лола тераман,
Одамлар ҳақида ўйлар сураман.
Ҳарбийда кўрганим зирҳли машиналар,
Снарядлардан ғишт ясаб,
Осмонўпар уйлар қураман,
Математикани ёмон кўраман.

Орзуларим — қайсар қанотларим,
Осмонларда учиб юраман.
Синглим ойни ўпиб, укаларим —
Юлдузларни қучиб юраман,
Математикани ёмон кўраман.

Атомлар — математика.
Водородлар — математика.
Қирувчи самолётлар,
Крематориялар — математика!
Математикани ёмон кўраман.

Сен эса ширин бир дардсан.
Сен яхши ниятсан.
Шеъриятсан...

1989

Дўппи

Дўппи киймай қўйди одамлар,
Бир шоир, бир носирдан бошқа.
Сочлар силлиқ,
Силлиқ қадамлар,
У оғирлик қиляпти бошга...

Рост дўппилар,
Ёлғон дўппилар,
Киноларда қолғон дўппилар.
Чуст дўппилар,
Анжон дўппилар,
Мунчоқдек Марғилон дўппилар...

Дўппи киймай қўйди одамлар,
Бир шоир, бир носирдан ўзга,
Мен ҳам сизга бердим саволлар,
Шлянамни бостириб кўзга.

Дўппи киймай қўйди одамлар,
Кўнгил эса кўрмоқ тусайди.
Маданият гуллаган дамлар,
Каллага эътибор сусайди.

Дўппи киймай қўйди одамлар,
На уйда ва на кўчада.
Миртемирлар, Ғафур Ғуломлар
Ечган дўппи қолди токчада...

Бу қандайин кўргулик савдо,
Дўппи киймай қўйди халойиқ.
Бошга лойиқ дўппи йўқдир ё –
Бош қолмади дўппига лойиқ. *1989*

Йиғлаб туринг

Эгар бўлдик эгилмаган бошимизни,
Тандан бу жон кетмасмиди сиз кетгунча.
Алдамчи деб атамасман асло Сизни –
Қиз боланинг ваъдалари бўй етгунча,
Кўнгил учун йиғлаб туринг тўй ўтгунча!

Бўй етган қиз учирма қуш, учар-кетар,
Бир кун суйиб бегонани, қочар-кетар,
Эрта исмим ёдингиздан ўчар-кетар –
Қиз боланинг ваъдалари бўй етгунча,
Кўнгил учун йиғлаб туринг тўй ўтгунча.

Қизлар кўнгли баҳор билан ёз ўртаси,
Гоҳи алам, гоҳи араз — ноз ўртаси.
Қумқўрғондек омонат бу ишқ ўрдаси,
Қиз боланинг ваъдалари бўй етгунча,
Кўнгил учун йиғлаб туринг тўй ўтгунча!

Айтинг-айтинг, тўраларим кулмасинлар,
Тили узун шум янгалар билмасинлар.
Кўча-кўйда мени эрмак қилмасинлар —
Қиз боланинг ваъдалари бўй етгунча,
Кўнгил учун йиғлаб туринг тўй ўтгунча! *1989*

* * *

Бисотимни боғда бир ҳалол
Капалакка алмашаман мен.
Ҳаётимни кўкдаги ҳилол
Камалакка алмашаман мен.

Ёғдуларга чўмилган шаҳар
Бетонлари биқинни чақар.
Уйим қаср бўлса ҳам агар,
Гувалакка алмашаман мен.

Шоирликни суймайди жиним,
Менга ҳавас қилмагин, иним.
Шуҳратимни тотли бир тилим
Ҳандалакка алмашаман мен.

Қўшиқларим бўлиб овоза,
Юртда машҳур эмишман тоза!..
Барча ёзган шеърим бир коса
Сумалакка алмашаман мен. *1992*

Бибн

Марғилон ҳавоси элитди андак,
Маъюс кўчаларда юрдим довдираб.
Ҳозир Кумуш чиқиб қоладигандек
Ҳар эшикка боқдим кўзим жовдираб.

Чиқса, Биби дердим,
Шеърга ёр бўлдим,
У бир юхо янглиғ домига тортар.
Шухрат йўлиққанда дўстга зор бўлдим,
Қалбимни ёлғизлик азоби ўртар.

Асли-ку, шаҳарга йўлим чан эди,
Нетай, пойтахтдаман, насибам экан.
Сениқг-ку, душманинг бир Зайнаб эди,
Менинг кундошим кўп, ёвларим улкан!..

Булардан қўрққулик. Булар доғули,
Зайнаб нима? Зайнаб бир ранжик бандаси.
Булар душманларнинг энг номард хили,
Булар кундошларнинг энг шармандаси.

Қоп тўла кўзида ялтирар ҳасад,
Булар на шоир, на омадсиз одам.
Улар оёқ қўйган ҳар зина жасад,
Шулар гумдон қилган Қодирийни ҳам...

Марғилон ҳавоси элитди андак,
Маъюс кўчаларда юрдим довдираб.
Ҳозир Кумуш чиқиб қоладигандек,
Ҳар эшикка боқдим кўзим жовдираб.

Чиқса, Биби дердим,
Мен ёзмай куйдим,
Ўрнингга борай, сен Марғилонга қайт.
Туғилдим. Яшадим. Зерикдим. Туйдим.
Заҳаридан берсин, кундошингга айт!..

1994

Ўлан

Туйларни ҳаммадан ҳам
Бўй қизлар хуш кўрармиш.
Битта қиз эрга тегса,
Қирқтаси туш кўрармиш.

Туйхонада куй тиниб,
Тинганида оловлар.
Қирқ сулувни йиғлатиб
Кетар экан куёвлар...

Сингилларим, йиғламанг,
Йиғласангиз хафаман.
Юртни кезиб, сизларга
Ўзим куёв топаман.

Оқ тилаклар бор бўлса,
Омон бўлса умидлар,
Изингизга зор бўлар
Муҳаммаддек йигитлар!..

1992

Математика дарси

Математика қуйни тула сир булади,
Бирга бирни купайтирса — бир булади.
Деразадан мўралайди олма шохи,
Уфқда булут — эртага ёмғир булади...

Математика, ёмғирларда чопгум келур,
Жумбоғингга мен ҳам жавоб топгум келур.
Деразадан мўралайди бодом шохи,
Боққа чиқиб қунғизларни ўпгум келур.

Математика, мен ҳам уйга ботгум келур,
Ўйлаб-ўйлаб... ўзингга тош отгум келур.
Сен самолёт кашф этасан, менинг эса
Ялпиз билан ачомлашиб ётгим келур.

Математика — ой булади, йил булади,
Танкни танкка купайтирса — кул булади...
Дунё қачон бустон булар, гул булади?
Адабиёт ўйлайвериб сил булади!

Математика — лов-лов ёниб турган чўғсан,
Сендан нима ясашларин билган йўқсан.
Деразадан мўралайди гилос шохи,
У қундоғинг, ўзинг милтиқ, ўзинг ўқсан...

Математика, қуйнинг тула сир булади.
Бирга бирни купайтирса — бир булади.
Қовурғамнинг тагида бир қумри йиғлар,
Доскадан мени айирсанг — ШЕЪР булади!

1991

Ўзим ёзган шеър ҳам ўзимникимас
Минг бир муҳаррир бор уйимда.
Сизга кўрсатолмам ўз боламни ҳам,
Ўзим кийинтирган кийимда.

Хотиним қизларни ёзмайсан, дейди,
Оғам подшоларни. Мени авайлар.
Илҳом йиғлаб эшик қоқмайди гоҳи,
Юрак войвойлар...

Гулхан бўлиб кетди қанча шеърларим,
Муҳаббат ҳақида эди ҳаммаси.
Азиз мухлисларим, билиб қўйинглар,
Шоирга хўжайин ҳатто аммаси!

Мен ҳам дуруст шоир бўлармидим, балки
Энг гўзал байтларим йиртилмаганда.
Ушбу шеъримни ҳам тамаки излаб,
Токчадан топволдим кутилмаганда.

Топдиму отини топволди қўйдим,
Юзларидан ўпдим ярим кечада.
Қулоғига шивирлаб: мен уйдан тўйдим,
Сен бор, ўйнаб келгин, дедим, кўчада!..

1989

Чўпон бир қўзини қуйса йўқотиб,
Лол бўлманг, ўзини қуйса йўқотиб.
Хотинин уйғотиб, элин уйғотиб,
Жонворин излаб қилар тонготар...
Деҳқон сигир сотиб қўйса — йиғлайди,
Уялиб, ҳафталаб уйдан чиқмайди.
Тупори кўнглига қил ҳам сиғмайди,
Гавҳар йўқотгандек қайғуга ботар.

Дунёнинг ишларин ўйлаб бош қотар:
Мудом тушунганлар кўкка тош отар.
Сотмайди юртини бирор отбоқар,
Сотса, зериккандан зиёли сотар!..

1989

Оймома

Оқшомлари қовундай
Юмалайди ой ерда.
Менга айтгин, қуёшнинг
Остонаси қаерда?

Тилинг борми, бўлса бир
Ҳайқириб бер, Оймома.
Шу кўчада бир қиз бор,
Чақириб бер, Оймома!..

Ўрмалаб бор, мен учун
Эшигига бошинг ур.
Юзларига юзинг бос,
Қошларига қошинг сур.

Узрим айтгин юракдан,
Уни тавоф этарман.
Келаман деб ҳар кеча,
Келолмасам нетарман.

Қай кун йўқлаб боргандим,
Кўрмайин ҳол сўргандим.
Мен севишни тундаги
Сукунатдан ўргандим...

Мен учун ҳам ўзинг бир
Ҳайқириб бер, Оймома.
Сендан ойдин бир қиз бор,
Чақириб бер, Оймома. *1998*

Миртемир ва менинг аммам

Пайкалдан бош кўтармайди Халча хола,
Халча хола тандир-тандир нон ёпади.
Бир шеър ёзсанг — кулиб турса тўққиз бола,
Ана энди, Миртемирни ким топади?..

Ҳадичадир асли оти, билмасман ҳам,
Халчага мос лекин келбат, салобати,
Билганим шу — бундайларсиз дунё бир кам,
Мана энди, Миртемирни ким топади?

Тўққиз ўғли тўққиз юртга кетди тўзиб,
Халча ўзи қурт боқади, ер чопади,
Бир кўшиқ бор йиғидек унинг бўзи,
Ана, энди Миртемирни ким топади?

У отамнинг ёлғиз сингли, диди нозик,
Бир кун борсам олдига зўр шеъврим ёзиб,
Тузук деди. Лекин дерди, буюк ҳамма,
Аммо... энди Миртемирни ким топади? *1978*

* * *

Кўнгил шодлигига йўқдир ниҳоя,
Жонимни аллалар туғилган ерим.
Салом, ота макон ва бедапоя –
Олифта қизларга ёқмаган шеърим!..

Сен ўша-ўшасан, дилкашу мўмин,
Дунёни ўйлайсан шудгорни кеча.
Юзингдан сув оқиб тинмайди бир кун,
Кўзингдан аримас ташвиш бир кеча.

Мен эса яшадим олисда бебош,
Тилла сирғаларнинг жаранги аро.
Ўсди, ўсаверди юрак – харсангтош,
Болангга ўхшамай турибман, қара.

Келаман битталаб териб лой йўлдан
Олтин ёшлигимнинг суратларини...
Ўрдаклар учади оғриниб кўлдан,
Офтобга тутгали ҳўл патларини.

Кўнгил шодлигига йўқдир ниҳоя,
Энди қадринг билдим туғилган ерим.
Салом, яйдоқ дала ва ғўзапоя –
Олифта қизларга ёқмаган шеърим!..

1978

Уч ўғил ва бир қиз қиссаси

Мўмин чолнинг уч ўғил,
Ёлғиз қизи бор эди.
Тухфа эди тақдирдан,
Кампирдан ёдгор эди.

Қиз эртага эгаси
Олиб кетар кўчдайган.
Юрт кезарди чол бу кун
Кенжага келин излаб.

Қарағанда тўрт томон
Зир чопиш қийин экан.
Ўғлинг қайсар бўлса, гох
Қиз топиш қийин экан.

Кампир тирик бўлганда
Камаярди захмати.
Тили ширин, гапга хўб
Чечан эди, рахматли...

Тўй — бир кунлик. Пул нима,
Азизмиди жонидан?
Мўмин озроқ қарз олди
Эски қадрдонидан.

Бека бўлди товусдай
Кенжа ўғил қаллиғи.
Келин эмас, Худонинг
Берган олтин балиғи.

Бир кечанинг изоҳи —
Ярми қувонч, ярми ғам.
Эҳ, қанийди шу кунни
Кўрганида кампир ҳам!..

Ҳаёт ҳар ўйинига
Ўзи топар таърифин:
Оғзи ошга етганда
Бурни қонар ғарибнинг.

Тўй ўтдию тунакка
Ётиб қолди Мўмин чол,
Жуда оғир ҳасратга
Ботиб қолди Мўмин чол.

Ажал остона узра
Турар экан сузилиб,
Ёлғиз қизи қисматин
Ўйларди у эзилиб...

Жон дегани омонат
Одам Ато ўғлига.
Мўмин ўлди. Тумонат
Эл йиғилди ҳовлига.

Марҳум қандай зот эди?..
Удумда бор бу савол.
Ҳалол эди, дедилар,
Ҳалол эди Мўмин чол.

Эл чайқалиб елкага
Тобутини ортган они,
Озроққина қарзини
Эслатди... қадрдони!

Муслимга омонатдан
Улуғ фарзи адо йўқ.
Халойиқ лол. Бу не ҳол,
Уч ўғилдан садо йўқ?!

Уч паҳлавон, уч пари
Пайкарга қул эдилар.
Отамнинг бундай дўстин
Танимаймиз, дедилар...

Қиз-ку, эрта эгаси
Олиб кетар кучдай гап.
Аммо бу кун даврага
Отилди у қон йиғлаб.

Айтинг, деди бас қилсин,
Акаларим арзини.
Бўй етган кун тўлайман
Мен отамнинг қарзини.

Раво топса у кимни
Бош қўяман кўксига.
Қарз ўрнига қалиним
Тегсин отам дўстига!..

Халойиқ лол. Бу не ҳол,
Бу не савдо, ёронлар.
Отасидан олдинроқ
Ўлар бўлди ўғлонлар!..

Ривоятмас айтганим,
Ҳикмат бўлмас ёлғонда,
Бу воқеа рўй берди
Шу кунда, шу замонда.

Қарздан кечиб кетса ҳам
Ота дўсти ҳайратда,
Уч ўғилни қишлоқдан
Ҳайдади халқ, албатта.

Қиз-чи, дерсиз, қиз ҳаёт,
Яшар ота маконда.
Чунки унга муносиб
Йигит йўқ бу жаҳонда!..

1989

Ҳайвонот боғи

Ҳайвонот боғида жайронни кўрдим,
Тутқунликда дили вайронни кўрдим.
Кўрдим, қуруқ шохда сайрар тўтилар,
Йиғламсираб товуш қайрар тўтилар.

Қанотдан айрилиб, қилар пардозлар,
Осмонида энди учолмас ғозлар.
Бургутларнинг боши эгилган ерга,
Булбулларнинг ёши тўкилган ерга.

Какликнинг тўши қон, тумшуқлари қон,
Қумриларнинг маъюс кўзлари — достон...
Бу дунё аслида ҳайвонот боғи,
Муштоқ — зорликка кон бошдин-оёғи.
Бир-бир барин санаб нетарман, бас-да,
Неки гўзал бўлса бари қафасда!..

1990

* * *

Менинг юрагимнинг тагида шундай
Ғалати ҳақиқат ҳукм суради
Нафрат ва Муҳаббат эру хотиндай
Доим қўлтиқлашиб юради...

Рўзғорда не бўлмас?
Тирик жон, ногоҳ
Уришиб қолишса яраштираман,
Тўғри йўлга солиб ўзим уларни гоҳ,
Гоҳи тўғри йўлдан адаштираман.

Начора, ўртада норасида бор,
Битта кўзи қора
Битта мурғак жон.
Ғоятда беғубор,
Ғоятда дилдор
Ўша қизнинг оти — Ҳаётхон!.. *1989*

* * *

Қиёси йўқ асло, меҳри бир дарё,
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек.
Болаларига-ку билдирмас, аммо
Дунёда болам деб яшайди ўзбек.

Ўнта бўлса, ўрни бошқа унинг-чун:
Ўғлим оташимдан яралган учқун,
Қизим парилардан чеҳраси гулгун,
Юзлари лолам деб яшайди ўзбек.

Бир қўлда беланчак, бир қўлда Қуръон,
Бир елкада кетмон, бирида иймон,
Барчага баробар бир офтобсимон,
Яшасин олам деб яшайди ўзбек.

Момолари тетик юзга кирса ҳам,
Боболари қайси йигитлардан кам?
Набираси бўлса битта уйга жам,
Тўшак етмай тунни тўшайди ўзбек.

Киндик қони томган тупроқ унга шон,
Керак бўлса, бесўз баҳш этар у жон,
Кўкракка урмайди: Ватан деб, Ватан!
Алпомиш ўғлонга ўхшайди ўзбек.

Эҳтиром этганга эҳромлари бор,
Кеккайганга бўйин эгмайди зинҳор,
Бешик тўла жажжи Исломлари бор
Тошўтмас қўрғонга ўхшайди ўзбек. *1998*

* * *

Бу қиз қўлим етмас қизғалдоқ эди,
Ясанган янги йил куни арчадек.
Кеча жамалаксоч қизалоқ эди,
Ишжимда юрарди мушуквачадек.
Акасин унутар қизлар айниқса
Ҳа, отингдан айланайин, Ойниса!

Қизларда қирқта жон бор, қирқ битта фириб,
Қулдай сарғайтириб жонингни олар.
Тунда тўйдан тониб кўз уруштириб,
Кундуз торкўчада танимай қолар.
Давлати камайиб қолар таниса
Ҳа, отингдан айланайин, Ойниса!

Куйингда қақшаган мендек адо йўқ,
Кўп йўқ менинг ўтли муҳаббатимга.

Тошдан садо бор-у, сендан садо йўқ,
Жавоб ёзмадинг-е, битта хатимга.
Боғда изинг бор-у, ўзинг қанисан,
Ҳа, отингдан айланайин, Ойниса!... *1998*

Эски айвон

Тошкўчангга сочдим, эй ёруғ олам,
Мана, чегарасиз муҳаббатимни.
Тун бўйи ўзимга йиғлади онам,
Не қилиб қўйдинг деб — Муҳаммадимни.

У юзимдан ўпди,
Кўзимга боқди.
О, бу қарашларга чидамоқ азоб...
Она мен жаннатда олмалар қоқдим,
Она, мен дўзахда симирдим шароб.

Ёлғиз қушдек гоҳо кўкка учдим шан,
Отдилар, тегмади камон ҳам, тош ҳам,
Она, ойнинг юзи тирналган экан,
Она, йиғлар экан ҳатто, қуёш ҳам...

Ўйламанг, ўғлингиз ўша-ўша шўх,
Юзим тўла сўқмоқ ўттиз ёшимда.
Отамнинг сочида битта оқи йўқ,
Ўриклар гуллади менинг бошимда.

Кўришмадик, холос, бизлар минг аср,
Келдим, пойингизда чўкдим мана тиз,
Уй орзу қилсангиз — қурамиз қаср,
Тўй орзу қилсангиз — изим тўла қиз.

Фақат майдан сархуш бу ўрик бошим,
Тувакдан тупроққа тушган гулдайман!..
Манов, булбулчаси очиқ бола ким,
Укамнинг ўғлими?
Исмин билмайман...

Тошкўчангга сочдим, эй ёруғ олам,
Мана, ниҳоясиз муҳаббатимни.
Тун бўйи ўзимга йиғлади онам,
Не қилиб қўйдинг деб... Муҳаммадимни.

1988

Шерма

Ёмон кўз тош ёрар дер,
Ёмон дўст бош ёрар дер.
Ёмон эркак тўй бузар,
Ёмон кўз уй бузар дер,
Ёмон бўлса йўлдошинг
Бор бахтинг ҳам тўзар дер.

Ёмон боққа гул бўлма,
Саҳрода бўл юлғунча.
Ёмон билан юргунча —
Ёлғиз яша ўлгунча!..

Билдингки, бевафодир,
Кўнгил қўймоқ хатодир,
Қўл ўпиб, қуйнингни
Нимта-нимта этодир,
Бир иш тушса бошингга
Боқмай ташлаб кетодир.

Қайғургунча қайғургин,
Қайрилмасга қайрилма.
Вафосизга берилиб,
Вафолидан айрилма!..

Бир кўнгил иморати,
Минг Макка зиёрати.
Бор бўлсин ҳар кўнгилнинг
Кўнгилга ибодати.
Қаср қурма, Муҳаммад,
Ортингда бир из қолдир.

Олтин сочиб орттирган
Обрўйинг бир мисқолдир.
Дунё йиғиб нетарсан,
Бир кун ташлаб кетарсан!.. *1987*

Отабек қўшиғи

Сен Ширину мен ҳам Фарҳод эмасман,
Сен аччиғу мен ҳам новвот эмасман.
Зайнаб, Зайнаб, менга айтма зорингни,
Сен дилхуну мен ҳам дилшод эмасман...

Бошга неки тушса кўкдан атомин,
Биз бир қафас аро гирён бир жуфт қуш.
Бир гуноҳда сен хомушсан, мен хомуш —
Сен вайрону мен ҳам обод эмасман.

Биз бир динда муридлар икки пирга,
Йўлатмасман сени мен билган сирга,
Биз на дўстмиз, биз на ғаним бир-бирга,
Сен жайрону мен ҳам сайёд эмасман.

Сенга қуйсин суймаганни суйишни,
Шундай яшаш айтгил, кўнглингга хушми?..
Сени қучиб, соғинаман Кумушни;
Жон омону ўзим хаёт эмасман.

Эй гул, суйиб не топдинг мен ёмондан,
Бекман, сенга ёр тилайман султондан,
Кўз узмасман мен Марғилон томондан,
Сенга кет ҳам, сенга қол ҳам демасман...

Сен Ширину мен ҳам Фарҳод эмасман,
Сен аччиғу мен ҳам новвот эмасман,
Зайнаб, Зайнаб, менга айтма зорингни,
Сен вайрону мен ҳам обод эмасман!

1998

Тиллақўнғиз

Тўхта, тиллақўнғиз,
У ёққа борма.
Ариқдан ўтдингми — у ёғи ғўза.
Тонг олди бошлаган ишингдан қолма,
Ялпизнинг лабидан сўрабер бўса.

Тўхта тиллақўнғиз,
У ёққа борма,
Этик пошнасида эзилар жонинг,
Инсон банд, у сизнинг саломга зорми?
Ўрток қумурсқалар, менга ишонинг...

Кетди. У гапимга қулоқ солмади,
Рўзғор ташвишими ё бошқа уйда.
Жониворларда ҳам тоқат қолмади,
Бир кунгина тинчиб ўтирмас уйда.

Тиллақўнғиз балки... сирин айтгали,
Келгандир қошимга қанча йўл босиб.
Ўтмишни унутмоқ кимга муносиб?..
Қасос қилич қайрар саҳардир-шомдир,
Тўхта туғишганим, у ёққа борма! *1989*

Меҳмон

Сувлар энди тиниқ тортган пайт,
Куз. Одамлар пахта теряпти.
Ногоҳ хабар тарқалди: диққат,
Марҳаматга меҳмон келяпти!..

Келди. Кўрдик. Ана салобат.
(Билишган-да, «диққат» деганлар).
Деҳқон юртга ёғилди шеър, байт —
Меҳмонимиз шоир эканлар.

Далаларни айландик бир кун,
Бир кун чиқдик от миниб қирга.
Бизлар унинг кўнглин овладик,
У мавзулар қидирди шеърга.

Кетар чоғда аммо хафадек,
Мени имлаб бармоғи билан,
Шивирлади қулоққа секин:
Марҳаматда ҳайкал йўқ экан...

Меҳмон кетди. Айтолмай қолдим,
Мен бир жавоб тополмай қолдим.
Куз. Одамлар пахта теряпти,
На уйимга қайтолмай қолдим.

Қайтсам: тилинг йўқми, деб сўрар,
Қайтсам: кўзинг йўқми, деб сўрар.
Айтар сўзини йўқми, деб сўрар.
Жазирама пахта пайкали...

Марҳаматликларнинг ҳайкали. *1991*

Марҳаматлик деҳқон йигит — Қодирни ғўза энди ҳосилга кирган маҳал машина уриб кетди. У ҳушига келганида иккитагина қовурғаси соғ қолган эди...

* * *

Қодир,
Қандай экан яшамоқ бахти?
Гоҳ уриб, гоҳ тиниб турганда юрак
Ўзи билдирмаса меҳрибон доктор,
Кўзи айтиб турса: ўлсангиз керак...

Ўзича сиғинар юртига ҳар ким,
Биров уруғ сочар, биров уй тиклар.
Юмуш билан бўлиб, сен ўлсанг балки
Билмай ҳам қоларди марҳаматликлар.

Эшитдим. Жонимни авайлаб мен ҳам,
Қайдадир юрардим лолалар териб,
Кўздан дув ёш келди гулга энгашсам,
Оғрийверди санчиб мажруҳ еrим...

Ўзича сиғинар юртига ҳар ким,
Сочлари жингалак, юзлари силлиқ.
Учар оғайнилар мансаб илинжида
Креслоларга қилишар қуллуқ.

Севги изҳор қилар танноздарига,
Суратга тушади бўйдор, баҳодир.
Лекин мен биламан, агар кўрсатмасин,
Бир мушкулот тушса юртим бошига,
Кўкракин тутмоққа аёр тошига
Майиб дўст, мажруҳ дўст — ўзингсан, Қодир!
Ҳаммасини билиб яшамоқ оғир,
Субҳи содиқ кўриб дўст юзида ранж,
Қўлингдан ҳеч нарса келмай шеър ёзмоқ —
Онангни алдашдек осон ва жирканч. *1985*

* * *

Қўл ушлашиб турган шаддод қизлардек
Қошда ўсма, қулоғида зираклар,
Туюлади менга қишлоққа борсам,
Таниш йўллар бўйидаги тераклар.

Бу йигит ким?.. Ниқташади бир-бирин,
Сергакланиб, сочларини турмаклаб,
Таниб секин уҳ тортади биттаси,
Қиқир-қиқир кулар бири эрмаклаб... *1977*

Инсон

Юлдузларни ютиб юборди бу тун,
Ютдимю унутиб юборди бу тун.
Шундай тунда агар йиғлагинг келса,
Сен одам экансан, одам экансан.

Чақалоқ туғилди — сочи қоп-қора,
Кўзини очмасдан жилмайди, қара.
Шундай кунда агар куйлагинг келса,
Сен одам экансан, одам экансан.

Мен таскин изладим куйган жонимга,
Суйдим, балоларга қолдим, ёнимга
Келиб секин ҳолим сўрагинг келса,
Сен одам экансан, одам экансан.

Танҳо билмаса ҳам, билса ҳам Ватан,
Йиғласа ҳам Ватан, кулса ҳам Ватан,
Унга жонни тикмоқ тилагинг бўлса,
Сен одам экансан, одам экансан.

Қахр бу — адоват, араз ўткинчи,
Қуёш кўтарилиб, қуёш ботгунча,
Керакмасларга ҳам керагинг бўлса,
Сен одам экансан, одам экансан. *1978*

Маъруф ўғил

Насиҳатга кўнмади ўғил,
Ота ҳуноб. Кампири ҳайрон.
Пишқиради, олис йўлга шай
Бостирманинг остида жийрон.

Жилов тутган қўллар қалтирар,
Кўзларида энди чол сўзи:
— Ўқишингга бу йил бормасанг,
Келаси йил борардинг, қўзим...

Қайсар ўғил от устида шод:
— Одам ўқиб танийди эсни.
Сурув билан нима ишим бор,
Менга деса қашқирлар есин...

Кетди. Ортда қолди дала, қир,
Қора қўрғон қир устидаги.
Йигитчанинг шаҳарда машҳур
Шоир бўлмоқ эди тилаги...

Йиллар ўтди. Мункиллаб ҳамон
Қўй боқади қирда чол тушгур.
Ҳа, дарвоқе, ўғли бор эди –
Ўғли бугун шаҳарда машҳур.

1989

Чўлоқ турна

Низом акага

Бир оёқда чопиб келдинг
Чўлоқ турна.
Уйим қайдан топиб келдинг,
Чўлоқ турна?

Ўзи қон бу дилни энди
Сен ҳам тирна,
Қай ёвузга нишон бўлдинг
Чўлоқ турна?..

Келдингми, кир, остонада
Чўчиб турма.
Бор экан-да, пешонада,
Чўлоқ турна.

Бегонамас бу кўргилик,
Бошга тушган.
Менинг ҳам оқ юрагимга
Тош отишган.

Биз тилмочсиз бир-биримиз
Тушунгаймиз,
Шароб ичмай ака-ука
Тутингаймиз!

1989

Тилла балдоқ

Суюкли ёр, қулоғингда
Тилла балдоқ.
Мен яшарман юрагингда,
Тилла балдоқ.

Унутолмай ўртанасан,
Тилла балдоқ,
Юрган йўлу йўлагингда,
Тилла балдоқ.

Сен йиғлайсан, йиғлайди зор
Тилла балдоқ.
Қўлим изи билагингда,
Тилла балдоқ...

Ёринг бошқа, ёринг бўлак,
Тилла балдоқ.
Мен бошқанг, мен бўлагинг-да,
Тилла балдоқ!

1989

Биринчи бўса

Бошқага уйланди йигити тунгур...
Тақдир экан, деб қўяди кўрса.
Қиз йиғлайди,
Қиз излайди,
Қиз дилгир,
Ундан кўнгил узолмайди қиз эса,
Биринчи бўса, биринчи бўса...

Кўникасан, дейди унга одамлар,
Унутасан, дейди унга одамлар.
Кошки, кўникиб бўлса,
Кошки, унутиб бўлса,
Биринчи бўса, биринчи бўса!

1989

Ширин азобим — севги

(Туркумдан)

I

Эй гул,
Сени унутдим,
Узиб кетди бошқалар.
Мана, энди илк севгим
Юрагимга тош қалар...

О, бу тошлар бир оғир,
Хар қирраси қизил чўғ,
Оғрийди, жоним оғрир,
Бу оғриққа даво йўқ...

Ғунча эдинг,
Гул эдинг,
Очилмасдан сўлдинг-ку,
Бахтим эдинг бор умрим
Етмас азоб бўлдинг-ку!

Унутмоқ ҳам шунчами,
Дунё тўлди бўғзимга.
Ёниб турган кунчалик
Ботиб қолдинг кўзимга...

Эй гул, сендан кечдиму
Унутолмай бағрим қон.
Хаёлингдан ўчдиму
Хаёлимда сен ҳамон.

Узиб кетди бошқалар,
Юлиб кетди бошқалар.
Мана энди бир армон
Юрагимга тош қалар.

О, бу армон кўп оғир,
Ҳар қирраси қизил чўғ.
Оғрийди, жоним оғрир,
Бу оғриққа даво йўқ...

2

Бир кун кўриб танидим,
Тош йўлдаги изингни.
Пешвоз чиққан мен эдим,
Кетдинг буриб юзингни.

Салом севгим — азобим!
Боқ, бевафо ёрингга.
Шукур қилдим ортингдан
Бу дунёда борингга.

Кетдинг хаёл сингари,
Қадамингдан чақнаб чуғ.
Бахтли аёл сингари
Бебахт билан ишинг йуқ.

Яна тусди йулимни,
Яна тусди илк севгим.
Музлаб қолган қулимни
Юрагимга босди жим.

Булди юрак, йиғлама,
Йиғлагандан не фойда?
Ҳижрон йули музлама,
Тоймоқ осон бу жойда.

Тойдинг — кетдинг,
Кетганни
Соғинмоқ йуқ севгида.
Биз бой бердик имконни,
Қоқинмоқ йуқ севгида.

Қара, қизил гулхандай
Офтоб боқар уфқда.
Яна бир кун қийналмай
Айланмоқда қушиққа.

Утмишга айланмоқда,
Айланмоқда утмишга...
Дил қушга айланмоқда –
Дил яна соқов қушга!

1989

Юрак

Юрак, ёмон экансан,
Қип-қизил қон экансан.
Кун йўқ экан менга ҳеч,
Сенки омон экансан...

Қиз суйдинг — бўлди армон,
Этакка тўлди армон.
Бўлди, сени кўксимдан
Юлиб ўтга отарман.

Дўст тутиндинг — ёв чиқди,
Елкамга найза суқди.
Сенинг билан сиғиниб
Юрган йўлда ғов чиқди.

Ана, севгим — учган ўқ,
Муздек тошни кучган ўқ.
Қиз суйдинг — бўлди армон,
Кўриш бору айтиш йўқ.

Бўлди, сени кўксимдан
Юлиб сувга отарман.
Соҳилларда қум билан
Қучоқлашиб ётарман...

Юрак, ёмон экансан,
Қип-қизил қон экансан.
Кун йўқ экан менга ҳеч
Сенки омон экансан...

1989

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Ҳам оқ ювиб-тарагансан ўзинг бизни.
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Қалқонинг бор, ким қасд қилса гар жонингга,
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга.
Асрагаймиз гиёҳинг ҳам гулдай ўпиб,
Ёвлар яқин йўлолмагай қўрғонингга.
Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон

Тузинг тотиб, унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади.
Шодон даминг кўролмаган юртфурушлар,
Бир кун бир кафт қумлоғингга зор бўлади.
Ёнингда тургаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Гул кўринган даштингдаги гиёҳ-хасдир,
Соддадилу улуғворлик сенга хосдир.
Севамизки, чўлларинг ҳам бизга жаннат,
Тупроғинг ҳам Макка мисол муқаддасдир.
Онадек кўргаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

2000

Бир куни

Бир куни,
Бир алвон
Замон келади,
Замин узра
Омон-омон бўлади.

Ўн йилми,
Юз йилми ўтиб орадан,
Урушлар,
Низолар кетиб орадан,
Тўплар
Адирларда буғдой ўради,
Танклар
Далаларда пахта теради.
Миллатлар,
Элатлар
Оқ тан, қора тан
Ҳаммаси
Ҳазрати инсон бўлади...
Олам гулистон бўлади...
Бир куни...

Шоирлар-чи, бобо,
Шоирлар нима бўлади?
Шоирларнинг шодликдан
Юраклари ёрилиб ўлади!

1985

Тилак

Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,
Ажин тушсин юзларига, доғ тушсин.
Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан,
Қўлларига асо — бир таёқ тушсин.

Имони соф, юзга кириб ёруғ юз,
Тўйлар кўриб елкасидан тоғ тушсин.
Жисмига сўнгги сафар олдидан
Ўз боласин қўлидан туироқ тушсин... 1985

Бор бўлсин

Қиз бор уйнинг файзи бўлак дейдилар.
Жаннат йўли — қиз бор йўлак дейдилар.
Ўнгиримда ўғлим йўқ деб ўксиманг,
Тоғ бўлмаса қир ҳам тиргак дейдилар.
Элнинг бахти ботирларга ёр бўлсин.
Оминалар, Холидалар бор бўлсин!..

Қиз йўқ юртга кўкламлар сеп тўшарми?
Келини йўқ тўйлар тўйга ўхшарми?
Қиз борки, ўлка омон, қўрғон бут,
Қиз кутмаса йигит олов кечарми?
Жонлар илҳақ, илинжлар тумор бўлсин.
Маъсудалар, Маҳзуналар бор бўлсин.

Қизи йўқнинг ойсиз хомуш осмони,
Қизи борнинг қасрдир хонадони.
Шу мунглиғу шу муштипар парвонанг,
Йигит йўлнинг, қиз—кўнгилнинг султони.

Ота уйда ҳар куни баҳор бўлсин,
Мавлудалар, Маъсумалар бор бўлсин!

Эй Муҳаммад, олти оға-ининг бор,
Бирда яхши, бирда ёмон кунинг бор.
Бир кун бошинг ботар бўлса болишга,
Қизларингдан яқин яна кимнинг бор?!
Совчилари эшигида зор бўлсин —
Нозималар, Мадиналар бор бўлсин.

1998

* * *

Юзга ажин тушди,
Сочга қиров инди.
Болаликда қолиб кетди шўх,
Қолиб кетди қанча яхши кунларим,
Орқага қараш йўқ...

Қилган хатоларим ўзимга аён.
Хотира — изимдан тушган дайди ўқ.
Мен кимни унутдим,
Кимлар мендан тонди...
Орқага қараш йўқ.

Сўнди қанча яхши тилаклар.
Сўнди ҳайрат — юракдаги чўғ.
Кетдик қалбим,
Кетдик қадрим... кетдик,
Орқага қараш йўқ.

Анов ким деб сўраш йўқ.

1985

Ялпиз

Ўзим жаннатда-ю, дўзахда кўнглим,
Ялпизжон, сен ўсган ўтлоқда кўнглим.
Сен жилға бўйида сарғайган синглим,
Мен уммонда сенга муштоқ оғангман.

Кўзимдан ёш оқар юзингдан ўпсам,
Қанийди бир умр пойингда чўксам,
Дилингга дилимни дардини тўксам
Водийсидан ажраб қолган воҳангман.

Мен шоир эмас, мен назмбоз косиб,
Шеърим шуҳратимга эмас муносиб.
Бир лутф туфайли минг ғафлат босиб,
Ариғига сиғмай қолган наҳангман.

Осмонни туси йўқ бу тахтни нетгум,
Райҳонни иси йўқ бу бахтни нетгум,
Бош олиб ёнингга келади кетгум,
Далангдан оламга бир садақангман!..

Эй оқ кўнглим меннинг, эй кўк кўйлагим,
Бўйингга бўйимни келар тенглагим,
Куйласам фақат сен сабаб куйладим,
Янроғингдан ерга томган оҳангман.

1994

Эртак

Эртагим чўзилди, менинг эртагим...
Эртага энди бу дунёдан ўтсам,
Ҳаёт, азизим, сен хафа қилмагин,
Менинг ширингина қизларимни ҳам.

Кўнглимдан тўкилган куйлар нимадир,
Алвон қушиқларим учар изимдан.
Ёзган китобларим — қоғоз кемадир,
Мен кетсам, улар ҳам кўчар изимдан.

Кулга кўмдим олтин фурсатларимни,
Энди бир кун фақат дадил ва ўктам
Шоирчалар қилса ғийбатларимни,
Балки бирон кимса эслар мени ҳам.

Эсламаса нима, мен бир тўпори,
Қишлоқи сўзбозни, осмон йиқилмас.
Уриб турган қалбнинг тирикдир зори,
Тўхтаганидан сўнг юрак сиқилмас...

Мен сенинг борингга бўлдим парвона,
Саҳроларинг кезиб толди товоним.
Кипригим олдида турибди, мана,
Товусдай товланиб охир довоним.

Эртагим чўзилди, менинг эртагим,
Тонгни кўролмасдан дунёдан ўтсам,
Ҳаёт, ёлғизим, сен хафа қилмагин,
Менинг ширингина қизларимни ҳам!

1998

Ўзр

Биз баҳорга ошиқ бўлдик, куздан узр,
Хазонларда қолиб кетган қиздан узр,
Ҳар не ўтса биздан ўтди, бизда гуноҳ,
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр...

Соғинчларга сингил бўлди суюкли ёр,
Мен меровда на меҳр бор, на кўнгил бор,
Озроқ илҳом, кўпроқ шароб қилди хумор...
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр.

Тилимдан бол томди боқиб оламга гоҳ,
Бир ширин сўз айтолмадим боламга гоҳ,
Йиллаб бармоқ босолмадим қаламга гоҳ,
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр.

Йўлим қараб жайрон кўзи толиб кетган,
Гоҳ далада дайди шамол олиб кетган,
Гоҳ андиша айвонида қолиб кетган,
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр.

Дили борга дилдан дардим тўкканим рост,
Сўз бошида бош эгиб тиз чўкканим рост.
Гоҳи жонни авайлаган – қўрққаним рост,
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр...

Ўксимасин зардоб тўла кўнгилчангиз,
Дарё-дарё кўз ёшим бор чўмилсангиз,
Мен ҳам машҳур бўлармидим, туғилсангиз,
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр...

Юрагимнинг тагидасиз ялписздан пас,
Гох ўйлайман — шундоқ қўлим узатсам бас!
Юзингиз бир кўрмай сира ўлгим келмас...
Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр.

1994

Машраб хиргоиси

Донишни қийнаб тўймаган,
Холи-жонига қўймаган,
Нодон билан кулиб ўйнаган,
Пихини ёрган дунёсан.

Ўғрини сийлаб овлоқда,
Ошини мақтаб товоқда,
Тўғрини қийнаб сиртмоқда
Лойларга қорган дунёсан.

Ўтга бостириб далани,
Сувга чўктириб қалъани,
Отадан олдин болани
Жонини олган дунёсан.

Улуғни хўрлар сенмасми —
Тўрга ўтказиб нокасни,
От ўрнига йўлбарсни
Қўшига солган дунёсан.

Ким ҳам ишонар нозингга,
Баҳоринг ўхшар ёзингга.
Куйларинг тушмас созингга —
Қўшиғи ёлғон дунёсан!..

Оқ рўмол ўраб отиндай,
Товланма менга олтиндай.
Бола кўрмаган хотиндай –
Алласи ёлғон дунёсан!

1989

Мадина

Мадина, Мадина, нега йиғлайсан,
Менинг асал қизим, қачон ухлайсан?
Иситманг тушмади, тополмадим дори,
Тинмади чақалоқ жонингнинг зори,
Ярашмас яшамоқ нокасга ёлвориб,
Чида, ёруғ тонгни кутамиз, қизим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Сен йиғлоқ туғилдинг, мен ёзолмадим,
Ёзган шеъримни ҳам ўтказолмадим,
Аммо ишон ахир, булбул юрагим,
Мен уни бекорга ўтга солмадим,
Бу ёруғ дунёда менинг қолар изим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Иккала қўлимда сенинг бешигинг,
Кўнглимда кўзингдек шаффоф қўшиғинг.
Тунларимга наво қайтар куним бор,
Сенга ардоқ сўзим айтар куним бор,
Қалбимни шудгордек ҳайдар куним бор.
Йиғлаб ёздирмасанг айланай ўзим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим.

Шоир шундай кўпки, уларга ер тор,
Ҳаммаси машҳур ва ҳаммаси номдор,

Улуғвор, уларга етмоқ кўп душвор,
Аммо улар ойга босиб юзини
Турганда осмонин бағрига илк бор
Биз олиб боргаймиз тупроқ исини,
Гулдай димоғига тутамиз, қизим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим!..

Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим,
Йиғлаб ёздирмасанг айланай ўзим. *1985*

Иймон кўприги

Умрнинг ҳар куни байраммас, тўймас,
Ўчар оқшоми бор олдинда чироқ.
Куйлагингга қараб жаннатга қўймас,
Ажрим бўлар бир кун савобу гуноҳ.
Чўян дошқозонга шайтон ўт қалар,
Қутқарса бир куни иймон қутқарар...

Номинг тутган тузинг тотмай кетмасин,
Уйингда ҳар куни ёстиқ етмасин.
Туртта майизингни қуш ҳам еб кетар,
Уйинг четлаб одам зоти ўтмасин.
Берк саройимас – очиқ айвон қутқарар,
Мезбонни бир куни меҳмон қутқарар...

Хор қилиб ўйнама ҳар кимса бошин;
Йигит ғарибию қизнинг ювошин.
Кўшкингни кўз-кўзлаб, зарингдан сўзлаб,
Мустарин кўзидан оқизма ёшин.
Кимда – кетар хуси, ким хуш бўйи тарар,
Лолани хокисор райҳон қутқарар.

Ботинда бошқаю зоҳир бўлаксан,
Аввал бошқа эдинг, охир бўлаксан.
Кўнгил кўчасида, кўнгил кўйида,
Келган изга қайтиб борар йўлаксан.
Бунда ҳар ким ўзи қул – жон қутқарар,
На шоҳ, на ҳакими Луқмон қутқарар. *1989*

Менинг эртагимсан

Менинг шодлигимсан, болалигимсан,
Менинг ғуссам ўзинг, менинг армоним.
Сени осмонимга олиб кетаман,
Ерда бизга кун йўқ, кун йўқдир, жоним!..

Хато қилдиммикан мен эрта келиб,
Ё сен адашдингми келиб кейинми?
Гоҳо кимлигинг ҳам бўлмайди билиб,
Иним дейми сени, севгилим дейми?

Кет, деб ҳайдолмасам нетаман,
Кел, деб айтолмасам нетаман.
Сени осмонимга олиб кетаман,
Сени осмонимга олиб кетаман...

Ўйламай дейману ўйламай бўлмас,
Ўтсанг сен томон бир бўйламай бўлмас.
Сен менинг ҳаммадан яширган сирим,
Менинг эртагимсан, сўйламай бўлмас.

Кет, деб ҳайдолмасам нетаман,
Кел, деб айтолмасам нетаман.
Сени осмонимга олиб кетаман,
Сени осмонимга олиб кетаман!.. *1998*

* * *

Севгим менинг, мен билмадим, менинг севгим,
Кўзинг шаҳломиди сенинг, хумормиди?
Эртакдаги Лайли сендай дилдормиди,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Гоҳ гул бўлиб яшнади дил, гоҳ сўлди гул,
Гоҳ йиғлатиб, гоҳо ўзи қон бўлди дил.
Томоғимда чиркираган жон бўлди дил,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Сени фақат олислардан аллаладим,
Эркаласам хаёлимда эркаладим.
Сочларингни тушларимда сийпаладим,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Сен қуш бўлиб учдинг-кетдинг, тутолмадим,
Оҳу бўлиб қочдинг, қувиб етолмадим.
Бир бор кўриб бир ширин сўз айтолмадим,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Соч оқарди юракдаги шу бир чўғ деб,
Армондаги, тилакдаги шу бир чўғ деб,
Йигит умрим зорланади севги йўқ деб,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Ана, ажал остонамда турар бўйлаб,
Фаришталар чорлар мени ўлан сўйлаб,
Жаннатларда зерикарман сени ўйлаб,
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

1991

Сен пахта терардинг етти букилиб,
Пайкалингда эдинг, эй онажоним.
Ўзбекмисиз, дея ғалати кулиб,
Мендан сўраб қолди бир танноз хоним.

Таннозлар билан не ишим бор.
Ёраб,
Аммо тушундим бу ишорасига.
Қаршимда турарди у эрмакталаб,
Малика боққандек фуқаросига...

Мана, газеталар чиқди қўйнидан,
Ҳаммаси ўзича қилади талқин.
Тиллолар топилган эмиш уйингдан,
Олтинга кўмилиб қолибсан, халқим.

Сен нега Қримга бормайсан ёзда,
Ёки сен отангнинг ўгай ўғлисан?!
Сўкса индамайсан, қўйими-тўқлисан,
Урса йиғламайсан, демак — ўғрисан!

Саҳардан шомгача мўлтираб, кўзинг
Кўрмай қолгунича чопдинг далангни.
Ўғирлик қилмасанг, айт ахир ўзинг,
Қандай боқаяпсан шунча болангни.

Хоним нигоҳидан уққанларим бу,
Кўнглимдан кечганин билиб туради.
Ясама юзида ясама қайғу,
Ўзбекмисан, дея кулиб туради...

Бир бошлай дедиму тилимни тийдим,
Майли, одам кўриб шунга сўз дейми.
Ўзбекни ер танир,
Осмон танийди.
Таннозлар қаёқдан билсин ўзбекни!

1989

Марсия

Фарзанд доғи куйдиради куйган сари,
Дийдалари кўз ўнгидан кетмас нари.
Оназорин тилаб олган болалари,
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Алвон-алвон гуллар ёғар адирларга,
Қўл етмайди сизлар ётган қабрларга.
Олис юртда йўлдош бўлиб Бобурларга,
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Жалолиддин қони жўшди қонингизда
Умид қилиб узилмаган жонингиздан.
Навоийдек зотлар ётар ёнингизда,
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Йигит бўлиб яйрабгина юрмай кетган,
Бир қиз кокилларин кўзга сурмай кетган.
Туғилган боласин бўйин кўрмай кетган
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Кимга керак бўлди, кимга керак бўлди;
Сиз ўлдингиз кимнинг бўйи терак бўлди.
Бу дунёда ўлим ҳам бир эрмак бўлди,
Афғон қирларида қолган баҳодирлар!..

Мен бағримдан шаънингизга шеър тиладим,
Дунё мендан, мен дунёдан ўпкаладим.
Туғишгандан азиз менинг укаларим,
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Фарзанд доғи куйдиради куйган сари,
Дийдалари кўз ўнгидан кетмай нари.
Онаизорин тилаб олган болаларни,
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

1991

Онаизор

Кўнглим қолса булбулдан ҳам гулдан ҳам,
Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам...
Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам —
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Сиғмай қолсам шундай кенг бу жаҳона,
Осмонларга руҳим бўлса равона,
Жонсиз таним устида ҳам парвона —
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Тонар бўлса қўлимдаги тор, дунё,
Уч кун ўтмай унутгай дўст-ёр, дунё.
Еру кўкни титратиб зор-зор, дунё —
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Гулдай кулиб юрмасмиди ўғлим деб,
Кўриб кўнглим тўлмасмиди, ўғлим деб,
Онанг ўлса бўлмасмиди ўғлим, деб
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Кўнглим қолса булбулдан ҳам гулдан ҳам,
Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам.
Агар бир зог йиғласа чин дилдан ҳам —
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

1989

* * *

Тойчоқ бўлиб қолсам эдим, тойчоқ бўлиб,
Қорасоч бир қиз қулунга ўртоқ бўлиб.
Қувалашиб юрмасмидим дала-даштда,
Бу дунёда нима кўрдим сени севиб.

У ҳам мени севар эди менга ухшаб,
Кутар эди гўшангада ўтлар тўшаб.
От бўлса ҳам тушунарди мени ўша,
Бу дунёда нима кўрдим сени севиб.

Майли эди арғамчида бойлансак ҳам,
Тупроқларга ағанашиб қийналсак ҳам.
Биз бир умр бир қозиқда айлансак ҳам,
Бу дунёда нима кўрдим сени севиб.

Отдай ҳамдам бўлар эди жонимга у,
Қиздай малҳам бўлар эди жонимга у.
Бир кишнасам келар эди ёнимга у,
Бу дунёда нима кўрдим сени севиб.

Хаёлимнинг даштларида уюр-уюр,
Қулунчалар чопиб юрар, мени суюр...
Яна қандай азобинг бор, жоним, буюр,
Бу дунёда нима кўрдим сени севиб.

Тойчоқ бўлиб қолсам эди, тойчоқ бўлиб,
Қорасоч бир қиз қулунга ўртоқ бўлиб,
Қувалашиб юрмасмидим дала-даштда,
Бу дунёда нима кўрдим сени севиб.

1980

Кўнглимдаги ёр

Муҳаббат боғига кирмадим бир бор,
Суйиб бир гулга қўл урмадим бир бор.
Энди тунлар йиғлар менга қўшилиб,
Кўнглимда бир ёру қўйнимда бир ёр.

Бири бирисига ўхшамас, ёраб,
Кўзимнинг ёшлари тўхтамас, ёраб.
Куярман бир унга, бир мунга қараб...
Кўнглимда бир ёру қўйнимда бир ёр.

Бирин эркалайман дудоғим билан,
Бирисин эркалаб нигоҳим билан
Яшарман савобу гуноҳим билан –
Кўнглимда бир ёру қўйнимда бир ёр.

Бирин ҳур дейинми, бирин гулойим,
Суймаганим суйганимдан мулойим.
Бу қандай кўргилик экан, Худойим,
Кўнглимда бир ёру қўйнимда бир ёр.

Дарёман иккита кирғоқда кўзим,
Товонимда бўзим, томоқда бўзим.
Икки ўт ичида қийноқда ўзим,
Кўнглимда бир ёру қўйнимда бир ёр.

1991

* * *

Биз барҳаёт сиймо деган ўша ўлмас
Алишернинг авлодлари — алла билмас.

Учди Чамбил қўлларидан сўнгги ўрдак,
Алпомишлар ётган бешик энди эртак.

Ўз боласи Улуғбекка қилич солди,
Шоҳ боласи бўлиб бир кўк юлдуз қолди.

Чақмоқ бўлиб келди Бобур, кетди Бобур,
Ўзбек энди ўз уйида ҳам мусофир.

Бир бошни ҳеч қовушмагач, ҳатто Машраб
Девона ҳам ўз юртини кетди ташлаб.

Топинг қани Қўқонида суратини,
Ўзбек қувди, уйғур кўмди Фурқатини.

Фурқат уйғур деганим йўқ, берайин шарҳ
Ўз боласин ўзи кўмсин дейман ҳар халқ.

Ўтганларни ўйлаб дилда дарди пинҳон,
Ойбек ўтди, Ғафур Ғулом, Шукур Бурхон.

Бу дунёда ҳар кимса ўз ризқин терсин,
Элим, сенга инсоф берсин, инсоф берсин.

Қуй, йиғлатма айтиб эски ашулангни,
Ҳеч бўлмаса асра энди Абдуллангни!

1992

Эски асрга

Элак ушлаб турган Аср,
Эй узун кўйлак.
Олиминг кўп, аммо Ҳабиб
Абдулланг бўлак.

Гарчи созинг битта, айтар
Каломинг битта,
Шоиринг кўп, аммо Ғофур
Ғуломинг битта.

Яна қанча айланару
Еру осмонинг.
Худо билсин қачон келар
Шукур Бурхонинг.

Дарвозангни ёпмай туриб,
Сен бизга қараб,
Айт: буюгин улуғлаган
Миллатга шараф.

Сен айтмасанг биз уларнинг
Қадрин билмаймиз,
Бир амаллаб ўлдирволиб,
Кейин йиғлаймиз.

1998

Ўзингдан қўймасин, халқим

Ажал якка ов қилади, дейишади. У ҳеч ким билан маслаҳатлашмас экан, бошқаларнинг иродасини назар-писанд қилмас экан. Бевақт ўлим адабиётимиз гулшанида барқ уриб очилиб, яшнаб турган бир чечакни уздию кетди.

Муҳаммаджонни марҳум дейишга ҳеч тилимиз бормайди. Аммо начораки, бу бор гап.

Чинакам шоирнинг қалбида соҳир қуш доимо сайраб туради, деган гапни кўп бора эшитгандик. Ўша қуш айнан Муҳаммаджоннинг юрагида ошиён қурганига мен астойдил ишонганман. Унинг кўзлари ҳам, чеҳраси ҳам ҳамиша латиф бир куйни хониш қилгандай эди.

Мен Муҳаммаджон билан узоқ йиллар мобайнида ёнма-ён яшадим, ёнма-ён ишладим. Ҳали ёшлик йилларидаёқ бунчалик кўп мухлис орттирган, дўст-оғайниси бисёр ижодкорни кам кўрганман. Санъаткор-лар-ку, унинг ҳар бир мисрасини созга олишга тайёр эдилар. Бунинг сабаби нимада? Биринчи навбатда Муҳаммаджон яхши инсон эди. Яхши инсонларга бошқалар ҳамиша талпинадилар. Одамдан одам узоқлашишини Худойим ҳеч кимга кўрсатмасин.

У обрў талашмас, иззатини сўроқлаб югуриб юришдан ор қиларди. Худди шундоқ яхши инсонгина яхши ижодкор бўлиши табиий ва қонунийдир. Шу каби юксак фазилатлари туфайли Муҳаммад Юсуф-ни халқимиз ардоқлади. Юртбошимиз оталарча меҳр кўргазди. Унинг хизматларини давлатимиз муносиб баҳолади.

Муҳаммад Юсуф қисқа умр кечирди. Ундан чинакам бетакрор ижодий мерос қолди. Ҳақиқий маънодаги барҳаётлик, завол билмаслик Муҳаммад Юсуф ижодига тааллуқли бўлган десам, иншооллоҳ, хато қилмагайдирман.

Жойинг жаннатда бўлсин, укажоним!

АБДУЛЛА ОРИПОВ,

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

Бободехқоним

Ер айланар,
Ер айланар,
Ер югуриб тинмайди,
Яктагингнинг енгларидан
Тер югуриб тинмайди,
Қўлинг тегмай бу дунёда
Битта гиёҳ унмайди,
Тин билмаган жоним менинг,
Бободехқоним менинг.

Офтоб чиқар,
Офтоб ботар,
Чўғлар сочиб танангга,
Бир кунгина бормай қўйсанг
Нима қилар далангга?..
Бир шонача парвоналар
Бўлолмайсан болангга,
Ташнаи нолоним менинг,
Бободехқоним менинг.

Иш дегани фақат сенга
Чиққанми ё эй мўмин,
Қора меҳнат йўргагингдан
Юққанми ё эй мўмин?
Онанг сени пахтазорда
Туққанми ё эй мўмин?..
Қадоққўл-товоним менинг,
Бободехқоним менинг.

Ёруғ юзим,
Кўк ёришиб
Кетгайдир бир жилмайсанг,
Дунёларни оққа ўраб
Қуйганингни билмайсан,
Уйингда ҳам,
Тўйингда ҳам
Пайкалингни ўйлайсан,
Содда дил — имоним менинг,
Бободеҳқоним менинг...

Ким толиқди чўл бағрида
Бўстонларни яратиб,
Қора денгиз бўйларида
Ким кезар жон яйратиб,
Минбар тўла гапга чечан
Нотиқларни сайратиб,
Ўзи безабоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Шийпонларда ўлтирардинг
Кўтаролмай белингни,
Семиз вакил мактабидан
Ҳайдаб келди ўғлингни,
Кеч куз эди, ечиб бердинг
Эгнингдаги тўнингни:
Ол, кийвол, полвоним менинг...
Бободеҳқоним менинг.

Болажоним,
Сен-ку келдинг,
Жонинг ачиб отангга,
Ҳатто сенинг меҳнатингни

Билмадилар, аттанг-а...
Пўчоқни ҳам пахта қилиб
Топширганлар Ватанга!..
Топгани талоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Олам яралгандан буён
Деҳқон кимни алдабди,
Деҳқон қўлин қабартирган
Кетмон кимни алдабди,
Ўзбегимнинг пешволари
Ўзбегимни алдабди...
Оҳ, лолу ҳайроним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Соддадилим,
Сен-да суйиб
Ишонгандинг уларга,
Тонгни тонгга улаб меҳнат
Қилдингми тулкиларга,
Бир қўлингнинг фурсати йўқ
Бир қўлингни силарга,
Меҳнати армоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Жоним бобом,
Гапир сен ҳам
Бундоқ ҳолу аҳволинг,
Балиқ бўлиб уватларда
Сузиб юрар хаёлинг,
Сени сотган олчоқларга
Йўқмиди бир саволинг?..
Эҳ, оғир карвоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Нега хомуш ерга боқдинг,
Бўйингдан айланайин,
Шу тонда кўнглингдан кечган
Ўйингдан айланайин:
Арпа эккан — арпа ўрар,
Буғдой эккан — буғдойин!..
Ҳалол тузу нoним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Замин аро тирикликни
Бор қилгувчи ўзингсан.
Ё гулизор
Ё тошнан
Зор қилгувчи ўзингсан,
Оби ҳаёт таратгувчи
Буюк сувчи ўзингсан,
Тинчликка посбоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Сен ҳамиша ҳақ томонсан,
Сен ҳақиқат томонсан
Инсон зотин ёруғликка
Етакловчи сорбонсан,
Ўзинг бемор,
Ўзинг табиб,
Ўзинг малҳам, дармонсан,
Бағри кенг осмоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Ер айланар,
Ер айланар,
Ер югуриб тинмайди,
Сенинг ойдек юзларингдан
Тер югуриб тинмайди,
Қўлинг тегмай бу дунёда

Битта гиёҳ унмайди,
Тил билмаган жоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Элим ризқи мудом сенинг
Пешонангнинг терида,
Элим ризқи етилгайдир
Юрагингнинг қўрида,
Савлат тўкиб ўтирганим
Қурултойлар тўрида —
Беқасам чопоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.

Мен ҳам сенинг тузу нонинг
Ичиб юрган болангман,
Шоирман деб қушдай қўниб,
Учиб юрган болангман,
Ўзинг билан пайкалда сув
Кечиб юрган болангман —
Сенга бу достоним менинг,
Бободеҳқоним менинг...

1983

Мунчоқ

Мунчоғим, отингни ким қўйди мунчоқ?..
Майсадек манглайинг майинки бирам.
Бегона эмасман, бизлар ҳамқишлоқ —
Шу жойда чопқиллаб ўсгандим мен ҳам.

Олифта эгнимдан ўгирма юзни,
Сенга дардим айтай ҳаммадан олдин.
Қули бўлмоқчийдим бир гўзал қизнинг,
Шеър деган балога бойланиб қолдим!..

Сиз — итлар бировни севсангиз агар,
Итдек содиқдирсиз балки, бир умр.
Бизлар-чи... Эх, қара, қўлларим титрар,
Бўйнингни қисвордим шекилли, узр.

Дунёнинг ишлари шунақа, ошна,
Одамнинг тафтини ҳайвон олади.
Сен ўзинг яшайсан кимгадир ташна,
Сенга ташналаринг қарсак чалади.

Биз битта уруғмиз мен сенга айтсам —
Шоир ҳам оламда ит каби санқир!..
Мунчоғим, бўйнингдан менга жуда ҳам
Қадрдон бир қўлнинг ислари анқир.

Эҳтимол... Эх, яна бошланди титроқ,
Мен ундан бир умр бўлолмам халос.
Жон деб ичардиму сен билан озроқ,
Афсус, ҳамён қуруқ — савлат бор, холос...

Илк севги, илк севги, аччиқ тоғолча,
Кўнгилдан-кўнгилга томган нурли байт.
Мен кетдим. Бор, сен ҳам йўлингдан қолма,
Ҳар ҳолда, бекангга мендан салом айт... *1998*

Қора қуёш

(Достон)

«Жондан азиз синглим Қумри!

Мактубингга жавоб ёзаман. Шунинг учун ёзаманки, кечаси соат тўртда эслаб хат ёзганинг учун ёзаман, яна шунинг учунки, ён қалбингни бахтсиз маҳбус учун эзиб,

ширин уйқунгни бемаъни саргузаштим билан бузганим учун ёзаман. Кўнглингни паришон қилиб, уйқусиз тонг отгирганинг учун ёзаман...

Хат ёзмаганимга сабаб умидсизлик эмас, аксинча умидим порлоқ ва юксак. Очиғини айтсам, аччиқ турмушнинг аламли азобидан куйловчи мактубим садоси билан сен каби меҳрибонларим кўнглини йиғлатишдан сақланиш мақсадида хат ёзишдан кечдим...

Юракни тош қилиб бўлса-да унутишларизни сўрайман. Разил ҳаётга кўникиб қолганимда ширин турмушни эслатмасангиз эди. Мен учун тўккан кўз ёшларингизни эслар эканман, қалбим сиқилади, бахтсизлигим гавдаланиб кўз олдим қоронғулашади-да, туғилганимга қасам ичиб, бор дунёдан кечгим келади...

Қумри, раҳминг келса яна қайта сўрайманки, мени эсдан чиқар, ортиқ мени қийнаб юрагимни эзма...

Эҳтимол, тез кунда кўришармиз. 51-йилга ҳам кўп қолмади.

Ўзини менга яқин тутган қариндош ва ёр-дўстларга олдинги хатимда охирги саломимни қўндирган эдим. Яна қайтаришга ўрин йўқ. Опангга айтгинки, мени илтимосимни унутмасин!

Чор-ночор хайрлашиб қолувчи:

Акмал»

Боенгол. 22.XII.46.

МУАЛЛИФДАН: Бу хатни мен тасодифан топиб олдим. Шу ҳолида, имлоларини тузатмай, сизга ҳавола этдим.

Эҳтимол, бу мактуб Қумри исмли муштипар аёлга акасидан ёлғиз ёдгордир. Агар шундай бўлса, мен уни эгасига қайтараётганимдан хурсандман.

— Умр нима, эй одам?
— Умр йўлдир бир кулоч.
— Армон нима, эй одам?
— Армон ҳам бир эҳтиёж.

— Омад нима, эй одам?
— Айвондаги қалдирғоч.
— Орзу нима, эй одам?
— Бўлди, менинг қорним оч...

— Ёлғон нима, эй одам?
— Ёлғон — ўт ўсмас дала.
— Ҳақ нимадир, эй одам?
— Ҳақиқат — етим бола...

— Севги нима, эй одам?
— Севгига йўқ ҳафсала.
— Бахт нимадир, эй одам?
— Бахт — бир коса атала...
Толкосада атала...

— Толкоса нима, эй одам?
— Толкоса ҳаёт, жўра.
— Атала нима, эй одам?
— Сталин бобонгдан сўра!..

* * *

Соқовни қамашди,
Соқов «душман»ни,
Снёсий саводсиз,
Анқов душманни...

Қамашди,
Бир кунда,

Пайсалга солмай.
Айби аниқ эди,
Айби маълум эди,
У доҳий отини
Тўғри айтолмай,
Ҳамманинг олдида
«Иншталин» деди!

Соқчига мўлтирар
Соқов,
Қалтирар,
Ўлдиришар энди,
Уни ўлдирар.

Қолди уй,
Қолди — ғурбатхонаси.
Ғурбатхонасида —
Қари онаси.
Яна бир зот кетди,
Шундай қилиб —
Соқовнинг бошига
Етди ўз тили...

Ўрмонда отишди,
Қор эди қалин.
Йиқилди.
Ҳайқириб,
Яшаш-шин Ишта-лин!

Соқовни отишди,
Анқовлиги учун.
Тўғрироғи —
Туғма
Соқовлиги учун.

Қирқ йил бўлди бунга.
Эллик йил бўлди-ёв.
Мана энди,
Соқовнинг онаси —
Ҳақиқий соқов!..

Соқов дудуқ эди
Мундай олганда.
Тиллашса бўларди
Ўлмай қолганда.

* * *

«Сибирдаги саргардонлик йилларим бир ҳамюртим билан учрашиб қолдим. Йиғлаб кўришдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Мен уни ҳам ўзимга ўхшаб беайб бадарға бўлганлардан бири эканлигини сезиб турсам ҳам сўрадим:

— Сизни нега қамадилар, биродар?

— Сулаймон Азимовнинг «думи»сан, деб!

— Кимнинг-кимнинг?

— Айтдим-ку, Азимовнинг...

Анчадан кейин бир оз ўзимга келиб, секин бориб елкасидан қучдим:

— Уни танийсизми?

— Йўқ, кўрмаганман...

— Унда келинг, танишволайлик, — дедим. — Менман ўша сиз айтган одам!..»

Марказқўмнинг собиқ котиби Сулаймон Азимовнинг хотираларидан.

* * *

Ўттиз еттинчи йил кашфи сизга мана —
Эркакларга алоҳида қамоқхона,

Аёлларга алоҳида қамоқхона,
Болаларга алоҳида қамоқхона...
Ўттиз еттинчи йил кашфи булар бари –
Кўринмасу даҳшат солиб шарпалари,
Келса — яқин келмай, кетса — кетмай нари,
Изғиб юрар Лаврентий*нинг лайчалари.

Бу ўлкада энди норғул йигитлар йўқ,
Бойқушлар бор, калхатлар бор — бургутлар йўқ,
Не-не Сулаймонлар, Абдулҳамидлар йўқ,
Қайтармикин? Қайтмоғига умидлар йўқ...

Бедарак йўқолди қанча одам, эсиз,
Сўроқларда ўлди қанча одам, эсиз,
Қийноқларда ўлди қанча одам, эсиз,
Сиртмоқларда қолди қанча одам, эсиз...

* * *

...Унинг учун қамоқхонада энг тансиқ нарса қоғоз эди. У ҳамма жойдан фақат қоғоз қидирарди. Бир дақиқа сайрга олиб чиқишса, деворлар тагида сарғайиб, ғижим бўлиб ётган бир парча қоғоз топиб олиб, бошни осмонда, яна зах хонага қайтарди. Тергов пайтида ҳам илинжи шу.

Овқат пайти ҳам.

Ана шундай минг машаққатлар билан йиққан қоғозлари бир куни қўлёзмага айланди. Энди уни нима қилиб бўлса ҳам ташқарига, одамларга етказиш зарур эди. Лекин қандай қилиб?

У турма бошлиғига мурожаат қилди. Мени қабул қилишингизни сўрайман, деб қайта-қайта сўрайверди. Ниҳоят

---

* Лаврентий Павлович Берия.

бошлиқ зерикди. Қаҳратон қиш кунларининг бирида бошлиқ иссиқ печка олдида, оёқларини чалиштириб ўтириб, унинг арзини тинглади.

— Сиздан ўтиниб сўрайман. Шу қўлёзмани одамлар ўқисин. Майли, кейинроқ, оқланиб кетсам ёки...

— Бу ёққа бер, — деди бошлиқ ўрнидан турмай. Соддадил адиб, унга қўлёзмани узатди.

Бошлиқ қўлёзмани олдию гуриллаб ёниб турган печканинг ичига отди... У яна ўша зах ва қоронғи хонада ўзига келди. «Бу аблаҳнинг олдига мени ким бошлаб борди? Оёқлариммми? Мен уларни ҳозироқ кесиб ташлайман. Наҳот шунча хўрликларни кўриб ҳам кўзим очилмади! Наҳот, бу бошда зарра ақл бўлмаса! Наҳотки, у мени жаллоддан ёрдам сўраб боришга ундади! Ҳозир... Ҳозир!...» У даст ўрнидан туриб, югуриб бориб, зарб билан бошини деворга урди. Урди ва яна ураверди. Жони чиқиб кетгунча ураверди!..

Ким эди бу адиб? Қодирийми?.. Чўлпонми? Ёки Усмон Носирми?!.

* * *

Қисқагина умр кўриб, узоқ яшаб келаётган зотларга қаранг...

Аҳмад Югнакий

I

Тушимга киради Қодирий бобом,
Бемадор, бемажол, беҳол, беором.

Эгнига эски бир тўн кийиб олган,
(Шинелдир балки у, кимдандир қолган).

Ўша тўн эгнида похол ҳам бордай,
Бобомнинг юзлари оқарган қордай.

Йўқ, юзи сомонга ўхшайди унинг,
Чароқлаб тургувчи кўзи тўла мунг...

Тушимга киради Қодирий бобом:
Тур дейди, мунча кўп ухладинг, болам.

Боқ, бу дам айланиб жўхоризоринг,
Ўроғин қайрайди онаизоринг.

У ўриб бўлгунча ризқу зарингни,
Уйғотиб тур чиқиб, укаларингни.

Ва менинг саломим айт, дер уларга –
Бобосин соғинган мусичаларга...

Тушимга киради Абдулло бобом.
Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом...

II

Ўлган ўлди-кетди.
Ҳеч ким қайтмайди.
Нега?
Нима учун?
Бу ҳам муаммо.
Тарих соқов кампир,
Дардин айтмайди,
Айтолмас,
Унутиб ҳам бўлмас аммо.

Мана,
Қодирийни қилишар сўроқ:

«Ўткан кунлар» деган шеър сизникими?
— Ҳа.
Аммо у шеър эмас...
— Жим бўлинг, ахир.
Шеърми ё бошқами, автори сиз-да.
Тамом.
Бошқа гапга қолмайди ҳожат.
Терговчи — пайғамбар,
Терговчи — худо.
Темир зотдан келган буйруқ — ижозат,
Ўзбек яна битта ўғлидан жудо.

Айби шуки...
Айби...
Ким билсин буни,
Балки, жуда ноёб истеъдодидир.
Отишдимикин ё осишди уни?
Балки ҳукм ижрочиси жодидир.

Жоди деганларин билишмас ёшлар,
Билмагани маъқул бундан кейин ҳам.
Жоди орасига тушганда бошлар
Одам...

Кўзимга ёш тўлар мана шу ерда.
Қўйнимга тош тўлар мана шу ерда.
Кўзимга тор бўлиб қолади олам,
Оҳ, олтин бобом-а, воҳ тилло бобом...
Ўтган кунинг қурсин, Абдулло бобом!

* * *

Ўй ёмон.
Ўй ёмон қийнар одамни.
Илондек юракни кемирар малъун.
Урушдан чалажон қайтган отамнинг
Қирқ йилки, тилидан тушмас Сталин...
Ота,
Қуйинг, дейман.
Отажон, қуйинг.
Умрингиз ўтмокда кимга ишониб?
Темир косов билан кўзимни ўйинг,
Фақат бир илтимос,
Гапирманг ушани!..
Ер эса айланар,
Юмуши мўл Ер.
Оқар юзларидан
Маржон-маржон тер...
Ўйлайман,
Заминда энг бахтиёр зот —
Ёки академик,
Ёки бесавод.

Бири ўқиганин таҳлилин сўрмас,
Бири ўқишга ҳам уриниб кўрмас...
Ўй ёмон, ўй бу — жар,
Бу жар қоронғу.
«Қайт болам!..»
Отамнинг сўзларимикин?
Бу зулмат қаърида ёнган не ёғду,
Олис боболарнинг кўзларимикин?

«Сен нима биласан,
Фарзанди нодон,
Урушда юртингни асраб қолди ким?..»

Ишонч қандай унвон,
Ишонч қандай шон,
Ул бузрукворимга нима ҳам дердим.

Ўлган ўлди-кетди.
Энди қайтмайди.
Нега?
Нима учун?
Бу ҳам бир жумбоқ.
Ота хатосини ўғил айтмайди,
Айтолмас,
Унутиб ҳам бўлмас бироқ...

* * *

Йиллар ҳам кўчманчи қалдирғочлардек,
Келар,
Кетаверар,
Миқ этмай, беун.
Дунёда мен ёлғиз сиғинган одам
Элимдир маҳзун.
Ўйлайман.
Уфқлар ортидан бир кун,
У аста бўйлару
Кўз тушар кўзга:
Бегуноҳ узлатга кетганлар учун
Ким жавоб беради, ўртоқлар бизга?..

Мен нима дегандим,
Нима дегандим,
Неларни қилгандим у кун васият?
Ҳурматли юртдошлар,
Азиз бошингизга,
Сталин — ўзингиз топган мусибат!..

Ўлган ўлди-кетди.
Хеч ким қайтмайди.
Нега,
Нима учун,
Бу энди жумбоқ.
Тарих — соқов камнир,
Дардин айтмайди,
Айтолмас,
Унутиб ҳам бўлмас аммо.

* * *

— Отанг қани, болам-ов?
— Отам Сибирга кетган.
— Онанг қани, болам-ов?
— Онам ҳам бирга кетган...

— Аканг қани, болам-ов?
— У дунёда ухлайдир.
— Уканг қани, болам-ов?
— Кўкрак сўраб йиғлайдир...

— Синглинг қани, болам-ов?
— Синглим ётар чалажон.
— Ўғлим бўлгин, болам-ов,
— Нониз борми, онажон?!

— Укамни не қиламиз?
— Эчки сути берамиз.
— Синглимни не қиламиз?
— Тутмайиз териб берамиз...

— Чолингиз қайда, энажон?
— Чолим Сибирга кетган.
— Ўғлингиз қайда, энажон?
— Ўғлим ҳам бирга кетган.

– Энажоним, энам-ов,
Энди нима қиламиз?
– Энанг ўлсин болам-ов,
Бир кунимиз кўрамиз!..

* * *

«Синглим Роҳатхон! Унгунникига бориб, нарсаларимни ол. Мадамин Давроннинг уйида пальтом бор. Иброҳим Назирникида этигим ҳам. Шуларни олиб келиб, менга киргизиб юбор.
Кетадиганга ухшайман...»

Тошкент қамоқхонаси.
1937 йил. Усмон Носир.

Ватан гар дилга жо бўлса,
Не истар у бажо бўлса,
Ким билсин,
Ким билсин агар,
Менинг жоним фидо бўлса,
Тирик юргаймиди ҳозир,
Усмон Носир, Усмон Носир...

Бахил бўйин эгмиш қачон,
Оқилга кун тегмиш қачон?
Ким билсин,
Ким билсин агар.
Ёмонга ҳам жазо бўлса,
Тирик юргаймиди ҳозир,
Усмон Носир, Усмон Носир.

Ғаним ҳар кимда бор, ғаним,
Ғанимда йўқ ганим маним.
Ким билсин,

Ким билсин агар,
Дўсту ёрда вафо бўлса,
Тирик юргаймиди ҳозир,
Усмон Носир, Усмон Носир.

Жонингдан айланай, юртим,
Шоиринг кўп экан, кўрдим,
Ким билсин,
Ким билсин агар,
Улардан бир садо бўлса,
Тирик юргаймиди ҳозир,
Усмон Носир, Усмон Носир.

* * *

«Одамлар тақдири оддий тушлик ёки кечки овқат пайтидаёқ ҳал бўларди. Суҳбат орасида кимларнингдир номлари тилга олинарди. Бирдан Сталин: «Лаврентий, чора кўр», деб қоларди. Берия эса бошқа хонага ўтиб, қаегадир қўнғироқ қиларди. У номларини айтган одамлар шу кечасиёқ қамоққа тушарди...»

Маршал Жуков
хотираларидан

Эй ғамдан букчайган уйлари ёғоч,
Ярми қамоқхона,
Ярми яланғоч
Мамлакат, қизларинг яшир олтинсоч
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда!..

Байрамга қўйилган балиқдек тузлаб,
Қотиб тур жойингда, вужудинг музлаб,
Қурбонлар устига қурбонлар излаб,
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.

Бир-бирларин суяб,
Тик туриб ухлаб,
Вагон тўла боланг кетмоқда йиғлаб,
Паровозлар қайга элтмоқда йиғлаб?..
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.

Уларни кутади майдон тўла дор,
Бу дорлар остида барча миллат бор,
Жаллод – кўзойнакли илондек маккор,
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.

Юзин бир кўрмоққа тополмай илож,
Ким отага муҳтож,
Ким ёрга муҳтож.
Ким ёлғиз ўғли-ла дийдорга муҳтож,
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда...

Эй, ғамдан букчайган уйлари ёғоч,
Ярми қамоқхона,
Ярми яланғоч
Мамлакат, қизларинг яшир олтинсоч –
Лаврентий Павлович сайр қилмоқда.

* * *

«...Қизим Зоряни НКВД ходимлари автомобилда Малая Лубянкага олиб кетган экан. Буни биз кейин билдик. Москванинг бу бурчагида 2 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар камоқхонаси жойлашганди. Ундаги режим катталарникидан фарқ қилмас, болалар саҳарда уйғотилар, йигирма минутлик сайрдан сўнг эса сўроққа — терговчи ҳузурига олиб кетиларди...»

Галина Серебрякова, ёзувчи.
(«Семья» газетаси,1988 йил март сони)

Қушлар ҳам уйқудан уйғонмай ҳали,
Жавдираб бир сафга тизилар бари.
Мудраб йўлга тушар терговчи сари —
Икки яшар «халқ душманлари».

Уларнинг гапи йўқ бўрсилдоқларда,
Уларнинг хаёли — уйинчоқларда...
Ўхшайди қоракўл қўзичоқларга —
Икки яшар «халқ душманлари».

Кўлчаларини қўйиб оёқчасига,
Ўлтирар келишгандек боқчасига,
Мўлтирар терговчи таёқчасига —
Икки яшар «халқ душманлари».

Терговчи ҳам асли кимгадир ота,
Терговчида жуда тажриба катта.
Йўқ айбига иқрор бўлар, албатта,
Икки яшар «халқ душманлари».

Йўқ айбига иқрор бўлар ҳаммаси,
Элнинг суюк болаларин боласи,
Элнинг буюк болаларин боласи,
Икки яшар «халқ душманлари»...

Қушлар уйқусидан уйғонмай ҳали,
Жавдираб бир сафга тизилар бари,
Мудраб йўлга тушар терговчи сари —
Икки яшар «халқ душманлари».

* * *

Тухачевскийни Ворошилов ёмон кўрарди. Унга ҳасад қилар эди. Жуда кўп буюк саркардаларнинг ўлимида унинг қўли бор... Бир куни унга қишлоқларимиз ғоят ғариб аҳволда эканлигини айтиб, Хрушчёвга билдиришини сўраганимда у кўнмади. Айтолмайман, мени Қизил майдонга дафн этишларини истайман, деди.

Маршал Жуков хотираларидан

Россиянинг ярми хилват ўтлоқлар,
Майли, бизга бўлсин узлат ўтлоқлар,
Бизга бўлаверар
Фақат, ўртоқлар,
Климентни кўминглар Қизил Майдонга!..

Кўрган куни озор бўлган Россия,
Ўрмонлари мозор бўлган Россия,
Мозорлардан безор бўлган Россия,
Климентни кўминглар Қизил Майдонга.

Ҳаммамиздан кўпроқ «жанг» қилган ўша,
Душманлар холини танг қилган ўша,
Бундай иззат учун туғилган ўша —
Климентни кўминглар Қизил Майдонга...

Хитойда ўлмаган Блюхер қани,
Қийма-қийма бўлиб чопилди тани.
Фақат ўдир асраб қолган Москвани —
Климентни кўминглар Қизил Майдонга.

Қайси айби учун отилди Якир[1]
Нонушта устида сотилди Якир,
Буни ёлғиз ўша билади, ахир —
Климентни кўминглар Қизил Майдонга...

Климентни кўминглар Қизил Майдонга —
Тупроқда ўзига қолди жой етмай.
Устига тош қалаб, йиғламай-нетмай,
Климентни кўминглар Қизил Майдонга!

37-йил йиғиси

Олов эди, шўх эди ўғлим,
Шамол эди, ўқ эди ўғлим,
Уйимда нон йўқ эди, ўғлим,
Энди менинг ҳолим не кечар?

Майли изинг қолсайди, ўғлим,
Ўғил-қизинг бўлсайди, ўғлим,
Кўриб кўнглим тўлсайди, ўғлим.
Энди менинг ҳолим не кечар?

Тўлишган ой, тўлин ой, ўғлим,
Кетган еринг қайси жой, ўғлим?
Тилаб олган Турсунбой ўғлим,
Энди менинг ҳолим не кечар?

Ёниб кетсанг майлийди, ўғлим,
Чўкиб кетсанг қанийди, ўғлим.
Айбли бўлсанг қанийди, ўғлим
Энди менинг ҳолим не кечар?..

[1] *Якир* — командарм.

Деҳқон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим,
Чўпон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим,
Ёмон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим...
Энди менинг ҳолим не кечар?

Ўқимай ўл, унмай ўл, ўғлим,
Ўқиб олим бўлмай ўл, ўғлим,
Олти тилни билмай ўл, ўғлим!..
Энди менинг ҳолим не кечар?

* * *

Менга қадрдондир унинг суйимоси
Тилим тебранмас ҳеч ёмон дейишга.
У шундай буюкки,
Йўқдир қиёси,
Қанча буюк бўлса,
Тубандир шунча...

У — ёруғ дунёда
Тенги йўқ инсон,
Қадрдон бегона.
Ёвуз меҳрибон.
Унинг бир қўли гул юрагигача,
Унинг бир қўли қон билагигача!..
Ким ёлғиз боласин тополмай гўрин,
Қонлар йиғлаб ўтган бўлса доғида,
Ўша мунгларидан сўраш лозим бу —
Буюк инсон,
Буюк жаллод ҳақида.

Сўранг,
Омоч сурган болакайлардан,
Чиллак оёқларин судрашиб аранг.

Қирқ биринчи йилда,
Милтиқ етишмай,
Асирларга тушган
Аскардан сўранг.

Шунда
Аён бўлар унинг сиймоси,
У ярмин қамаган,
Ярмини қирган.
Ярмини қўйгану дорларга осиб,
Қолган ярми билан
Жангларга кирган!..

Унинг бутун умри
Жумбоқдан иборат,
У айни адолат,
У айни ғорат.
У оқил бузғунчи,
У моҳир меъмор
Инсон суягидан солган иморат...
У халқлар қотили,
Халқлар отаси,
Тилим тебранмайди
Ёмон дейишга.
У шундай улуғки,
Йўқдир қиёси,
Қанча улуғ бўлса,
Тубандир шунча.

Йўқса, айтинг,
Ким у?
Йўқса айтинг, ким?
Ярим халқ қарғару

Ярим халқ йиғлар.
Менинг саволимга
Энг тўғри жавоб —
Бера олгувчининг ҳаммаси ухлар!..

Менга жуда азиз
Унинг сиймоси,
Бир қарасам,
Йўқдек сира қиёси.
У бир бағри дарё,
Бир бағритошдир,
У бир қуёш
Аммо —
Қора қуёшдир!

* * *

— Умр нима, эй одам,
— Умр учиб кетган қуш.
— Армон нима, эй одам?
— Армон эсдан чиққан туш...

— Омад нима, эй одам?
— Иккала соғ қўлингдир.
— Орзу нима, эй одам?
— Орзу юрган йўлингдир.

— Ёлғон нима, эй одам?
— Ёлғон узун эртакдир.
— Ҳақ нимадир, эй одам?
— Ҳақиқат қон юракдир.

— Қайғу нима, эй одам?
— Қайғу ҳам ширин армон.
— Бахт нимадир, эй одам?
— Бахт бир бурда қора нон.

— Қора нон нима, эй одам?
— Қора нон — имон, жўра,
— Имон нима, эй одам?
— «Халқ душмани»дан сўра!..

* * *

Тушимга киради Қодирий бобом:
Болам, оқибатинг йўқ экан, болам...

Бўлса агар менинг гўримни топ, дер,
Келиб очиқ қолган кўзимни ёп, дер.

Ҳаммамизга қабр бир жойдан тегди —
Бари боболаринг ёнимда, дейди.

Қабрлар қабрга бирлашиб кетган,
Қўллар бўйинларга чирмашиб кетган,
Бамисли шохдан дув тўкилган бодом —
Ётар бепоён майдон тўла одам...

Рутубатли Шимол ўрмонларида
Қайинлар ҳўнграб қуёшни уйғотар.
Қаранг, Чўлпонингиз сўнгги маконида
Бекасам чопонин ёпиниб ётар.

Ётар алпқоматли баҳодирлар қатор,
Усмонлар,
Қодирлар,
Шокирлар ётар,
Ётар Абдуллолар,
Ётар Аҳмадлар,
Худо раҳмат қилгур, худо раҳматлар...

Уларнинг саноғи юлдуздан ҳам кўп,
Юртим, дилбандингдир ҳар гиёҳ, ҳар чўп,
Фидоларинг бўлган фарзандларингдир,
Номдору номсизин хоки пойин ўп!..

1988 йил

Худбинга

Ким-кимга соҳиби санжарман дейди,
Сим-симга мақтаниб — ханжарман дейди,
Қумурсқа ҳам ўзин аждарман дейди,
Мен нима ҳам дердим.

Бол берган қўлингга найзасин санча,
Қилган яхшилигинг билмаган қанча,
Оқилларин талар қанча тирранча,
Мен нима ҳам дердим.

Имон йўқ гўшада эҳром қайдадир,
Қалбга таскин қайда, ором қайдадир,
Магар жондан кечгин, нима фойдадир?..
Мен нима ҳам дердим.

Менинг ёзганларим шунчаки ҳавас,
Менга дилим пошшо — шеърларим эмас,

Шоир — сен, десам ҳам, қуймасанг, нокас,
Мен нима ҳам дердим.

Отамдан қолмаган бу назми сўлғин,
Мен боғда гул эмас — тоғдаги юлғун!
Қўлингдан келса бор, Навоий бўлгин!..
Мен нима ҳам дердим.

1994

Ўғрилик

Юпқагина тўним бор эди.
Осилишиб қўймади, ечдим,
Таъна дебон тўнимдан кечдим.
Тўним-ку кенг, замон тор эди...

Дўппим отамдан ёдгор эди —
Сандиқларга отдим уни мен,
Икки пулга сотдим уни мен,
Дўппим янги, замон тор эди.

Беқалбу бенаволар неча
Оёқ товушидан тош қотдим.
Сумалагим қайнаган кеча
Итдек қозон қўриқлаб ётдим...

Бемажолу бемадор эди —
Қўшнимдан ҳол сўролганим йўқ.
Мозорига боролганим йўқ...
Замон ёмон, замон тор эди.

Хўш энди-чи дерсиз, нима ғов?
Дўппи бошга ўрнашмагандек,
Тўним энди ярашмагандек,
Кийсам кулаётгандек биров!..

1991

Кокилинг

Момом ўриб ўтган соч,
Ўсиб товон ўпган соч,
Ўсиб товон ўпганда,
Йиғлаб-йиғлаб кетган соч...
Кокилинг ким кесди ёр?

Она урфдан ким тонар,
Бағри дилим ўртанар,
Тошга айтсам тўлғонар,
Сувга айтсам сув ёнар,
Кокилинг ким кесди ёр?

Турмасмиди солланиб,
Елкангда турнақатор,
Кокилингни кесган ул
Қўлларингда қасдим бор,
Кокилинг ким кесди ёр?..

Кокилинг ким кесди ёр,
Севгим йўлин тўсди, ёр,
Менинг кўнглим чўктириб,
Кимнинг кўнгли ўсди ёр?!
Кокилинг ким кесди ёр!

1987

Ўн саккизга кирган қиз

Бахтинг бошинг бошингда,
Ой ухлайди қошингда.
Осмонларда юрган қиз –
Ўн саккизга кирган қиз.

Киприкми бу найзами,
Янги чиққан майсами,
Анбари уфурган қиз –
Ўн саккизга кирган қиз.

Боққа чиқса оқшомлар,
Изларини шабнамлар
Кўзларига сурган қиз,
Ўн саккизга кирган қиз.

Сабо силаб сочини
Қирқ жуфт қалдирғочини
Қирқ ёнга учирган қиз,
Ўн саккизга кирган қиз...

Ўн саккизга кирган қиз –
Баҳор билан топишиб,
Ёмғир билан ўпишиб,
Хаёл билан юрган қиз,
Ўн саккизга кирган қиз!

1994

Шоирлар

Шоирлар — куйган кўнгиллар ноласи,
Ғариб оналарнинг ғариб боласи.

Жами буюкларнинг буюги улар,
Жами бечоралар ҳам бечораси...

Шоирлар — оҳулар ўтлар даласи,
Дардли кўнгилларнинг дардли қалъаси.

Улар гоҳ бир оғиз ширин сўз қули,
Гоҳ дунёни олар бир ибораси.

Улар кулбасидан дўзах бир қадам,
Жаннат улар икки қошин ораси...

1998

* * *

Баҳорим ўрнини кузлар,
Олар бир кун, олар бир кун,
Бу шўх кўзлар, бу чўғ юзлар,
Сўлғин тортиб қолар бир кун...

Қиров босгач бу бошимни,
Ким англар кўзда ёшимни,
Булут тўсгай қуёшимни,
Шомим ботиб қолар бир кун.

Жавоб айлаб сўроғига,
Кирсам мен жаннат боғига,

Ҳурлар юр деб, ётоғига,
Қўлдан тортиб қолар бир кун...

Парилардан ўзинг кўркам,
Кўнглим-ку сен билан, эркам,
Аммо ортга қарай десам,
Бўйним қотиб қолар бир кун!

1994

Шаҳарлик

Ерда юрганим йўқ,
Кўкда учяман.
Тунлар севгилим деб,
Тутун қучяман.
Мен гул узганим йўқ —
Йиққаним оғу,
Мен сув ичганим йўқ —
Заҳар ичяман...

Ўзимники эмас,
Ўз уйим томи.
Қизил керосингул,
Кўчамнинг номи.
Бир том,
Бир дарвоза
Битта деворман,
Қўшним ичган кеча
Мен ҳам бедорман.

Кўчага чопаман,
Ичим ёнади,

Кеча қаймоқ ялаб,
Тишим қонади.
Портловчи моддага
Ўхшар олмалар,
Ўрик еб, ўрикка
Ким ишонади?..

Қани, нокингиздан
Тортинг отахон,
Кўзим хиралашган,
Юрагим ёмон.
Қорагилосми бу
Растангиздаги,
Ёки жигаримдан
Оқаётган қон?!

Кўкда учоқ учса,
Товоним титрар.
Тушимга қизлармас —
Кирар гибридлар.
Шундай узун қўлим
Қошимга етмас,
Шундай катта бурним
Билмайди ҳидлар.

Барча хислатимни
Санаб ўтирмай,
Бир кун яшолмайман
Ёлғон гапирмай.
Йигирманчи аср,
Гапир-чи, иним,
Наҳот хушомадсиз
Ўтмаса куним?..

Бокиб сувдан заҳил
Далаларимга,
Кўмиламан унсиз
Нолаларимга.
Мен-ку ўттиздаёқ
Не бўлсам бўлдим,
Аммо ачинаман
Болаларимга...

Тараққиёт!
Тошдан ясаб бўлсайди,
Юракни темирдан ясаб бўлсайди.
Қанийди, ўкинч не, билмаса кўнгил,
Қанийди, шеър ёзмай яшаб бўлсайди.

1987

Шабнам

Ўриклар гулини тўкканда баҳор,
Мени ҳам гоҳида эслайсизми, ёр,
Илинганим борми сизга илиқлик,
Ё топган-тутганим эдими озор?
Мен эса сизни ҳеч унутолмадим,
О, юзи ҳилолим, сарвиқоматим...

Сизни асрар эдим саболардан ҳам,
Булут етаклаган ҳаволардан ҳам.
Изсиз қай бағирга кетдингиз сингиб,
Йигит йилларимга томган эй шабнам?..
Омадим йўқ менинг, ўзи омадим,
О, юзи ҳилолим, сарвиқоматим.

Мен гулзор айланган парвона эдим,
Бир чечак ишқида мастона эдим,
Ўзим айвон, ўзим остона эдим,
Ҳозирча дўстона, дўстона дедим...
Нега юрагимга қулоқ солмадим,
О, юзи ҳилолим, сарвиқоматим.

Энди кўнгил менга айтмасу сирин,
Кечалар хўрсиниб яшар яширин.
Йигит йилларимга томган эй шабнам,
Ҳаёт қандай аччиқ, хаёл эса ширин!..
Бўлди. Бундан бошқа ёза олмадим,
О, юзи ҳилолим, сарвиқоматим...

1978

Бешинчи ўғил

Етмиш юлдуз ёғилиб,
Ярим ойча тўлолмас,
Етти янга йиғилиб,
Битта она бўлолмас,
Она тирик эшикка
Ғурбат яқин йўлолмас,
Менинг эса, бағрим қон,
Вайронаман, Онажон...

Гарчи биз ёш, ғўр эдик,
Сиз бор — биз ҳам зўр эдик,
Бир майизни беш ўғил
Тенг бўлишиб ер эдик,
Гоҳ талашсак, ҳақ сўзни

Онам айтсин дер эдик,
Тушми энди у замон,
Ҳайронаман, Онажон...

Тирик юрса волиданг
Тоққа кучинг етаркан,
Онанг ўлса, бошингдан
Офтоб ўтиб кетаркан,
Жиндеккина алам ҳам
Тоғдек ботиб кетаркан,
Кўксим тўла минг армон,
Тўлғонаман, Онажон.

Онасиз уй — ойсиз тун
Экан энди ўйласам,
Қалбни ўртар дардларим,
Қай бирини сўйласам?
Сизсиз кучам бефайз,
Ҳаловат йўқ уйда ҳам,
Фариштаси тарк этган
Остонаман, Онажон.

Ўзинг учун ўл етим!..
Ўрда ҳам мен, қирда ҳам.
Кўйлагимда тугма йўқ,
Тугма бўлса, кир — ёқам.
Тўрт янгамга қўшилиб
Турткилайди тўрт оғам,
Ўз уйимда жонажон,
Бегонаман, Онажон.

Кўнгил ўзин тутинган
Бир меҳрибон қўмсайди,

Дунёда бир одамга
Сиринг айтиб бўлсайди,
Онасизни дўсти ҳам,
Душмани ҳам алдайди,
Айтинг ахир, мен кимга
Ишонаман, Онажон?..

Йўқлигингиз қадамда
Турар шундай билиниб,
Нон ёпмайсиз тонглари
Менга кулча илиниб,
Сарғаярман сарғайган
Расмингизга термулиб,
Зиё истаб зор қақшар
Парвонаман, Онажон...

Уй тўрида толбешик —
Акам ётган, мен ётган,
Шердек-шердек келбатли
Беш ўғилга асқатган,
Қайтиб кириб бўлсайди
Бўлардим жон деб қайтган!..
Мен бу жойни ҳаммадан
Қизғонаман, Онажон.

...Яшаяпман шарпадек
Сезилмай гоҳ, сезилиб.
Гоҳи кўкка интилиб,
Гоҳи ерга эгилиб,
Соғинганда шеър ёзиб
Юракларим эзилиб —
Эл ичра бир шоири
Девонаман, Онажон. *1998*

Ўғил бўлсанг...

Отам ўгити

Ўғил бўлсанг ўжар бўл,
Шамолдек ел, сувдек тош,
Ҳеч кимсага букма бош
Ўрткесар бўл, қайсар бўл,
Олов бизга қариндош —
Ўғил бўлсанг ўжар бўл!..

Ўғил бўлсанг ўжар бўл:
Туғилдингми демак ён,
Шоҳ қўлида занглаган
Қилич бўлма ҳеч қачон.
Ундан кўра битта мард
Қул қўлида ханжар бўл!..

Ўғил бўлсанг ўжар бўл,
Қолган бари сафсата.
Эркинг учун, эл учун
Номусингга навкар бўл.

Етар, бир бор юртингни
Биз бой бердик гап сота...
Агар айтсанг қўлимдан
Келмас бу иш, йўқ, ота,
Ўзим сени ўлдирай
Туғилганинг лаҳзада!..

Нечун...

Бегижон акамга

Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен —
Шу юртда туғилдим, шу юртда ўсдим,
Агар дўстим бўлса, битта у дўстим —
Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен!..

Шу азиз тупроқдир, шу қадим қўрғон,
Дунёга Бобурдек шоҳларни берган,
Моҳларойимларнинг сочларин ўрган...
Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен.

Ёдимга ўт тушсин, этмасам ёдлар —
Дукчи эшонлари қилгай фарёдлар,
Уни тавоф этган Машрабдек зотлар,
Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен.

Сайлаб юрт ажратмоқ феълимга йироқ,
Бухор минорлари кўнглим этар тоғ,
Менга Самарқанд ҳам азиздир, бироқ
Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен.

Гарчи менга зулмат унингсиз олам,
Мен борманми-йўқми унга нима ғам,
Майли, яхши кунда эсламаса ҳам,
Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен!..

Тупроғи жаннатдек қилгувчи ғамза
Мен ўша ям-яшил водийдан майса.
Минг жоним садаға битта жилмайса —
Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен.

Мени оқибатсиз билма, эй ғаним,
Орсиз ортимда тўй қилма, эй ғаним.
Айбим — йўқлаганда боролмаганим,
Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен.

Ўлмасам ёруғ юз, юзларга кириб,
Эмаклаб борарман мажолим қуриб,
Ўлсам ҳам ҳар кун бир гўримдан туриб,
Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен!..

Бой қизи

Бой бувамнинг они бор,
Онин тўла тоши бор.
Бой қизининг биз ғариб
Қул билан на иши бор...

Қиёматда қулга юз
Ўгирмайди бой қизи.
Ўсма ўнган қошидан
Ўнтирмайди бой қизи.

Ўнтирса ҳам ўнмасман,
Ўнсам қадрим йиғлайди.
Бойга сиринг бой берма,
Бойда вафо бўлмайди!..

Бой қизини узатдим,
Бойваччасин кузатдим.
Кетаман деб у айтди,
Кетавер деб мен айтдим.

Зорим бору зўрим йўқ,
Кетса майли, ёр кетсин,
Камбағални қамбағал
Суйганига не етсин! *1998*

Қизлархон

Қизлархоним қизларнинг сарасидан,
Муччи олсам қошларин орасидан.
Аразласа айланай аразидан –
Қизлархоним қизларнинг сарасидан.

Қизлархоннинг доғида куйганим рост,
Ўндами ё ўн бирда суйганим рост.
Қулоғига айтишга бўйим етмай,
Қўлчасига қўл ташлаб қўйганим рост.

Қизлархон қизлигидан таниш эди,
Қайда кўрмай қилгани нолиш эди.
Эринмайин эшитсам нолишини,
Билагимга тўпиғи болиш эди...

Қизлархоннинг қилиғи ҳам ёқарди,
Лабларин шаккари тил ёрарди.
Қўлим тегса қўлига кўзим тиниб,
Кокил ёйса, кокили гул тарарди.

Қизлархон деб не қиздан кечган эдим,
Ўлсам айрилмай деб оит ичган эдим.
Қизлархонни қизғаниб ўзимдан ҳам,
Ўпсам бир бор ўпиб ё қучган эдим...

Сабил севгим энди мен қайга қўмай?..
Кетиб қолди Қизлархон хайр демай.
Ёшликда кўнгил берган ёмон экан –
Ўндами ё ён бирда севмай ўлай!.. *1994*

* * *

Дарёдек чайқалиб, дарёдек тошиб,
Тўфондек тўхтамай умр ўтказдик.
Иззат илинжида мансаб талашиб,
Одамдек яшамай умр ўтказдик.

Топганимиз — гўзал қизлар нигоҳи,
Қилган ҳадямизнинг бўлмай адоғи,
Онаизоримиз қабрига гоҳи
Битта гул тўшамай умр ўтказдик.

Суйганни сийламоқ қўлдан келмади,
Суймасга суйканиб кўнгил тўлмади.
Дўст ҳолин сўрмоққа фурсат бўлмади,
Йўқладик-йўқламай умр ўтказдик.

Кимгадир илиниб олтин деворни,
Кимдандир қизғандик қишда ҳам қорни.
Қанотига кириб худобезорни,
Ночорни қўлламай умр ўтказдик.

Иблисни иним деб қучдик гоҳида,
Аршда арғимчоқлар учдик гоҳида.
Шайтон билан шароб ичдик гоҳида,
Ғафлатдан бўшамай умр ўтказдик...

Ўздан ўтганидан ўзимиз огоҳ,
Икки елка тўла бир дунё гуноҳ.
Насиб этгайми энди одамдек ўлмоқ?..
Одамдек яшамай умр ўтказдик.

1994

Дарё

Баҳодирга

Дарё қуйган эдим болам исмини,
У дарёга чўкиб кетди бир куни...
Аждар бўлиб сувлар ютди жисмини,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Билганимда қуймасдим ҳеч елкамдан,
Товончаси энди ерга текканда —
Сойнинг тоши болиш бўлди эркамга,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Қўлчаларин силкитиб у бемажол,
Йиғлаб-йиғлаб оқиб кетди эҳтимол,
Қирғоққа зор боқиб кетди эҳтимол,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Қонхўр дарё қаро қилди кундузим,
Кўзим нури ўша эди, ёлғизим,
Бу дунёда қолмади энди изим,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

От қўйганда нечун кўнглим сезмади:
Исми билан экан инсон қисмати!..

Ўз болам-ку ўз бағримда ўсмади,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Ўғлим десам ўртанади вужудим,
Сувни кўрсам сесканади вужудим!..
Қум устида қолди менинг умидим,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.
Дарё қуйган эдим болам исмини.

1994

Ҳинду кўшиғи

Чўчқа босиб кетди менинг боғимни,
Бири-биридан оқ, семиз чўчқалар.
Нон сўраб ялайди ҳаммаёғимни,
Ҳеч тўйдим демайди бу гўрсўхталар.

Ерларга юмалаб чинқирар хуррам,
Пайхон қилиб чаман гулзорларимни.
Бузади, тер тўкиб мен неки қурсам,
Кезади муқаддас мозорларимни.

Қандай олишайин чўчқалар билан,
Уларнинг аждарлар билан эти бир.
Уларнинг туси бир бочкалар билан,
Уларнинг калласи билан кети бир!..

Чўчқа босиб кетди менинг боғимни,
Бири-биридан оқ семиз чўчқалар.
Куппаклардай талаб ҳаммаёғимни,
Ҳеч тўйдим демайди бу гўрсўхталар.

Бечора махлуқ деб раҳмим келганди,
Ёмонлик йўқ эди асло дилимда.
Боғимни-ку вайрон қилганди, аммо
Хўриллаб гапир дер менинг тилимда.

Эвох, чўчқалардан безорман бу кун,
Алам гулханида ёнмоқда ичим.
Оллох, оллох, ўзинг бир чора қилгин,
Менинг чўчқаларга етмайди кучим.

1989

Малика

О, маликам, Сизга мўмин бир ёр бўлса,
Ҳар замонда бир қилсангиз иноятлар.
Изингизга сиғинмоққа тайёр бўлса,
Маъбудадек Сизга қилса ибодатлар!..

Қулдек Сизга содиқ бўлса абад-азал,
Эртакдаги Юсуфдан ҳам бўлса гўзал.
Айтса, фақат Сизга атаб айтса ғазал,
Сўйласа ҳам Сизга сўйлаб ривоятлар.

Қул бўлсаю билдирмаса, либоси зар,
Номуси йўқ, беномусдан қилса ҳазар.
Жим тингласа арзи нола қилсангиз гар,
Ўзи эса қилмаса ҳеч шикоятлар.

Бўйи баланд бўлса, унинг — қадри эмас,
Елкаси кенг бўлса фақат, сабри эмас.

Сиз бир дарё, у бўлса шу дарёда хас —
Измингизда сузса қилиб мақоматлар.

Бундан кўра Тоҳир оққан қути яхши,
Баъзиларнинг эргаштирган ити яхши.
Ошингиздан бияларнинг сути яхши,
Майли, бизга насиб этмаса шу қоматлар.

Севар эдим Сизни, энди суйиб нетдим,
Ёлғон севги етаклаган ерга етдим.
Хуш қолсинлар, шунчаки бир келдим-кетдим,
Маликага бўйсунмаган Муҳаммадлар!..

1977

Шоир

Ғариб деманг шоирни, ғариб,
Етти кўкка учиши мумкин.
Етти қават ерни ағдариб,
Сўзни — қиздек қучиши мумкин!..

Бутун эмас шоирнинг иони,
Шоирларнинг юраги бутун.
Қарзин узмай узилмас жони,
Ҳаққини унутиши мумкин.

Дардин тилга кўчирмас шоир,
Шоир дардин ютиши мумкин.
Хеч кимни зор куттирмас шоир,
Шоир юз йил кутиши мумкин.

Шоир агар суйса бировни,
Севилмаса — суяр севгисин.
Ёрга ўзи топиб куёвни,
Тўйда ўйин тушиши мумкин...

Ҳеч кимсага ўхшатмас шоир,
Бир севганин юракдан лекин.
Кўзёшини кўрсатмас шоир —
Шоир фақат... «ичиши» мумкин!

1998

Мингтепа қўшиғи

Ҳар кимса ҳам от қўйсин ўз узлатига,
Ҳар кимга ўз уйи азиз томи билан.
Зўр қилмасин бировнинг «марҳамат»ига —
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Эркли элда эркадир ҳар жони муслим,
Ҳар юртнинг ўз эли муслим, жони муслим.
Ҳар келгинди келса ўзгармасин исмим,
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Қандай алам отимизни қўйса ёвлар,
Марғилонлар қаердаю Горчаковлар?..
Бизни азал буколмаган бу синовлар,
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Унутми ё бу гўшада оққан қонлар,
Бешигида чирқиллаган болажонлар,
Қўзғолонлар нега бўлди, қўзғолонлар?..
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Соғинчлар-ку, санчиқ бўлиб ботар жонга,
Муштоқман-у, боргим келмас Андижонга.
Борсам кўзим тушгай тағин бир майдонга —
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

Ҳар ким ўзи куйсин от ўз неъматига,
Мард ястанмас номардларнинг наматига,
Ҳеч бўлмаса Дукчи эшон ҳурматига
Мингтепани атайлик ўз номи билан.

1994

Насиба

Кун тегмаган бўйнингизда тилла маржон,
Қақшатдингиз қошингизни суза-суза.
Ай, бировнинг насибаси — Насибажон,
Ажралишдик, энди қандоқ қилавуза...

Нима бўлса бўлди энди, эй жонажон,
Пешонадан кўрамиз-да, пешонадан.
Хаёл билан йўлга чиқиб Фарғонадан,
Кўчангизга ҳар куни бир келавуза...

Гуноҳ бизда, нолиш йўқ Сиз Гулойимдан,
Ғиштлар кўчган кумдан қурган бинойимдан.
Энгак қучиб, энди фақат Худойимдан
Бизга тўзим, Сизга умр тилавуза...

Ёр дегани ёнингда юрса куйманиб,
Суймасанг ҳам қолар экансан ўрганиб.
Фақат ҳануз Тошкан деса жон ўртаниб,
Билдирмасдан тунлар йиғлаб олавуза...

Йиллар йўнар, йиллар кўмар дилда дардни,
Ранги кетар ҳар қандайин муҳаббатни.

Унутгансиз сиз албатта Муҳаммадни
Бунисини ўзувузам билавуза!

Кун тегмаган бўйнингизда тилла маржон,
Қақшатдингиз қошларингиз суза-суза.
Ай, бировнинг насибаси, Насибажон,
Ажралишдик, энди қандоқ қилавуза... *1994*

* * *

Менсиз ҳам кунларинг ўтмоқда, эркам,
Қайга қўл узатсанг етмоқда, эркам,
Юришларинг қайси маликадан кам,
Фақат қийин бўлди шўрлик юракка...

Менинг ҳам ҳажрингда ёнганим ёлғон,
Яшарман ўзимча, саройда султон.
Гўёки йўқ мендан бахтли бир инсон,
Зўрлик бўлса бўлди зўрлик юракка.

Энди кўришиб ҳам кўришмасмиз биз,
Гўё мен ёт йигит, сен бегона қиз,
На қўллар титрамас, на қизармас юз,
Эвоҳ, бу қандайин хўрлик юракка!..

Қошинг ўсма ўпсин, кўзингни сурма,
Буни тақдир дерлар, ёр, лабни бурма,
Эслама, эслатиб тушимга кирма,
Жонимни ришталаб минг бир бўлакка.

Гарчи бўлмасам ҳам у кун тўйингда,
Ёнингда ёру мен бўлдим ўйингда,
Алпомиш ўғиллар ўстир уйингда,
Муҳаммадинг қурбон шу бир тилакка! *1974*

Ҳайрат

Тасма-тасма тарихинг
Тугамас ёзган билан.
Кўшкингу кўркингни кўз
Илғамас ёзган билан,
Ҳар миноринг ости минг
Игнада қазган билан...
Сен ўзинг айт, Онажон,
Сен ўзинг айтгил, Ватан,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,
Аслингга қайтгил, Ватан.

Мени билганим бекор,
Мени ёзганим хато,
Мукка тушган мўйсафид —
Тангритоғ берсин садо:
Сенда барча бир мўмин,
Тенг эди шоҳу гадо,
Ҳар санам — Момо Ҳаво.
Ҳар одам — Одам Ато...
Сен ўзинг айт, Онажон,
Сен ўзинг айтгил, Ватан,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,
Аслингга қайтгил, Ватан.

Қани ул, ҳар пок лафзи бир:
Ҳикмат улашганларинг,
Этагин бир ўпгали
Осмон энгашганларинг,
Тошга жон этиб ато,
Сув-ла борса Каъбага,
Ортидан эргашганларинг?

Сен ўзинг айт, Онажон,
Сен ўзинг айтгил, Ватан,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,
Аслингга қайтгил, Ватан.

Турфа бу дунёни қўй,
Кўхна у дунёни айт,
Жонни жон айлар руҳу
Руҳдаги зиёдан айт.
Дуру гавҳарин териб,
Шомдан айт, Румодан айт,
Яссавий бободан айт,
Нажмиддин Кубродан айт.
Сен ўзинг айт, Онажон,
Сен ўзинг айтгил, Ватан,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,
Аслингга қайтгил, Ватан.

Кўрсин у сўқир тарих
Титган ҳар махмадона,
Бўйрангнинг этагидан
Тўкилмиш бор анъана.
Темурнинг жилмайгани –
Ўттиз элда тантана,
Алишерга бўйи тенг
Алишер қайда яна?..
Сен ўзинг айт, Онажон,
Сен ўзинг, айтгил, Ватан,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,
Аслингга қайтгил, Ватан.

Етти иқлимни кезиб,
Ризқ тўкиб абад-азал,

Зоҳиринг сувдай тиниқ,
Ботининг — зарбулмасал.
Тонганинг орият-у
Сочганинг — Тожмаҳал...
Сен ўзинг айт, Онажон,
Сен ўзинг айтгил, Ватан,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,
Аслингга қайтгил, Ватан.

Барига ўзинг паноҳ,
Баридан ўзинг воқиф.
Бири — шайх, бири — нақиб.[1]
Эл десанг, элдай соҳиб,
Кел десанг, келгай оқиб.
Эгнига тўнлар ёниб,
Белга белбоғин тақиб...
Сен ўзинг айт, Онажон,
Сен ўзинг айтгил, Ватан,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,
Аслингга қайтгил, Ватан.

Аслингга қайтгил фақат,
Ортга қайтмоқ бўлмасин.
Айтгин-айтгин бу шараф,
Кўзингда нурлар сўнмасин,
Кўнглингда гуллар сўлмасин.
Сен ўзинг айт, Онажон,
Сен ўзинг айтгил, Ватан,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,
Аслингга қайтгил, Ватан.

[1] *Нақиб* — шайхнинг мурид танловчиси.

Бўлса ҳар кўксида ёл
Бир боланг йўлбарсюрак,
Қадди қошингда чўкиб,
Тоғ бўлур икки бўлак.
Бас, сенга жони фидо
Марди майдонлар керак,
Ботир ўғлонлар керак,
Қодир ўғлонлар керак...
Сен ўзинг айт, Онажон,
Сен ўзинг айтгил, Ватан,
Иншооллоҳ, иншооллоҳ,
Аслингга қайтгил, Ватан.

Мен нетиб шоир ўлай,
Бир қалам ўйнатмасам,
Жон қадар бир сўз сўраб,
Бир калом шеър айтмасам.
Дилни минг куйга солиб,
Жонни минг тебратмасам,
Майлими, Муҳаммадинг
Тонггача ухлатмасам?..
Сен ўзинг айт, Онажон,
Сен ўзинг айтгил, Ватан,
Иншооллоҳ, Иншооллоҳ,
Аслингга қайтгил, Ватан.

1991

Аллоҳ гўзал

Оразн гул, ҳусни ҳилол,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал.
Мутлақ камол, мутлақ жамол,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал...

Арш аркида султон ўзи,
Беайбу бенуқсон ўзи.
Пойига чўк, ул Зулжалол,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал...

Дийдори бир ширин умид,
Азал вужуд, абад вужуд.
Кимга аён, кимга хаёл,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал...

Наҳри зилол, бағри баҳор,
Гул чеҳра ёр, нур чеҳра ёр.
Оромижон, ошуфтаҳол,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал...

Тупроққа жон этмиш ато
Момо Ҳаво, Одам Ато.
Лойдан одам ясар кулол,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал...

Шоир тилак-таъбим ўшал,
Руҳим ўшал, Раббим ўшал,
Аллоҳу акбар, эй Билол,
Аллоҳ гўзал, Аллоҳ гўзал!..

1998

Ўзбек қизлари

Бу Момо Ҳаводан уларга одат:
Ушласа гул ушлар қўлини фақат,
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин
Ўпса фақат шамол ўпар юзларин.
Бу Момо Ҳаводан уларга одат:

Нозик белда қирқта кокили қават,
Силаса ёмғирлар силайди фақат,
Кўрса фақат осмон кўрар кўзларин —
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин.
Жилмайса нур ёғар гул ёноқлардан,
Сир яширар ҳатто қизғалдоқлардан.
Офтоб ботгандан сўнг хилват боғлардан,
Беҳуда изламанг сира изларин —
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин.
Кўнгли дарёдай кенг, меҳри улуғвор,
Дугонаси Ҳаё, синфдоши Ор.
Айтинг, фариштадан нима фарқи бор,
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин?..
Бардоши олдида тоғ — оддий тупроқ,
Улар этагидан жаннат бир қадам.
Беайб Парвардигор, дегандек бироқ
Йўқ эмас кичкина камчилиги ҳам.
Севади,
Куяди,
Қилади алам,
Дорга осинг, аммо айтмас бировга.
Айтмай севишини севганига ҳам,
Тегиб кетаверар бошқа куёвга! *1998*

Етим севгим

Етим севгим, ким силайди бошингни,
Ким тушунгай кўздан оққан ёшингни.
Қай чўлларда кезарсан сен сарғайиб,
Мулзамларсан тополмай сирдошингни.
Ҳориб чўксанг, чўккан жойинг чўғларми,
Ёнбошласанг ёқарму ёнбошингни.

Юпунгина юраркансан мунғайиб,
Кўриб тоғлар нурарму бардошингни...
Мен-ку, сени кўрмаганга оламан,
Танимайман, тер дейман бор, тошингни,
Чунки тушдай унутганман качонлар
Ўзингни ва ўша қаламқошингни...
Етим севгим, ким силайди бошингни? 1977

Хурсаной она

Катта даргоҳларнинг дарди ҳам катта,
Буни англаганлар англар, албатта.
Шоҳга суюмли ёр бўлиб ҳам ҳатто
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной она!..

Малика канчалар қайрилмақошдир,
Унга шунча куйган қўйинда тошдир,
Шоҳга хушомадгўй — унга кундошдир,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной она.

Бормаса юрт кутар, қандай кўз юмур,
Келмаса кўнгил ғаш, эт жимир-жимир,
Муҳтожлик кўрмай ҳам яшаб бир умр,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной она.

Подшонинг кўксида экан бошингиз,
Сизнинг кимингиз кўп — қариндошингиз.
Ким келди оққанда кўздан ёшингиз?..
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной она.

Кундуз кечган дўстни кўриб тутоқиб,
Кечалар эгасиз эҳромга боқиб,
Сочлари оқарган Илҳомга боқиб,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной она.

Кеча нодончалар қилишиб ҳузур,
Ҳайкалин тиклашиб, ҳайкалин бузиб,
Бугун бари келса, сўрашиб узр,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной она.

Ана, фариштангиз турди ҳам гўрдан,
Жойи тўрда эди — беришди тўрдан,
Сизда ҳам бор экан манглайда шўрдан,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной она.

У кун қабристонга бордим. Турдим тек,
Шоҳ ётар ёнида набира ҳам лек —
Худди Амир Темур билан Улуғбек...
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной она.

Бу дард етар Сизга ўла-ўлгунча,
Бардошингиз тоғдек бўлмаса бунча?
Ноланг ҳаққа етиб қайтиб келгунча,
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной она.

Шеърим ўқиб дерсиз, сенга нима ғам?
Умримда бир сизни кўрмаганман ҳам.
Кимда ғам кўп бўлса — у менинг онам!..
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной она.

1984

Гдлян

Алпомиш Чамбилда,
Гўрўғли гўрда,
Ҳақиқат бешикда ухларди қотиб.
Бир жом олтин сўраб,
Қилич ўйнатиб,
Кириб келди қашшоқ ўзбек ерига —

Тельман Хореонович... Берия!..
Уйинг куйди ўзбек,
Шўринг қуриди.
Пойгагинг қуриди,
Тўринг қуриди.
Деҳқонинг,
Чўпонинг —
Пахта чопонинг,
Ортингдаги ҳамма зўринг қуриди.
Отангни сотишса, изламадинг ҳам,
Болангни отишса, йиғламадинг ҳам.
Йиғласанг ҳам пахта териб йиғладинг,
Қотилга тонганинг бериб йиғладинг...
Элим, деб ким куйса —
Бари қамалди,
Кимки ерин суйса —
Бари қамалди.
Жаллоднинг ғазнаси тўлгунча зарга,
Сенинг бўз кўйлагинг минг бор ямалди.
Эй, сен содда халқим,
Ғамбода халқим,
Сен бир кун тинган кун олам оч қолар.
Сен бир кетмон урган далангда дунё
Юз йил ётиб еса етгай бож қолар.
Сенинг поклигингга шубҳа қилмасман,
Мен сени билмасам гар — уғилмасман.
Фақат бошинг чиқмас мудом меҳнатдан,
Фақат тилинг қачон чиқар, билмасман!..
Алпомиш эртакда,
Гўрўғли гўрда,
Тўмарис бешикда ухларди қотиб.
Бир қон олтин сўраб қилич ўйнатиб
Кириб келди мўмин ўзбек ерига —
Тельман Хореонович... Берия.

1991

Тилло сандиқ

Баланд жардан ташланди,
Тилло сандиқ дарёга.
Ёрингман деб юзланди,
Қоработир Зуҳрога.
Тоҳир эмас, бағри хун,
Оқиб кетди муҳаббат.
Бу дунёга этагин
Қоқиб кетди муҳаббат...
Қайсни қувғин қилишди,
Ул ошиғи шайдони.
Эрмак қилиб кулишди,
Қон йиғлаган Лайлони.
Мажнун эмас, саҳрода,
Сарсон бўлди муҳаббат.
Икки кўзи самода,
Ҳайрон бўлди муҳаббат.
Афсона бўлди, ёҳу,
Армон бўлди муҳаббат.
Одамдан безган оҳу,
Жайрон бўлди муҳаббат.

1992

Кумуш

Марғилонда Кумушни кўрдим,
Кўзига ёш тўлиб турибди.
Сочларини майдалаб ўриб,
Отабекни излаб юрибди.

Тонгда туриб қалам қошига
Усма қуйган экан — қурибди.

Кўздан оққан аччиқ ёшига,
Усмасини ювиб турибди...

Мени бир уй қийнайди ёмон,
Яна юрак ўйнади ёмон.
Қуйвор замин, қуйвор осмон,
Мен уйимга етаман қачон?

Учиб келдим уйимга омон,
Бешёғочда гуллабди ўрик...
Тошкентга қиз берма, Марғилон —
Қодирий йўқ. Зайнаблар тирик.

1987

Қадаҳсўз

Офтобсан, сендан
Бир сояман, Ота.
Сочии оқ, бағримни
эса босар ғам.
Она, сенга нафим
тегмади ҳатто,
Остонанг қўриган
кучугингча ҳам.
Содиқ ўшал итни
дўстдек қучарман,
Мен бугун кучуклар
учун ичарман!..

Оламдан уйингга
бўйладим, иним,
Ушоқ жонингда хеч
кўрмадим тиним.

Ҳолинг не кечгани
хаёлимда йўқ,
Мен фақат ўзимни
ўйладим, иним.
Акалик тўнини энди
ечарман,
Мен бугун кичиклар
учун ичарман!..
Сочига толпопук —
тож илганларим,
Ғунчадек иймаңиб
очилганларим.
Бир уйда туғилиб,
ўсганим ўшал,
Дунёга бодроқдек
сочилганларим —
Сингиллар —
суюклар учун ичарман.
Беозор кийиклар учун ичарман!..
Майли, ёқмаганим, майли ёққаним,
Майли, хоҳ дўст бўлсин, майли хоҳ ғаним.
Дилида дард борки, бошида ғавғо,
Таниганларим-у, танимаганим,
Мен бугун барини бир-бир қучарман,
Юраги куюклар учун ичарман!..

Гарчи содда байтим, гарчи тўпори,
Кўнглимдан тўкилган кўнглимда бори.
Майли, кутмаса ҳам куйимни ҳеч ким,
Майли, тутмаса ҳам шеърим хумори.
Мен-ку, ёздим ёзсам етганча дармон,
Эртанги буюклар учун ичарман!..

1998

Миш-миш

Майда миш-мишлардан зирқирар товон,
Унганмиз-ку, асли битта тупроқдан.
У куни шеъримни тинглаб, бир нодон
Мени мақтаб қуйди: фалон қишлоқдан.

Шу бир сўздан туйган ҳузурни кўрсангиз,
Гўё ойни узиб олган бу одам.
Бундайлар учраса, юртин сўрсангиз,
Маҳалласин айтар Африкада ҳам.

Айтинг, хафа бўлай мен яна кимдан?
Биров давлат қурар, биров уй тиклар.
Асли бир халқлигин билар-у, зимдан
Нечун, бир-бировин кўролмас улар.

Битта дайрародан бир тушган кема,
Бир қирғоқ ер, бир кун сузишдан толсанг.
Биродар, бунчалар гердайдинг, нахот,
«Ўзгани шер билган», наклин билмасанг?

Бўлинган бўлиснинг ўчгай чироғи,
Ортга бир қайрилинг, мингта қиёс-ку.
Тупга тутган куни Тошкентни ёғий,
Амир Нодирани сўйгани рост-ку...

Унган жойимга-ку, қуллуғим бисёр,
Соғинч тўла дилим айлар минг фахр.
Аммо бошим силар битта Ватан бор,
Мен ҳам унинг битта ўғлиман, ахир.

Уйим узаймоқда улғайган сарим,
Кенгроқ бўлсак, дейман бу кенг дунёда.

Фарғонада бўлса ярим жигарим,
Жигаримнинг ярми Сурхондарёда.

Бахмал бўлагига мунчоқ қадалган,
Бир олтин бешикда ўсган ўзбекмиз.
Бир пайтлар Жайҳун ва Сайҳун аталган
Икки қош остида бир жуфт кўздекмиз...

Майда миш-мишлардан битта безган — мен,
Занглаган ханжардек ўтди у жондан,
Танишиб қўяйлик, Шеърни ёзган мен —
Муҳаммад ЮСУФман,
ЎЗБЕКИСТОНДАН!..

1994

Оқ қўчқор

Беканг мендан сўрамай
Пойимга қурбон қилди.
Жавдираган кўзларинг
Юрагимни қон қилди.
Оқ қўчқорим, оқ қўчқор,
Олдингда гуноҳим бор...
Олмос ханжар ялтираб,
Тўсиб қўйди қуёшни.
Кўрдим умримда илк бор
Қонга томган кўзёшни.
Қараб турдим сесканмай,
Кечир, мен бағритошни...
Оқ қўчқорим, оқ қўчқор,
Олдингда гуноҳим бор.
Наҳот кўзёш кўргали,
Мен шунчалар йўл босдим?
Жонворим, мен бунчалар

Иззатталаб эмасдим,
Мен келсам, сен кетишинг
Билганимда келмасдим...
Оқ қўчқорим, оқ қўчқор,
Олдингда гуноҳим бор.
Бекалар шу: гоҳ суйиб,
Гоҳ куйдириб ўтарлар,
Қизлигида ўзларин
Маликадек тутарлар.
Сўнг оёғинг остига
Қўчқор сўйиб кутарлар.
Оқ қўчқорим, оқ қўчқор,
Олдингда гуноҳим бор...
Бу ҳовлига энди мен
Сира қайтиб келмайман,
Қўчқорини қийнаган
Бекаларни севмайман,
Ўзим қўчқор шоирман,
Қўчқор гўштин емайман!..
Оқ қўчқорим, оқ қўчқор,
Олдингда гуноҳим бор. *1998*

Рафиқамга

Гулим, сени гулдай асрай олмадим,
Суйиб, сийлолмаган султонинг бўлдим.
Меҳрингни меҳрим-ла оқлай олмадим,
Нетай сен яхши, мен ёмонинг бўлдим...
Дорга осгил мени, дорингга шукур,
Борингга шукурлар, борингга шукур.

Муҳаббат кўшкида сен киму мен ким,
Сени гоҳ йўқситиб не топди дилим.

Юзингдан ўпайми энди энтикиб,
Кўзингдан ўпайми, азиз севгилим...
Сенсиз қайда қалбга ҳаловат-ҳузур,
Борингга шукурлар, борингга шукур.

Тегирмон юрганда тош бошларимда,
Жоним жон сақлади бардошларингда.
Довуллар бағримни қақшатган дамлар,
Музларим эриди оташларингда...
Қўлимга кўтариб кўргазай меҳр,
Борингга шукурлар, борингга шукур.

Ҳолбуки, тўрттала томоним ўзинг,
Осмоним ёритган тобоним ўзинг.
Дилимнинг тўрида авайлаганим,
Энг ёруғ орзуим, армоним ўзинг...
Сени йўлиқтирди ҳазрати Хизр,
Борингга шукурлар, борингга шукур.

Юракдан раҳматлар айтмайин нечун,
Ортимдаги нурли изларим учун.
Шеърларимга берган ҳайрат ҳисларим —
Ўғилга алишмас қизларим учун...
Меҳрибоним, сенга айтарим шудир —
Борингга шукурлар, борингга шукур.

Ойдиним, кўнгилда бир кўшк безайлик,
Гулим, юр, дилим, юр, гулзор кезайлик.
Биз энди туйсак ҳам висолдан туйиб,
Биз энди безсак ҳам — бахтдан безайлик...
Муҳаммад қадрига етмаган эй ҳур —
Борингга шукурлар, борингга шукур.

1998

Тошкент

Офтоб туғилади сенинг қароғингда
Тошкент, оқшоминг-да фусункор.
Ҳар бир кўчанг,
Ҳар бир япроғингда
Қодирийнинг ўйчан руҳи бор.

Меҳмондўст деб кимлар таъриф қилмаган,
Ҳамма мақтовларнинг ўзинг адогисан.
Тошкент, сен миннатни билмаган устоз,
Ойбек нигоҳисан,
Ойбек қучоғисан.

Анҳор бўйларида қумрилар ўйнар,
Шоир Ғафур Ғулом билган қумрилар.
Икки минг йил аввал Сағбонни излаб,
Ҳиндистонни ташлаб келган қумрилар...

Тошкент,
Она шаҳар,
Беҳад, бепоён –
Ўзбекистондаги энг баланд терак.
Аниқ таърифингни қилмоққа баён
Улкан юрак керак,
Улкан-ан юрак керак!

Сенинг кўзларингга термулиб юриб
Қўшиқлар сўрайман — мен ҳам бир ўғлинг.
Тошкент,
Эй, миннатни билмаган устоз,
Бир умр тушмасин елкамдан қўлинг...

1995

Саид Аҳмад

Йил бўшатар йилга навбатни,
Чархпалаги айланади арш.
Саидасиз Саид Аҳмадни
Фаришталар айлар парвариш.
Чорбоғ кезар чол, маъюс аммо,
Нимадир қўмсаб, ахтариб.
Қайлардасиз Саида момо,
Сизсиз бу кун боғлар ҳам, ғариб!..
Йўлчаларда йўлга эгилар,
Сувлар тиниб қолар сукутда.
Саидани сўраб беҳилар
Йиғлаб ётар ер билан битта.
Кетар кейин дарди бир тугун,
Йиғлай деса тушунмас даҳа.
Кулай деса, ўзидан олдин
Ажинлари отар қаҳқаҳа.
Бошига тош ёғилса агар,
Билдирмайди бу метин одам.
Ҳамма хурсанд, ўзи зеркар,
Латифалар айтганида ҳам.
Йил бўшатар йилга навбатни,
Чархпалаги айланади арш.
Саидасиз Саид Аҳмадни
Фаришталар айлар парвариш.
У жилмаяр, кўзда ёш қалқиб,
Шивирлайди лаблари бесас:
Саидалар фаришта, балки
Фаришталар Саида эмас!..

1992

Муминжон

Мўмин сувчи
Ғўзага сув тараб юрар,
Иш пайти юракдан ишлаб,
Яйраб юрар.
Бўш пайти ғишт қуйишга ҳам
Яраб турар.
Қиш пайтида шийпонга ҳам
Қараб турар…

Мўмин деҳқон —
Далададир куни билан.
Ғўзасига
Парвонадир куни билан.
Офтоб таниш,
Танададир куни билан…
Шериклари
Панададир куни билан.
Шериклари —
Пихин ёрган маст туялар.
Шериклари —
Хачирдан ҳам паст туялар.
Мўминжондан кулишади:
Содда одам!..
Мўминжонни қилишади аскиялар.
Мўмин сувчи
Бир кун оғриб қолди, тавба,
Қорнин ушлаб
Уйига йўл олди зўрға.
Тут суяди,
Тол суяди,
Хотинининг олдига етволди зўрға…

Мўмин деҳқон.
Мўмин энди ногирон чол.
Кўзига тик қаролмайди Йўламатол!
Не бўлди, деб сўролмайди Йўламатол,
Мўмин — бутун Марҳаматга тирик савол!
Мўмин энди ғўзага сув тарамайди,
Иш пайти юракдан ишлаб яйрамайди.
Бўш пайти ғишт қуйишга ҳам ярамайди,
Қиш пайтида шийпонга ҳам қарамайди...

1987

Янги йил қўшиғи

Далангиз оппоқ қор остида қолди,
Деҳқонбобо, сиз ҳам энди тин олинг.
Қўлингиз қабарди, белингиз толди,
Деҳқонбобо, сиз ҳам энди тин олинг.

Баҳордан буён бир рағбатингиз йўқ,
Меҳнат қилдингизу миннатингиз йўқ.
Белни силарга ҳам фурсатингиз йўқ,
Деҳқонбобо, сиз ҳам энди тин олинг.

Осмонга туташди хирмонларингиз,
Офтобга илашди армонларингиз.
Қайтиб келгунича карвонларингиз,
Деҳқонбобо, сиз ҳам энди тин олинг!

Хоҳ Янги йилдир, хоҳ Наврўз сайлидир,
Барча байрам асли — Сиз туфайлидир,
Ёруғ олам асли сиз туфайлидир,
Деҳқонбобо, Сиз ҳам энди тин олинг...

Далангиз оппоқ қор остида қолди,
Деҳқонбобо, сиз ҳам энди тин олинг.
Қўлингиз қабарди, белингиз толди,
Деҳқонбобо, сиз ҳам энди тин олинг.

1991

Яхши бола

Хайрулла Саъдиевга

Боғчасига кеч қолмаса — яхши бола,
Мактабда «икки» олмаса — яхши бола.
Институтда курсда қолмаса — яхши бола,
Хеч кимга гап қайтармаса — яхши бола...

Билиб турса ҳам билмаса — яхши бола,
Кўриб турса ҳам кўрмаса — яхши бола,
Ходимга иш буюрмаса — яхши бола.
Бошлиқни танқид қилмаса — яхши бола.

Ўз бахтини ўйламаса — яхши бола,
Қиз бор уйга бўйламаса — яхши бола.
Куймаса-аччиғламаса — яхши бола,
Севганда қон йиғламаса — яхши бола.

Туҳматчига тик боқмаса — яхши бола,
Ёлғон тинглаб тутақмаса — яхши бола.
Қоғозбозга индамаса — яхши бола,
Порахўрни қийнамаса — яхши бола.

Яхши дейсиз яна қандай ўртоқларни?
Яхши дейсиз — гоҳида сиз қўрқоқларни!
Мен кўряпман майсадаги титроқларни,
Улар босиб келаверса ўтлоқларни.

Яхши бола. Яхши бола. Яхши бола.
Мен эса бир ёмон қайсар бахши бола.
Бундайларни кўргани ҳеч кўзим йўқдир,
Бундайларга айтадиган сўзим йўқдир.

Фақат сенга бир сўзим бор, доно халқим,
Фақат сенга бир тилак, эй Она халқим.
Ўғил кўрсанг у «шумболангдек» шўх бўлсин,
Кўзларида чақнаб турган бир чўғ бўлсин!

1987

Ўзбекнинг аёллари

Ухламайди тунлари,
Ой нурлари таралган.
Ўзбекнинг хотинлари
Фарзанд учун яралган.

Йилдан узун кунлари,
Ким кўнглини сўролган.
Ўзбекнинг хотинлари
Меҳнат учун яралган.

Қирқ йил қирғин бўлса ҳам,
Ўз аҳдида туролган.
Ўзбекнинг хотинлари
Тоқат учун яралган.

Ёт олдидан сал нари
Қачон кокил ўролган.
Ўзбекнинг хотинлари,
Иффат учун яралган...

Ўзбекнинг аёллари,
Ўзбекнинг хотинлари,
Сувдан ҳалол,
Гулдан пок,
Қўллари олтинлари,
Қай томонга бурса юз,
Йўллари олтинлари —
Иззат учун яралган! *1987*

Онамдан хат

Ўғлим, жигаргўшам, айтгин-чи, наҳот,
Ачинмайди жонинг онанг ҳолига.
Мени тўшакларга михлаб қўйди бод,
Келсанг бир кўрсаму... ўлсам, майлига.

Чакка ўтган эски томга ўхшайман,
Кўзимдан ёмғирлар тўкилар тинмай.
Бу ёруғ дунёда борми, билмайман,
Ўз ўғли йўлига интизор мендай...

Ҳайҳотдек ҳовлида қолдим бир ўзим,
Нима хаёлларга бормасман баъзан.
Соғмисан ишқилиб, қўрқаман, қўзим,
Подшолар ҳақида шеърлар ёзасан.

Ўйнашиб бўлармн шоҳлар билан, айт,
Қишлоқи жонингга шеърдан не ҳузур?
Зериксанг — бенoён яйловингга қайт,
Сиқилсанг — даштларда от чоптириб юр!

Фақат хаёлингдан чиқаргин шеърни,
(Кимгадир ёқмасмин чинми-ёлғонми),

Ахир, сен ёзмасанг ўша Бобурни,
Шоирнинг уруғи қуриб қолганми?..

Ўғлим, жигаргўшам, айтгин-чи наҳот,
Ачинмайди жонинг онанг ҳолига?
Мени тўшакларга михлаб қўйди бод,
Келиб бир кўтариб чиққин ҳовлига.

Қўлингда жон бериб ўлсам, майлига...

1989

Узримча

Боламдайин ширин эди кеча шеърим,
Видолашдим ҳали ёзиб улгурмайин.
Сизга етмай нобуд бўлди неча шеърим,
Биров йиртди, биров ёқди билдирмайин.

Олчоқлардан асролмадим боламни мен,
Кўзи юмуқ кетаверди билмай айбин.
Қайдин топай кезиб етти оламни мен,
Кимдин сўрай шеърларимнинг увол, ҳайфин?..

Ким билади, мен ҳам шоир эдим балки,
Тупроқ бўлиб ётар ерда қўшиқларим.
Юлдуз бўлиб турар балки кўкда балқиб,
Кўлга чўкиб кетмиш балки кўнгли ярим.

Не бўлса ҳам асролмадим, менда гуноҳ,
Боламдайин ширин эди кеча шеърим.
Биров йиртди, биров ёқди билдирмай, оҳ,
Сизни кўрмай нобуд бўлди неча шеърим!

1992

* * *

Меҳрим қаттиқ бўлди
Қаҳрим қаттиқ бўлди,
Насиҳатни эса олмадим.
Ҳарифим суюнди, дўстим куюнди,
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Осойиш ўтмади бирор-бир куним,
Талашиб-тортишиб толмадим.
«Оғирроқ бўл иним, сипороқ бўл иним...»
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Тенгимни билмасдан бир қизни суйдим,
Суйдим сира кулмай омадим.
«Шоҳона яшардик сўзимга кирса...»
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Қувроқ бўл дейишди, ёлғон ҳам керак,
Жиндек хушомад ҳам...
Қулоқ солмадим.
Оқни оппоқ кўрдим, қорани қора,
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Кўнглим сезар, энди бу ёғи аён,
Дўстларим... дўстларим, бахтли боламан:
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,
Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида
Ялпизга суяниб ўлиб қоламан!

1985

Эй жуфти ҳалолим

Бизни бировлардан не камимиз бор,
Эй жуфти ҳалолим, не ғамимиз бор.
Гарчи боғлар кезиб юрмадик бирга,
Эсласак арзирли хуш дамимиз бор...

Гарчи мен билан ҳеч йўқдай ишларинг,
Мен ҳақдадир ҳатто кўрган тушларинг.
Севдим демасанг ҳам севгинг изҳори —
Кўзинг тўла меҳр жилмайишларинг.

Меҳри садоқати сийму зар санам,
Мунглиғим, мунисим, муштипаргинам.
Парвонам сенсану бошимда мудом,
Қадрингга етмайин келганим алам.

Бир бор қош уймаган қалам қошлигим,
Сочингдаги оқлар — бағри тошлигим.
Бир ширин сўз айтмай, битта гул тутмай,
Сен гулни сўлдирди менинг ёшлигим.

Дардинг олай ёрим, айтгил дардингни,
Тоғлар кўтаролмас сенинг дардингни.
Севдим демасам ҳам севгим изҳори —
Умр ўртасида билдим қадрингни!..

Бизни бошқалардан не камимиз бор,
Эй жуфти ҳалолим, не ғамимиз бор.
Гарчи боғлар кезиб юрмадик бирга,
Эсласак арзирли хуш дамимиз бор...

1998

Кўзмунчоқ

Ойдинга

Мушфиқ қушдай муштипар,
Кўнгил сири пинҳонсан.
Шўринг қурсин сингилчам,
Ўз уйида меҳмонсан...

Омонатдир ота уй,
Бу хуш чоқлар омонат.
Қўлингдаги арзон шу
Кўзмунчоқлар омонат.

Ҳамма сенга қариндош –
Харидор узилмайди.
Кўнглингга ким ёқишин
Ҳатто, онанг билмайди.

Ўзим билан ўзим банд,
Ёнишларинг кўрмасман.
Аканг бўлиб мундоқ бир
Кўнглингни ҳам сўрмасман.

Сен кетарсан кўзга ёш,
Балдоқ тақиб қўлингга.
Ёдгор бўлиб қолади
Кўзмунчоғинг синглингга...

1998

Ўзингдан қуймасин, халқим

Қушдай учиб қучоғингдан дунё кездим,
Кезиб-кезиб топганларим соғинч бўлди.
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим,
Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди.
Айланайин қаро қошу кўзингдан-а,
Ўзингдан қуймасин, халқим, ўзингдан-а.

Биров учун species бировлар туш кўриб бермас,
Минпат қилмай бир боғ ўтин ўриб бермас.
Байрамингда ойлаб базм қилган каслар
Бошингга иш тушса туриб бермас.
Номус куйи тушмасин ҳеч бўғзингдан-а,
Ўзингдан қуймасин, халқим, ўзингдан-а.

Эрк водийси — заҳматларга сийловдир бу,
Той қоқилиб от бўлгувчи яйловдир бу,
Ранж чекмасанг нурли, нурли тонглар қайда,
Синовдир бу, балки буюк синовдир бу.
Бош кетса ҳам қайтма энди сўзингдан-а,
Ўзингдан қуймасин, халқим, ўзингдан-а.

Болдан ширин татир қора буғдойинг ҳам,
Ўзингдан бўлса гар шоҳу гадойинг ҳам.
Бир тану жон, бир-бирингдан рози юрсанг,
Худойим ҳам сендан рози, худойим ҳам.
Гоҳи инак, гоҳи яктак, бўзингдан-а,
Ўзингдан қуймасин, халқим, ўзингдан-а.

Эр бошига иш тушса ўт кечгувчидир,
Чидаймиз-да, бу заҳматлар ўткинчидир.

Хурлигинг ҳақ — қолган бари ўтаверсин,
Бу дунёда энг ёруғ бахт — эл тинчидир.
Айирмасин беминнат нон, тузингдан-а,
Ўзингдан қуймасин, халқим, ўзингдан-а.
1998

Лолақизғалдоқ

Шавкат Раҳмон хотирасига

Мендан нима қолар:
Икки мисра шеър,
Икки сандиқ китоб,
Бир уюм тупроқ.
Одамлар ортимдан
Нима деса дер,
Мен сени ўйлайман
Ўзимдан кўпроқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!

Мен кетсам, ёмондан
Йироқ бўл, оху,
Чунки сен чиройли,
Кўркли бир жувон.
Ёмон кунлар бир кун
Яхши бўлар-у,
Ёмон одам яхши
Бўлмас ҳеч қачон...
Яша чегарада
Тургандек огоҳ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Уйда ётибман-у,
Сезиб турибман,
Кўкда кетаётир
Қушлар қайтишиб.
Хайрлар ёғдириб
Қанотларидан,
Хаста шоирига
Видо айтишиб.
Бор, менинг учун ҳам
Уларга қўл қоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Уларни мен яна
Кўрарманми-а,
Айвондан одамдек
Кузатолмадим.
Куз. Тўйлар бошланди.
Юрагим пора —
Битта қизимни ҳам
Узатолмадим...
Демак, тақдир экан
Тўй кўрмай ўлмоқ,
Лола, лолагинам,
Лолақизғалдоқ.

Бироқ кўнглим сезар,
Мендан кейин ҳам,
Бир кун бу ҳовлига
Одам тўлади.
Ҳали тўйлар қилиб
Чарчайсан, эркам,
Менинг қизларим
Энг бахтли бўлади!

Келинлар куйлаги
Руҳимдай оппоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Гулим, яқинроқ кел,
Қара, не савдо,
Бу ажиб ишларни
Дил лавҳига ёз:
Кимга қаср етмас,
Кимга мол-дунё,
Менга эса ҲАВО
Етмайди, холос.
Тириклар мудроқда,
Ўликлар уйғоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Кўксим куйиб борар,
Кўкрак ёнмоқда,
Айтинг дўхтирларга,
Ёриша ёрсин!
Жисм ўз улфати —
Жондан тонмоқда.
Бечора жон энди
Қаерга борсин.
Энди осмон йироқ,
Энди ер юмшоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Буни ҳаёт дерлар,
Унутма асло,

Бир кун очиласан,
Бир кун сўласан.
Қалбимда-ку фақат
Сен эдинг танҳо,
Қабрим устида ҳам
Ўзинг бўласан.
Сен бизнинг севгидан
Хотира — байроқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Аёл қалбинг билан
Сув кеч, олов кеч,
Ғам келса бошингдан
Ҳушинг учмасин.
Худодан сўрадим:
Мендан кейин ҳеч,
Номард кимсаларга
Ишинг тушмасин.
Уларнинг қўлида
Ҳамиша тузоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Ишинг тушса, иним
Муҳаммадга бор,
Шоирлар ичида
Ишонганим шу.
Бироз ичишини
Айтмаса агар,
Кўкси гиниқ бола,
Ҳалол бола у.
Фақат сал соддароқ,

Фақат сал ёшроқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Жон сўнгги бошпана
Топаркан онгда,
У юрак остида
Дердим мен бўлсам.
Ажабланма агар
Эртага тонгда
Сени ўпиб, Ўшни
Қучоқлаб ўлсам!..
Ўтинчим — тепамда
Йиғлама узоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ! *1997*

Таваллуд

Қирқ йил...
Қанча қушлар кетиб, қушлар қайтди,
Менга меҳнат йўргагимдан юққан экан.
Аранг англаб олдим, соқов акам айтди —
Онам мени пахтазорда туққан экан.

Соқов дедим. Акам асли дудуқ бир оз,
Асли шоир ўша ўзи — мен тилмочман.
Дили тўла дард-у сайролмайди, холос,
У бир булбул бўлса, мен бир қалдирғочман.

Яхшиямки соқов, —
Аммо доно соқов,

Сўзни сайлаб ёзгин, кўнгил тўлсин дейди.
У соғ бўлса бизларга нон тегмасди-ёв,
У соғ бўлса бизларга йўл бўлсин эди...

Юртим, омон бўлсин бари болаларинг,
Ва уларга доя, туғруқхоналар ҳам.
Омон бўлсин уфққа туташ далаларинг,
Далаларда бизни туққан оналар ҳам.

1977

* * *

Баҳорда кўп оғир
Қиқирлаб турса
Тиззангга суйкалиб лолақизғалдоқ,
Беғубор ёшлигинг ўтган жойларда
Қўлтиқтаёқ билан ҳаккалаб юрмоқ.

Яланғоч новдалар пичирлаб турса
Кузда, сукунатга чўкканда чорбоғ,
Кўп оғир, индамай кетиб бораётган
Мўмин турналарга боқиб уй сурмоқ.

Кўп оғир, беғубор қорлар ёққанда,
Қишда, дала-даштга қўнганда туман
Сопқонга тегмаган ўқни сийпалаб,
Урушни эсламоқ, сандалдан чиқмай,
Хокисор, вафодор хотининг билан.

1977

Ўзбекистон

О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тушай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,
Тоғларинг изимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,
Ё худбинман, ё бир содда касман мен:
Парижнинг энг гўзал ресторанларин,
Битта тандирингга алишмасман мен.

На ганга кўнайин,
На тил билайин,
Кўздан уйқу кочди, дилдан ҳаловат.
Уч кунда соғинсам нима қилайин?..
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улуғим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда туғилган қўзинг
Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.

Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.

1994

Фарёд

Кўрмай яшаб кетганлар бор бахтиёр,
Билмай яшаб кетганлар бор бахтиёр.
Биз сен билан қўл ушлашиб юргандик,
Айб мендами, айб сендами энди, ёр?..

Кўринмасдик худойим тенг кўрмаса,
Кўриштириб сўнг наҳот ҳол сўрмаса.
Бахт берса-ю, аммо фарзанд бермаса,
Айб мендами, айб сендами энди, ёр?..

Нетай шундай кенг дунёга сиғмасам,
Боламга деб ўйинчоқлар йиғмасам,
Тушларимда алла айтиб йиғласам,
Айб мендами, айб сендами энди, ёр?..

Тун чўкса-ю, кўринмаса тонготар,
Қай томонга ёнбошласам тош ботар,
Онам олиб қўйган бешик бўш ётар,
Айб мендами, айб сендами энди, ёр?..

Синовми бу ё синоат, билмадим,
Ё кўникдим, ё қаноат қилмадим,
Битта йўргак ювиб дорга илмадим,
Айб мендами, айб сендами энди, ёр?..

Кўнглим ўксир қўйшимга зар тўлса ҳам,
Уйим агар Тожимаҳал бўлса ҳам,

Вой болам-а, туғилмаган жон болам!
Айб мендами, айб сендами энди, ёр?..

1998

Она тилим

Гарчи зуғум қилганларни ёктирмадим,
Шеър ёздиму бўлак ишни қотирмадим.
Тилим туриб ўз тилимда гапирмадим,
Бир эсласам эзилади бағри-дилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Онам «эркам» деб қучганда тунлар ярим,
Эрким йўқ деб зирқирарди бир жойларим,
Паровозни ҳансиратган буғдойларим,
Олтинларим, маъданларим, инакларим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимлар учун биз эдик бир бадавийлар,
Ўзбекни қон қақшатганни ўзбек сийлар,
Ҳолимизни қон кузатди Яссавийлар,
Тонганимиз ҳандалакдек тилим-тилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимдир майда миллат бўлди, кимдир катта,
Катта миллат — Афандиси йўқдир хатто,
Биз қаёда, биз боққанлар юрди отда,
Зулм ўтса фақат сендан ўтди зулм,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Сен бўлмасанг нима бизга силлик шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар,
Баҳонг-ку бериб кетган Алишерлар,

Юрагимнинг туридаги сўлмас гулим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Бир қарасам ҳар шевангда минг жилолар
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.
Қодирийлар, Чўлпонлар-у, Абдуллолар,
Сенинг қайтган кунинг мен туғилган йилим,
Она тилим, эй муқаддас Она тилим. *1994*

* * *

Мен на бойваччаман,
Мен на султонман,
Ғариб бир онага ғариб ўғлонман.
Агар сен ер бўлсанг, мен ундан хоксор,
Агар сен шер бўлсанг — мен ҳам арслонман.

Кундайин йилларим ўтар тизилиб,
Бир бошга бир ўлим турар сузилиб,
Бўйним эгилгунча кетсин узилиб,
Орият йўлида кўкси қалқонман.

Борингда соянгга сажда этарлар,
Нонингни еб, қўлинг тишлаб кетарлар.
Йўғингда кўз қоқмай ташлаб кетарлар,
Дўст дегандан озор топган инсонман.

Қумга тўлиб қолган гавҳари кўзим,
Гоҳи тушунмасман ўзимга ўзим.
Худо бор-ку деяман, ўксинма, Азим,
Токай бу дунёда юраги қонман.

Дегайлар ёлғизга худойимдир ёр,
Бу дунёда беклар, у дунёда хор.

Ўзимдан ҳам содда болаларим бор,
Бўга етаклаган оғир карвонман!.. *1989*

Юрак билан суҳбат

— Соҳиб дилим, нега кунда йиғлайверасан,
Нега йиғлаб ҳиқ-ҳиқ, юрагингни тиғлайверасан?
— Кунда шу ҳол, дўсти ҳалол, ҳайронман мен ҳам,
Ўнкам тўлиб кетар бир кун йиғламай қўйсам.
— Хавотирдамисан, онаизорингданми,
Ё дўстингдан куйганмисан, ё ёрингданми?
— Онам ўлган... Бу иккиси жумбоқ мен учун,
Иккови ҳам менга кўрсатар кучин.
Шундай дамлар йиғламасдан ёзолмайман шеър,
Сенга нима, тўхтаб юриб, уриб туравер.
— Соҳиб дилим, майлига-ю, кўп йиғлайсан-да,
Қараб турсам ҳеч бир яйраб сен кулмайсан-да?!
— Мен шунақа йиғлоқроқман, ҳамма билади,
Фақат... ўлсам йиғламайман, уят бўлади.

1989

Тилак

Ҳар кимсанинг бўлсин ўзин бошпанаси,
Ҳар кимса ўз кулбасида даврин сурсин.
Одамни-ку айтмай турай, бу дунёда
Ҳатто, қушнинг ёт бутоқда ини қурсин.

Тирик инсон бир куни оч, бир кун тўқдир,
Бир кун тўкин, бир кун бурда нони йўқдир.
Бир ўғил-ку отасиз ҳам кунин кўргай,
Отаси йўқ халқнинг кўрган куни қурсин!..

Гарчи бошин эггани йўқ эдик бизлар,
Экканидан теккани йўқ эдик бизлар.
Ватанида ватани йўқ эдик бизлар...
Ўша зулмат ўтмиш, сенинг уйинг куйсин.

Ўз элингда энди ҳушинг, ўзинг чоғла,
Ўз қўлингда энди қушинг, ўзинг овла.
Олтинларинг тирноқларинг билан ковла,
Ва йиғиб қўй! Болаларинг учун турсин.

Бешикларга тўлиб кетсин бир ўзбеклар,
Тили чиқмай кўзи чақнар ҳур ўзбеклар —
Давлатбеклар, Эътиқодбек, Иймонбеклар
Бобожон, деб соқолларинг силаб турсин.

Мен бу шеърни ёзганим йўқ атай ўйлаб,
Мен шеър ёздим гуркираган юртга бўйлаб.
Шундай юртни худойимнинг ўзи қўллаб,
Шундай юртни худо ўзи асраб юрсин!..

1992

Билолим

Кечаю кундузи сенда хаёлим,
Умрим ўртасида тонган зилолим,
Отангга арзанда ўғил бўл, лекин,
Билиб қўй, сен асли менинг Билолим.

Сенсиз қайга етмиш шох отганларим,
Тонганимдан кўпроқ йўқотганларим,
Хўп де, булбулчангдан бир ўпиб олай,
Офтобдан гўзалим, ойдан ҳилолим.

Сенинг келишингни қанча кутдим мен,
Бобо дейишингни қанча кутдим мен,
Ҳозирча ўзингга айтолмасман-у,
Тилинг чиққан куниң бор бир саволим.

Маконинг тоғларнинг дашту даласи,
Эй арзанда қизимнинг азиз боласи,
Алпдай йигит бўлгин, мағрур ва масрур,
Сен давом этказгил менинг сулолим.

Ҳозирча кўзингдан ўпаман, холос,
Қўлингдан, юзингдан ўпаман, холос,
Салом эй бахтимга ёғилган ёғду,
Билиб қўй, сен асли менинг Билолим.

Тезроқ улғай дейман, эй мурғак танча,
Мендай хоксорни ҳам кўролмас қанча,
Сенсиз ёлғизлигим тегди жонимга,
Яшарлар жонимга нишларин санча.

Билиб қўй, ортимда қолар изим сен,
Жонимга малҳамим, ширин сўзим сен,
Қорамағиз болам — менинг ўзим сен,
Мен бир чинор бўлсам, ўзинг — ниҳолим.

1999

МУНДАРИЖА

«Шоирнинг сози тинмайди». *Муҳаммад Али* 5

ЭСЛАСАК АРЗИРЛИ ХУШ ДАМИМИЗ БОР

Халқ бўл, элим 17
Ватаним 18
Янги йил кечаси 19
Иншаалоҳ 22
Жайрон 23
Меҳр қолур 24
«Шеърият бу...» 24
Муҳаббат 25
Сувпари 26
Тўй кечаси 27
Кундошли уй 28
Мудлаю 29
Зеби, Зеби 30
Нетарман 31
Озода 32
Биз бахтли бўламиз 33
Мен биттадурман 35
Нима қилай 36
Елғончилар 37
Тушларимга кир 38
Севги садоси 39
«Севги бамисоли...» 39
Мактуб 40
Сир 42
«Тузалмайди дардим...» 43
«Азизимсан...» 44
«Муҳаббат, сен чиройли...» 45
Хаёл 46
Уйқудаги қиз 47
Бир қиз йиғлар 48
«Шеърият, эй...» 49
Хавотир 50
Андижон 51
Райҳон 52
«Ўлсаму, унутсанг...» 53
Муҳаббатим 54
Онамга 54
Лаганбардорлар 55
Дунё 56
Бир кеча 57
«Мана шу мен...» 58
«Ситамларинг кўпдир...» 59
Севги бу 60
Самарқанд 61
Синглимга мактуб 62
Қизғалдоқ 63
Қизил олма 64
Ўтинч 65
Муҳаббат 66
Капалаклар 67
Уни танийсиз 68
Қушлар ҳам йиғлар 69
Келинчак 70
Гўзаллар 71
Елғончи ёр 71
Турғунлик 72
Руҳ тўписи 73
«Кузда кетган турна...» 74
«Эсламасанг ҳам...» 75
Ерёр 76
«Бекатларда мен қоларман...» 77
Яхши 78
Чимилдиқ 79
Унутиш 79
«Осмон чўкиб...» 80
Кетар бўлдим 81
Соғиндим 82
Учлонлар 83
«Елғон ёмон дерлар...» 84
Ҳақиқат 84
Кукламойим 85
Онамга хат 87
Анор 88

Хазил . . . 89
Ота уй . . . 89
Бағишлов . . . 91
Эрка кийик . . . 92
Қуйиберинг . . . 93
«Қизғалдоқлар қуйнида...» . . . 95
«Хали билмай...» . . . 95
«Юргим, адо булмас...» . . . 95
Оқибат . . . 96
Севар экан . . . 97
«Тунда шеър айтишдик...» . . . 97
Узр . . . 99
Ота . . . 100
«Байрамдир хар кунинг...» . . . 101
Болалик . . . 102
«Ғирот минган...» . . . 102
Навоий . . . 103
«Онажон, онажон...» . . . 104
«Қуёшга қараб...» . . . 105
Туркман қиз . . . 106
Содда Мухаммадман . . . 107
«Мендай ғарибни хам...» . . . 107
«Бу бешафқат...» . . . 108
Қалдирғоч . . . 110
Палахмон . . . 110
«Румолингни буяма...» . . . 111
«Бир йил булди...» . . . 112
Кинога кирмайман . . . 113
Иқрор . . . 114
Сумалак . . . 115
«Атиргулдан...» . . . 116
Зебижон . . . 117
Айт . . . 118
«Жонимда жон...» . . . 119
«Ўксимагин о, юрак...» . . . 120
Булбул . . . 121
Ажаб дунё . . . 122
Ота . . . 123
«Сочим оқарса...» . . . 124
«Карнай йиғлар...» . . . 124
Ёғоч беник . . . 125
Қизлар кунини . . . 126
Далада . . . 127
«Босмачилар...» . . . 128
Кечикиш . . . 130
Кетиб қолдим . . . 132
«Бахорда куп оғир...» . . . 133
«Хайрон булмам...» . . . 133
«Сен хат ёзма...» . . . 134
Шифохонада . . . 135
Истак . . . 135
Тараққиёт . . . 136
Ният . . . 137
Қизилгул . . . 138
«Умримда жуда куп...» . . . 139
Манзара . . . 139
«Ўзбекфильм...» . . . 140
Шоир севгиси . . . 141
Тилак Жура . . . 143
Розидил . . . 143

БИР ЙИГИТЛАР ТУҒИЛСИНКИ...

Осмоннинг охири . . . 147
Кухна кудуқ. (*Достон*) . . . 156
Қари қиз . . . 174
«Қайлардасан ўзинг...» . . . 175
Жиида тагида . . . 176
Кук дарвоза . . . 177
Нидо . . . 178
Йигирманчи аср . . . 179
Сурат . . . 180
Асакалик қизга . . . 183
Санам . . . 184
Шукр дейсан сен қачон . . . 185
Маслахат . . . 186
«Таништ терак...» . . . 187
«Зурлаб қиз...» . . . 188
Олисдаги қадрдон . . . 189

Оқ рўмол қизлар 190
Кристина 191
Халқона 193
Тўй 194
Савол 195
Амир Темур 196
Хирмондаги бола 197
«Оламда нима гап...» 198
Илож 198
Оқ тулпор 200
Ўп мени 201
Бола 202
Посбонлар 203
Ўзбекмомо 204
Ҳаёт бу 205
Зайнаб қўшиғи 206
Қишлоқда 207
Маъруф Жалил 208
Қалдирғоч 208
«Не қиларди...» 209
Уруш йилларининг жонон қизлари 210
«Яна қуёш чиқди...» 211
Эгасиз уй 212
Сўнгги сатрлари 213
«Гоҳо мен ҳам...» 214
Бригадир 215
«Бир куни...» 217
Бир қиз бор 218
Менга беринг 219
«Она, мени нега...» 221
Изҳори дил 221
«Менга таниш юзинг...» 223
Қарға 223
Ғурур 225
Қора қумғон 225
Ёқуб мерган 226
Анжелика 228
Турналар 229
Талабалар мадҳияси 230
Қурувчи самолётлар 231
Қайда бор 232
Туғруқхонада 234
Қиёмат 235
Нима дедим 236
Орзу 237
Математикани ёмон кўраман . . . 237
Дўппи 238
Йиғлаб туринг 239
«Бисотимни боғда...» 240
Биби 241
Ўлан 242
Математика дарси 243
Топволди 244
Ажаб 245
Оймома 245
Миртемир ва менинг аммам . . . 246
«Кўнгил шодлигига...» 247
Уч ўғил ва бир қиз қиссаси . . . 248
Ҳайвонот боғи 251
«Менинг юрагимни...» 252
«Қисси йўқ, асло...» 252
«Бу қиз қўлим...» 253
Эски айвон 254
Терма 255
Отабек қўшиғи 256
Тиллақўнғиз 257
Меҳмон 258
«Қодир, қандоқ экан...» 259
«Қўл ушланиб...» 260
Инсон 260
Машҳур ўғил 261
Чўлоқ турна 262
Тилла балдоқ 263
Биринчи бўса 264
Ширин азобим севгим 264
Юрак 267
Таваллуд 268
Бир куни 269
Тилак 270
Бор бўлсин 270
«Юзга ажин тушди...» 271
Ялғиз 272
Эртак 273

Уял 274
Машраб хирғойиси 275
Мадина 276
Иймон қушиғи 267
Менинг эртагимсан 268
«Севгим менинг...» 279
Ўпич 280
Марсия 281
Оинкор 282
«Тойчоқ бўлиб...» 283
Кўнглимдаги ер 284
«Биз бархает сиймо...» 285
Эски ашён 286

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ

Бободеҳқоним 289
Мунчоқ 293
Қора қуёш (*Достон*) 294
Худбинга 316
Ўрганиш 317
Кокилинг 318
Ўн саккизга кирган қиз 319
Шоирлар 320
«Баҳорим ўрнини...» 320
Тараққиёт 321
Шабнам 323
Бешинчи ўғил 324
Ўғил бўлсанг 327
Нечун 328
Бой қизи 329
Қизлархон 330
«Дарёдек чайқалиб...» 331
Дарё 332
Хинду қушиғи 333
Малика 334
Шоир 335
Мингтепа қушиғи 336
Насиба 337
«Менсиз ҳам...» 338
Ҳайрат 339
Аллоҳ гўзал 342
Ўзбек қизлари 343
Етим севгим 344
Хурсаной она 345
Қазвин 346
Тилло сандиқ 348
Кумуш 348
Қалахўз 349
Минг-минг 351
Оқ қўчқор 352
Рафиқамга 353
Тошкент 355
Саид Ахмад 356
Мўминжон 357
Янги йил қўшиғи 358
Яхши бола 359
Ўзбекнинг аёллари 360
Онамдан хат 361
Ўқувчимга 362
«Меҳрим қаттиқ бўлди...» 363
Эй жуфти халолим 364
Кўзмунчоқ 365
Ўзингдан қўймасин, халқим . . . 366
Лолақизғалдоқ 367
Таваллуд 371
«Баҳорда кун оғир...» 372
Ўзбекистон 373
Фарёд 374
Она тилим 375
«Мен на бойваччаман...» 376
Юрак билан суҳбат 377
Тилак 377
Билолим 378

Адабий нашр

МУҲАММАД ЮСУФ

САЙЛАНМА

Шеърлар. Достонлар

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2016

Ортиқали Қозоқов расмларидан фойдаланилди.

Муҳаррир *Зебо Мирзаҳакимова*
Бадиий муҳаррир *Феруза Башарова*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Компьютерда саҳифаловчи *Мастура Атхамова*
Мусаҳҳиҳ *Маъмура Зиямуҳамедова*

Нашр лицензияси AI № 201, 28.08.2011 йил.

Тайёр диапозитивдан босишга рухсат этилди 20.02.2016. Бичими $70x108^1/_{32}$ «PeterburgUz» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 16,8. Нашриёт-ҳисоб табоғи 13,0. Адади 10000 нусха. Буюртма № 4156. Баҳоси келишилган нархда.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Муҳаммад Юсуф

сайланма

ISBN 978-9943-26-449-6